BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
1930

ISSN 2181-6833

# PEDAGOGIK MAHORAT

2

2019



ISSN 2181-6833
9 772181 683301

ISSN 2181-6883

# PEDAGOGIK MAHORAT

**Ilmiy-nazariy va metodik jurnal**

**2-son (2019-yil, aprel)**

**Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan**

**Buxoro – 2019**

# PEDAGOGIK MAHORAT
## Ilmiy-nazariy va metodik jurnal
## 2019, № 2

Jurnal O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrdagi qarori bilan **pedagogika** va **psixologiya** fanlari bo`yicha dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo`lgan zaruruiy nashrlar ro`yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O‘zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro‘yxatga olingan.

**Muassis: Buxoro davlat universiteti**
**Tahririyat manzili:** O‘zbekiston Respublikasi,Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko‘chasi, 11-uy
Elektron manzil: ped_mahorat@umail.uz

**TAHRIR HAY‘ATI:**
**Bosh muharrir:** Adizov Baxtiyor Rahmonovich– pedagogika fanlari doktori, professor
**Bosh muharrir o‘rinbosari:** Navro‘z-zoda Baxtiyor Negmatovich – iqtisod fanlari doktori, professor
**Mas‘ul kotib: Hamroyev Alijon Ro‘ziqulovich** – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

*Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisod fanlari doktori*
*Begimqulov Uzoqboy Shoyimqulovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Choriyev Abdushukur Choriyevich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Yanakiyeva Yelka Kirilova, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi Janubiy-G`arbiy Universitet, Bolgariya)*
*Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor*
*Jabborov Azim Meyliqulovich, psixologiya fanlari doktori, professor*
*Sunnatova Ra‘no Izzatovna, psixologiya fanlari doktori, professor*
*Kozlov Vladimir Vasilyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Yaroslavl davlat universiteti, Rossiya)*
*Morogin Vladimir Grigoryevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Xakassiya davlat universiteti, Rossiya)*
*Belobrikina Olga Alfonsasovna, psixologiya fanlari nomzodi,professor (Novosibirsk davlat pedagogika universiteti, Rossiya)*
*Chudakova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Ukraina)*
*Chuprov Leonid Fedorovich, psixologiya fanlari nomzodi, RAE professori (Abakan, Rossiya)*
*Kozubsov Igor Nikolayevich, pedagogika fanlari nomzodi, RAE professori (Kiyev, Ukraina)*
*Sidorova Lyudmila Pavlovna, falsafa fanlari nomzodi, dotsent (“Oliy iqtisodiyot maktabi” milliy tadqiqot universiteti (Rossiya)*
*Tadjixodjayev Zokirxo‘ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor*
*Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor*
*O‘rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor*
*Axmedova Shoira Ne‘matovna, filologiya fanlari doktori, professor*
*Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor*
*Hayitov Shodmon Axmadovich, tarix fanlari doktori, professor*
*To‘rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor*
*Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor*
*Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisod fanlari doktori, professor*
*Bo‘taboyev Muhammadjon To‘ychiyevich, iqtisod fanlari doktori, professor*
*Bo‘riyev Sulaymon Bo‘riyevich, biologiya fanlari doktori, professor*
*Olimov Shirinboy Sharopovich, pedagogika fanlari doktori, professor*
*Qahhorov Otabek Siddiqovich, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent*

**ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО**
**Научно-теоретический и методический журнал**
**№ 2, 2019**

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании Решения ВАК от 29 декабря 2016 года для получения учёной степени по **педагогике** и **психологии**.

Журнал основан в 2001г.
Журнал выходит 6 раза в год
Журнал зарегистрирован Бухарским управлением агентства по печати и массовой коммуникации Узбекистана.
Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 05-072 от 22 февраля 2016 г.
**Учредитель: Бухарский государственный университет**
**Адрес редакции:** Узбекистан, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол, 11.
e-mail: ped_mahorat@umail.uz

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**
**Главный редактор:** Адизов Бахтиёр Рахманович – доктор педагогических наук, профессор
**Заместитель главного редактора:** Навруз-заде Бахтиёр Нигматович – доктор экономических наук, профессор
**Ответственный редактор:** Хамраев Алижон Рузикулович – кандидат педагогических наук, доцент

*Хамидов Обиджон Хафизович, доктор экономических наук*
*Бегимкулов Узакбай Шаимкулович, доктор педагогических наук, профессор*
*Махмудов Мэлс Хасанович, доктор педагогических наук, профессор*
*Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор*
*Чориев Абдушукур Чориевич, доктор педагогических наук, профессор*
*Янакиева Елка Кирилова, доктор педагогических наук, профессор (Болгария)*
*Каххаров Сиддик Каххарович, доктор педагогических наук, профессор*
*Баратов Шариф Рамазанович, доктор психологических наук, профессор*
*Джаббаров Азим Мейликулович, доктор психологических наук, профессор*
*Суннатова Рано Иззатовна, доктор психологических наук, профессор*
*Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор (Ярославль, Россия)*
*Морогин Владимир Григорьевич, доктор психологических наук, профессор (Абакан, Россия)*
*Белобрыкина Ольга Альфонсасовна, кандидатпсихологических наук, профессор (Новосибирск, Россия)*
*Чудакова Вера Петровна, PhD (Психология) (Киев, Украина)*
*Чупров Леонид Федорович, кандидат психологических наук, профессор РАЕ (Абакан, Россия)*
*Козубцов Игорь Николаевич, кандидат технических наук, профессор РАЕ (Киев, Украина)*
*Сидорова Людмила Павловна, кандидат философских наук, доцент (Нижний Новгород, Россия)*
*Таджиходжаев Закирходжа Абдусаттарович, доктор технических наук, профессор*
*Аманов Мухтор Рахматович, доктор технических наук, профессор*
*Ураева Дармоной Саиджановна, доктор филологических наук, профессор*
*Ахмедова Шоира Негматовна, доктор филологических наук, профессор*
*Дурдыев Дурдымурад Каландарович, доктор физико-математических наук, профессор*
*Хаитов Шадман Ахмадович, доктор исторических наук, профессор*
*Тураев Халим Хаджиевич, доктор исторических наук, профессор*
*Мирзаев Шавкат Мустакимович, доктор физико-математических наук, профессор*
*Махмудов Насыр Махмудович, доктор экономических наук, профессор*
*Бутабоев Мухаммаджон Туйчиевич, доктор экономических наук, профессор*
*Буриев Сулаймон Буриевич, доктор биологических наук, профессор*
*Олимов Ширинбай Шарапович, доктор педагогических наук, профессор*
*Каххаров Отабек Сиддикович, доктор философии по экономическим наукам (PhD), доцент*

# PEDAGOGICAL SKILLS
## The scientific-theoretical and methodical journal
## # 2, 2019

The journal is submitted to the list of the scientific journals applied to the scientific dissertations for **Pedagogic** and **Psychology** in accordance with the Decree of the Presidium of the Ministry of Legal office of Uzbekistan Republic on Regulation and Supervision of HAC (The Higher Attestation Commission) on December 29, 2016.

The journal was founded in 2001.
The journal is published 6 times a year

The journal is registered by Bukhara management agency for press and mass media in Uzbekistan.
The certificate of registration of mass media № 05-072 of 22 February 2016

**Founder: Bukhara State University**

**Publish house:**Uzbekistan, Bukhara, Muhammad Ikbol Str., 11.
e-mail: ped_mahorat@umail.uz



**EDITORIAL BOARD:**

**Chief Editor:** Ph.D. of Pedagogy, Prof. Bakhtiyor R. Adizov. **Deputy Editor:** Ph.D. of Economics, Prof. Bakhtiyor N. Navruz-zade. **Editor:** Ph.D., Asst. Prof. Alijon R. Khamraev

*Ph.D. of Economic Sciences Obidjan X. Xamidov*
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Uzakbai Sh. Begimkulov*
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Mels Kh. Mahmudov*
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Holby I.Ibrahimov*
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Abdurashid Ch. Choriev*
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Yelka K. Yanakiyeva (Bulgaria)*
*Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Siddik K. Kahhorov*
*Ph.D. of Psychology, Prof. Sharif R.Baratov*
*Ph.D. of Psychology, Prof. Azim M. Jabbarov*
*Ph.D. of Psychology, Prof. Rano I.Sunnatova*
*Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir V. Kozlov (Yaroslavl, Russia)*
*Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir G. Morogin (Abakan, Russia)*
*Ph.D. of Psychology Sciences, Prof. Olga A. Belobrikina (Novosibirsk, Russia)*
*Ph.D. of Psychology, Vera P. Chudakova (Kiev, Ukraina)*
*Ph.D. of Psychology, As.prof. Leonid F. Chuprov (Abakan, Russia)*
*Ph.D. of Technical sciences, As.prof. Igor N. Kozubsov (Kiev, Ukraina)*
*Ph.D. of Philosophycal science, As. prof. Lyudmila P. Sidorova (Russia)*
*Ph.D. of Technical sciences, Prof. Shavkat M. Mirzaev*
*Ph.D. of Technical sciences, Prof. Mukhtor R.Amanov*
*Ph.D. of Technical sciences, Prof. Zakirkhodja A. Tadjikhodjaev*
*Ph.D. of Philology, Prof. Darmon S. Uraeva*
*Ph.D. of Philology, Prof. Shoira N. Akhmedova,*
*Ph.D. of Physical and Mathematical Sciences, Prof. Durdimurod K. Durdiev*
*Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Shadman A. Khaitov*
*Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Halim H. Turaev*
*Ph.D. of Economics, Prof. Nasir M. Mahmudov*
*Ph.D. of Economics, Prof. Mukhammadjon T. Butaboev*
*Ph.D. of Biological Science, Prof. Sulaymon B. Buriev*
*Ph.D. of Pedagogical Science, Prof. Shirinboy Sh. Olimov*
*Ph.D. doctor of philosophy in economics Otabek S.Kahhorov*

## МУНДАРИЖА


**PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA** **7**

Бахтиёр АДИЗОВ. Олий таълим ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимларини интеграциялашнинг назарий асослари....7
Оксана ПЕРЕРВА. Творческая направленность учебно-познавательного процесса в вузе....11
Ширинбой ОЛИМОВ, Дилдора ҲОТАМОВА. Педагогик тизим - тарбия жараёнини технологиялаштиришнинг асоси сифатида....15
Акрам СОҲИБОВ, Адҳамжон ЗИЯЕВ. Бошланғич синф ўқувчиларида фуқаролик туйғусини шакллантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари....20
Қобилжон АБДУЛЛАЕВ. Зардуштийлик таълимоти ғояларининг илк юнон илм-фани тараққиётига таъсири....24
Анвар АЛИМОВ, Аъзам АЛИМОВ. Касб таълими йўналиши талабаларини тайёрлашда вариатив технологияларнинг аҳамияти....27
Зайниддин БОЗОРОВ. Фуқаролик жамияти – талаба-ёшларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг мақсади ва асоси сифатида....32
Дилфуза ЖАББОРОВА. Педагогик технологиянинг миллий асослари....36
Асомиддин РАҲИМОВ. “Маънавий-маърифий фаолият” тушунчаси ва уни талабаларда шакллантириш....40
Улуғбек ИБРАГИМОВ. Магистратура йўналишлари мутахассислик фанларини ўқитишда замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятлари....44
Нигора САЙФУЛЛАЕВА. Анализ перспектив применения модульного обучения при развитии экономического мышления у студентов....48
Шабон ФАРМОНОВА. Лойиҳавий таълим ва бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришда касбий компетентлик муаммоси....56
Фаррух ТУРКМЕНОВ. Талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда спорт байрамларининг роли....60
Азиза МУСИНОВА. Таълим жараёнида мис кандакорлиги маҳоратини ривожлантиришда индивидуал ёндашиш....64
Бобомурод ЖЎРАЕВ. Сомонийлар даврида педагогик фикрлар тараққиёти....67
Шоҳида ЮСУПОВА. Техник тафаккур тушунчасининг мазмун-моҳияти....71
Гўзал ЮНУСОВА. Боланинг мактабда ўқишга ақлий жиҳатдан тайёрлиги....74
Feruza HAMIDOVA, Yashin NARZULLAYEV. O‘smirlarda milliy mansublik xususiyatlari asosida vatanparvarlikning etnopsixologik imkoniyatlari....77
Gulshoda ISMATULLAYEVA. Maktabgacha va boshlang‘ich ta’limning uzviyligini ta’minlashning metodik asoslari....81
Темир ОЛИМОВ. Шарқ мутафаккирлари ижодида фуқаролик жамияти ва маданиятини ривожлантириш масалалари....85

**МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ** **89**

Мухаммад ФАЙЗУЛЛАЕВ, Дилноза НОСИРОВА, Мадина ЖУМАЕВА. Технология интерпретации басен для детей дошкольного возраста....89
Нигора АДИЗОВА. Болаларни теварак-атроф билан таништирувчи қизиқмачоқлар....93
Нозима АСЛАНОВА. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш усуллари....96
Бахриддин Муранов, Самандар Муранов, Ш.Пирназаров. Мактабгача таълимда болалар онгидаги сенсор ўзгаришларни ҳисобга олиш....102

**ФИЛОЛОГИЯ ВА ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ** **105**

Назора БЕКОВА. Навоийнинг форсий мероси хусусида....105
Барнохон САМАТОВА. Нофилологик олий таълим муассасаларида инглиз тили ўқитишда талабаларининг мотивациясини ривожлантиришга қаратилган машқлар тизими....108

**АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАР** **114**

Khakim KULDOSHEV, Gulzahiryam ABLIZOVA, Mohlaroyim QIRG‘IZBOYEVA. The importance of applying the LMS MOODLE system to the online education ....................114
Extiyor ATOYEV. Ekologik muammolarning kelib chiqishi va ularning atrof-muhitga ta‘siri ............119
Зулфия БЕРДИЕВА. Кимё фанидан электрон дарсликлар яратишда анимация тузиш технологияси ....................122

## МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ ВА САНЪАТ 126

Санокул ДЎСТОВ. Мусиқий эстетик тарбияда синфдан ташқари ишлар....................126
Азамат РАЖАБОВ. Ўқувчиларда мусиқий тасаввур шаклланишининг психологик асослари ....129
Шодижон БАКАЕВ, Шерзоджон ШОКИРОВ. Турар жой биноларидаги безакларининг бадиий хусусиятлари ....................132
Гулбаҳор КАЗИМОВА, Манзура ХОЛИҚОВА, Рамзиддин УРАЛОВ. Топографик чизмачиликда power point дастуридан фойдаланиб динамик тасвирлар ҳосил қилиш ....................136
Nazokat SAYIDOVA. Innovatsion ta`lim texnologiyalarini qo‘llashda mytest X dasturining imkoniyatlaridan foydalanish....................139

## ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ 145

Akram ABDULAXATOV. Kurashni qadriyat sifatida o‘rganish — zamon talabi....................145
Талъат УСМОНХОДЖАЕВ, Нуриддин ЧОРШАМБИЕВ, Муҳаммаджон РАДЖАПОВ. Ёш курашчиларда тикланиш воситаларидан фойдаланишда шарқона массажни қўллашнинг самарадорлиги ....................147
Abduhamid NURULLAYEV. Jismoniy madaniyat va sportni boshqarish tizimi asoslari....................152

Мақолаларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар ....................155



**Бахтиёр АДИЗОВ**
Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси профессори,
педагогика фанлари доктори

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ҲАМДА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*Мақолада олий таълим ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимларини интеграциялаш хусусида фикр баён этилган. Олий таълим ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнини интеграциялаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш ва касбий фаолият давомида қайта тайёрлаш ва малака оширишни тизимли таҳлил қилиш, уларнинг алоқадорлигини аниқлаш, бундан ҳосил бўлган таълимий ҳамкорлик қонуниятларини ёритиш, олий таълим ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида ўзаро боғланмаган, таълимнинг сифатига бевосита таъсир қиладиган концепциялар ҳақида фикр баён этилган.*

***Калит сўзлар:** олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш,интгеграция, таълим тизими, кадрлар тайёрлаш, тингловчи, талаба.*

*В статье описывается идея интеграции системы высшего образования и повышения квалификации.Интеграция высшего образования и повышения квалификации является одной из актуальных проблем сегодняшнего дня. Системный анализ повышения квалификации в процессе подготовки и профессиональной деятельности кадров, определение их взаимосвязи, освещение законов образованного образовательного сотрудничества, изложение концепций, не связанных между собой в процессе высшего образования и повышения квалификации, непосредственно влияющих на качество образования.*

***Ключевые слова:** высшее образование, переподготовка и повышение квалификации, интеграция, система образования, подготовка кадров, слушатель, студент.*

*The article describes the idea of integration of higher education and training. Integration of higher education and advanced training is one of the urgent problems of today. System analysis of professional development in the process of training and professional activity of personnel, the definition of their relationship, coverage of the laws of educational cooperation, the presentation of concepts unrelated to each other in the process of higher education and training, directly affecting the quality of education.*

***Key words:** higher education, retraining and advanced training, integration, education system, training, listener, student.*

Республикамизда мустақиллик йилларида кадрлар тайёрлашнинг янги тизими яратилиб, мутахассислар сифатига қуйиладиган замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали, рақобатбардош, танланган таълим йўналиши бўйича мустақил ишлай оладиган, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига муносиб ҳисса қўшишга қодир мутахассислар тайёрлаш изчил амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини давом эттириш” муҳим вазифалар ҳисобланади [1].

Бугунги кунда узлуксиз таълим (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мактабдан ташқари таълим) турлари, жумладан, олий таълим ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ўртасидаги интеграцияси алоҳида аҳамият касб этади.

Дастлаб интеграция сўзининг маъносига тўхталсак. Интеграция термини XX асрнинг ўрталарида сиёсий, иқтисодий ва илмий техник соҳаларда қўлланила бошланган. Таълим жараёнининг мақсадидан келиб чиқиб, интеграция сўзи икки маънода қўлланади. Интеграция: 1) ўқув фанларининг ўзаро

алоқадорлиги; 2) лотинча "integratio" сўзидан олинган бўлиб, қайта қуриш, тиклаш, тўлдириш деган маънони англатади. "Integr" -тўлиқ, бутун, яхлит деган маънони англатади. Интеграция – бир-бири билан органик бирлашиб кетиш, бир-бирига ўзаро сингиш, бир-бири билан бирлашиб янги, ягона барқарор умумлашган-яхлит ғояни ҳосил қилиш [3].

Интеграция муаммоси Д.Н. Ушакова, Н.И. Кандаков, В.С. Безруковаларнинг тадқиқотларида атрофлича тадқиқ қилинган. Шунингдек, Ю.С. Тюнников интеграция тушунчасига тегишли бир қатор белгиларни таснифлайди. Булар:

1. Интеграция турли ўзаро алоқадаги элементлар асосида қурилади.
2. Интеграция ўзаро алоқадаги элементларнинг сифат ва сон ўзгариши билан боғлиқ.
3. Интегратив жараён мантиқий мазмун асосига эга.
4. Интегратив жараён ўз тузилмасига эга.
5. Педагогик йўналтирилганлик ва унинг нисбатан мустақиллиги [2].

Биз интеграция тушунчасини Шарқнинг буюк олимлари Абу Али ибн Сино, Беруний, Улуғбек ва бошқа қомусий билимларга эга бўлган аллоломаларимизнинг илмий меросини ўрганишда кузатишимиз мумкин. Жумладан, улар фаолиятнинг бир туридан иккинчисига осонлик билан ўта олишган. Чунончи, улуғ адиб Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини тарихий, географик, этнографик, адабий ва шу каби маълумотлар мажмуидан иборат бўлиб, уни фанлар интеграцияси асосида яратилган асар десак хато бўлмайди. Гарчанд Шарқ алломалари “предметлараро алоқа” тушунчасини ишлатмаган бўлса-да, фанлар интеграцияси асосида илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. Бундан кўринадики, таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, интеграциялаш тушунчаси назаримда, XX аср ўрталарида эмас унинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади десак муболаға бўлмайди.

Педагогикада интеграция тушунчаси таълим жараёнини ташкил этиш, бошқариш, назорат қилишнинг мақсади, мазмуни, таълимнинг ташкилий шакллари, воситаси, технологиялар, таълим методи ҳамда назорат бирлигини ифода этади, таълим компонентларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди. Бу таълим функцияларининг кенгайиши (интегратив функция), инновацион таълим (интегратив таълим), таълим модернизацияси (интегратив технологиялар), таълимнинг кафолатланган натижаси (шахс камолоти) орқали ифодаланади.

Таълимга оид меъёрий ҳужжатларда “таълим тизими”, “кадрлар тайёрлаш тизими”, “кадрлар малакасини оишириш тизими” каби тушунчалар қўлланади. Кадрлар тайёрлаш–замонавий мутахассис тайёрлаш ва бундан наф кўриш. Кадрлар тайёрлаш тизимининг мезони ДТСга эришиш бўлса, мутахассис замонавийлигини сақлаган ҳолда ундан фойдаланишнинг мезони эса фойданинг миқдоридир. Фойданинг бир қисмини мутахассиснинг замонавийлигини таъминлашга қаратилган харажатлар ташкил қилади. Юқоридаги фикрларга таянадиган бўлсак, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими орасида боғлиқлик мавжудлигини кўрамиз. Агар кадрлар тайёрлаш ва унинг малакасини ошириш бир бутун тизим сифатида фаолият кўрсатса, бу боғлиқлик янада кучайиб, ҳамкорликка айланади. Бундай тизимнинг мезони икки ўлчов жуфтлиги –ДТСга эришиш ва мутахассиснинг касбий фаолияти давомида олинадиган фойда миқдоридан иборат.

Олий таълим ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида таълим-тарбияни мақсадга мувофиқ амалга оширишда интеграцион ёндашув иштирокчиларнинг касбий тайёргарлигини орттириш ва самарадорлик кафолатининг муҳим ва зарурий омили ҳисобланади. Олий таълим ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнини интеграциялаш талаба ва тингловчи фаолиятининг ўзаро мослигини кўзда тутади. Иккала фаолият ҳам умумий тузилишга эга: мақсад, мазмун, таълимнинг ташкилий шакллари, воситалар, технологиялар, методлар ҳамда назорат. Бироқ талаба ва тингловчи фаолиятларининг мазмунида фарқ бор. Буни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

| **Фаолият тузилиши** | **Тингловчи** | **Талаба** |
|---|---|---|
| **Мақсад** | Касбий билим, кўникма ва малакаларни чуқурлаштириш ва янгилаш. | Замонавий касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш . |
| **Мазмун** | Ўқув дастурлари, касбий фанлар назарияси ва ўқитиш методикаси, педагогик технологияларнинг татбиғи, ахборот технологияларидан | Ўқув дастурлари, мутахассислик фанлар назарияси ва ўқитиш методикаси, педагогик технологияларнинг татбиғи, ахборот |

| | | |
|---|---|---|
| | фойдаланиш, модуллар бўйича ўқув-методик таъминот, қўшимча материаллар, методик тавсиялар. | технологияларидан фойдаланиш, модуллар бўйича ўқув-методик таъминот, қўшимча материаллар, методик тавсиялар. |
| **Таълимнинг ташкилий шакллари** | Ўқув материалини мустақил ўрганиш, ижодий ишлар, топшириқлар, ассесмент, портфолио ва шу каби назоратларни бажариш, назарий ва амалий машғулотларда иштирок этиш. | Ўқув материалини мустақил ўрганиш, ижодий ишлар, топшириқлар, назоратларни бажариш, назарий ва амалий машғулотларда иштирок этиш. |
| **Восита** | Дарслик ва ўқув қўлланмалар, фанларга оид ахборот таълим муҳити, касбий билимни такомиллаштиришга қаратилган ўқув-методик таъминотлар. | Дарслик ва ўқув қўлланмалар, фанларга оид ахборот таълим муҳити, касбий билимни эгаллашга қаратилган ўқув-методик таъминотлар. |
| **Технологиялар** | Педагогик ва ахборот – коммуникацион технологиялар, модулли ўқитиш технологиялар, кейс технологияси, лабиринт технологияси, ФСМУ, мулоқот технологияси, | Педагогик ва ахборот – коммуникацион технологиялар, кейс технологияси- |
| **Методлар** | Муаммоли, эвристик, илмий тадқиқот, амалий, лойиҳалаш, ролли ўйинлар, баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, синквейн, кузатиш ва бошқалар. | Муаммоли, эвристик, амалий, лойиҳалаш, ролли ўйинлар, баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, синквейн, кузатиш ва бошқалар. |
| **Назорат** | Кириш тести, жорий, оралиқ назорат, чиқиш тести, малака иши ҳимояси ва бошқалар. | Кириш тести, жорий, оралиқ, якуний назорат, якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иш ҳимояси. |

Кузатишларимиздан аёнлашадики, олий таълимда кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини ўрганиш жараёнида бу икки бўғин орасида ўзаро бир бутунликни таъминлайдиган яхлит тизим механизми тўлиқ шаклланмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, олий таълимда бўлажак мутахассисларга ўқитилаётган фанлар ва уларнинг тайёргарлигини баҳолаш тизими ҳамда малака ошириш жараёнида тингловчиларга ўқитилаётган фанлар ҳамда уларнинг тайёргарлигини баҳолаш тизими ўзаро мутаносиб эмас. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

| **Тингловчи** | **Талаба** |
|---|---|
| Тингловчи Бош илмий методик марказ томонидан ташкил этиладиган онлайн кириш тестини топширади. | Талаба Давлат тест маркази томонидан ташкил этиладиган кириш тестини топширади |
| Тингловчининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида фаолияти портфолио ва ассесмент шаклида баҳоланади. | Талабанинг ўзлаштириши рейтинг усулида жорий, оралиқ, якуний шаклда баҳоланади. |
| Тингловчи Бош илмий методик марказ томонидан ташкил этиладиган онлайн чиқиш тестини топширади. Малака ишини ҳимоя қилади. | Талаба битта фандан давлат аттестациясини топширади ва битирув малакавий ишини ҳимоя қилади. |
| Тингловчи курс охирида малака аттестати олади. | Талаба курс охирида диплом олади. |

Юқоридаги ҳолатларни тизимли таҳлил қилиб, назаримизда, иккала таълим турини ўзаро интеграциялаш, иккала жараённи ўзаро интеграциялаш орқали тайёрланаётган кадрларнинг замонавийлигини ошириш орқали рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёжни бартараф этиш мақсадга

мувофиқ бўлади. Бугунги кунда мутахассисларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси давомида тўплаган балларининг таҳлили ва мониторинги Олий таълим муассасаларидаги тегишли кафедралар томонидан талаб даражасида олиб борилмаяпти. Қайта тайёрлаш ва малака оширишга бордими, малака аттестати олдими, вазифа бажарилган ҳисобланади. Ҳолбуки, ўзлаштириш даражалари ўртасидаги кўрсаткичлар мутахассиснинг билим, кўникма, малака ва компетентлигини кўрсатадиган мезон саналади. Шу ўринда савол туғилади: бугунги кунда таълимнинг сифатини ошириш давлат аҳамияти даражасига кўтарилган бир вақтда мутахассисларнинг малакасини оширишини шу зайлда давом эттириш кадрларнинг рақобатбардошлигини оширармикин? Юқорида таъкидланган паст ўзлаштирган мутахассиснинг фаолияти ҳеч қаерда таҳлил қилинмаса, юқори кўрсаткич билан ўзлаштирган мутахассис рағбатлантирилмаса малака ошириш жараёни шунчаки бир номига ташкил этиладиган жараён сифатида қолаверади. Бизнингча, талаба олий таълим муассасасида ўқиб юрган даврида унинг электрон маълумотлар базаси яратилса-ю, шу база йиллар ошган сайин талаба фаолияти асосида бойитиб борилса, ўзининг касбий билимини такомиллаштириш учун малака оширишга келганда эса базадаги маълумотларга таянган ҳолда унинг фаолияти қайта таҳлил қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ерда тайёрланган кадрнинг фаолиятини тизимли ўрганиш ва мониторингини олиб бориш имконияти пайдо бўлади. Асосийси бугунги талаба эртанги тингловчи иккала фаолият ойнадек кўриниб туради.

Олий таълим ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнини интеграциялаш асосида таълим жараёнининг сифатини яхшилаш бўйича қуйидаги таклифларни қайд этиш мумкин:

1. Олий таълим билан қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим жараёнини интеграциялаш механизмини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш, мониторингини олиб бориш.

2. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларига ўқишга юборишдан олдин ҳар бир таълим муассасаси ички синов тарзида тест олиб, белгиланган максимал (50 балл) баллдан 56% (28 балл) ва ундан юқори балл олган профессор-ўқитувчиларни малака ошириш курсларига юбориш.

3. Олий таълим ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнини интеграциялаш мақсадида олий ўқув юрти талабаларининг электрон маълумотлар базасини яратиш, уларнинг фаолиятини баҳолашда портфолио ва ассесмент тизимини жорий этиш. Битирувчи талабаларнинг электрон маълумотлар базасини яратиш истиқболда таълим хизматлари бозорида соғлом рақобатни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

4. Битирувчи талабаларнинг якуний давлат аттестациясини давлат тест маркази томонидан ўтказилишини йўлга қўйиш. Иқтидорли талабалар ўз қизиқишидан келиб чиқиб, диплом иши ҳимоя қилишни ташкил этиш.

5. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини 71% фоиздан юқори кўрсаткич билан якунлаган тингловчиларга имтиёзлар бериш, шундан паст кўрсаткични олган тингловчиларнинг фаолияти ўрганилиб, уларга имтиёзлар бериш ёки бермаслик масаласини кўриб чиқиш зарур.

**Адабиётлар**

1. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль.

2. Лутфиллаев М.Ҳ. Олий таълимда ахборот технологиялари интеграцияси. Самарқанд, 2005. -135 б.

3. Педагогик атамалар луғати. Тузувчи: Р.Сафарова ва б. –Тошкент, 2016.

4. Сафарова Р. ва б. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни татбиқ этиш йўллари. -Тошкент, "Фан". 2005. -255 б.

5. Оғаев С., Оғаев Ҳ. Дидактик курсларни ўқитишнинг назарий асослари. -Тошкент, "Фан". 2009. -251 б.



**Оксана ПЕРЕРВА**
кандидат педагогических наук, доцент Челябинского
государственного института культуры, Россия

# ТВОРЧЕСКАЯ НАПРАВЛЕННОСТЬ УЧЕБНО-ПОЗНАВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА В ВУЗЕ

*Мазкур мақолада талабаларда ижодий қобилиятларни ривожлантириш шароити ҳақида сўз боради. Ушбу шароитлардан бири олий таълимда ўқув-билув жараёнининг ижодий йўналганлиги ҳисобланади. Мақолада муаммо юзасидан адабиётлар таҳлили берилади, қуйидаги тушунчалар кўриб чиқилади: шахс, йўналганлик, мотив, қизиқиш.*

***Таянч тушунчалар:*** *ижодий қобилиятлар, шахс, йўналганлик, мотив, қизиқиш.*

*В данной статье идет речь об условиях развития творческих способностей студентов. Одним из таких условий является творческая направленность учебно – познавательного процесса в вузе. В статье дается анализ литературы по проблеме. Рассматриваются следующие понятия: личность, направленность, мотив, интерес.*

***Опорные понятия***: *творческие способности, личность, направленность, мотив, интерес.*

*In this article is told about conditions of development of creative abilities of students. One of such conditions is the creative orientation educational and informative process in higher education institutions. In article is given the analysis of literature on a problem. The following concepts are considered: personality, orientation, motive, interest.*

***Key words***: *creative abilities, personality, orientation, motive, interest.*

Процесс развития творческих способностей студентов представляет собой комплекс условий, поскольку разрозненные условия не могут решать эту задачу эффективно. Структура комплекса условий должна быть динамичной и развиваться в зависимости от усложнения целей подготовки на каждом этапе. При этом основные изменения будут происходить в составе элементов и в характере взаимодействий между ними. В то же время функциональная направленность остается неизменной. Взаимосвязи между элементами комплекса не разрушаются и преобладают над внешними связями.

Обеспечение творческой направленности учебно-познавательного процесса является одним из условий эффективности процесса развития творческих способностей студентов.

Оно включает:

- мотивы творческой деятельности;
- познавательный интерес.

Реализация намеченных путей поиска условий, приводит к необходимости, обратиться к теории личности. Понятие личности является одним из фундаментальных в современных науках о человеке. Проанализировав основные подходы к понятию «личность» Б.Ф. Ломов написал, что «несмотря на различные трактовки личности... в качестве ее ведущей характеристики выделяется направленность».

Направленность в качестве ведущей характеристики личности выделяют такие ученые, как: Б.Г. Ананьев, М.И. Дьяченко, А.Н. Леонтьев, К.К. Платонов, А.В. Петровский, С.Л. Рубинштейн и др.

Большое значение в процессе развития творческих способностей имеет направленность личности. В настоящее время существует множество подходов к определению направленности. Для нашего исследования наиболее актуальным является определение данное А.Ф. Эсауловым. Направленность личности определяется им как «совокупность устойчивых мотивов, ориентирующих деятельность личности и относительно независимых от наличных ситуаций, направленность личности характеризуется ее интересами, склонностями, убеждениями, идеалами, в которых выражается мировоззрение человека» [1, с.92]. В состав направленности входит достаточно много составляющих. К числу условий, определяющих направленность, относят: формирование потребностей, развитие мотивов, интересов, положительное самоотношение и самоактуализацию личности и др. Остановимся на общей характеристике этих понятий в аспекте исследуемой проблемы.

Для целей нашего исследования особенно важны вопросы, касающиеся условий появления у личности потребностей в творческой деятельности. С точки зрения современной психологии пот-ребность – это состояние индивида, создаваемое испытываемой им нуждой в объектах, необходимых для его существования и развития, и выступающим источником его активности. Потребности зависят от предметно-общественного содержания, от уровня развития экономики и культуры. Постепенно развиваясь, потребности все больше и больше продвигаются в социальную сферу, опосредованные предметной деятельностью. Потребности являются не только предпосылкой и результатом собственно трудовой деятельности, но и познавательных процессов. «Будучи познаны и приняты индивидуумом, в качестве своих, личных, будучи осмыслены им, в связи с наличными склонностями и интересами, социальные потребности в деятельности обуславливают личную направленность индивидуума на овладение той или иной деятельностью, как профессиональной, а после овладения – профессиональную мотивацию этого индивидуума как личности, субъекта деятельности профессионала» [2, с.97].

Потребности обнаруживаются в мотивах. Проблемы взаимосвязи потребностей, мотивов и деятельности активно разрабатываются в отечественной психологии и социологии. Всякая деятельность исходит из определенных мотивов и направлена на достижение определенных целей. Мотив выступает как побуждение к деятельности, связанное с удовлетворением потребностей субъекта, совокупность внешних и внутренних условий, вызывающих активность субъекта и определяющих ее направленность.

В изучении процесса мотивации учения мы будем опираться на ряд теоретических положений, связанных с механизмом формирования мотивации при традиционном обучении (А.Н. Леонтьев, С.Л. Рубинштейн, Л.И. Божович, П.М. Якобсон и др.) и придерживаться положений о том, что мотивы, включенные в учебную деятельность обучаемых, являются комплексными, разнородными, иерархизированными мотивами, что предполагает выделение главного, доминирующего мотива, влияющего на содержание, структуру, особенности и эффективность деятельности (В.Г. Асеев, П.М. Якобсон, А.Н. Леоньтьев, Н.М. Симонова и др.).

Существуют различные классификации мотивов учебной деятельности. Наиболее соответствующей предмету нашего исследования является классификация, основанная на выделении, в общем, комплексе мотивов, регулирующих учебную деятельность, двух основных видов мотивации: мотивов, выражающих ориентацию на учение как процесс познания - внутренних мотивов познания (познавательные потребности и интересы) и мотивов, выражающих ориентацию на учение как средство достижения целей, не связанных с обучением – внешняя мотивация (например, престижность, стремление к признанию, авторитету и. др.). Внутренняя, познавательная мотивация, рассматривается большинством ученых как специфическая мотивация творчества. Поэтому ее формирование выступает как необходимое условие развития творческой активности студентов.

Высокий уровень развития внутренней мотивации в процессе развития творческих способностей личности находится в прямой зависимости от эмоционального подкрепления в ситуации успешной творческой деятельности и является важным условием ее протекания. С.Ю. Степанов, И.П. Семенов в своих исследованиях отмечают, что усилия экспериментатора направлены на «поддержание психологически комфортной атмосферы поиска». Такая атмосфера в процессе проведения эксперимента создается подчёркиванием трудности решаемой задачи, снижением тревоги из-за возможности неуспеха, намеками на высокий статус оценки успешности решения задачи, стремление создать настрой на получение верного ответа, во что бы то ни стало, побуждает испытуемых к переходу па продуктивную личностную позицию.

Пять условий деятельности достижений выделяются в работах X. Хекхаузена (1974). «Деятельность должна оставлять после себя осязаемый результат, который должен оцениваться качественно или количественно, причем требования к оцениваемой деятельности не должны быть ни слишком низкими, ни слишком высокими, т.е. чтобы деятельность могла увенчаться, а могла не увенчаться успехом и, по меньшей мере, не могла осуществиться без определенных затрат сил и времени. Для оценки результатов деятельности должна иметься определенная сравнительная шкала и в рамках этой шкалы некий нормативный уровень, считающийся обязательным. Наконец, деятельность дол-жна быть желанной для субъекта и ее результаты должны быть получены им самим» [3, с.120].

Так же Хекхаузен показал важность такого условия при усилении мотивации достижения, как создание следующего оценочного клише: «Ты можешь лучше успевать, если, ... проявишь больше старания». При процедуре оценивания учащиеся отучались приписывать неуспехи своим слабо развитым способностям, начиная приписывать успехи, и неуспехи старанию.

Д. Мак-Клеланд, анализируя условия формирования мотивации достижения, объединяет основные формирующие влияния в четыре группы: формирование достиженческого синдрома, самоанализ, выработка оптимальной тактики целеобразования, межличностная поддержка. В цепи условий достижения це-

ли, по мнению И.П. Калошиной, каждый последующий компонент представляет собой необходимое условие, дополняющее систему условий, до необходимой и достаточной. Мы полностью разделяем эту точку зрения.

Существенным для нашего исследования является выделение Б.И. Додоновым четырехструктурных компонентов мотивации: удовольствия от самой деятельности, значимости для личности непосредственного результата, мотивирующей силы вознаграждения за деятельность, принуждающего давления на личность.

Познавательные потребности при правильной организации учебного процесса перерастают в познавательные интересы – это основной побуждающий фактор учения. Познавательный интерес – форма проявления познавательной потребности, обеспечивающая направленность личности на осознание целей Деятельности и тем самым способствующая ориентировке, ознакомлению с новыми фактами, более глубокому и полному отражению действительности. Познавательный интерес определяет поисковый характер любого вида деятельности, то есть лежит в основе развития творческой активности обучаемого в вузе.

Важно отметить наличие взаимосвязей между мотивами и эмоциями. Л.И. Божович подчеркивает, что в тех случаях, когда поставленные цели (или принятые намерения) осуществляются чисто рациональным путем, то есть в этом процессе не происходит встречного аффекта с интеллектом, то не возникают и соответствующие функциональные новообразования и не осуществляется побудительная сила сознания.

Исходя из анализа литературы по проблеме, наблюдений за студентами, мы считаем обоснованным включение формирования внутренних, познавательных мотивов, в качестве условия, обеспечивающего формирование творческой направленности подготовки студентов вуза культуры. Таким образом, первоочередной задачей является выявление и воспитание у студентов, внутренних, познавательных мотивов, которые отражали бы личностный смысл учения, были действенными, осознанными, влияли бы на все виды деятельности студента.

Интересы студентов разнообразны по содержанию (к преподаваемому предмету, к технике), по устойчивости, широте влияния на деятельность. Для целей нашего исследования наиболее важным является проявление профессионального познавательного интереса научно-педагогического интереса, представляющего собой ярко выраженную направленность личности на профессиональную деятельность, в основе которой лежит исследовательское мышление, проявление волевых усилий, готовность к длительной напряженной работе, связанной с самостоятельными действиями при решении воспитательных задач.

Анализ потребностей, мотивов, интересов определяет, почему тот или иной человек занимается какой-то деятельностью. Но какова именно будет эта деятельность, что будет делать человек - это и характеризует его цели. В конкретной деятельности система мотивов «замыкается» на определенную цель, опосредованную интересом, который формирует содержание этой деятельности.

В зависимости от цели, интерес может быть охарактеризован по содержанию, широте, глубине устойчивости, действенности (А.К. Маркова). Дальнейшая детализация приводит к выделению широкого учебного интереса (изменение иерархии целей и задач, их реализация); результативного интереса; содержательно-процессуального интереса.

При содержательно-процессуальном интересе, особое значение принадлежит стремлению студентов к преобразованию и совершенствованию познавательной деятельности, активного преобразования материала учебных предметов, к поиску и сопоставлению различных способов решения задач, к способам активного преобразования собственной учебной деятельности.

Важным фактором, стимулирующим научно-педагогический интерес студентов, является право студента на личную самоорганизацию обучения в соответствии со своими целями. Необходимо, чтобы каждый студент наглядно представлял цель деятельности, необходимость и роль методов и приемов творческой деятельности, которые требуется получить.

Одним из условий, способствующих формированию творческой направленности студентов музыкальных специальностей вуза культуры, является также благоприятная эмоциональная атмосфера в студенческом коллективе, настрой на творческое изучение и внедрение нововведений, связанных с повышением творческих способностей личности. Поэтому преподавателю, прежде чем начинать работу, необходимо выявить эмоциональный настрой студенческой группы. Для этого можно воспользоваться существующими психологическими методиками (самооценка эмоционального состояния, цветовой тест Люшера), а также, наблюдениями, беседами, анкетированием студентов. Исходя из полученных результатов, следует строить систему воздействий, создающих наиболее благоприятную атмосферу деятельности студентов, посредством поддержания интереса. Созданию положительной атмосферы процесса обучения способствуют так же ситуации занимательности, направленность на творческую деятельность, использование различных видов стимулирования интереса в процессе обучения.

**Литература**

1. Платонов К.К. Структура и развитие личности. – М.: Наука, 1986. – 225с.
2. Формирование учебной деятельности студентов / Под ред. В.Я. Ляудис. – М.: Педагогика, 1989. – 240 с.
3. Хекхаузен Х. Мотивация и деятельность. Т. 1. – М., 1986. – 408 с.
4. Эсаулов А.Ф. Генезис творчества и закономерности его развития // Вопросы психологии. – 1983. – № 2. – С.90 – 95.



**Ширинбой ОЛИМОВ**
Бухоро давлат университети профессори,
педагогика фанлари доктори



**Дилдора ҲОТАМОВА**
Бухоро давлат университети
педагогика-психология таълим
йўналиши 3-курс талабаси

# ПЕДАГОГИК ТИЗИМ - ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

*Ушбу мақолада тарбия жараёнини технологиялаштиришда педагогик тизимнинг ўрни, тарбия жараёнига тизимли ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *таълим-тарбия ислоҳоти, тарбия жараёни, педагогик тизим, технологиялаштириш, интеграция, тизим босқичлари.*

*В данной статье анализируется педагогическая система учебного процесса и особенности системного подхода к учебному процессу.*

***Ключевые слова:*** *реформа обучения и воспитания, процесс воспитания, педагогическая система, технологизация, интеграция, этапы системы.*

*The article analyzes the pedagogical system of the educational process and features of a systematic approach to educational process.*

***Key words:*** *reforming of education and training, prosess of training, pedagogical system, technologization, integration, types of system.*

Таълим ислоҳоти натижасида ривожланаётган таълим муассасалари жамиятимизда жуда муҳим ижтимоий вазифани бажаради. Ёшларни чуқур билим, мустақил фикрловчи, ижтимоий фаол ва танлаган касбини чуқур эгаллаб, жамият маънавий ва моддий ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшувчи шахс этиб тарбиялашда таълим муассасасининг аҳамияти чексиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда” [1, 504-505]. Бу вазифани бажариш жамиятда яратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва педагогик-ташкилий шарт-шароитлар билан бирга булардан ҳар бир таълим муассасасининг тўғри, ўринли фойдалана олиши, яъни ички омилларига ҳам боғлиқ бўлади. Таълим муассасасининг ички имкониятлари - унда таълим тизими, объектив ва субъектив муносабатлар, жамоат ташкилотлари, педагогик жамоанинг жипслиги, шаклланганлик даражаси билан белгиланади. Таълим муассасасида бу блоклар ўз тузилишига эга бўлган мураккаб тузилмалар бўлиб, уларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан дидактик тизим - таълимни ташкил қилиш даражаси ва тарбия тизимига боғлиқ бўлади. Бу яхлит педагогик бирлик - дидактик ва тарбия тизимида таълим белгиловчи ҳисобланади. Чунки мамлакатимиз таълим тизимининг ҳозирги босқичида таълим муассасасида таълим белгиловчи, яъни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг асосий меҳнат фаолиятидан иборат бўлиб, улар иш вақтининг 80-90 фоизини ташкил этади. Шунинг учун таълим-тарбиянинг асосий масалалари дарсда ҳал қилиниши лозим. Аммо таълимга муносабат, танлаган касбининг моҳиятини тушунишни англаб олишда тарбия тизими ҳам муҳим рол ўйнайди.

Аммо ҳозиргача ўқув муассасаларининг барчасида ҳам мукаммал, ҳамма компонентлари ўзаро алоқада бўлган тарбиявий тизим шаклланган эмас. Шу билан бирга “тарбиявий тизим” тушунчаси ёки таърифи ҳам педагогик адабиётларда аниқ ўз ифодасини топмаган. Кўпчилик ҳолларда ўқув муассасаси тарбиявий тизими деганда ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар, яъни тарбиявий жараён тушунилади.

Маълумки, таълим муассасаси тарбиявий тизими асосан тарбиянинг асосий мақсадини амалга оширишга қаратилган. Тизимнинг асосий компонентлари жамият томонидан белгиланиб - тарбиявий вазифалар мажмуаси, тарбиявий жараён мазмуни, моддий базаси ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш ҳамда ўқувчилар фаолиятини ташкил қилиш орқали уларни баркамол инсон бўлишини таъминлашни назарда тутади.

Тарбиявий вазифалар мажмуаси таълим муассасасидан ташқаридан, яъни давлат томонидан ижтимоий буюртма тарзида берилиб, тарбиянинг умумий мақсади ва тамойилларини белгилаб беради. Умумий мақсад тарбия вазифаларида аниқланиб, ўқувчиларнинг тажриба ва маданияти, миллий истиқлол ғояси, илмий дунёқараши ҳамда индивидуал ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилган бўлади.

Таълим муассасаси тарбиявий тизими ўз ривожланишида тўрт асосий босқични босиб ўтади:

1. Тизимнинг шаклланиши - тарбиявий жараённи тартибга келтирувчи шарт-шароит яратиш.
2. Тизимнинг қулай мазмун ва тузилиши жиҳатдан (асосий компонент ва алоқадорлик) шаклланиши.
3. Тизимни (компонентлари яхлитлиги ва ягона боғланиш – алоқадорлик) шакллантириш.
4. Тизимни такомиллаштириш ва ўзгаришларни инобатга олиб қайта қуриш.

Шаклланган тизимга мақсад, мазмун, вазифалар ўзгариши билан ўзгартириш киритиш узлуксиз давом этиши лозим. Уни қайта қуриш режали жараён сифатида, макон ва замонда мунтазам амалга оширилиши зарур. Ўқув юртида тарбиявий ишлар тизимини ўзгартириш босқичма-босқич маълум кетма-кетликда тизимли асосда амалга оширилиши муҳим. Шаклланган тизимни янгилаш учун етарли шарт-шароитлар яратиш зарур. Кўпчилик ҳолларда аввалги тизим ўз мақсад ва вазифаларини бажариш имкониятлари тугаб, ривожланиши давом этмаслиги маълум бўлгач, янгиланади. Бундай ҳолат тизимнинг таркибий қисмлари ўртасида ўзаро номутаносиблик юзага келганда ёки ўқув юрти билан ташқи муҳит ўртасида зиддиятлар пайдо бўлса амалга ошириш зарур бўлади. Буни сезиб ўз вақтида ўзгартирилмаса, педагогик жамоада ўз ишидан қаноатланмаслик ҳислари пайдо бўлади. Шундай ҳолда тарбиявий тизимни янгилаш зарурати пайдо бўлиб, уни янгилаш кўпчиликка аниқ бўлиб қолади. Бу ҳолатда бир ёки бир неча киши ташаббус кўрсатади.

Таълим муассасасида тарбиявий тизимни янгилашда унинг мақсадининг ўзгариши асосида бошқаришни ҳам ўзгартиришга тўғри келади.

Таълим муассасаси тарбиявий тизимини ўзгартириш орқали уни жамоавий бошқариш имконияти кенгаяди. Чунки ҳар бир муаммо педагогларнинг ўзлари томонидан ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Янгилашнинг бу босқичида бошқариш жиҳатидан ҳар қандай якка ёки жамоавий ҳодиса зудлик билан таҳлил қилиниши лозим. Бу эса тасодифий хатоликларнинг олдини олади. Энг муҳими коррекция ва турли хил ўзгаришларнинг энг мақбулини танлашдир.

Тизимни янгилашда муҳим масалалардан яна бири педагогик жамоа истиқболни кўра билиб, ўқувчилар жамоаси ҳаракатидан олдинда бўлиши, фаолларга таяниб, ҳаракат меъёрини таъминлашидир. Шунда ўқувчилар жамоасида ташаббус ва фаоллик юзага келади.

Таълим муассасасида шаклланган тарбия тизимини янгилашда, унинг меъёрий мезон ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш муҳимдир. Фикримизча, бунда қуйидагилар белгиловчи бўла олади:

- киритилган ўзгартиришнинг қўйилган мақсадга яқинлиги;
- янгиликларнинг сифат ва миқдори;
- янгиликка жамоа, ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар, раҳбарлар ва жамоатчиликнинг муносабати;
- бу даврда ўқув юрти жамоасидаги руҳий ҳолат;
- ўқув юрти томонидан белгиланган кўрсатма ва дастурий талабларнинг бажарилиши;
- ўқув юртининг ўз ҳудудидаги тадбирлардаги иштироки.

Тарбиявий жараён кўп тармоқли яхлит педагогик тизимдир. Унинг яхлит тизим сифатида фаолият кўрсатиши уни ташкил этувчи таркибий қисмларнинг ўзаро мутаносиблиги ва бир-бирига мос келиши ҳамда ўзаро алоқадорлигига ҳам боғлиқдир. Ташкил этувчи қисмлар ўртасидаги ўзаро мувофиқлик (координация) ва бир-бирига бўйсуниши (субординация) тизимини ўз олдига қўйган мақсадини амалга ошириш ва кутилган натижани таъминлайди. Бу эса кўп жиҳатдан уни бошқариш билан боғлиқ ҳисобланади.

Таълим муассасаси тарбиявий тизимининг ўта мураккаб ва кўп компонентлиги илмий тадқиқотда кўпчилик ҳолларда уни моделлаштириб ўрганишга сабаб бўлади. Бунда тизимни ташкил этувчи компонентларнинг ҳар бирининг умумий тизимда бажарадиган вазифаси алоҳида-алоҳида аниқланади. Шу асосда тизимли ёндашув дастлаб қисмларга бўлиниб, сўнгра яхлитлигича тадқиқ қилинади. Шундай ёндашиш методологик принцип сифатида тизимларни ўрганишда самарали ҳисобланади. Бундай тизим яхлит тарзда ташкил этувчи қисмларнинг вазифаларини алоҳида-алоҳида белгилаш лозим бўлади.

Таълим муассасасининг тарбиявий жараёни яхлит педагогик тизим сифатида қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади: тарбия; мақсад; тарбия мазмуни; тарбия қонуниятлари; тарбия тамойиллари; тарбиянинг таркибий қисмлари; тарбия шакллари; тарбия методлари; тарбия воситалари; тарбия объекти; тарбия субъекти; тарбия жараёнини бошқариш; ҳар томонлама баркамол шахс.

Таълим муассасасида тарбиявий ишлар тизимини моделлаштириш шунинг учун зарурки, модел тарбиявий жараён ҳақидаги билимларни маълум тартибга келтиради, унинг таркибий қисмлари ҳақида

аниқ тасаввур ҳосил қилади. Шундан келиб чиқиб, тарбиявий жараён яхлит педагогик тизим сифатида юқорида келтирилган таркибий қисмлардан иборат бўлиб, ўз навбатида ҳар бир қисм ўзининг тузилишига кўра нисбатан мустақил тизим ҳисобланади. Илмий тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, уларнинг ҳар қайси мустақил равишда илмий ўрганиш объекти бўла олади. Аммо бизнинг илмий ишимиз мантиқи айни пайтда, ҳар бир қисмнинг умумий тизимда ўрнини белгилаш асосида унинг самарадорлигини оширишни тақозо қилади. Шунинг учун тарбиявий жараёнга иштирок этувчи қисмнинг унда бажарадиган вазифасини аниқлаш биз учун муҳим ҳисобланади.

**Мақсад.** Таълим муассасаси тарбиявий тизимининг мақсади - давлатнинг таълим-тарбия борасидаги сиёсати ва талабларидан келиб чиқиб бу умумдавлат вазифасини таълим муассасаси доирасида кўчириш ва мослаштириш ҳамда амалга оширишдан иборат бўлади. Давлат миқёсида қўйилган талабларни мазкур таълим муассасаси ўқувчилар жамоаси шарт-шароитига мослаштириш асосида аниқ мақсадни белгилаш лозим.

Таълим борасидаги бу улкан вазифаларни бажариш тарбия тизимисиз амалга ошмайди. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги” қайд қилинади [2, 44]. Шу билан бирга тарбия борасидаги мақсад “Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади” [2, 55]. Бу умумий мақсад давлат ижтимоий буюртмаси сифатида ҳар бир таълим муассасасида ўз шароити ва хусусиятлари, педагогик жамоа имкониятларидан келиб чиқиб воқеликка айлантирилади. Ижтимоий буюртма асосида белгиланган муассаса тарбиявий жараёни педагогик тизим сифатида ўз мақсадини нафақат назарий жиҳатдан, балки жамоанинг жипслиги, касбий маҳорати, руҳий-психологик муҳити ва амалий тажрибасидан келиб чиқиб белгиланиши лозим. Тарбиянинг мақсади ва вазифалари мазкур муассасанинг мавжуд реал тарбиявий жараён борасидаги имкониятлари билан белгиланиши зарур. Агар тарбиянинг мақсад ва вазифалари мазкур муассаса имкониятига узвий боғлиқ бўлмаса, тизимсиз белгиланса, тарбия самара бермайди. Мақсад истиқболга йўналган бўлиши лозим. Мақсадни амалга ошириш жамоа ҳаётининг мазмунини ташкил қилиши керак.

Мақсадни амалга ошириш даражаси - педагогик жамоа тарбиявий фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичидир. Шуни эътироф этиш керакки мақсад ўзгарувчан характерга эга. У босқичма-босқич, маълум кетма-кетликда, аста-секин шакллантирилади. Педагогик жамоанинг жипслиги ва ривожланганлик даражаси қанчалик юқори бўлса, мақсад ҳам шунча мукаммал, мураккаб ва турли-туман вазифаларни ечишга йўналтирилган бўлади. Мақсаднинг мураккаблигига қараб, тарбиявий тизим тузилиши – таркибий қисмлари, блоклари ҳам шунга мувофиқ бўлади. Белгиланган вазифалар маълум кетма-кетликда амалга оширилиши ўқувчини ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини англаш борасида билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши жараёнида ўқувчи жамиятнинг тўлақонли ғоявий шаклланган кишисига айланади.

Таълим муассасасининг тарбиявий тизими ҳақида гапирар эканмиз, уни моддий базасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Моддий база қўйилган вазифаларни ечишни таъминлаши, ўқувчилар эҳтиёжини қондириши, муассаса тарбиявий жараёнини амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Моддий база турли-туман шарт-шароитлар мажмуаси сифатида тарбиявий таъсирни кучайтириши, эстетик қулай, гигиеник жиҳатдан тарбияни амалга оширишга кўмаклашиши лозим. Уни яратишда ва такомиллашувида фақат маъмурият эмас, балки бутун жамоа - ўқитувчилар ва ўқувчилар фаол иштироки тарбиявий таъсирни кучайтиришнинг асосидир.

Тарбиявий жараён мазмуни ижтимоий буюртма асосида таълим муассасасининг йиллик иш режаси билан белгиланади. Шу режа асосида педагоглар, ота-оналар, ҳомийлар билан бирга турли-туман фаолият турларига жалб қилинади.

**Тарбия мазмуни.** Ўқув юртида тарбиявий ишларнинг мазмуни унинг эҳтиёжи, шарт-шароити, педагоглар ва ўқувчиларнинг имконияти ва касбий маҳорати асосида мазкур таълим муассасаси учун зарур бажариладиган ишлар кўлами билан белгиланади.

Тарбия жараёнини ташкил қилишда унга кирувчи соҳаларнинг умумий тизимдаги вазифасини аниқ тасаввур қилиш ниҳоятда муҳимдир. Жумладан, тарбиявий жараён қонуниятлари ундаги ички моҳиятли, такрорланиб турувчи, умумий алоқада акс этади. Қонун ва қонуниятлар тарбиявий жараён моҳияти, мазмуни ва мақсадидан келиб чиқиб, уларга жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ҳамда тарбиячи билан тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабатлари характери кучли таъсир қилади ҳамда уларнинг амал қилиши ва шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Тарбия тамойиллари тарбиявий жараён объектига, яъни уни ташкил қилувчи субъект фаолиятига дахлдор бўлиб, асос, негиз, талаблар мажмуаси сифатида уларга амал қилиш мажбурий ҳисобланади. Уларни тарбиячининг билиши ва амал қилиши тарбиявий жараён таъсирининг самарадорлигини белгилайди.

Тарбиявий ишларнинг асосий йўналишлари – тарбиявий жараён мақсад ва вазифаларини янада аниқроқ белгилаб, ўқувчилар ҳаёт фаолияти, тегишли масалалар куч ва имкониятларни марказлаштиришдир.

Тарбиявий ишларнинг асосий йўналишларини ҳар бир жамоа ўзининг имконият ва шароитидан келиб чиқиб белгилайди. Бунда энг муҳими ишнинг асосий бўғинини белгилаш. Тарбиявий ишларнинг асосий шакллари сифатида тарбиявий комплекслар, таянч оммавий тадбирлар, жамоа анъаналарини ривожлантириш, ўқувчилар жамоасини ўз-ўзини бошқаришини ташкил қилиш, уларни ўз-ўзини тарбиялашига педагогик раҳбарлик қилиш ва ҳ.к. ташкил этади. Шунингдек, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини аниқлаш, ҳар бир педагогнинг касбий савияси ва ижодий қобилиятини ривожлантириш ҳам тарбиявий ишлар турлари (таркибий қисмлари) йўналишини ташкил этади.

**Тарбиянинг ташкилий шакллари.** Таълим муассасаси таълим-тарбия умумий тизими асосида ташкил топган яхлит жамоа ҳисобланади. Тарбия тизими орқали жамоанинг жипслигига педагоглар ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари характери орқали эришиш мумкин. Тарбиявий ишларнинг ташкилий шакли белгиланганда маълум меъёрларга риоя қилмоқ керак. Бунда истиқболли ва тезкор тарбиявий ишлар режасини тузиш, тарбиявий комплекслар моделлари орқали таъсир кўрсатиш, тарбиявий марказлар тузиш, маънавият ва маърифат хоналарида ташкил қилинадиган тадбирларнинг таъсирчан шаклларини топиш муҳимдир. Таълим муассасасида тарбиянинг қуйидаги шаклларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир: экскурсия, маъруза, семинар, конференция, суҳбат, давра суҳбати, ижодий ишлар танлови, дебат, амалий тренинг, учрашув.

Тарбия тизими компонентлари таркибида методлар ҳам муҳим вазифани амалга оширади. Улар энг аввало объект билан субъект (яъни тарбиячи ва тарбияланувчилар)нинг тарбиявий жараёнда фаолиятларини ўзаро уйғунлаштириш вазифасини ўтайди. Методлар икки фаолиятнинг яхлитлигини таъминлаб, тарбиявий таъсирнинг кучайишига олиб келади. Бунда тарбиячи субъектнинг хусусияти - ёши, билим савияси, тарбияланганлик даражаси, унда қандай сифатларни айни вақтда шакллантириш заруриятидан келиб чиқиб, методни танлайди. Шу асосда ўқувчиларнинг психофизиологик хусусиятларидан келиб чиқиб, методларнинг таъсир доирасини синовдан ўтказади.

Тарбия методларига суҳбат, тушунтириш, оғзаки ҳикоя қилиш, намуна кўрсатиш, намойиш қилиш, амалий машғулотлар ва интерфаол методларни киритиш мумкин.

Таълим муассасасида тарбиявий жараённи бошқаришда энг аввало унинг ҳолатини мунтазам ўрганиш ва шу асосда аниқ педагогик таъсирни ташкил қилиш муҳимдир. Тарбиявий жараённи самарали бошқариш тизим таркибий қисмлари, улар ўртасидаги ўзаро мувофиқлик, тарбия қонуният ва тамойилларини билиш асосида бўлиши мумкин. Шу билан бирга тарбиявий ишларнинг ҳамма бўғинлари ҳақида аниқ ахборотга эга бўлиш, педагоглар томонидан бошқариш цикл ва мантиғини билиш ва ўз ишининг метод ва шаклларини чуқур ва мунтазам таҳлил қилиш ҳамда ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришига таяниш ҳам жуда зарур ҳисобланади. Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш керакки, тарбиявий тизим самарадорлиги тарбиявий жараённи ташкил қилиш усулларига ҳамда уни йўналтириш, талабга мослаштириш ва коррекция қилишга боғлиқдир. Тарбиявий жараён кўп қиррали ва кўп омилли бўлганлиги учун унинг самараси тизимнинг таркибий қисмлари интеграциясига ёки уни тизимли ва мажмуавий ташкил қилишни ҳам талаб қилади.

Таълим муассасасида тарбиявий тизимни яратишда унинг фаолиятининг ҳамма томонларини: мазмун, шакл, ташкилий ва вақт сарфини яхлит тартибга солиш лозим. Тарбиявий ишлар тизимини шакллантиришда уларни йириклаштириш ва мужассамлаштириш йўлидан бориб, тарбиявий ҳаракат ва тадбирларни зарур ва муҳимларини ажрата билиш ҳамда уларнинг якка ва оммавий шаклларини уйғунлаштириш орқали ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатишга эришиш лозим. Қатор илғор таълим муассасаларининг тажрибаси кўрсатадики, тарбиявий ишлар ва ҳаракатларни гуруҳлаш маълум комплексларга бирлаштириш ҳамда катта блоклар тарзида ташкил қилиш уларни ўтказиш методикасини ишлаб чиқишни енгиллаштириб, тизимни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тарбиявий тизим ривожланиши макон ва замонда амалга ошади. Замонда ривожланиш тўрт асосий босқични ўтайди. Ҳар бир босқичда ўзига хос вазифалар, фаолият турлари, ташкилий шакллар ва методлар, тарбиявий таъсирнинг усул ва методлари ўртасидаги боғланишлар характери тизимнинг асосини белгилайди. Шу асосда тарбиявий тизим жамоа ҳаётининг кўпроқ соҳасини қамраб олиб, маънавий-ахлоқий тарбиянинг асосий соҳаларига кириб боради. Бунда ҳар бир тармоқнинг ривожи ўз навбатида ўқувчилар жамоаси ва ҳар бир ўқувчига ҳар томонлама тарбиявий таъсир кўрсатади. Тизимнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳамда келажаги ўртасидаги алоқадорлик ўз навбатида ўқув юртида таҳсил олган авлодлар ўртасидаги ворисликни келтириб чиқариб, жамоавий анъаналарга содиқликни таъминлайди.

Таълим муассасасида шаклланган тарбия тизими унинг ҳаётида учта муҳим вазифани бажаради. Булар интеграциялаш (мужассамлаштирувчи), тартибга солувчи (йўналтирувчи) ва ривожлантирувчи вазифалардир.

Тизимнинг интегратив вазифаси - ундаги бир-бирига боғланмаган, тарқоқ, мувофиқлашмаган таъсирларнинг ягона, яхлитлигини таъминлайди. Тартибга солувчи, йўналтирувчи вазифаси - тарбиявий жараённи ихчамлаштириб, тартибга келтириб, уни бошқаришни осонлаштиради.

Ривожлантирувчи вазифаси - тизимни ривожланиш динамикасини, уни бир маромда мукаммаллашиб борувчи ривожланишини таъминлайди [3, 124].

Демак, таълим муассасалари тарбиявий жараёнини тизимли ва комплекс ёндашиш асосида такомиллаштириш ва унда бошқаришнинг ижтимоий ғоясини қўллаш - тарбиявий жараённинг қулайлигини ва самарадорлигини таъминлаб, давлат ижтимоий буюртмасини бажаришига замин ҳозирлайди.

**Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 592 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. – Т., 1997. – 63 б.
3. Олимов Ш. Ш. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2015. – 228 б.



**Акрам СОҲИБОВ**
Қарши давлат университети
доценти, педагогика фанлари номзоди



**Адҳамжон ЗИЯЕВ**
Қўқон давлат педагогика институти
катта ўқитувчиси

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ФУҚАРОЛИК ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*Мақолада бошланғич синф ўқувчиларида фуқаролик туйғуси тарбиясининг долзарблиги, педагогик ёндашув, уни тизимли олиб боришнинг йўл ва усуллари таҳлилий баён қилинган ҳамда методик тавсиялар берилган.*

***Калит сўзлар:*** *фуқаро, фуқаролик туйғуси, Конституция, мадҳия, байроқ, қонун, стратегия, ҳуқуқ, давлат, бурч, онг, шакл, усул, восита, тарбия.*

*В статье рассматриваются актуальные вопросы воспитания гражданских чувств у учащихся начальных классов. Определяется аналитико-систематический подход к формам и методам воспитания чувств гражданственности.*

***Ключевые слова:*** *гражданин, гражданские чувства, конституция, гимн, государства, долг, сознание, форма, метод, средства воспитания*

*The article describes the actuality of upbinging sense of citizenship in primary classes, the methods and ways of Conducting it as a system have been illustrated,methodoiogical rekommendations have been given:*

***Key words:*** *citizen, sense of citizenship, constitution, anthem, flag, law, strategy, state, duty, form, method, educational, materials.*

Давлат ва жамият ҳаётини тубдан янгилашга қаратилган ислоҳотларимизнинг муҳим масалаларидан бири янги давр кишисини тарбиялаш ва вояга етказишдир. Зеро биз илгари сураётган фуқаролик туйғуси тарбияси масаласи долзарблигини асослашимизда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги қарори ҳам фуқароларимизнинг ички туйғуларини намоён этишда илҳом бағишламоқда.

2018 йилнинг 28 декабридаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси[1]нинг асл мазмунида ислоҳотларни халқнинг эҳтиёжларига мувофиқ ва замон талабига мос равишда қабул қилинадиган фармойиш, фармонлар, қарорлар нафақат республикамиздаги балки дунёдаги глобал муаммолар ечимини топиш билан боғлиқ масалаларни ечишда биз кўзлаётган ягона бир мақсадни амалга оширишни кўзда тутмоқда. Бу мақсадларимиз малакатимизда илм-фан, интеллектуал салоҳият, демократик фуқаролик жамиятини шакллантиришга оид хатти-ҳаракатлар, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош ёшларни, фуқароларни тарбиялаш билан биргаликда ватанига бўлган муҳаббат туйғусини уйғотмоқда.

Жумладан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан “Жорий йилда янги таълим муассасаларини қуриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. 12 та умумий ўрта таълим мактаби янгидан барпо этилди, 320 таси реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди. Шунингдек, 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди ва қурилди, 195 та боғча капитал таъмирланди. Фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, мактабгача таълим вазирлиги

ташкил этилди. Биз ушбу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашимиз, жумладан, яқин 3-4 йилда барча ҳудудларда минглаб янги боғчалар қуришимиз, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтаришимиз лозим. Кўплаб ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар асосида юртимизда 11 йиллик таълим қайта тикланди. Жойлардаги ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун Тошкент вилоятида Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этилди. Бундан ташқари, 15 та олий таълим муассасасида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларда ўрта махсус маълумотга эга бўлган 5 мингдан ортиқ педагоглар учун олий маълумот олиш имконияти яратилди. Таълим тизимидаги инновация ва креатив ёндашувлар асосида Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо Улуғбек номлари билан аталадиган аниқ фанлар чуқур ўқитиладиган махсус мактаблар ташкил этилди“ [1] деган фикрлари таълим ва тарбия тизимидаги янгича ёндашувлар билан бир қаторда фуқаролик тарбиясини янада шакллантириш ва ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Республикамиз Президенти Ш. М. Мирзиёев “Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили” номли маърузасида сўзлаган нутқида жумладан, “Илм-фан билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан қудуқ қазишдек гап. Шундай экан, бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қилаётган олимларимиз меҳнати таҳсин ва рағбатга муносиб... Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Илм - фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ва инновациялар учун мустаҳкам асос яратилади”, – дейди [2]. Бу эса бугунги кунда мамлакатимиздаги илм - фандаги инновацияларни қўллаб - қувватлаш, илм аҳлини, ўқитувчи, тарбиячини рағбатлантиришга қаратилган эътибордир. Демак, жамият талабларини амалга оширувчи шахслар давлатимиз таянчи бўлмиш ўқитувчи мураббийлар экан, улар бугунги кунда фуқароларни ёш авлодни баркамол шахс қилиб тарбиялашни ўз олдиларидаги асосий бурч сифатида амалга оширмоқда.

“Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламлиислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетини мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тарғиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди” – дейилади. Шунингдек, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида**:**

– *давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган* демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалга татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

– *қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга* йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш масалалари алоҳида белгилаб қўйилди [3].

Зеро мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланишида жамият аъзоларининг кучли фуқаролик туйғуларига эгалиги алоҳида аҳамиятлидир. Аввало, ушбу Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинишининг ўзи ҳар бир мамлакатимиз фуқароларида юксак ватанпарварлик туйғуларини уйғотди. Белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида инсоннинг комиллик ҳис-туйғуларига эгалиги, бу буюк ишларга ўзини сафарбар этиши, онглилик ва фаоллик сифатлари муҳим рол ўйнайди. Мақоламизда илгари сурилаётган муҳим масала ёш авлодда, хусусан, бошланғич синф ўқувчиларида фуқаролик туйғуларини таълим-табия жараёнида шакллантиришнинг долзарб жиҳатлари, уни ташкил этишнинг самарали йўл ва усулларини тадқиқ этишдан иборат.

Фукаролик туйғуси миллий онг, психик оламнинг энг юксак кўриниши бўлиб, ҳар бир кишининг ижтимоий хаётнинг барча жабҳаларида ҳуқуқий қоидалар, тартиблар, бурчларига онгли муносабатда бўлиши, шунингдек, ҳаётда фаол қатнашиши, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етуклигини ифодалайди.

Демак, фуқаролик туйғусини тарбиялаш ўз навбатида ўсиб келаётган ёш авлодни жамиятдаги устувор аҳамиятга эга ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга онгли муносабатда бўлиш, уларга фукаролик ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида маълумотлар бериб бориш, фуқаролик фаолиятини ташкил этиш кўникмаларини

ҳосил килиш; уларда халқ ўтмиши, қадриятларга ҳурмат ва улардан ғururланиш, ифтихор ҳисларини пайдо қилиш, ватан, юрт озодлигини эъзозлаш, ардоқлаш ва ҳимояга тайёрликни тарбиялаш, давлатимиз рамзларига ҳурмат ҳиссини шакллантириш; ҳуқуқий онг, маданиятни шакллантириб бориш каби муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Мазкур масъулиятли вазифаларни амалга оширишда умумий ўрта таълим мактабларидаги таълим–тарбияга оид ишлар муҳим ўрин тутади.

Маълумки, мактабларда фуқаролик тарбияси масаласи, асосан, ўсмир ёшли ўқувчилар ўртасида кенг кўламда ишлар олиб борилмокда. Аммо унинг асосларини шакллантиришда бошланғич таълим бўғини самарали имкониятларга эга. Бу эса ўқувчиларнинг ёши, билим савиясини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилишини тақозо этади. Фуқаролик туйғусини тарбиялашда асосий масалалар ўқувчининг ўзини, ўзлигини англашга, ўз-ўзини бошқаришда эркинлик, мустақиллик тушунчаларини англатиш, ватан ягоналигини, уни ҳамиша ардоқлаш, ватанимизни янада ҳар томонлама ривожлантиришда фаоллик каби тушунчаларни дарслар, дарсдан ташқи ишлар жараёнида узлуксиз, тизимли олиб бориш кабилардир. Энг муҳими уларда ўзи туғилиб ўсган диёр билан фахрланиш туйғусини шакллантириш жараёнига эътибор қаратилади.

Кичик ёшли мактаб ўқувчиларида фуқаролик туйғуси мактаб остонасига илк бор қадам қўйишлари билан ўзига хосликка эга бўлади. Ўқувчилар ўзларини шу заминининг кичик эгаси эканликларини англай бошлайди. Мактаб билан танишувлари хамда Президент совғалари билан тақдирланишлари улардаги фуқаролик туйғусининг юзага келиши ва барқ уришида муҳим омил саналади.

Кичик мактаб ўқувчиларида фуқаролик туйғуси асосларини тарбиялашда ўқитиш жараёни айниқса бой имкониятларга эга бўлиб, ўқитиладиган ҳар бир ўқув предметидаги ўқув материаллари мазмуни ўзининг йўналиши, моҳияти билан ўқувчиларда фуқаролик туйғуси асосларини тарбиялашга қаратилгандир. Хусусан, биринчи синф Алифбе дарслигидаги "Ўзбекистон" матни; 2-синф Ўқиш китобида "Ўзбекистон" шеъри; "Ватан", "Истиқлол", 3-синф "Ўқиш китоби"даги "Ватанни севмоқ", "Ватан мўътабардир", "Она юрт-олтин бешик", "Она Ватан" мавзуларидаги ўқув материаллари мазмуни ўқувчиларда фуқаролик туйғуси тарбиясининг муҳим жиҳати Ватан туйғусини шакллантириш ҳамда тарбиялашда муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳар бир ўқитувчи мазкур дарс материалларидаги тарбияловчилик имкониятларидан ўз ўқувчиларида она Ватанимизга муҳаббат туйғусини шакллантириш ва тарбиялашга алоҳида эътиборни қаратиши зарур. Бунда мумкин кадар ўқувчиларга мамлакатимиз ер усти, ости бойликларига эга эканлигини, булар халқимиз, давлатимизнинг бойлиги эканлигини, шунингдек, мамлакатимиз кўп миллатли бўлиб, улар бир-бири билан иноқ, дўст, биродар бўлиб яшаётганликларини тушунарли тилда ҳамда ҳаётий мисоллар асосида баён этмоқлари лозим. Бу жараёнга ўқувчиларнинг фаоллик билан қатнашувлари муҳим. "Сиз нима учун ватанингизни севасиз?", "Келажакда ватанимиз ривожланишига қандай ўз ҳиссангизни қўшмоқчисиз?", "Бугунги кундаги бурчингиз нимадан иборат?" каби саволлар юзасидан суҳбат ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, давлатимиз рамзлари ўқувчиларда фуқаролик туйғуси, унинг асоси бўлмиш она-Ватанга муҳаббат ҳиссининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Бу борада "Ўзбекистон давлат герби", "Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи" мавзуларини ўрганиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга, давлат рамзлари, уларни ҳурмат қилиш, мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу билан бирга дарс жарёнида юқоридаги ўқув материалларни ўрганишнинг дастлабки босқичларида давлатимизнинг мадҳиясини ўқувчилар томонидан биргаликда ташкиллаштирилиши мавзунинг тарбиявий таъсирчанлигини янада оширишга олиб келади.

"Алифбе" ҳамда "Ўқиш китоби" дарсликларида берилган расмларда болаларнинг мактабга боришлари, дарс жараёнини ифодаловчи материаллар кичик мактаб ўқувчиларида, мамлакатимиздаги ҳар бир киши фуқаролик мақомига эга эканликларини англаб етишларига имкон беради. Шунингдек, дарсликларда мевазор боғлар, полиз майдонлари, қурилишларнинг тасвирланганлиги ва ўқитувчининг таъсирчан, образли ҳикояси эса уларда яратувчанлик, бунёдкорлик ҳислари намоён бўлишига олиб келади.

Кичик мактаб ўқувчиларида фуқаролик туйғуси тарбияланишида "Мустақиллик куни", "Наврўз" ва бошқа миллий байрамларни нишонлашга доир синф ва умуммактаб миқёсидаги тадбирларнинг пухта тайёргарлик ва ўқувчилар фаоллигида ўтказилиши уларнинг ижтимоийлашувини жадаллаштиради. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, кичик мактаб ўқувчиларида фуқаролик туйғуси асосларининг тарбияланишида тарбиявий соат, одобнома машғулотлари ҳамда дарсдан ташқи тадбирлар жараёнида "Конституциямиз- бахтимиз қомуси", "Сиз ўз ҳуқуқингизни биласизми?", "Ўқувчининг бурчи" каби мавзуларда ўтказиладиган суҳбат, баҳс, ҳикоялар ўқувчиларда фуқаролик онгининг шаклланишида

самарали усул ва шакллар ҳисобланади. Жумладан, бошланғич синф ўқувчилари билан "Конституциямиз – бахтимиз қомуси" мавзусидаги суҳбатни қуйидаги саволлар асосида ташкил этиш мумкин:

1. Давлатимизнинг бош қомуси деганда нимани тушунасиз?
2. Сизнинг кандай ҳуқуқларингиз бор ? Уларни санаб беринг.
3. Конституциямиз қачон қабул қилинган?
4. Конститутциямиз қабул қилинган кунни нима учун байрам қиламиз?
5. Ўзбекистонда яшовчи халқлар (миллат, элатлар) тенг ҳуқуқли деганда нимани тушунасиз?

Мазкур саволларга ўқувчи томонидан берилган жавоблар ўқитувчи томонидан диққат билан тинглаб борилади ва пухта жавоб берган ўқувчилар рағбатлантирилади. Суҳбат жонли бўлиши учун ўқитувчи кўргазмалиликдан кенг фойдаланиши ва ҳиссиётли вазият ҳосил килиши лозим бўлади. Ўқувчиларга қонунлар устуворлиги, уни ҳурмат қилиш ва амал қилиши, шунингдек, бу ҳуқуқлар ва ҳимоя фақат Ўзбекистон фуқаролари учунлигини ҳикоя қилиб бериш орқали уларда ўз юрти, давлатидан ғурурланиш каби юксак туйғуларни тарбиялайди. Бошланғич синфлар билан давлат рамзларига бағишланган тарбиявий тадбилар ўтказиш уларнинг фуқаролик туйғусини шакллантиришда самарали жараёндир. Жумладан, байроқ, мадҳиямиз қабул қилинган кун санасига бағишлаб ўтказилиши аҳамиятлидир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ижтимоий тарбиянинг муҳим тури бўлган фуқаролик тарбиясини амалга оширишда бошланғич таълим қулай имкониятларга эга. Ўқувчиларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириб боришни тўғри ташкил этиш орқали ҳуқуқий демократик давлат ва инсонпарвар, ривожланган жамиятни барпо этишдаги фаол фуқарони камол топтириш самарадорлиги ортади.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2019 йил 28 декабрь.
2. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент, 2014.
4. Эркаев А. Маънавиятшунослик. Монография 1-2 китоб. –Т.: "Маънавият" нашриёти, 2018.
5. Ibragimov X.I., Abdullayeva Sh. A. Pedagogika nazariyasi. - T.: "Fan va texnologiyalar" nashriyoti, 2008.
6. Йўлдошев Ў., Зияев А., Юсупов М. ва бошқалар. Умумий педагогика. –Тошкент, "Фан ва технология". 2018.
7. Мардонов Ш.Қ. Педагогик таълим тизимида таълимий қадриятлардан фойдаланиш. // "Халқ таълими" ж. -Тошкент, 2005. № 6.



**Қобилжон АБДУЛЛАЕВ**
Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси доценти

# ЗАРДУШТИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ ҒОЯЛАРИНИНГ ИЛК ЮНОН ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ

*Мазкур мақолада зардуштийлик таълимоти ғояларининг юнон мутафаккирлари, жумладан Пифагор таълимотига асос бўлиб хизмат қилганлиги таҳлил қилинади.*

***Калит сўзлар:*** *таълимот, гоя, фалсафа, таълим, ахлоқ, устоз, шогирд, мерос, ворисийлик.*

*В данной статье анализируется тот факт, что идеи зороастрического учения послужили основой для учения греческих мыслителей, в том числе Пифагора.*

***Ключевые слова:*** *учение, идея, философия, образование, мораль, учитель, ученик, наследие, преемственность.*

*This article analyzes the fact that the ideas of Zoroastrian doctrine mainly used as the basis for the teachings of Greek thinkers, including Pythagoras.*

***Key words:*** *teaching, idea, philosophy, education, morality, teacher, student, heritage, continuity.*

Неча асрлар давомида олиму фузалолар орасида, жаҳон илму фани тараққиётида хозирги шаклдаги фанлар таснифи қадимги Юнонистонда пайдо бўлган ва тараққий этган деган фикр етакчилик қилади. Айниқса, барча ижтимоий фанлар учун пойдевор вазифасини бажарган фалсафага қадимги юнон олимлари Фалес, Анаксимандр, Пифагор, Аристей, Гермотим, Суқрот, Афлотун, Арастулар асос солиб ривожлантирганлар, бошқа фанлар эса фалсафа негизида пайдо бўлган деган ғоя исбот талаб қилинмайдиган қонуният сифатида эътироф этилади. Аммо “Авесто” матнлари ҳамда тарихий-этнологик, эсхотологик, археологик манбаларнинг чуқур, илмий жиҳатдан таҳлил қилиниши дастлабки илм-фан куртаклари Марказий Осиё ҳудудида пайдо бўлиб, сўнгра зардуштийлик таълимоти ғоялари асосида юнон фалсафаси ва кейинги даврда юзага келган фанлар тараққиётига таъсир этганлигини кўрсатади.

Биз мазкур мақолада аждодларимиз зардуштийлар ва уларнинг муқаддас китоби ”Авесто”даги ғоялар, қарашлар, фикрлар, мулоҳазалар, қоидага айланган аҳкомларнинг кейинги давр таълим-тарбия жараёнининг ривожланиши, тараққиёти, шунингдек, ижтимоий фанларнинг пайдо бўлишига асос сифатидаги таъсирини кўрсатишни мақсад қилиб қўйдик. Ўз навбатида юнон тарихчилари, муаррихлари асарлари ҳамда манбалари таҳлили асосида зардуштийлик дини муқаддас китоби “Авесто” мазмунидаги ғоялар, анъаналарининг илк юнон фалсафаси (эр. ав. VI - V аср) ёрқин намоёндалари Анаксимандр, Пифагор, Ксенофан, Гераклит, Парменид ҳамда Эмпедоклլар таълимотларининг юзага келиши ва тараққий этишига беқиёс таъсирини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, манбаларда Спийтомен Зардушт, Элладада машҳур бўлган Остон исмли муғнинг устози эканлиги, айни Остон муғлар таълимотини Юнонистонда тарғиб этиб ўз навбатида Демокрит ва Протогорга устозлик қилганлиги келтирилади [1].

Юнон мутафаккирлари маълумотлари орқали Зардушт таълимоти Европа маданиятининг мулкига айланди. Белгиялик атоқли авестошунос олим Жан Дюшен Гийемен Зардушт ҳақида: “Осиёнинг барча фарзандлари орасидан Ғарб дастлаб Зардуштни “ўғил” қилиб олди. Унинг таълимоти Грецияни Исо таълимотидан 4 аср олдин бойитди. Зардуштни Платон билар эди. Будда ва Конфуций товушлари Европага бориб етгунга қадар кўп вақт талаб қилинди. Шу сабабли асрлар давомида Зардушт қадимги Осиё донишмандлигини Ғарбда намоён қилган ягона шахсдир... Грецияда Платон замондоши ва шогирди Книдлик Евдокс ўз устозини Зардушт билан тенглаштирди... ”[1]– деган эди.

Афлотун замондоши Продик издошлари, Зардуштнинг махфий асарларига эга эканликлари ва уларнинг мазмуни билан таниш эканликлари билан мақтанганлар. Арасту, Динон, Евдекс, Феопомп Зардушт таълимоти тамойилларидан яхшигина хабардор бўлган. Ҳаттоки, греклар “Зардушт номи ҳаққи” билан қасам ичганлар [3].

Филострат “Тианлик Аппалоний ҳаёти” китобида ёзади: “Эмпедокл, Пифагор ҳамда Суқрот муғлар билан мулоқотда бўлгандан сўнг, кўпгина нотабиий сўзлар ва ғояларни талқин этдилар. Аммо бу учун ҳеч ким уларни жавобгарликка тортгани йўқ”[1]. Флиуртлик Тимон ҳажвий “Силлалар” асарида Пифагорнинг буюклигини масхараомуз тарзда шундай тасвирлайди:

Хаёлий сўзларни лақиллаган волхлар олдида

Бош эгиб, Пифагор ютунди
Сўнгра олийнасаб сўзлар эгаси,
Инсонларни “овлаш”га тутинди.

Плиний (эр. 23-79 й.) “Табиий тарих” асари (XXX,1,9)да: ”Аниқ маълумки: Пифагор, Эмпедокл, Демокрит ва Суқрот муғлар таълимотини ўрганиш ва англаш мақсадида “денгизлар бўйлаб сузишга тутиндилар”. Қайтгандан сўнг муғлар таълимотини ўзлаштириб, ўргата бошладилар, аммо мазмунини бошқалардан хуфя сақладилар”[1]– дейди. Порфирий “Пифагор ҳаёти”да: “Камбиз Мисрни забт этгандан сўнг, коҳинлар қўлида таълим олаётган Пифагор асирга тушди ва Бобилга сургун қилиниб, у ерда муғлар таълимотини ўрганди. Худолар инончи (культи) ҳамда ҳаётий қоидаларга оид барча маълумотларни муғлардан ўрганди ва уни ўзлаштирди” [1]–деб эътироф этиши зардуштийлик таълимотининг юнон илму-фани дарғалари фалсафий қарашлари шаклланишига беқиёс таъсир этганлигини кўрсатади. Шу ўринда Пифагор ва унинг мактаби аъзоларининг жаҳон маданияти тараққиётига инқилобий, улкан ҳисса қўшганликларини эътироф этиш муҳимдир.

Пифагор мактаби намоёндалари антик тамаддун пойдеворига тамал тошини қўйган ҳолда, бошланғич, ўрта, олий таълим тизимига асос солиб, еттита фан асосларининг ўқув материали мазмуни ва ҳажмини белгилаб берганликлари диққатга сазовордир. Шунингдек, қаттиқ жисмлар физикаси, астрономия, оптика каби фанларнинг пайдо бўлиши, биринчи амфитеатр ва театр биноларининг лойиҳаларини тузиш, давлатни полислар ёрдамида бошқариш назарияси ва амалиёти пифагорчилар номи билан боғлиқдир. Биз илк манбага эътибор бермаган ҳолда ҳозирги кунда ҳам философия ва файласуф, эзотерика, символ, математик, симметрия, катет ва гипотенуза, парабола, гипербола, эллипс, оптика, цикл, эклиптика, диатоника, энгармоника каби Пифагор томонидан фанга киритилган атамаларни ишлатамиз.

Қадимги тарихчиларнинг гувоҳликларига эътибор берарканмиз, Пифагор (570-497) қарашларидаги кўпгина ғояларнинг зардуштийлик таълимоти ғоялари билан уйғун сифатда намоён бўлишини кўрамиз. Хўш, бу уйғунлик ва ўзаро мутаносиблик нималарда намоён бўлади. Биринчидан, Пифагор ўз қарашларида борлиқ тушунчасини талқин этиб унда нарсалар мавжудлигининг икки асоси ва сабабини, яъни **ёруғлик** ва **зулматни** эътироф этади.

Ипполит (Опровержение всех ересей, I, 2, 12) “Пифагор, Зарату номли халдей миллатига мансуб донишманддан таълим олди. Зарату унга барча нарсаларнинг икки асоси яъни ота ва она сиймосида мавжудлиги: ота-ёруғлик, она-қоронғулик, ўз навбатида ёруғлик: қайноқ, қуруқлик, енгиллик ва тезликдан, қоронғулик эса- совуқ, намлик, оғир ва секинликдан иборат эканлиги тўғрисида билим берди” деб эътироф этади [1]. Кўриниб турибдики**, ёруғлик ва зулмат** тушунчалари, зардуштийлар таълимотининг асосини ташкил этадиган **эзгулик ва ёвузлик (Аҳура Мазда ҳамда Аҳриман)** тушунчалари таъсирида Пифагор таълимоти мазмунида акс этади.

Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да Аҳура Мазда ва Аҳриман орасидаги доимий кураш жараёнининг мазмуни яъни ҳаёт, тараққиётнинг асосида яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат, ҳақиқат ва ёлғон, гўзаллик ва хунуклик, адолат ва ноҳақлик каби ҳамиша ўзаро курашда бўлган, бир бирига зид тушунчалар ва ғояларнинг ўзаро кураши талқин этилган. Пифагор шу ғоялар мазмуни асосида фалсафага қарама-қаршилик тушунчасини киритди. У 10 жуфтдан иборат қарама-қаршиликлар жадвалини тузди. Улар ниҳоя ва чексизлик, жуфт ва тоқ, бирлик ва кўплик, ўнг ва сўл, эркак ва аёл, муқим ва ҳаракатланувчи, тўғри ва эгри, эзгулик ва ёвузлик, квадрат ва параллелограммдир. Барча қарама-қаршиликларнинг дастлабкиси чексизлик жуфтлиги ҳисобланиб, бу эътироф зардуштийлик динидаги Зурвон brin (интиҳо) – Зурвон akanarag (замон-чексизлик) ғояси таъсирида шаклланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Иккинчидан, Пифагор борлиқни яратувчининг асосий хусусиятларидан бири сифатида донишмандликни талқин этади: “Худодан бошқа донишманд йўқ”; “Кимки ақл-тафаккур билан донишмандона хулқ ва ҳаёт тарзига интилса, тегишли равишда донишмандликни севувчи, яъни файласуф деб аталиши лозим [1]. Бу фикр, ўз навбатида, файласуф атамасига дастлабки таъриф сифатида изоҳланади. Пифагорнинг бу қарашида Худо бутун борлиқнинг яратгувчиси сифатида “барча файласуфларнинг файласуфи” – деган ғоя ётади. Бу ерда ҳам “Авесто” матнидаги юксак илоҳ Аҳура Мазданинг келтирилган сифатларидан асосийси унинг донишманд, юксак ақл соҳиби эканлиги жиҳатидан Пифагор таълимотига асос бўлганлигини кўрамиз, яъни “Ҳурмузд яшт”да “Аҳура Мазда деди:

“Менинг номим- Сўровчидир, Вафодор Зардушт.
Иккиламчи исмим –Матлуб, Учинчи—Қудрат.
Тўртинчиси Ҳақиқатдир, Бешинчиси-барча Эзгулик.
Олтинчиси **Ақл** эрур, Еттинчиси мен **Ақллидирман**.
Саккизинчи **Таълимотман** мен,
Тўққизинчи мен **Муаллимман”**.
“Мен амалда саркордирман, Ҳақиқатда- даркордирман...
Хирадманддир менинг исмим,

Донишманддир менинг исмим [4]"

Зардуштийликда тафаккур ва ақл тушунчаси (xrad) га алоҳида эътибор берилади.

-"Ой, ер ва барча яратилган хилқат ва мавжудотлар **ақл-тафаккур** томонидан ҳимояланиб, бошқарилади;

-оламдаги қонунлар у томонидан белгиланади. Эзгу ишлар ва олийжаноб хатти-ҳаракатлар ақл-тафаккур орқали амалга оширилади;

- ақлли ва мулоҳозакор инсонга кам зарар етади;

- ақл-тафаккурга эга бўлган инсон бадавлатдир;

- ақл-тафаккур ҳар қандай бойликдан аълодир ва уни сотиб олиб бўлмайди;

-ақл-тафаккур барча соҳаларда билим, тажриба, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, яхши ҳаёт кечириш, хурсандчилик, шон-шарафга эга бўлишга кўмаклашиб, ўлимдан сўнг жаннатга тушишга ёрдам беради" [5]. Шунингдек, Пифагор таълим жараёни ҳақида фикр юритар экан: "Тўғри ташкил этилган таълим... ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро хоҳиш ва истаги орқали амалга оширилиши лозим. Ҳар қандай фан ва санъат сирлари ихтиёрий равишда ўрганилгандагина ўз мақсадига тўғри эришади, мажбурий ҳолатда эса самарасиз ва натижасиздир"– деб эътироф этади. Ўз навбатида "Авесто"да ҳаёт ҳамда тараққиёт асосида яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат, ҳақиқат ва ёлғон, гўзаллик ва хунуклик, адолат ва ноҳақлик каби ҳамиша ўзаро курашда бўлган, бир-бирига зид тушунчалар ва ғояларнинг кураши талқин қилинган бўлиб, буларнинг мантиқий ривожи сифатида яхши, доно устоз ва мураббийлар, нодон ва жоҳил устоз, мураббийларга қарши қўйиб тасвирланган. Бунда муаллим ва мударрислар ўз илмини қанчалик билиши, касбига муносабати, фидойилиги, ўз бурчига масъулиятига қараб яхши ва ёмон устозларга ажратилган. "Равшанназар устоз толибни огоҳ этади. Нодон кимсани алдайди ва гумроҳ қилади" яъни, яхши устоз шогирдларини тангрини танимаслик, куфр, инсофсизлик, ғаразгўйлик, ноҳақлик, ишёқмаслик, ахлоқсизлик, ҳунарсизлик ва билимсизлик каби иллатлардан ҳазар қилишга ундаб, тангрига ишониб уни доим мадҳ этиш, ҳақгўйлик, меҳрибонлик, поклик, ҳалоллик, инсоф ва диёнатлилик, адолатлилик, инсонпарварлик каби хислатларни намоён этишига кўмак беришни ўзининг муқаддас бурчи ҳисоблаб, шу йўлда хизмат қилган. Устоз ҳақида: "ҳақиқат нурлари остида комронлик ва шодмонлик манзилига элтувчидир, сен бу йўлни эзгуликдан огоҳ зотлар учун бино айладинг"– деб куйланиши таҳсинга сазовордир. Айни вақтда ёдгорликда имонини ва илмини дев ва друужларга сотган ёмон устозлар қаттиқ танқид остига олиниб қораланади. "Ёмон тарбиячи ўз таълими билан илоҳий сўзларни тескари қилади ва тириклик идрокини хароб айлайди. Ҳақиқатда, у одамларни ростликнинг бебаҳо сармоясидан ва эзгу ниятдан баҳрасиз айлайди", ёки "Эй, илм олмоқ ниятида узоқ-яқиндан келган инсонлар! Алҳол барчангиз қулоқ солингиз, менинг ошкора сўзларимни тинглангиз ва ёдингизда маҳкам сақлангиз. Ёмон тарбиячи ҳеч қачон ҳаётингизни тубанлаштирмасин, девпараст дурвандлар авраргувчи тил билан сизларни гумроҳ қилмасин [4]". Яхшилик, эзгулик (Ахура Мазда) доимо ёмонлик ва жоҳиллик (Аҳриман) устидан ғалаба қозонганидек доно устоз ва мураббийлар таълимоти ёмон устозлар таълимидан устун туриши, ниҳояда эзгу амалларни ўз қалби ва онгига жо айлаган толиб ва шогирдларнинг вояга етказилиши билан якунланишига олиб келади. Пифагор тўғрисидаги мулоҳазаларимизни якунларканмиз, зардуштийлик таълимоти мазмунидаги ғояларнинг Пифагор таълимотига асос бўлганлигини кўрсатувчи Эфеслик Гераклитнинг қуйидаги сўзларини келтирамиз: "Пифагор уларнинг диний таълимотидан хабардор эди, сўнгра уни худди ўзиники каби ўзлаштириб олди" [6]. Кўриниб турибдики, "Авестода"ги устоз ва муаллимлар таърифи, устоз-шогирд муносабатлари талқини грекларнинг таълим-тарбия жараёни ҳақидаги қарашларига таъсир қилганлигига шубҳа йўқ. Шу аснода бу ғоя ва қарашларни таълим жараёни, маънавий-маърифий тарбия йўналишига қўллаш юксак самара бериши аниқ ва равшандир. Бу эса, ўз навбатида, аждодларимизнинг бой маданий-маънавий-маърифий меросларини янада чуқурроқ, махсус ўрганиш ва таҳлил этишни талаб қилади.

**Адабиётлар**


1. Фрагменты ранних греческих философов./ Изд. Подгот. Лебедев А. В.; ред. И. Д. Рожанский. М. : Наука, 1989. с.181
2. Duchesne Guillemm. The Humans of Zaratushtra. London, 1952.
3. Алиев Играр. Несколько замечаний на Авестологическую тему. Баку, Nurlan, 2003.
4. "Авесто".Тарихий -адабий ёдгорлик. А. Маҳкам таржимаси –Т.: Шарқ нашриёти- матбаа концерни. 2001.
5. Зороастрийские тексты. -Санкт-Петербург: «Нева», «Лесной сад». 1998.
6. Кессиди Ф. Х. Кондзелка В. В. Гераклит и Древний Восток (критические заметки) / М. : Высшая школа, 1981.



**Анвар АЛИМОВ**
Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси доценти



**Аъзам АЛИМОВ**
Бухоро муҳандислик-технология институти ўқитувчиси,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

# КАСБ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ВАРИАТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Ушбу мақолада олий таълим муассасалари касбий таълим йўналиши талабаларини вариатив технологиялар асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнини самарали ташкил этиш назарий таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *ижтимоий эҳтиёж, касбий таълим, бакалавриат, инновацион фаолият, таълим самарадорлиги, олий таълим.*

*В данной статье приведены теоритические основы эффективной организации процесса подготовки студентов направления профессионального образования к инновационно-педагогической деятельности на основе вариативной технологии в высших учебных заведениях.*

***Ключевые слова:*** *социальная потребность, профессиональное образование, бакалавриат, инновационная деятельность, эффективность образования, высшее образование.*

*This article presents the theoretical foundations of the effective organization of the process of training students in the direction of professional education to innovative and pedagogical activity on the basis of variable technologies in higher education.*

***Key words:*** *social need, professional education, bachelor degree, innovative activity, efficiency of education, higher education.*

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари билан 2019 йилнинг “Фаол инвестициялар, ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилиниши таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларидаги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш каби долзарб масалаларга амалий ечимлар топиш вазифаларни қўяди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳозирги кунда таълим тизимини янги дарсликлар билан таъминлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш борасида ишлар жадал давом этмоқда [1].

Касбий таълимнинг халқаро андазаларга тўлиқ мослигини таъминлаш ва ижтимоий буюртма асосида малакали кадрларни тайёрлашда талабаларни мустақил ҳаракат қилиш, ўз-ўзини ривожлантириш, намоён қилиш ва бошқариш, ностандарт фикрлаш ва мақбул қарор қабул қилиш, доимий равишда янги ғоя, технологияларни излаш, топиш ҳамда тажриба-синовлар ўтказиш, ахборот технологияларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш ва электрон таълим ресурсларини яратишга қаратилган янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш ўқув жараёнини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади [2,5]. Биз олиб борган тадқиқот ишларимиз натижасида бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида талабаларни фаоллаштирувчи ва доимий янгиликка интилишга қаратилган ҳамда уларда инновацион фаолиятнинг функционал компонентларини ўзида

қамраб олишга имкон яратадиган қуйидаги шахсга йўналтирилган вариатив таълим технологияларини ишлаб чиқдик. Ушбу вариатив технологиялардан ҳаракатга йўналтирилган таълим технологиясининг назарий жиҳатларига, амалда қўллаш имкониятлари ва афзалликларига тўхталиб ўтамиз.

"Ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш ва ўқиш" тушунчаси ҳақидаги барча баҳс-мунозараларда қуйидаги ягона ғоя илгари сурилади. Бу касб-ҳунар таълими учун муҳим бўлган меҳнат фаолиятларига йўналтирилган ўқув жараёнини ҳаракатли таълим асосида ташкил этиш ва ўтказиш орқали талабаларда касбий компетенцияни шакллантириш ва ўстириш ғоясидир [3]. Касб таълими йўналишларида махсус фанларни ҳаракатга йўналтирилган таълим жараёнида талабалар ва ўқитувчи роли ўзгаради ва янги ўқув маданияти юзага келади. Бу янги таълим парадигмаси бутун умр давомида таълим олиш ғоясига асосланади ва ўқиш фаоллиги, ўз-ўзини бошқариш, мустақил ўрганиш, ўқиш ва ўрганишга қайта йўналтириш асосларини ўзида акс эттиради. Мустақил ташкил этилган таълим ўзида янги ўқув маданиятининг асосий моделини намоён қилади. Бу метод анъанавий методлардан фарқли равишда талабаларга ўз-ўзини намоён қилишнинг жуда юқори даражасини белгилайди. Янги ўқув шаклини фақат билимларни узатиш назариясидан ўз-ўзини бошқариш таълимига ўтишни билдиради.

Ҳаракатга йўналтирилган ўқиш ва ўрганишни ташкил этиш мустақил таълим жараёни ва ўқув ҳаракатларига таянади ва унинг белгилари қуйидагилар ҳисобланади:

-мустақил ҳаракат қилиш ва интилишга йўналтирилган;

-ўзини бошқарадиган;

-фаол ҳаракат;

- таълимнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда компетенцияни ривожлантирувчи [4].

Талаба ҳаракатининг фарқли белгилари шундан иборатки, ўқув жараёнида иш-ҳаракат мақсадга йўналтирилган ва онгли равишда, яъни ҳаракат натижалари фикран аниқланган бўлади.

Ҳаракатга йўналтирилган таълим қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

1. Талаба топшириқ ёки муаммоли вазият моҳиятини тўлиқ англаб олиши керак.

2. Бу босқичда топшириқ ёки муаммоли вазиятнинг ечими бўйича мустақил фикрлаш амалга оширилади. Агар иш кичик гуруҳда ёки жуфтликда бажарилаётган бўлса, у ҳолда барча иштирокчиларнинг фикри инобатга олинади ва умумлаштирилади ҳамда режалаштириш жараёни амалага оширилади. Топшириқ ёки муаммоли вазиятни бажариш бўйича режалаштирилган ишлар 3 босқичда мустақил ҳаракат орқали амалга оширилади. Топшириқ ёки муаммоли вазиятнинг ечими давомида албатта қўйилган мақсад билан натижа орасида тескари алоқа бўлиши керак. Бу таълим технологиясининг асосини мустақил ишлар ташкил этади. Ҳаракатга йўналтирилган таълим мазмуни қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1-босқич: мазмун ва ҳажмдан иборат иш мақсадларини аниқлаш: чегаравий рухсат этилган иш вақтини аниқлаш.

2-босқич: ишнинг дастлабки тузилмаси, билимлардаги нуқсонларни қоплаш ва ахборотга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш.

3-босқич: интернет тармоғидан фойдаланишда изланишга тайёрланиш, изланиш стратегияси: ахборот-қидириш машиналари, каталоглар.

4-босқич: ахборотни қидириш, баҳолаш, мақбул бўлган ахборотни аниқлаш, ахборотни қисқартириш.

5-босқич: ахборотни қайта ишлаш, қаттиқ дискга, ахборот ташувчисига ҳужжатлаштириш ёки босмадан чиқариш.

6-босқич: иш натижаларини назорат қилиш, умумлаштириш ва баҳолаш.

Ҳаракатланиш йўриқномаси ёрдамида ўқиш таълим олувчиларга бир қатор афзалликларни таклиф қилади:

- якка тартибда ўқиш имконияти;
- ҳар томонлама ўқиш имконияти;
- шахсий масъулият остида мустақил ростланадиган ўқиш имконияти;
- олдинги ютуқларга мувофиқ дифференциялаш (фарқлаш) имконияти;
- шахсий эътибор ҳиссиётини ошириш ва ўқишга қизиқтиришни кучайтириш имконияти;
- ҳамкорликда ҳаракатланишга тайёрлик имконияти ва жамоада ишлай олиш қобилияти;
- муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини ривожлантириш.

Шунингдек, бу таълим технологиясини амалга оширишда қуйидаги муаммолар ҳам мавжуд:

- талабалар ахборотни мустақил қидириб топиш заруриятини тан олишлари керак;
- якка тартибда мустақил ҳаракатланиш қобилияти ва мос равишда ўқитувчи билан дифференциялашган ҳолда ривожланиши керак;

- рақамли ахборот ташувчилари ва интернет тармоғи билан ишлаш (шу жумладан махсус фан бўйича машғулотларда ҳам) ресурсларини, шунингдек, мураккаб бўлмаган мактабни ташкил этишни талаб қилади;

- компьютерлар ва дастурий таъминотнинг нисбатан тез амортизацияси узлуксиз молия воситаларини етказиб туришни талаб қилади;

Махсус фан бўйича машғулотларда билимларни мустақил эгаллаш учун ҳаракатга йўналтирилган йўриқномани ишлаб чиқиш маълум даражада аҳамиятга эга бўлиб, кузатадиган таърифларни ўз ичига олади.

Ўтказилган изланишлар натижасида ҳаракатга йўналтирилган таълимни ташкил этиш йўриқномасининг умумий тузилмасини ишлаб чиқдик.

1. Ҳаракатларга йўналтирилган қўлланманинг номи “сарлавҳа” фойдаланиладиган ахборот ташувчиси билан аниқланади; титул варағининг кенгайтирилган мазмуни.
2. “Ахборот манбаи” дан ахборотни мустақил олиш.
3. “Ахборот ташувчиси ёки интернет саҳифасининг аниқ белгиси”дан фойдаланиб ўйланган топшириқни мустақил ечиш.
4. Ахборот юборувчилар доираси касб-ҳунар коллежи касби, бўлажак мутахассислиги.
5. Таълим соҳаси: намунавий ўқув дастури асосида ифодалаш.
6. Фойдаланиш учун таянчлар: билимларнинг маълум даражаси шароитида.
7. Касбий фаолиятлар учун ҳаракатга йўналтирилган ўқув материаллари.

Ушбу таълим жараёни давомида ўқитувчи мураббий сифатида иштирок этади, яъни у ташкилотчи, ўқув маслаҳатчиси, ахборот йиғувчи ва кузатувчи сифатида фаолият юритади ҳамда вақтинчалик чегараларни аниқлайди, иккиланган вақтида талабаларни қўллаб-кувватлайди ва иш натижаларини назорат қилади. Унинг махсус фан бўйича жорий дарсдаги ҳаракатланишга йўналтирилган таълим мазмуни маълум даражада талабаларни қизиқтиради ва ишдаги ютуқни аниқлаб беради. Демак, ҳаракатга йўналтирилган таълимда талабаларда касбий компетенциялари ва ўқув ва ишлаб чиқариш таълими самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, бу таълим жараёнида бўлажак мутахассислар мустақил фаоллигини оширишдан иборат.

“Ҳаракатга йўналтирилган” технологияларни қўллаш бўйича амалий машғулот намунаси

***Мавзу: Даврий кимёвий реакторларни моделлаштириш***

**Амалий машғулот мақсади:** таълим жараёнида “Ҳаракатга йўналтирилган” технологияларни қўллаш бўйича нефт ва газ соҳаси бўлажак касб таълими ўқитувчиларида билим ва кўникмаларни шакллантириш.

**Амалий машғулот шакли:** кичик гуруҳларда ишлаш, жамоавий.

**Машғулот методлари:** муаммоли вазият, мунозара, ақлий ҳужум, тақдимот.

Амалий машғулотнинг 1-қисми мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Талабаларга мурожаат қилиш.

а) нефт ва газ соҳаси, мутахассислик бўйича режалаштирилган билим ва кўникмаларни эгаллашни тушунарли ҳолда яхлитлаштириш. Даврий кимёвий реакторларда, маҳсулот реакторга юклангандан сўнг, модданинг бир туридан иккинчи турига айланиш жараёни кетади;

б) кимёвий реакторларда кетаётган жараёнларни математик моделлаштириш йўли билан ўрганишда, аввал, озиқ-овқат ва кимёвий жараённинг стехиометрик тенгламаси тузилади, сўнгра реакция молекулярлиги ва тартиби аниқланади. Агар кимёвий реакция тезлиги константаси қиймати номаълум бўлса, унда унинг қийматини экспериментал йўл билан аниқлаб, сўнгра кинетик тенгламалар тузилади.

в) фараз қийлайлик, даврий кимёвий реакторда қуйидаги стехтиометрик тенглама бўйича элементлар кимёвий жараёни кетмоқда (1-расм).




**1-расм. Даврий кимёвий реакторда кимёвий жараён.**

Бу ерда, А ва V – ўзаро таъсир киритаётган моддалар; С – реакция маҳсули; k – реакция тезлиги константаси (одатда унинг қиймати эксперимментал аниқланади). Бу ерда Ca, Cb – ўзаро таъсирга кираётган А ва V моддалар контцентрациялари; V – реактордаги моддалар хажми. Реакция компонентларининг молекуляр оғирлиги Ма + Mb =Ms. (Масалан, қуйидагилар реакция учун; 2H2+O2; Ma=4, Mv=32, Ms =36, яъни, 4+32=36).

Массаларнинг сақланиши қонунини ҳисобга олиб, келтирилган ўзгармас сарф катталигини ҳисоблаб топишимиз мумкин, a=Ma/Ms; b=Ma /Ms. Бу ўзгармас сарф катталиклари, Qc модда олиш учун керак бўлган А ва V модда миқдорларини ҳисоблашда керак бўлади.

$$Q_a^{\cdot} = aQc; \qquad Q_b^{\cdot} = bQc$$

А, V ва С иодда миқдорлари ўзгаришини (Qa, Qb ва Qc) қуйидаги тенгламалар ёрдамида ҳисобланади;

$$Qa = Qao - a \cdot Qc$$
$$Qb = Qbo - b \cdot Qc \qquad (1)$$
$$Qc = Cc(Qao + Qbo)$$

Бу ерда, Qao ва Qbo, А ва V моддаларнинг бошланғич миқдорлари.

А ва V компонентлардан концентрацияларини (Ca,Cb) ҳисоблаш учун, қуйидаги тенгламалардан фойдаланиш мумкин:

$$Ca = (Qao - a \cdot Qc)/(Qao + Qbo)$$
$$Cb = (Qbo - b \cdot Qc)/(Qao + Qbo) \qquad (2)$$

Машғулотнинг 2-қисми мазмунида BASIC алгоритмик тилида масалани ечиш дастури талабалар томонидан мустақил равишда тузилади. Масалани ечиш блок – схемасини тузамиз.



Кимёвий жараён кетиши билан, кимёвий реакция кинетикасини ҳисобга олиб, А ва V моддаларнинг ўзаро таъсири натижасида, модда миқдорининг (V.Cc) ўзгаришини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{\partial (V \cdot C_c)}{\partial \tau} = V \cdot k \cdot C_o \cdot C_b \qquad (3)$$

Даврий реакторларда озиқ-овқат ва кимёвий жараён ўзгармас ҳажмли реакторларда кетишини ҳисобга олиб (5.3) тенгламани қуйидагича ёзамиз:

$$\frac{\partial C_c}{\partial \tau} = k \cdot C_a \cdot C_b \qquad (4)$$

Юқоридаги тенгламаларни бир тенгламалар тизимига келтириб, даврий озиқ-овқат ва кимёвий реакторни математик моделини тузамиз. Бу математик моделни ҳисоблаш усулини танлаб, масалани ечиш кетма-кетлигини аниқлаймиз ва масалани ечиш блок – схемасини тузамиз.

Амалий машғулот қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1-босқич: даврий кимёвий реактор математик модели билан таниб чиқиш.

2-босқич: масалани ечиш блок – схемаси билан танишиш.

3- босқич: масалани ечиш дастурини тузиш ва уни компьютерга киритиш.

4-босқич: ўқитувчи билан келишган ҳолда компьютерга ҳисоблаш экспериментини ўтказиш учун бошланғич қийматларни киритиш.

5-босқич: ўқитувчи топшириғи бўйича ҳисоблаш экспериментини ўтказиш.

6-босқич: олинган натижалар бўйича ҳисобот тайёрлаш. Иш натижаларини назорат қилиш, умумлаштириш ва баҳолаш.

Касбий масалалар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак.

1. Масаланинг назарий асослари.
2. Масалани ечиш блок - схемаси.
3. Масалани ечиш дастури.
4. Ҳисоб натижалари ва олинган натижалар таҳлили.

Тадқиқот доирасида ўтказилган изланишлар ва олинган натижалар бўлажак касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш бўйича қуйидаги хулосалар қилиш имконини берди:

1. Олиб борилган изланишлар ва таҳлиллар бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашга оид тадқиқотлар таълим-тарбия жараёнида шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли турли хил касбий муаммолар келиб чиқишига олиб келади.

2. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш, ўтказиш ҳамда ўқув материалларини ишлаб чиқишда ўз-ўзини мустақил такомиллаштириб бориш қобилиятларининг шакллантиришга қаратилиган “Ҳаракатга йўналтирилган” фойдаланиш орқали инновацион салоҳиятни ривожлантириш мумкин.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил, 29 декабрь. №271-272.

2. 5111000 – Касб таълими (5321400 – “Нефть-газ ва кимё саноати технологияси”) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 21 августдаги 303-сонли буйруғи.

3. Алимов А.А., Алимов А.Т. Махсус фанларни ўқитишда мустақил ҳаракатга йўналтирилган ўқитиш технологияси // Педагогик маҳорат. -Бухоро, 2013. – №2, – Б. 24-28.

4. Олимов Қ.Т., Сайидахмедова М.С., Жалолова Д. Ф., Бозорова М.Қ., Болтаева М.Л., Алимов А. А. Педагогик технологиялар ўқув қўлланмаси. –Т.: “Fan va texnologiya”. 2011. 300 б.

5. Ellis A.K., Fouts, J.T. Research on educational innovations, [text] / A.K. Ellis, J.T. Fouts. - Princeton Junction, 1993



**Зайниддин БОЗОРОВ**
Бухоро давлат тиббиёт институти
педагогика, психология ва
тиллар кафедраси ўқитувчиси

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ – ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИ СИФАТИДА

*Мақолада фуқаролик жамияти ва унинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий хусусиятлари таҳлил қилиниб, фуқаролик жамиятининг талаба-ёшларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг мақсади, асоси эканлиги ва унинг аҳамияти кўриб чиқилган.*

***Таянч тушунчалар***: *фуқаролик, жамият, хусусият, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-фаоллик, ҳуқуқий билимдонлик, давлат бошқаруви, сиёсий онглилик, иқтисодий соҳа, ижтимоий соҳа, маънавий соҳа, конституциявий меъёрлар, қонунлар, устуворлик, инсон манфаатлари.*

*В статье анализируются социально-экономические духовные особенности гражданского общества и в ней отражены как гражданское общество является целью и основой гражданской культуры студентов-молодёжи, указывая на её общественно-педагогическое значение.*

***Опорные понятия***: *гражданство, общество, особенность, социально-экономический, грамотность, правовый, социальная активность, государственное управление, политическое сознание, экономическая отрасль, социальная отрасль, конституционные нормы, законы, приоритетность, интересы человека.*

***Key words:*** *basic concepts: citizenship, society, feature, socio-economic, literacy, legal, social activity, public administration, political consciousness, economic sector, social sector, constitutional norms, laws, priority, human interests.*

Педагогик жиҳатдан келажак авлодни баркамол инсонлар, ғурурли, эътиқодли, адолатпарвар фарзандлар, яъни маънавий-ахлоқий фазилатлари юксак, жисмоний, эстетик, экологик, иқтисодий маълумотлар билимдони, интеллектуал салоҳият ва фуқаролик ҳис-туйғуси, позицияси эгаси қилиб тарбиялаш, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама ва гармоник ривожланган шахс қилиб тарбиялаш учун, аввало, шахс фуқаролик маданиятининг мақсади ҳамда асосини ташкил қилувчи омилни синчиклаб ўрганмоқ мақсадга мувофиқ.

Маълумки, бугунги мустақил Ўзбекистоннинг стратегик мақсади демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятининг пойдеворини қуриш ва ривожлантиришдан иборат. Чунончи, “Пировард мақсадимиз, -деб ёзган эди мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов, - ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир... ”[1]. Зеро, бу жамият комил инсон, ҳар томонлама ривожланган, фуқаролик маданиятини ўзида шакллантирган жамият бўлади. Шу ўринда эътироф этиш жоизки, “Фуқаролик жамияти – инсониятнинг азалий орзуси, истак-хоҳишидир. Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти – инсоният цивилизациясининг нодир кашфиёти” [2]. Бу жамиятда инсон ижтимоий-сиёсий жиҳатдан етук камолот эгаси, ижодкорлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик каби теран инсоний фазилатлар эгаси, мустақил фикр юритадиган, ўз сўзи, ўз эътиқоди, ўз дунёқарашига эга шахс, бу фазилатлар эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал билан суғорилган, чунки унинг эрки, ҳуқуқи, манфаатлари, давлат бошқарувида қатнашиш имконияти тўла қонун билан кафолатланган конституциявий меъёрлар билан таъминланган. Айтиш жоизки, фуқаролик – ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, маънавий-маданий ҳаётнинг олий ютуғи.

Таъкидлаш жоизки, илмий манбаларда кўрсатилишича, фуқаролик жамияти тушунчасининг илдизлари, яъни пайдо бўлиши антик дунёга бориб тақалади. Мазкур тушунчанинг майдонга келиши, эркин, сиёсий ҳуқуқий онги ривожланган, фаол, муайян ҳуқуқ, бурч, масъулият билан таъминланган фуқаролар йиғинига бориб тақалади. Фуқаро ва фуқаролик ҳақида тасаввурлар бири-бирига яқин ва ҳамоҳангдир. Агар фуқаро ҳар қандай инсоннинг муайян давлатда яшаб, оила, миллат, халқ, давлат олдидаги бурчи, мажбуриятни ҳис қилувчи инсон деган маънони англатса, фуқаролик – ҳар бир инсоннинг аниқ бир мамлакатга, мамлакат ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам шу давлатга мансуб

эканлигини, унинг ҳуқуқий, сиёсий-ҳуқуқий имкониятлари қонунлар билан асосида ҳимояланганлигини, манфаатларининг тўла таъминланганлигини англатади.

Демак, фуқаро ва фуқаролик бир-бирини тўлдирувчи, ўзи яшаётган мамлакатнинг конституцияси ва унинг асосида чиққан барча қонунларни тан олиш, уларга сўзсиз итоат қилувчи сиёсий, ҳуқуқий, ҳуқуқий-ахлоқий талабларга жавоб берувчи инсон демакдир. Мана шунга асосан фуқаро ва фуқаролик фуқаролар уюшмалари, ташкилотларни ташкил этиб фуқаролик жамиятининг таркиб топишига асос бўлди. Академик Мурод Шарифхўжаевнинг таъбири билан айтганда "Фуқаролик жамияти инсоният жамиятининг олий кўриниши, олий шакли"[3]. Шунинг учун бу жамият шахс фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг мақсади ва асосидир. Шундай қилиб, фуқаролик жамияти – бу фуқароларнинг давлат бошқарувида фаол, кенг қатнашуви, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасида, конституциявий меъёрлар, ахлоқий-ҳуқуқий қонунлар устуворлигининг таъминланганлиги, уларнинг инсон манфаатларини назарда тутиб фаолият кўрсатишларига йўналтирилган мураккаб ижтимоий тизим ҳисобланади. Бу жамиятда фуқаролар ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол, иқтисодий-маънавий фаолиятда ташаббускор, тадбиркор, ишбилармон, бўлишлари талаб этилади. Шунга асосан фуқаролик жамияти инсоният жамиятининг олий шакли, орзу-интилишларининг амалга ошишининг манбаи ҳисобланади. Унда биологик қонунлар эмас, балки ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий қонунларнинг устуворлиги таъминланган фуқароларнинг муштараклиги, бирлиги амал қилади. Шу боис бу жамият инсонлар, фуқаролар, меҳнаткашларнинг ўз манфаатлари, халқ манфаати, давлат манфаати йўлидаги имкониятларининг тўла намоён бўлишини таъминлайдиган, ахлоқий-ҳуқуқий манфаатларини рўёбга чиқариш учун замин ярата оладиган жамият ҳисобланади. Шу ўринда эътироф этиш жоизки, бунда давлат жамиятнинг ривожланишига ижобий таъсир этади ва ўз навбатида жамият ҳам давлатнинг мустаҳкамланишига, ундаги барча йўналишдаги фаолиятини такомиллашишига кўмаклашди. Демак, бунда давлат ҳам, жамият ҳам бир-бирини тўлдирувчи, давом эттирувчи куч ҳисобланади.

Академик, М. Шарифхўжаевнинг таъкидлашича, "Фуқаролик жамиятини идеал ҳолда тасаввур қилувчиларнинг таълимотига кўра, бу жамият очиқ, одил жамият бўлиб, унда эркин ва тинч ҳуқуқли шахслар истиқомат қилишади, улар ўз фуқаролик ҳамда сиёсий ҳуқуқларига эга бўлишади, давлатни бошқаришда фаол иштирок этишади, фикрларини ошкора айтиш, эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш, ўз мақсадларига мос келадиган уюшма ва ташкилотлар тузиш имкониятларига эга бўлишади" [4].

Илмий-ижтимоий ва методологик маълумотларга кўра демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти, инсоният цивилизациясининг илк даврлариданоқ "идеал давлат", "идеал жамият", "идеал шахс" тарзида тасаввур қилиниб, унинг шаклланиш босқичлари ҳозирги кунда Ўзбекистон мамлакатида шаклланаётган фуқаролик жамияти хусусиятлари билан ҳамоҳангдир. Шу маънода айтиш мумкинки, фуқаролик жамиятида барча масалалар, муаммолар қонунлар асосида, ҳуқуқий-ахлоқий меъёрлар доирасида ҳал этилади. Юксак маънавиятли, инсонпарвар, эрксевар фуқаролар ўз шахсий манфаатлари ва мақсадларини демократик ва адолатли талаблардан устун қўймайди. Чунки қонун олдида барча бу жамиятда тенг ҳуқуққа эга ва мажбуриятли бўлади. Ана шундай шароитда жамиятда демократия такомиллашади, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги кучаяди. Ҳудудларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш шаклланади, ўз-ўзини бошқариш органларининг фаолияти бевосита ҳудудда яшаётган фуқароларнинг фаол иштироки асосида шаклланиб, такомиллашиб бораверади. Бу эса ўз навбатида фуқаро ва жамият ўртасидаги алоқадорлик ва боғлиқликни кучайтиради. Фуқаролар, меҳнаткашлар ўзларини жамият учун энг муҳим, йўналтирувчи куч эканликларини кенгроқ англай бошлайди ва фаоллашади. Натижада фуқароларнинг дунёқараши, орзу-истаклари ҳамда мақсад-муддаолари бевосита ва билвосита жамият истиқболини белгилайди, унинг келажагини, фаравонлигини ривожлантиришини таъминлайди. Шу сабаб жамият тараққий этади ва фуқаро билан давлат ўртасидаги муносабатни янги поғонага кўтаради. Бу эса ҳар бир фуқарода фуқаролик маданиятининг шаклланиши ва ривожланишига муҳим туртки бўлиб ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ғоясининг назариётчилари: Арасту, Эпикур, Лукреций, Мариль Падуанский, Г.Гроций, Б.Спиноза, Т.Гоббс, Шарль Фурье, Сен-Симон, Ж.Локк кейинчалик Г.Гегель давлат фуқаролик уюшмаси ёхуд фуқаролик жамияти уюшмасидан бўлак нарса эмас деб таъкидлаб, давлат билан фуқаролик жамиятининг бир-бирига яқин, бир-бирини инкор қилувчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи, қўллаб-қувватловчи ижтимоий-иқтисодий ҳодиса эканлигини талқин қиладилар. Бу жамиятнинг бош белгиси – инсон, унинг ҳолати, роли, функцияси деб таъкидлайдилар. Шу маънода айтиш мумкинки, ҳозирги даврда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш назариётчилари (И.А.Каримов, М.Шарифхўжаев, А.Т.Азизхонов, У.Эгамбердиева, Н.Алиқориев, К.Калонов ва бошқалар) фуқаролик жамиятида сиёсий, иқтисодий ҳаётда фуқароларнинг фаол иштироки ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча соҳаларига қатнашуви, ташаббуси кенгаяди,

имкониятлари ортади, деб таъкидлайдилар. Бу ҳол эса жамиятдаги давлат, шахс, нодавлат ташкилотлари ўртасида янгича, фуқаролар, меҳнаткашлар манфаатларига хизмат қилувчи муносабатларни вужудга келтиради. Оқибат-натижада давлат фуқаролик жамиятнинг шаклланиши, ривожланишининг тезлашишига ижобий таъсир кўрсата бошлайди. Ўз навбатида фуқаролик жамияти ҳам давлатнинг мустаҳкамланишига, такомиллашига кенг шароит ва имкониятлар яратади. Натижада давлат ичида ва жамиятда инсоннинг, яъни фуқароларнинг ижтимоий мавқеи ошади ҳамда шахсий манфаатлари ва эҳтиёжлари давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва бу жараён инсон фаолиятида ижодий изланиш, ишбилармонлик, тадбиркорлик, уддабуронлик, ташаббускорликни аниқ намоён этишини таъминлайди, натижада шахснинг эркинлик, мустақиллик, озодлик тўғрисидаги орзулари, хоҳишлари реал имкониятга айланади. Бу фуқаролик жамиятининг ўзига хос белгиларидан бири. Фуқаролик жамиятининг ўзига хос бошқа белгилари ҳам мавжуд бўлиб, улар бу жамиятда яшовчи фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий турмуш тарзини назарда тутади ва уларни ташкил қилувчи ҳамда кафолатловчи соҳалари учун имкониятлар яратади. Бу кафолатловчи соҳалар қуйидагича тавсифланади:

Сиёсий соҳада бу:

- халқ ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ иштирок этиш лозимлигини;
- ҳокимият бўлинишининг жаҳон тан олган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойилини жорий этиш асосида демократияни чуқурлаштириш ҳамда миллий давлатчиликни барпо этиш;
- жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини тубдан янгилашни;
- барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини таъминлашни;
- бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг якка ҳокимлигидан воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш;
- Ўзбекистонда туғилиб, унинг заминида яшаётган, меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублиги ва эътиқодидан қатъи назар республиканинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга эришишни билдиради.

Иқтисодий соҳада бу:

- миллий бойликнинг кўпайишини таъминлайдиган барқарор, ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этишни;
- ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантиришни;
- мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва барча мулкчилик шаклларининг ҳуқуқий тенглигини қарор топтиришни;
- иқтисодиётни ўта марказлаштирмасдан, корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтиришни, давлатнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечишни билдиради.

Ижтимоий ва маънавий соҳада бу:

- инсонпарварлик ғояларига содиқлигини, инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, қадр-киммат, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи сақланиб қолишини;
- маънавиятнинг қайта тикланишини;
- ўзбек тилини ривожлантиришни;
- хурфикрлилик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтиришни;
- ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш аҳолининг энг ночор қатламлари – кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан ихтиёрий муҳофазага бўлган кафолатли ҳуқуқларини таъминлашни;
- одамларнинг истеъдод қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш маънавий мулкни ҳимоя қилишни билдиради". Юқорида баён этилган фуқаролик жамиятининг ўзига хос белгилари халқ учун, фуқаро манфаати учун хизмат қилувчи, ёшларнинг баркамол фуқаро, етук инсон ва маданиятли шахс ҳар томонлама ва гармоник ривожланган бахтли мутахассислар қилиб вояга етказишга йўналтирилган давлат-жамият концепциясининг бош ғояси ҳисобланади. Бу ўзига хос белгилар бугунги кунда ўз долзарблигини йўқотган эмас, аксинча кучайди. Зеро республика Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 19 октябрдаги тадбиркорлар ва ишбилармонлар – Ўзбекистон либерал демократик партиясининг VIII съездидаги "Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш – халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир" номли маърузасида қуйидагича жаранглади: "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада "Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари"

концепциясини изчил давом эттириш энг устувор вазифаларимиз қаторига киради". Бунинг учун, "Биринчи навбатда маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган раҳбар ва ходимларнинг малакаси ва савиясини мунтазам ошириб бориш лозим бўлади" [5]. Кўриб ўтганимиздек, фуқаролик жамиятида барча нарса халқ учун, фуқаролар учун ва уларнинг бахт-саодати учун. Бунга жавобан айтиш мумкинки, ҳар бир фуқаро болалигидан, ёшлигидан бошлаб ижтимоий-иқтисодий асос, маънавий-маданий устқурма, давлат ва жамиятнинг мазмун-моҳиятини англаши, унинг фаол, бунёдкор, тадбиркор, ташаббускор аъзосига айланмоғи, буюклар сўзи билан айтганда, улар (фуқаролар, талаба-ёшлар) ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнларнинг иштирокчиси, муаммолар, масалаларни бажарувчиси эмас, балки асосчиси, ташкилотчиси, бунёдкори бўлмоғи даркор. Бунинг учун илмий-назарий маълумотлар, амалий педагогик тажрибаларнинг кўрсатишига ҳар бир меҳнаткаш, ҳар бир фуқаро, ҳар бир ёш болаликдан бошлаб ўзида фуқаролик маданияти сифатларини таркиб топтирмоғи, педагогика назарияси ва амалиёти эса болалар ва ёшларда фуқаролик маданияти сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларининг ҳам назарий, ҳам амалий-методик асосларини ишлаб чиқиши лозим. Дарҳақиқат, педагогика фанлари номзоди, доцент Б.Қ.Хўжаев ёзганидек: "Фуқаролик маданияти – бу фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдевори, демократик-ҳуқуқий тизим етуклиги сифатида воқеликнинг тараққиёт қонуниятларини ўрганиш ва ўзлаштириш воситасида фуқароларнинг ижодий кучи, қобилияти интеллектуал салоҳияти ёрдамида муайян миллат, халқ, Ватан, давлат ва жамиятни барпо этиш, равнақ топтириш, унинг моддий ва маънавий бойликларини асраб-авайлаш, кўпайтириш ва келажак авлодга тўла-тўкис етказиш ҳамда ўз мамлакати, халқи мукаммаллиги ривожи учун мазкур мерослардан унумли фойдаланиш, яратиш, бунёд этишга йўналтирилган шахс камолотининг юксак намунасидир" [6]. Демак, фуқаролик маданияти шаклланган ҳар бир инсонда интеллектуал салоҳият, ақл-заковат кучли ривожланган бўлиб, мамлакатдаги бунёдкорлик муҳитини, барпо этилаётган фаровон ижтимоий ҳаётни воқеликнинг тараққиёт қонуниятлари асосида тасаввур қила оладиган, мустақил мамлакат ва миллий ғояларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, ўз Ватанининг, халқининг, миллатининг тақдири, унинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ҳамда янгича фикрлайдиган фарзанд бўлади. Шундай экан, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида бундай ёшларни, хусусан мутахассисларни тарбиялаб вояга етказиш кечиктириб бўлмайдиган ҳол. Бунда узлуксиз таълим муассасаларининг, айниқса олий таълим муассасаларининг фаолияти муҳим ўрин эгаллайди. Чунки олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ҳар бир, келажакда ўз мутахассислиги йўналишидаги илмий маълумотларга эга бўлибгина қолмай, балки мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамияти тўғрисида илмий-назарий, сиёсий, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий маданият тўғрисидаги билим, кўникма, малакалар билан ҳам қуролланадилар. Бу эса демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириб, интеллектуал ва маданий салоҳиятини юксалтиради ҳамда уларда фуқаролик маданиятининг шаклланишига омил бўлиб хизмат қилади. Шу боис фуқаролик жамияти талаба-ёшларнинг фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг асос манбаи ва мақсад-муддаоси ҳисобланади.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. // Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ , 1997. –б-20-29
2. Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. -Т.:Шарқ,1993.
3. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. –Т.: Ўзбекистон,1995. -24 б.
4. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Т.: "Шарқ", 2003.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017.
6. Хўжаев Б.Қ. Фуқаролик маданиятининг моҳияти ва унинг шахс камолотидаги ўрни. –Бухоро, "Педагогик маҳорат", 2006, 3-сон.
7. Азизхонов А.Т., Мусаев О.Р., Ҳабибуллоева Д., Эгамбердиева У., Набиев Ғ., Орифхўжаев С.Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. –Тошкент, 2001.



**Дилфуза ЖАББОРОВА**
Навоий давлат педагогика
институти ўқитувчиси

# ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ МИЛЛИЙ АСОСЛАРИ

*Ушбу мақолада педагогик технологияларнинг таълим сифатини оширишдаги ўрни ва аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, миллий меросимизда педагогик технологияларнинг талқин этилиши ҳақида сўз боради.*

***Таянч сўзлар:*** *таълим ислоҳоти, педагогика ва психология, классик педагогика, таълим-тарбия жараёни, анъанавий ёндашув, педагогик технологиялар, миллий маънавий мерос, ДАФ услуби.*

*В данной статье подчеркивается важность и значение педагогических технологий в повышении качества образования. Также говорится о толковании педагогических технологий в нашем национальном наследие.*

***Опорные понятие:*** *образовательная реформа, педагогика и психология, классическая педагогика, образовательный процесс, традиционный подход, педагогические технологии, духовное наследие*

*This article emphasizes the importance of educational technology in improving the quality of education. It also speaks about the interpretation of educational technologies in our national heritage.*

***Key words:*** *educational reform, pedagogy and psychology, classic pedagogy, educational process, traditional, approach, pedagogical technologies, spiritual heritage.*

Республикамизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши унинг жаҳон ҳамжамиятига тезкор кириши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда содир бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни замонавий билим олишга йўналтириш, баркамол шахсни тарбиялаш билан боғлиқ эканини биз яхши англаймиз” [1,31].

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига иқтисодий жиҳатдан интеграциялашувини тезлаштиришда таълим тизими муҳим рол ўйнайди. Бу, энг аввало, унинг халқаро таълим тизими ва хизмат бозорига тезроқ киришига боғлиқдир. Чунки таълим муассасалари жаҳон андазаларига жавоб берадиган малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласини ҳал қилишда муҳим ҳисобланади. Бу эса мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимининг барқарор ривожланишини тақозо қилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотининг муҳим мақсадларидан бири узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида ўқув-тарбия жараёнини жаҳон стандартларига мослаштиришдир. Бу ўз навбатида жаҳон таълимининг ривожланиш хусусиятларини, моҳиятини ва ундаги илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда таълим шароитига қўллашни тақозо қилади. Бу эса бугун таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш зарурлигини англатади. Чунки педагогик технологиялар ҳақида фикр юритар эканмиз, таъкидлаш лозимки, педагогикада мутлақо янги технология яратиш жуда кам учрайдиган ҳодисадир. Анъанавий технологияларни янги педагогик, ижтимоий, маданий тараққиёт шароитида янгича талқин қилишдир. Аввал қўлланган, ҳозир эса унутилган педагогик жиҳатларни бошқа шароит ва таълимнинг шакл, усулларини янги воситалар ёрдамида қўллаш ўзига хос технологияларнинг келиб чиқишига асос бўлади. Уларнинг моҳиятини чуқур англаб, янги ўқув, ижтимоий маданий вазиятлар ва талаблар шароитида қўллаш янги педагогик технологиялар учун замин ҳозирлайди.

Замонавий педагогик технологияларни аввало миллий меросимиздан излаш ва уни топиб таълим-тарбия жараёнига қўллаш характерли ҳисобланади. Миллий меросимизга технология нуктаи назаридан ёндашиш шуни кўрсатадики, унинг ахлоқий-технологик асоси ўта кучли бўлган. Аммо давр тақозоси таъсирида ахборот воситаси анча бўш бўлган. Унда технология оғзаки сўз билан таъсир қилиш, кучли - эътиқод билан таъсир қилиш десак хато бўлмайди.

Педагогика ва психология фанларининг исботлашича, шахс фаолиятда камол топади ва касбий маҳоратни эгаллайди. Шахс баркамол ҳамда пухта билимли бўлиши учун вазият, яъни шундай ҳолатга қўювчи фаолият турларини танлаш лозим. Фаолиятнинг ҳар бир ҳолатида инсон турли ҳиссий кечинмаларини ўз бошидан кечиради ҳамда турли малакавий ҳаракатлар қилади. Шу жиҳатдан олганда

таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар кўриш, эшитиш сезгилари ва руҳий кечинмалари, малакавий ҳаракатларни мужассамлаштирувчи метод ва воситалардан кенг фойдаланиш ўринлидир. Бунда бевосита таълим-тарбия жараёнига иштирок этиб, ахлоқий тушунчалар ва билимларни мушоҳада қила олади. Бунинг оқибатида таълим-тарбия кишига таъсир этишнинг бундай жуда нозик усуллари нафақат халқ оғзаки ижодида, балки диний, ахлоқий тушунчаларни сингдиришда ҳам кенг қўлланилган. Масалан: Ибн Сино тиббий билимларни кишилар ўрганиб олишлари ва уларга риоя қилишлари учун қатор асарларини шеърий тарзда ёзган. Бунда олим шундан келиб чиққан, агар асар матн (наср) тариқасида баён қилса, эсда сақлаш қийин, шеър тарзида эса уларнинг эсда сақлаш ва уларга амал қилиш осонлашади. Бу ерда буюк олим шеърдан дидактик усул сифатида фойдаланади. Бу усулдан диний таълимотни тарғиб қилишда ҳам ўринли фойдаланилган. Ислом дини намоёндалари шариат талабларини шеър, ривоят, ҳикоя, суҳбат тариқасида баён қилганлар. Масалан: Имом ал-Бухорий ҳадисларни ривоятлар тарзида баён қиладилар. Бунда у киши ҳадиснинг тўғрилиги, ишончли эканлигида ўқувчини ишонтириш билан биргаликда, эсда сақлашини ҳам осонлаштирадилар. Йирик диний таълимот намоёндаси Афзалий ўзининг “Мажмаъ ул масоний” асарини шеър тарзида ёзган. Баҳоуддин Нақшбанд “Бизнинг синалган усулимиз суҳбатимиздир” деб айтганлар.

Демак, таълим-тарбия жараёнида ўқувчи мақомини ўзгартириш, уни таълим-тарбия субъектига айлантириш учун таълимнинг шакл, метод ва воситалари жуда катта имкониятларга эга. Булар турли педагогик вазиятлар, яратиш ва уларнинг таҳлил қилиш, театрлашган саҳналар тариқасида дарс ва тарбиявий ишларни ташкил этиш, мунозаралар, мушоиралар, низоли вазиятларни таҳлил қилиш ўқувчиларни бевосита таълим жараёнининг фаол субъектига айлантиради. Профессор Н.Сайидахмедовнинг таъкидлашича, “Ақлий хужум” технологиясининг асосчиси “Бу метод муаллифлари бизнинг аждодларимиз. Ўз ақл машъаласи билан дунёни ёритган қомусий олимларимиз Аҳмад ал Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино ва бошқалар”.

Соҳибқирон Амир Темур салтанати олдида турган муаммоларни ечишда машварат чақириб, барча Сарой аҳлининг, вазиру уламоларнинг фикрлашларини диққат билан эшитган ва шу асосда мавжуд асосий қарор қабул қилган. Уларни “кенгаш”, “машварат”, “маслаҳат” деб аташган.

Амур Темур “Агар (ғаним устига) лашкар тортмоқчи бўлсам уруш ярашдан олдин ўртага сўз ташлаб, амирларимнинг бу икковидан қай бирига мойиллигини билишга интилардим. Агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўрардим, агар урушга мойил бўлсалар уларнинг наф фойдасини ярми зиёнига таққослаб кўрардим, қайси бири фойдалироқ бўлса, шуни ихтиёр қилардим”. Таълим-тарбияда классик адабиёт “Қобуснома”, “Калила ва Димна”, халқ достонлари, эртаклари, ҳикоятлар, ривоятлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай усуллар ёрдамида ўтказилган машғулотлар орқали ўқувчиларда маълум ички туйғулар, ҳолатлар ва инсоний муносабатлар шакллана боради. Чунки бунда ўқувчи ҳам фикр юритиш, ҳам воқеа тафсилотини кўриш, ҳам эшитиш ёрдамида маълумот моҳиятини чуқурроқ англайди. Шулар билан бирга дарсларни педагогик вазиятлар яратиш, ўқувчи хулқ-атворидаги номақбул сифатларни тушуниши учун шароит яратиш ҳам муҳим бўлиб, кучли таъсир воситаси бўла олади. Бу усуллар билан бирга ижтимоий тренинг, театрлаштирилган дарслардан кенг фойдаланиш керак. Бунда ўқувчилар хулқидаги салбий сифатлар образли намоён бўлиши оқибатида бу сифатларга нисбатан нафрат уйғотади ҳамда ўқувчиларда ижобий сифатлар шаклланишига замин ҳозирлайди. Шу билан бирга вазият, ўқувчилар билими, тажрибаси, ёши, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, очиқ мулоқот, диалог, бахс, мунозара, мусобақа, конференция, ижодий иш ёзиш шаклларидан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Ўқув материали характеридан келиб чиқиб, суҳбат, савол-жавоб, фикрларини тинглаш ва таҳлил қилиш каби усуллардан ҳам ўринли фойдаланиш зарур. Таълим усулларини танлашда ўқув материали мазмунини, мақсадга мувофиқ танлаш ва шу мазмун ва мақсадга мос таълим шакл (усулларини) танлаш муҳимдир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, анъанавий усуллар гарчи улар жуда синалган, кўп марта қўлланилган бўлса ҳам ҳамма вақт кутилган натижани бермайди. Таълим ислоҳотининг ҳозирги босқичида замонавий педагогик технология ва ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш асосида ўқув жараёнида ўқувчи мақомини ўзгартириш масаласи қўйилган. Биз юқорида тавсия қилган усуллар замонавий педагогик технологияни қўллаш босқичлари сифатида ўқувчини изланиш, ўйлаш, мустақил фикрлашга ундайди. Янги педагогик технологияни қўллашнинг инсоний ва таълимий имкониятларини очиб беради. Бундан ташқари, ахборот манбалари ва ўқитишнинг техника воситаларидан ўринли фойдаланиш керак. Улар ёрдамида буюк инсонлар сўзлари ва сиймоларини ўқувчилар онгида гавдалантириб, магнитофон, видеотасвирлар орқали ижобий ёки салбий хулқ-атвор, инсоний муносабатлар, ота-она ва болалар муомаласидан намуналарни таҳлил қилиш ҳам кучли тарбиявий восита бўла олади. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, тавсия қилинган усуллардан шароитга қараб

фойдаланиш лозим. Бунда мезон сифатида ўқув материали (тарбия)нинг характери, мазмуни ва мақсади, шакли бир-бирига мос келиши муҳимдир. Булар билан биргаликда яна бир муҳим мезон - ўқитувчининг маҳорати ва тажрибасидир. Ўқитувчи ўз педагогик маҳоратидан келиб чиқиб дарснинг мазмуни, мақсади, шакли ҳамда усулини бир-бирига мос танласа айни муддаодир. Шу талаблар асосида ташкил этилган дарслар кучли тарбия воситаси сифатида ўқувчиларда таълимислоҳоти талаблари асосида хулқ-атвор нормаларининг шаклланиши мақсадига хизмат қилади. Зеро таълим ислоҳотининг муҳим талаби ҳам ўқувчиларда юксак инсоний хислатларни тарбиялашдир. Шунда дарслар одоб, ахлоқ, адабни сингдириш қуроли бўла олади. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. Дарс мавзуси мазмуни ўқувчилар ёши, билим савияси, ҳаётий тажрибасига мос келиши.

2. Дарс мазмуни, мақсади, шакли ва усулларнинг ўзаро яхлитлиги ёки мослиги.

3. Дарснинг таълимий, тарбиявий, ўқувчи шахсини ривожлантириш каби дидактик мақсадларини яхлитликда амалга ошириш.

4. Ўқитувчи ўз педагогик маҳорати, иш тажрибасидан келиб чиқиб, дарснинг мавзуси мазмунини, мақсади, шакли ҳамда усулини танлаши.

Дарсларни фаол ўтиш, ахлоқий тушунчалар ҳосил бўлишига ёрдам берувчи усулларни қўллаш:

- суҳбат;
- савол - жавоб;
- учрашувлар;
- ҳикоят;
- ривоят;
- масаллардан фойдаланиш;
- вазиятларни яратиш ва таҳлил қилиш;
- фикрларни тинглаш, таҳлил қилиш, муҳокама;
- ижтимоий - педагогик тренинг, театрлаштирилган саҳналар.

Таълим-тарбия жараёнини янги методологик асосда қайта қуриш кўп қиррали муаммо. Бунда муҳим воситалардан, яъни ўқувчи шахсига таъсир кўрсатишда миллий қадриятлар жуда катта имкониятларга эга. Ўзбек халқи жаҳондаги бошқа халқлар қатори моддий бойликларгина эмас, балки улуғ маънавий бойликларга ҳам эгадир. Халқимиз тафаккур кучи, қобилияти ва истеъдоди билан асрлар давомида ўзининг фан ва маданияти, адабиёти ва санъати, ахлоқи ва фалсафасини вужудга келтирган. Достон ва эртаклар, мақол, маталлар, халқ мушкулини осон қилувчи баҳодирлар ҳақидаги ривоятлар ва афсоналар яратди. Халқ оғзаки ижодида булар асраб-авайлаб, авлоддан-авлодга ўтиб, муҳим таълим-тарбия воситаси бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга жаҳон фани, маданияти, адабиётига пойдевор тоши қўйган буюк алломалар имом ал - Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф хос Ҳожиб, Ахмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, А.Навоий, А.Авлонийлар илмий педагогик мероси ҳали етарли ўрганилмаган ҳамда унинг технологик имкониятлари ёшларга етказилмаган, таълим-тарбиядаги ўрни тадқиқ қилинмаган. Уларнинг илмий мероси битмас-туганмас тарбия манбаидир. Шунинг учун улардан унумли фойдаланиш услубларини, шаклларини ишлаб чиқиш муҳим. Энг аввало, улар меросини ўрганишни маълум даврларга бўлиш тарзида амалга оширилиши лозим. Бунда ҳар бир даврнинг умумий хусусиятлари, улар ижодига таъсир қилган ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий шарт-шароитларни аниқлаш асосида улар ижодига объектив баҳо бериш даркор.

Миллий меросимизни ўрганиш шуни кўрсатадики, унинг ижодкорлари билим ва тарбияни кишилар қалбига сингдиришда ихлос билан ёндашиш, қалбан ўзлаштириш технологиясини ишлаб чиққанлар. Масалан, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд исломий тушунчаларни ўрганиш ёки намоз ўқишда ҳар бир сўзни талаффуз, қилиш, уни айтишда кандай нафас олиш, гавдани, унинг маълум қисмлари - қўл, оёқ ҳаракатлари, уларни қандай ҳолатда бўлиши, айтиладиган ёки ўрганилаётган тушунчаларни қалбан қабул қилишда муҳимлигини ўз таълимотларида исботлаганлар. Энг муҳими диний таълимотни ўрганиш ёки унга эътиқод қилишда инсоннинг ҳалол, пок бўлиши, қалбни поклаб сўнг уни ўрганишнинг ажойиб намунасини кўрсатганлар. Хожаи жаҳон номи билан машҳур Абдухолиқ Ғиждувоний инсон руҳий камолоти учун зарур деб қабул этган, “Рашаҳот айн ал ҳаёт”да қайд этилган саккизта рашха-ҳикматли сўзларини талабаларга тушунтиришда ДАФ (даъват, англаш, фикрлаш) услубидан фойдаланиш яхши самара беради. Юсуф Ҳамадоний айтган ва Хожаи Жаҳон асос сифатида қабул этган ҳикматли сўзлардан биринчиси “хуш дар дам”дир, буни талабаларга тушунтириш учун, аввало, ақлий хужум услуби ёрдамида уларнинг фикрини аниқлаб, тақдимот тариқасида намойиш этилади. Мавзу мураккаб бўлганлигидан ақлий хужум жуфтликда ёки гуруҳ иштирокида ўтказилади. Бу билан “хуш дар дам” тўғрисида талабанинг билганларини тиклаш мумкин. Талаба билгани тўғрисида ўйлай бошлаганида қизиқиш уйғонади. Бу ўрганиш жараёнини узлуксиз бўлишини таъминлайди. Таълим жараёни янгиларни маълум бўлганлар

билан боғлаш жараёнидир. Ўрганилаётган янги тасаввур илгари билимларга асосланса мустаҳкам бўлади. Таълим пассив эмас, балки фаол фаолиятдир. Иккинчи босқич – англаш жараёнида талабалар “хуш дар дам”га берилган дарслик, маъруза матндаги таърифни ўқийдилар. Англаш жараёнида ИНСЕРТ усулидан фойдаланиш мумкин. Даъват босқичида талабалар ўзларининг “хуш дар дам” ҳақидаги билганларини айтганда, уни тўғри ёки нотўғри ва аслида “хуш дар дам” нима экан деган қизиқиш ва ҳаракатланиш интеграцияси вужудга келган эди. Англаш босқичида уни қўллаб-қувватлаб борилади. Талабалар ўз тушунишларини кузатадилар. Мазмунини тушуниш учун ўз тушуниши фаол кузатиш яхши натижа беради. Талаба ўз тушунчасини янги ахборот билан солиштиради, эски ва янги билимлар орасида кўприклар қурадилар. Бунда талабаларда танқидий таҳлил, қиёсий таҳлил, синтез, рағбат пайдо бўлади. “Хуш дар дам”га оид матндаги “ахборотни ўқигандан кейин фикрлаш босқичи бошланади”. Чунки “хуш дар дам” - онгли нафас олиш ҳақида фикрлаш орқали ҳақиқатдан янги бўлган билимларни ўзлаштирадилар. Талабалар матнни ўз сўзлари билан баён этишлари жараёнида уни чуқурроқ англайди. Улар “хуш дар дам”ни ўз сўзлари билан ифодалайди ва янги тасаввурлар ҳосил қилади. Чунки тушуниш эслаб қолишнинг асосидир. Бошқа талабалар фикрини тинглаб, улар билан баҳсга киришиб, дунёқарашлари кенгаяди. Бу жараёнда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- талабалар фикрлашини фаоллаштириш;
- фаол мунозарага имкон бериш;
- фикр юритишни рағбатлантириш, ҳар хил фикрларни тинглашга имконият бериш;
- ўз саволларини беришга ёрдам бериш. Бунда талаба ахборотини механик етказувчи эмас, балки фаол англаб, фикрловчи даражасига юксалади. Бу эса таълимни сифат босқичининг асосидир. Эски ва янги билимлар интеграциялаш қобилиятини шакллантириш мумкин. Билим ва тушунишларни англаш даражасига олиб чиқади. Бунинг натижасида талабаларга вақт, диққат - эътибор ва иродани уйғун ҳаракат қилдириш кўникмалари ҳосил бўлади.

Хожаи Жаҳон таълимоти инсон зотини гўзаллаштиради. Бу таълимот моҳиятини англаган талаба алдовларга учмайди ва бохабар бўлади, чунки унда ДАФ услуби орқали ўз қарашлари тизими вужудга келган ва устуворлик иммунитети шаклланган.

**ДАФ услубини қуйидаги жадвал билан изоҳлаш мумкин:**

| Даъват | Англаш | Фикрлаш |
|---|---|---|
| Жуфтлардаги ўқиш, гуруҳий, ақлий ҳужум, шарҳ | Инсерт | Жуфтлардаги муҳокама, гуруҳлардаги муҳокамалар жадвалини тузиш. |

Фикрлаш жараёнида (хуш дар дам) тушунчасини тоифаларга ажратиш мумкин. Унинг жисмоний, зоҳирий, ақлий, ботиний - руҳий, бошқа таълимотлар билан ўхшашлигини қайд этиш лозим.

1. Ташқи томони (зоҳирий) нафас олишни тўғри, чуқур ва ўпканинг барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда бўлиши, вужудни тозлаланиши, покланиши.
2. Ички томони (ботиний), ақлий қуввати ўсиши, огоҳ ва хушёр бўлиши, вақтни унумли ўтиши.
3. Бошқа таълимотлар билан ўхшашлиги.

ДАФ услубидан унумли ва тўғри фойдаланиш, талабалар Абдухолик Ғиждувонийнинг “Хуш дар дам” ўгитининг қандай чуқур фалсафий моҳиятига эга эканлигини, тўғри нафас олишнинг инсон камолоти учун қай даражада аҳамиятли эканлигини билиб оладилар.

Шундай қилиб, миллий меросимизни технологик жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилганимиздан кўриниб турибдики, ундаги қимматли фикрлар ҳозирги педагогик технологиялар учун асос бўла олади. Миллий меросимиздаги энг кучли технология – илмга эътиқод сифатида қарашдир. Унда илмни эътиқодга айлантириш, аввало, пок ахлоқий заминда, уни хоҳловчи, пок инсонга ўргатишдир. Ўргатишда инсон шахси орқали ихлос эътиқодга айлантирилган. Бизнинг бу кунги вазифамиз шу технология асосида ёшларимизда миллий урф-одат, мафкурамизни шакллантиришга хизмат қилади.

**Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. (1-жилд). – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 592 б.
2. Олимов Ш.Ш., Ҳасанова З.Д. Педагогик технологияларни ўқув – тарбия жараёнига қўллаш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014. - 184 бет.
3. Сайидаҳмедов Н.С. Янги педагогик технология моҳияти. // Ж. Халқ таълими. 1991, 1-сон, 97-102 бетлар.



**Асомиддин РАҲИМОВ**
Самарқанд давлат университети
мактабгача таълим педагогикаси
ва психологияси
кафедраси ўқитувчиси

# “МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТ” ТУШУНЧАСИ ВА УНИ ТАЛАБАЛАРДА ШАКЛЛАНТИРИШ

*Ушбу мақолада маънавий-маърифий фаолият тушунчаси тўғрисида маълумот берилган бўлиб, унинг талаба шахсини ривожлантиришдаги ўрни изоҳланган. Шунингдек, олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий фаолиятни ташкил қилиш зарурати ва истиқболи изоҳланган.*

***Таянч сўз ва иборалар**: ислоҳот, талаба шахси, таълим, тарбия, ривожланиш, демократик жамият, маънавият, маърифат, фаолият, қадрият, олий таълим муассасаси.*

*В данной статье подчеркивается подробное объяснение концепции духовного просвещения и описывается её роль в развитии личности студента. Также описывается необходимость и перспективы организации духовно-просветительской деятельности в высших учебных заведениях.*

***Опорные понятия:** реформа, студенческая личность, образование, воспитание, развитие, демократическое общество, духовность, просвещение, деятельность, высшее учебное заведение.*

*This article gives a detailed explanation of the concept of spiritual enlightment and describes its role in the development of student identify, it also and development of student identify. It also describes the necessity and prospects of organizing spiritual and educational activities in higher education institutions.*

***Key words:** reform, student identify, education, upbringing, development, democratic society, spirituality, enlightenment, activity, higher scools (institutions).*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарорининг қабул қилиниши билан ёш авлодни маънавиятли, маърифатли, ахлоқий етук қилиб тарбиялаш вазифаси ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлди. Шу муносабат билан кейинги йилларда маънавият ва маърифат масаласига эътибор кучайди. Маънавий-маърифий фаолият Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришда ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда асосий омил ҳисобланади. Шундай экан, “маънавият”, “маърифат” ва “фаолият” тушунчаларининг моҳиятини очиб, маънавий-маърифий фаолият мазмуни хусусида фикр юритамиз. Чунки маънавият баркамол инсонни тарбиялайди. Таълим-тарбия тизимини такомиллаштиради. Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига етказишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ёшларни миллий истиқлол мафкурасига садоқатли бўлиш, она-Ватанга чексиз меҳр-муҳаббатни қарор топтириш Ўзбекистонинг буюк келажагини яратишдаги энг олижаноб ишларда фаол қатнашишга ундайди.

“Маънавият (арабча “маънавият”- маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Маънавият мафкура, тафаккур тушунчаларига яқин ва улар бир-бирларини тақозо этади” [2, 144]. Таърифга кўра маънавият инсоннинг фалсафий-ҳуқуқий, диний-ахлоқий тасаввурларини акс эттирувчи манба ҳисобланади, у кишиларни бир-бирларига яқинлаштирадиган ва уларни ҳамжиҳатликка эришишга ёрдам берадиган, ҳамкорликнинг янги уфқларини очадиган бойликдир. Маънавият инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришига йўл қўймайди, моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди.

Маънавиятимиз тарихимиз, қадриятларимиз асосини ташкил этиб, у ёшларда бу бойликларга ҳурмат эътибор билдириш ва уларни янада ривожлантириш, келажакда иқтисодий тараққиёти кучли мамлакатни қуришга ундаб, ёшларимизда замонавий билимларни, юксак тажрибаларни эгаллашга чорлайди. Маънавият тушунчасининг моҳияти шундан иборатки, у турли халқлар ва мамлакатлар кишиларни қондош қилади. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. У инсон учун бутун бир олам. Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Маънавиятнинг

маъноси ер, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинликдир. Маънавият жуда чуқур ва кенг маънога эга бўлиб, инсонни инсон қилиб, уни бошқа жамики жонли мавжудотлардан тубдан фарқлаб, кескин ажратиб турадиган онг, ақл-идрок ва тафаккур, одамгарчилик, мурувват, саховат раҳм-шафқат, меҳр-оқибат, иймон-эътиқод, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, поклик табиатни эъзозлаш, илм-фанни, адабиёт, санъат ва маданиятни севиб ардоқлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, ўзи ва ўзга миллат кишиларини, уларнинг тили, тарихи маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш ва қадрлаш сингари ажойиб хислат ва фазилатларни ўз ичига олади. Маънавият сўзининг ўзаги - маънодир. У маъни деб ҳам ишлатилади. Дунёдан маъно излаган киши маънавият сари талпинади.

Ватан туйғуси китобида ёзилишича "Маънавият-жамиятнинг, миллатнинг ва айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча. Маънавият инсон ва жамият маданиятининг негизи, инсон ва жамият ҳаёти маълум йўналишининг бош омилидир. У муайян иқтисодий-ижтимоий ҳаёт тизимининг шаклланиши, ўзгариши ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади" [1, 46]. Маънавият бойиб борса, жамият равнақ эта боради ва маънавият қашшоқланса, жамият бора-бора таназзулга юз тутади. Маънавиятсиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Маънавият жамият ва миллат равнақининг бой омили ва пойдеворидир. Демак, маънавият ниҳоятда кенг тушунча бўлиб, маърифат, маданият, ахлоқ, санъат, адабиёт кабиларни ўзида мужассам этади. Мустақил Ўзбекистонда маънавият масалаларига кучли эътибор берилишининг боиси ҳам ана шунда.

Ватанимиз мустақиллигидан кейин миллий маънавият давлат аҳамиятидаги масалага айланди. Истиқлол ва маънавият бир-бирига боғлиқ бўлиб қолди. Мамлакатимизда давлат - бош ислоҳотчи. Маълумки, фуқаролари кучига таянган давлатгина жиддий ўзгаришларни амалга оширади. Шу боис миллий сиёсатимизда маънавият - баркамол инсонларни шакллантирувчи муҳим омил деб қаралмоқда. Жамиятда кечаётган ислоҳотларда, ўзгаришларда маънавият муҳим ўрин тутади.

Маънавиятнинг моҳияти шу қадар чуқур, шу қадар чексизки, уни ўлчаб ҳам поёнига етиб ҳам бўлмайди.

Инсон маънавиятининг моҳияти бир-бири билан узвий боғланган ақлий, ахлоқий, илмий-амалий, мафкуравий фазилатларнинг яхлит тизими эканлиги ҳам чуқур таҳлил қилиб берилган. Ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллий ифтихор туйғулари, она тилига ҳурмат, табиатни муҳофаза этиш, ҳар қандай шароитда она-юрт маънавиятини, давлатимиз мустақиллигини қўллаб-қувватлаш, шарқона урф-одатларимизга, қонунларимизга, миллий қадриятларимизга ҳурмат билан қараш каби хислатларнинг ҳаммаси маънавият билан боғлиқдир.

Демак, маънавиятсиз моддий фаровонликка ҳам, умумтараққиётга ҳам эришиб бўлмайди, маънавий қашшоқлик миллий таназзулга олиб боради.

Халқимиз бир юзу эллик йилдан зиёд мустамлакачилик зулми остида яшади. Бу давр мобайнида миллий қадриятларимиз топталди, тарихимиз сохталаштирилди, илмий-маданий меросимизни ўрганиш тақиқланди. Халқимизнинг руҳияти, онги ижодий адолатсизлик, нопоклик ва ғирромлик ҳолатларига сал бўлмаса, кўникиб қолай деган эди. Истиқлол буларнинг барчасига барҳам берди. Шу билан бирга у халқимиз зиммасига янги – келажакда буюк давлат эгаси бўладиган комил инсонни тарбиялаш вазифасини ҳам юклади. Комил инсонни вояга етказиш осон эмас. Бугунги дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, маданиятли, комил инсон, аввало, ўз Ватанини севмоғи, аждодлари яратган бебаҳо илму ҳунар жавоҳирларини имкон қадар эгалламоғи ва у билан бирга, бутун инсониятга хос қадриятлардан бохабар бўлмоғи, уларни асраш ва бойитиш йўлида саъй-ҳаракат қилмоғи лозим. Бу ғоят шарафли ва мураккаб иш. Аввало, мамлакатимиз келажагини, дунёнинг бугунги тараққиётини эътиборга олиб, юртимиздаги ва жаҳондаги маънавий, ақлий билимларни тўплаб, халқимиз, Ватанимиз тараққиётига мос ғоялар, дастурлар тайёрлаш каби вазифаларни амалга ошириш ҳар бир фуқаронинг фикрий ғоясидан кенг ўрин олиши лозим.

Тарихда ҳамма вақт ҳам маънавиятга оқилона муносабатда бўлинган деб бўлмайди. Масалан: Туркистон Олтин Ўрда истибдодига тушиб қолган замонларда ҳам катта маънавий йўқотишга учраган. Қарийб бир ярим аср давомида деҳқончилик, чорвачилик заволга юз тутган, савдо муносабатлари халқаро мавқеидан маҳрум этилган. Бироқ XIV асрнинг 70-90 йилларига келиб, қисқа давр мобайнида Туркистон яна қайта бош кўтариб жаҳонга довруғ таратган. Чунки Амир Темур барпо этган салтанатда иқтисодий, маданий-маънавий ҳаёт ўзаро боғлиқ, мутаносиб тараққий этган.

Аҳли Туркистон орасида ишламай кун кечирувчилар бўлмаган. Инсонки бор, бир ёки бир нечта касб эгаси бўлган. Айниқса, Нақшбандий таълимоти темурийлар давридаги давлатда ҳам, ҳар бир фуқарода ҳам ижтимоий ҳаётида турмушида муҳим ўрин тутган.

Нақшбандия – қудратли омил сифатида Туркистон давлатини улкан иқтисодий, маданий тараққиёт йўлига олиб чиққан. Демак, маънавият билан иқтисодиёт ҳамкорликда юксалиб борса, қудратли ижтимоий омилга айланади. Унга ҳар қандай мухолиф куч ҳам тўсиқ бўла олмайди. Маънавият-иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ўзаро ривожланиб боради. Маънавият зўр ижтимоий, иқтисодий, руҳий қудратга эга бўлишига қарамасдан, ҳаммани ҳам ўзига жалб қилолмайди. Афсуски, бугунги кунда турли ижтимоий қатламдаги кишилар, айрим меҳнат жамоалари, ҳатто кўплаб зиёлилар нафақат жамиятнинг, балки ўзларининг маънавий камолотига ҳам бефарқ қарайдилар, бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Бугунги кунда жамиятнинг асосий негизи бўлган фуқаронинг маънавий баркамол бўлмоғи талаб этилади. Чунки маънавиятли кишилар жамиятга тўғри, одилона муносабатда бўла олади, меҳнат жамоаларида ишни ташкил этади, меҳнат унумдорлигини оширишнинг илмий-амалий омилларни пухта эгаллайди.

Халқимиз маънавиятига фақат маданий, тарбиявий, ахлоқий, диний қарашлар мажмуаси деб қараш камлик қилади. Чунки маънавиятда улкан иқтисодий, молиявий, техникавий, ҳуқуқий мазмундаги тажриба ва билимлар ҳам акс этади. Маънавиятнинг бундай кўп қиррали моҳиятини имкониятларини олий ўқув юрти талабалари пухта билса ва амалда қатъий эътибор берса, фойдадан холи бўлмас эди. Шуни унутмаслик керакки олий маълумотли, ҳатто илмий унвонга эга бўлган кишида маънавият бўлмаслиги мумкин. Лекин шу билан бирга бирон-бир нуфузли ташкилотда ишламаган киши юксак маънавият эгаси бўлиши мумкин. Бу – илм олмаслик керак деган эмас, албатта. Кишининг юрагида меҳр бўлмаса, илмнинг ўзи билан маънавиятли бўлиб қолмайди.

Маънавият билан жаҳолат ўртасидаги фарқ шундаки, жаҳолатли киши ҳеч қачон ҳеч кимга яхшилик қилмайди, маънавиятли киши эса ўзининг ҳис-ҳаяжони билан бошқаларга ачинади, қайғуради, ёрдам беради, дардини олади.

Маънавий қашшоқ, камол топмаган ишчи, деҳқон, фермер кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқара олмайди; ўқитувчи, ҳоким, муҳандис, раҳбар Ватан олдидаги бурчи, вазифасини тўғри англаб олмайди. Маънавий баркамол кишилар унумли меҳнат қилиш билангина кифояланиб қолмасдан бошқаларни ҳам бир гуруҳ олиму зиёлиларнинг маънавий етуклигига эришиш билан барча ижтимоий – иқтисодий режаларни ҳал қилиб бўлмайди. Фақат комил маънавиятли халқгина йирик вазифаларни бажара олади, инсониятга ноёб ақл – заковат эгаларини, улуғ даҳоларни тарбиялаб беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонга маънан баркамол, жисмонан соғлом фидойи фарзандлар зарур. Маънавий заифлик, сўқирлик хурофот, жоҳиллик натижасидир. Жоҳил зоти матонатли, адолатли Ватанга содиқ, фидойи инсон бўла олмайди.

Маънавият маърифат тушунчаси билан бевосита ва билвосита боғлиқдир. Зеро маърифатсиз маънавият бўлмайди ва бўлган ҳам эмас. Шахснинг маънавиятлилиги маърифат нури ила шаклланади. Шунинг учун ҳам тасаввуф таълимоти асосчилари маърифатни илми ботиний деб юритганлар. Шунга кўра тарихшунос Ибн ал-Арабий “Маърифат Ҳақ томонидан юборилади. Бу менинг фикрим эмас, илоҳий илҳомдир”– деб, маърифатга ишора қилган эди.

“Маърифат–деб таъкидланади, Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғатида, (арабча “арафа” – “билмоқ” сўзидан) - таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият” [2, 116].

Маърифат – бу кишилик жамиятининг тарихий тараққиёти давомида аждодлар томонидан тўпланган билимларни келажак авлодга етказиб беришга қаратилган таълим-тарбиявий жараёндир. Шу жиҳатдан маънавият билан маърифат тушунчаларини бир-биридан ажратиш қийин масала ҳисобланади.

Маънавият ва маърифатнинг инсон камолоти, ижтимоий-сиёсий тараққиётдаги аҳамияти жуда катта. Чунки маънавият ва маърифат тушунчалари шаклланган инсоннинг дунёқараши ўзгариб, унинг фаолият мазмуни истиқлол тақдири, халқнинг маънавий камолотини юксалтириш, миллий маънавиятни равнақ топтириш, халқ маърифатини ривожлантириш ҳамда жаҳон халқлари тафаккури маҳсулидан баҳраманд бўлиш, мамлакатда маънавий-маърифий муҳитни янада соғломлаштириш каби вазифаларни ўзининг асосий фаолият мазмуни деб билади. Шуни инобатга олсак, маънавий-маърифий мазмун фаолиятда амалга ошади.

“Фаолият” – бу шахснинг у ёки бу ҳаракати бўлиб, ушбу ҳаракат маълум аниқ мақсадга қаратилган жараёндир. Фаолият кишининг англанилган мақсад билан бошқариб туриладиган ички (психик) ва ташқи (жисмоний) фаоллигидир [4, 97].

Фаолиятнинг асосий хусусияти шундан иборатки, у фаоллик манбаи бўлган эҳтиёж сифатида юзага чиққан ҳолда фаолликнинг йўналтирувчиси бўлган англанилган мақсад билан фарқланади. Фаолият шахснинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган мақсадли ҳаракатлардир.

“Маънавият”, “маърифат” ва “фаолият” тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади. Улар биргаликда яхлит бир тушунчани ташкил қилади.

Маънавий-маърифий фаолият - маънавий илдизларини ҳис этиш, миллий ғурур ва ўзлигини англашга, уларнинг жаҳон маданияти хазинасига қўшадиган ҳиссаларини оширишга хизмат қилувчи манба демакдир.

Халқнинг, жамиятнинг маънавий, илмий, маданий меросни эгаллашининг кўлами, хусусияти ва натижалари кўп жиҳатдан истиқлол маънавиятига боғлиқдир. Чунки бунда маънавият инсоний қадриятларга тўғри йўналиш топиб берувчи “йўлчи юлдуз” бўлиб хизмат қилади ва халқимизнинг маънавий меросини ўрганишда жамиятимиз учун бугунги кунда ва истиқболда зарур бўлган маънавий-маърифий муҳитни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Маънавий-маърифий фаолиятнинг моҳияти республикамизда яшаётган барча халқларнинг ўз интилишлари ва гуллаб-яшнашларида уларни бирлаштирувчи, буюк умуминсоний қадриятлар-миллатлараро тинчлик ва фуқаролар тотувлиги, қонунчилик, ижтимоий адолат, инсон хуқуқларининг устунлигига эришишга хизмат қила оладиган мафкурани шакллантиришда ҳамкорлик қилиш, илғор миллий анъаналар, урф-одатлар, барча халқларнинг маданиятини ривожлантириш, улар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро бир-бирларига таъсир доирасини кенгайтириш ва бир-бирларини бойитишларига имконият яратиб бериш; Ўзбекистон ва жаҳон халқларининг маданиятлари ўртасидаги ўзаро алоқа, ҳамкорликдаги ҳаракат, бир-бирини бойита боришни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдир.

Дарҳақиқат, эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи маънавий-маърифий фаолият асосида амалга ошади. Маънавий-маърифий фаолият жараёнида эса ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа ва ходисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар тарбияланади.

## Адабиётлар

1. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 396 б.
2. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Иккинчи нашри. -Т.: Шарқ, 2000. - 320 б.
3. Олимов Ш. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. -Тошкент, “Fan va texnologiya”. 2015. - 228 б.
4. Умумий психология. –Тошкент, “Ўқитувчи”. 1992. – 243 б.



**Улуғбек ИБРАГИМОВ**
Бухоро муҳандислик-технология
институти докторанти

# МАГИСТРАТУРА ЙЎНАЛИШЛАРИ МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

*Ушбу мақолада “Технологик жараёнларни бошқаришнинг ахборот-коммуникация тизимлари” магистратура мутахассислиги мисолида ўқув режа ва дастурлари, назарий ва амалий машғулотларни ташкил этишда компетентли ёндашувни амалга оширишнинг имкониятлари ва мутахассислик фанларини ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб моделлаштиришнинг афзалликлари назарий жиҳатдан таҳлил этилган.*

***Таянч сўзлар:*** *малака талаблари, ўқув режа, магистратура, ахборот технологиялари, моделлаштириш, компетентли ёндашув.*

*В данной статье на примере специальности магистратуры «Информационно-коммуникационные технологии управления технологическими процессами» теоретически проанализированы возможности выполнения компетентного подхода в организации учебного плана и программ, теоретических и практических занятий, а также преимуществ моделирования с использованием современных информационных технологий в обучении специальным предметам.*

***Ключевые слова:*** *квалификационные требования, учебный план, магистратура, информационные технологии, моделирование, компетентный подход.*

*In this article, on the example of the specialty of magistracy "Information and communication technologies in control of technological processes", the possibilities of performing a competent approach in organizing the curriculum and programs, theoretical and practical lessons, and the advantages of modeling using modern information technologies in teaching special subjects are theoretically analyzed.*

***Key words:*** *qualification requirements, curriculum, magistracy, information technologies, modeling, competent approach.*

Магистратура йўналишлари ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда олий таълим муассасаси томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланади. Олий таълим муассасаси ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул ҳисобланади. Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, 5А321701 – Технологик жараёнларни бошқаришнинг ахборот-коммуникация тизимлари магистратура мутахассислиги мисолида компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёни машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш, лойиҳавий метод ва ҳ.к.) шаклларни ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари ишлар билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий информацион ва педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак. Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда, (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига – 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Магистратура талабаларининг малака талабларида белгиланган технологик жараёнларни бошқаришнинг ахборот-коммуникация тизимларини ишлаш тамойилларини, хусусан, ишлаб чиқариш соҳаларида янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши; ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда илмий-техникавий, ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши; ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши; интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши; маълумотларни қайта ишлашда моделлаштириш усулларидан кенг фойдаланиш ва технологик жараёнларни турли муҳандислик ғоялари асосида симуляциялаш ва моделлаштириш; таълим, илмий-техникавий ижодий фаолияти сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши; илмий-техникавий ижодий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши каби тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талабларига эришишиш мақсадида мутахассислик фанларини ўқитишда моделлаштириш дастурларидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бугунги кун жамиятини ахборотлаштириш жараёнининг устувор йўналишларидан бири бўлган таълимни ахборотлаштириш жараёни – таълим соҳасини ўқитиш ва тарбия бериш психологик-педагогик мақсадларини амалга оширишга қаратилган замонавий ёки бошқача айтганда янги ахборот технологияларини (ЯАТ) ишлаб чиқиш ва оқилона фойдаланиш методологияси ва амалиёти билан таъминлаш жараёни ҳисобланади [1].

ЭҲМ ва унинг периферик қурилмалари қўлланилиши соҳаларининг тез кенгайиши янги умумқўлланиладиган тушунчаларнинг "янги ахборот технологиялари", "замонавий ахборот технологиялари", "ахборот технологиялари", "компьютер технологиялари" [2, 4, 7] пайдо бўлишига олиб келади. ЯАТ синоними сифатида кўп ҳолларда "компьютер технологиялари" тушунчаси тушунилади. Бунда биринчи бўлиб технологик қайта ишлаш объекти – ахборот, иккинчи бўлиб эса ахборот технологиясини амалга ошириш техник воситаси – компьютер чиқади. Шу сабабли, "янги ахборот технологиялари", "замонавий ахборот технологиялари", "ахборот технологиялари", "компьютер технологиялари" тушунчаларини синонимлар сифатида қўллаймиз.

Компьютер технологияларини моҳиятан чуқур ижтимоий жараён бўлган умумий технологик ривожланиш жараёнидан ҳам алоҳида ўрганиб бўлмайди. Компьютер технологияларини фақатгина технологик ривожланишга алоқадор қилиш, сиёсий, маданий ва ижтимоий ривожланишни рад қилиш ўқитишнинг янги технологияларини ҳам комплексда, ҳам алоҳида ҳолатлардаги феноменини ўрганишни чеклайди ва ҳатто уни имкониятсиз қолдиради. Шу сабабли технологик инқилоб глобал ижтимоий ўзгариш жараёни эканлигидан келиб чиқиб тахмин қилиш мумкинки, таълим тизимлари XXI асрга таълим муассасаларида компьютер технологияларини жорий қилиш натижасида пайдо бўлган ўқитиш ва тарбия беришнинг тубдан ўзгартирилган фалсафаси, мақсадлари, тузилмаси, моҳияти, ташкил қилиниши ва усуллари билан киради.

Одатдагидек, курслар талабаларни дастурчи касбини ўзлаштиришга қаратилган. Шундай қилиб, олий таълим муассасасида ишлаб чиқариш таълими ва факультатив курслар доирасида кибернетика ва информатика каби иккита йўналиш пайдо бўлди: информацион жараёнлар, турли табиатли ўз-ўзи бошқариладиган тизимлар тузилиши ва ишлаши тамойилларини ўрганиш билан боғлиқ умумтаълим йўналиш ва олий таълим муассасасининг юқори синфларида таълим билан ишлаб чиқариш таълими дифференциацияси доирасида амалга ошириладиган амалий йўналиш долзарб ҳисобланади.

Мутахассислик фанларини ўқитишда талаба ва ўқитувчиларнинг компьютер умумий саводхонлиги заруриятига кўплаб илмий ишлар бағишланган [3, 5, 6]. Бу таълимнинг ахборотлашуви жараёни бошланғич босқичларда бўлган нафақат бизнинг мамлакатимиз, балки мазкур жараён маълум ривожланишга эга бўлиб, АҚШ каби давлатларда ҳам муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун миллий концепцияларни аниқлаш мақсадида турли мамлакатларда қабул қилинган компьютер саводхонлиги мавжуд концепцияларини таҳлил қилиш, шунингдек ахборот маданиятини шакллантириш кейинги босқичи масалаларини ечишга кейинчалик ўтиш ва физика-математика мутахассислиги магистрлари касбий фаолиятида компьютер технологияларини қўллаш тайёргарлини таъминлаш муаммосига амалий ечимлар топиш бугунги куннинг истиқболини белгилашда мухҳим ўрин тутади.

Профессор-ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини таъминлаш учун уларни тайёрлашнинг тўртта даражаси таклиф қилинади: биринчи даража ўқитувчининг компьютер саводхонлигининг бошланғич даражасини таъминлаши керак. У компьютер ишлаши тамойилларини тушуниш ва компьютер дастурларини ишга туширишни билиш; педагогик дастурий воситаларини баҳолаш; ўқув жараёнида компьютерни ишлатиш турли усулларини билиш; ўқитишга тегишли билим ва манбаларни билишни назарда тутади.

Иккинчи даража ўқитишнинг турли техник воситаларини билиш; компьютер тизими терминологияси ва базавий компонентларини билиш; матнларни қайта ишлаш тизимларини билиш; танланган фан соҳасида компьютерлар роли ва уларни ишлатиш стратегиясини билиш; компьютерларнинг жамиятга таъсирини тушуниш; компьютерларнинг ўқитиш жараёнига таъсирини тушунишни назарда тутади.

Учинчи даража кенг қамровли тайёргарлик имконияти мавжуд бўлган истиқболга мўлжалланган бўлиб, у қуйидагиларни назарда тутади:

- компьютер тушунадиган тил муҳитида дастурлар билан ишлашни билиш;
- моделлаштириш тизимларининг табиатини ва уларни қўллаш имкониятларини билиш;
- мос компьютерни танлаш, локал тармоқни ташкил қилиш ва унга уланишни билиш;

Тўртинчи даража чуқур ўрганишга мўлжалланган бўлиб, у қуйидаги билимларнинг мавжудлигида амалга оширилади:

- компьютер муҳитига қўллаб ўқитиш жараёни структураси ҳақида билимлар;
- ўқув дастури структураси ва тегишли соҳада масалаларни ечиш воситаси сифатида компьютерларни самарали қўллаш учун талаб қилинадиган ўзгаришлар ҳақидаги билимлар;
- муаллифлик тиллари ёки дастурлаш муҳитлари ҳақидаги билимлар.

Педагогик кадрларни тайёрлаш ва уларнинг информатика ва ҳисоблаш техникаси соҳасида касбий билимларини такомиллаштириш жараёни узлуксиз характерга эга бўлиши лозим, чунки барча ўқув фанларини ўқитишда информатика усулларидан фойдаланиш доимо кенгайиб боради.

Узлуксиз тайёрлаш тизими касб-ҳунар таълими босқичини, бакалавриат босқичини, магистратура босқичини ва малака ошириш босқичини қамраб олиши керак. Ҳар бир босқич ўқитувчини тайёрлашга маълум ҳиссасини қўшишга қаратилган.

Касб-ҳунар таълими босқичида компьютер саводхонлиги асосларини, шунингдек информатика ва ҳисоблаш техникаси соҳасида умумтаълим билим ва кўникмаларни, ахборот маданияти асосларини шакллантириш амалга оширилади. Олий педагогик таълим босқичида (бакалавриат, малакали мутахассис тайёрлаш, магистратура босқичлари) ахборот маданиятини шакллантириш давом эттирилади, шунингдек компьютер технологияларидан ўқув-тарбия жараёнида, илмий-педагогик фаолиятда муваффақиятли фойдаланиш учун бўлажак ўқитувчига зарур бўлган асосий касбий билим ва кўникмалар шакллантирилади. Малака ошириш босқичи ўқитувчи томонидан янги ахборот технологияларини, дастурий-услубий таъминотни ўзлаштириш ва унинг услубий малакасини ошириш имкониятини таъминлаши керак.

Э.И. Кузнецов тадқиқотида ўқитувчи ахборот маданияти модели инвариатив ва вариатив ташкил этувчилар билан тавсифланган. Инвариатив ташкил этувчилар ўқитувчининг мутахассислигидан қатъи назар унинг ахборот маданияти даражасини акс эттиради. Мувофиқ билим ва кўникмалар йиғиндиси бир қатор компонентлар: умумтаълим, дунёқараш, психологик-педагогик ва технологик компонентлар кўринишида тавсифланган.

1. Умумтаълим компоненти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- информатиканинг фундаментал тушунчалари: ахборот, модель, алгоритм, дастур, бажарувчи ҳақида тасаввур;
- аппарат ва дастурий таъминотни ташкил қилиш ва функциялари асосий тамойилларини билиш;
- оддий дастурларни тушуниш учун етарли бўлган дастурлаш тамойилларини билиш;
- ҳисоблаш техникасидан жамиятда фойдаланиш асосий йўналишлари ҳақида, шунингдек информатика ва ҳисоблаш техникаси ривожланиши истиқболлари ҳақида тасаввур.

2. Дунёқараш компоненти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- жамиятни ахборотлаштириш ижтимоий дастлабки шарт-шароитларини ва оқибатларини, унинг илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштиришдаги аҳамиятини тушуниш;
- "инсон – компьютер" ўзаро таъсири муаммоларини, ахборотлаштиришнинг инсон шахсига таъсирини тушуниш;
- информатиканинг комплекс илмий фан сифатидаги методологик муаммоларини тушуниш;
- информатиканинг дунёнинг илмий манзарасини шакллантиришдаги ролини тушуниш;

3. Психологик-педагогик компонент қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқув жараёнида ўқитувчи-талаба-компьютер ўзаро таъсири психологик-педагогик муаммосини тушуниш;
- компьютердан фойдаланиб ўқитишнинг психологик-педагогик жиҳатларининг назарий билимлари;
- ўргатувчи дастурларни қўллашнинг ва ўқитувчи-талаба-компьютер тизимида диалогни ташкил этишнинг психологик-педагогик жиҳатларини тушуниш;

4. Технологик компонент қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳисоблаш техникаси олий таълим муассасаси кабинетининг аппарат ва дастурий таъминотини, шу жумладан хавфсизлик қоидаларини билиш, олий таълим муассасаси компьютер локал тармоғини ташкил қилиш ва ишлатишни тушуниш, олий таълим муассасаси компьютери базавий дастурий таъминотини ва уни самарали қўллашни билиш;
- ўқитишнинг педагогик сценарийларини амалга ошириш мақсадида оддий фойдаланувчига мўлжалланган инструментал педагогик воситаларни ишлатиш;
- компьютердан бошқарув ва ташкилий-услубий фаолиятда фойдаланиш имкониятларини тушуниш;
- компьютердан ўз ичига матнли, график ва мусиқий редакторларни, ахборот-маълумотнома тизимларини тузиш учун ва жадвалли ахборотни қайта ишлаш учун воситаларни жамлаган олий таълим муассасаси компьютерли базавий дастурий таъминоти асосида ҳар кунлик ишдаги инструмент сифатида фойдаланиш имкониятларини тушуниш[1, 5, 6].

Вариатив ташкил этувчи ҳар бир ўқитувчилик мутахассислиги учун ўзига хос бўлади ва фан соҳаси спецификасини ва ўқитишнинг алоҳида методикаси хусусиятларини акс эттирувчи ахборот технологияларини қўллаш бўйича билим ҳамда кўникмаларнинг рўйхатини ўз ичига олади. Билим ва кўникмаларнинг ушбу блокига қуйидагилар киритилади:

- компьютердан масалаларни ечиш инструменти сифатида ва аниқ ўқув фани материали асосида ўқитиш воситаси сифатида фойдаланишни билиш;
- ўз фани бўйича педагогик дастурий воситаларни билиш ва ушбу дастурий воситалардан ўқитишда самарали фойдалана олиш;
- педагогик дастурий воситаларни баҳолашни, уларни шахсий услубий концепцияга мослаштиришни билиш;
- инструментал дастурий воситаларни қўллашни билиш
- ахборот технологияларини қўллаган ҳолда ўқитиш натижаларини баҳолашни билиш;

Хулоса қилиб айтганда, магистратура йўналишлари талабаларини ўқитишда технологик жараёнларни бошқаришнинг ахборот-коммуникация тизимларидан фойдаланиш усулларини эгаллаши муҳим компетенцияси сифатида қаралади. Шунинг учун бунда замонавий компьютер тизимлари ва дастурий таъминотидан изчил ва узвий ўзаро алоқадорликни эътиборга олган ҳолда, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

## Адабиётлар

1. Л.П. Алексеева. Организация самостоятельной работы студентов – условие качественной подготовки будущих педагогов профессионального обучения. Челябинск. 2018. – 93с.
2. Е. В. Фабрикантова, Е. Е. Полянская. Современные информационные технологии в образовании. Оренбург Издательство ОГПУ 2017. – 85 с.
3. Захарова И. Г. Современные проблемы информатизации образования. Омск Издательство ОмГПУ 2017. – 404 с.
4. Г.М. Киселев, Р.В. Бочкова. Информационные технологии в педагогическом образовании. Москва. 2016 . Издательско-торговая корпорация «Дашков и К». – 304 с.
5. Е.М. Деева. Применение современных интерактивных методов обучения в ВУЗЕ. Ульяновск. УлГТУ. 2015. – 116 с.
6. О.Н. Долининой. Современные методы преподавания для студентов инженерных направлений. Саратов. 2014. – 182 с.
7. Информационные и коммуникационные технологии в образовании: монография/ Под.редакцией: Бадарча Дендева – М. : ИИТО ЮНЕСКО, 2013. – 320 стр.



**Нигора САЙФУЛЛАЕВА**
Базовый докторант Бухарского
государственного университета
кафедры педагогики

# АНАЛИЗ ПЕРСПЕКТИВ ПРИМЕНЕНИЯ МОДУЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ ПРИ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У СТУДЕНТОВ

*Мазкур мақолада олий таълим тизимида ва хусусий таълим курсларида SWOT- таҳлил усули ва иккала таълим тизимларининг қиёсий таҳлилига асосланган комплекс таҳлилнинг натижалари келтирилган. Шу асосда олий таълим муассасаларида талабаларнинг иқтисодий тафаккурини ривожлантиришга кўмаклашадиган модулли технологиялардан фойдаланишнинг долзарблиги кўрсатилган.*

***Таянч тушунчалар**: фанлараро алоқалар, иқтисодий тафаккур, таълим технологияси, ўқитиш парадигмаси, ўқиш парадигмаси, SWOT- таҳлил, компетентлик парадигмаси, муаммоли-фаолиятли ёндашув, муаммоли-модулли технология.*

*В данной статье проводится комплексный анализ системы обучения в вузе и частных образовательных курсах на основе методики SWOT-анализа и сравнительного анализа обеих систем обучения, на основе чего раскрывается актуальность применения модульной технологии обучения в вузе, способствующей развитию экономического мышления у студентов.*

***Опорные понятия:** межпредметные связи, экономическое мышление, образовательная технология, парадигма преподавания, парадигма учения, SWOT-анализ, компетентностная парадигма, проблемно-деятельностный подход, проблемно-модульная технология.*

*This article provides a comprehensive analysis of the system of education in higher education and private educational courses based on the SWOT-analysis method and comparative analysis of both educational systems, on the basis of which reveals the relevance of the use of modular technology of teaching in higher school, contributing to the development of students' economic thinking.*

***Key words:** interdisciplinary connections, economic thinking, educational technology, SWOT-analysis, teaching paradigm, learning paradigm, SWOT analysis, competence-based paradigm, problem-activity approach, problem-modular technology.*

Становление рыночных отношений предъявляет новые требования к качеству обучения студентов в высших учебных заведениях. Многообразие форм, методов, технологий, подходов психолого-педагогического воздействия на обучающихся, базирующееся на передовых достижениях в педагогической сфере, априори должно способствовать формированию у обучающихся профессиональное компетенций и навыков, глубокого всесторонне развитого мировоззрения и прочных знаний. Однако реальность опровергает приоритеты чисто теоретического подхода к процессу обучения, а факты неопровержимо доказывают то, что только наличие чётко установленных структурированных межпредметных связей в процессе обучения может создать благоприятную основу для развития профессиональных навыков обучающихся.

К настоящему времени установлено, что межпредметные связи, являясь отражением межнаучных связей в содержании и методах обучения, способствуют более полному познанию студентами единства мира, содействуют углубленному пониманию законов природы, формированию мировоззрения, развитию диалектического интегративного мышления и формированию умений обобщать знания из разных дисциплин. Без этих интеллектуальных способностей невозможны ни творческое отношение к труду, ни решение на практике современных практических задач, требующих синтеза знаний из разных предметных областей. Использование МПС позволяет логичнее обосновывать последовательность изучения учебных дисциплин, структуру учебного плана, содержание программ, учебных пособий. Все это обеспечивает рационализацию учебного процесса, позволяет снизить перегрузку студентов.

Важной особенностью современных исследований межпредметных связей (МПС) в общей и частных дидактиках является то, что они рассматриваются в контексте многообразия педагогических систем, где изменяется их статус и дидактические функции [4].

Проблема межпредметных связей интересовала педагогов еще в далеком прошлом. Прогрессивные педагоги – Я.А. Коменский, К.Д. Ушинский, Н.К. Крупская – подчёркивали необходимость взаимосвязей между учебными предметами для отражения целостной картины природы «в голове ученика», для создания истинной системы знаний и правильного миропонимания.

В советское время много внимания межпредметным связям уделяла Н.К. Крупская. «Комплексность комплексности рознь, – писала она в 1932 г. в «Методических заметках». Есть комплексность, которая затемняет реальные связи и опосредствования, которая связывает воедино вещи, ничего общего между собой не имеющие и есть комплексность, способствующая пониманию существующих реальных связей между различными областями явлений и тем способствующая выработке цельного материалистического мировоззрения».

Все стороны целостного мировоззрения личности, отражая реальную взаимосвязь явлений объективного мира, находятся в единстве, и в предметном обучении должны быть обеспечены тесные межпредметные связи, раскрывающие взаимообусловленность науки о природе, обществе и мышлении человека.

В педагогической литературе имеется более 30 определений категории «межпредметные связи», существуют самые различные подходы к их педагогической оценке и различные классификации.

Одним из более полных определений является следующее: межпредметные связи есть педагогическая категория для обозначения синтезирующих, интегративных отношений между объектами, явлениями и процессами реальной действительности, которые нашли свое отражение в содержании, формах и методах учебно-воспитательного процесса и выполняющих образовательную, развивающую и воспитывающую функции в их ограниченном единстве.

Реализация принципа межпредметных связей является одним из приоритетных условий развития экономического мышления как составной части экономической культуры обучающихся.

Под экономическим мышлением принято понимать совокупность взглядов и представлений, способов подхода к оценке явлений, связанных с участием в экономической жизни. В образовательной технологии, развивающей экономическое мышление, наиболее эффективными методами развития являются те, которые позволяют применять комплексный подход к решению задач не только экономического характера, но и охватывать социальные, политические, демографические, естественнонаучные аспекты.

Экономическое мышление представляет собой один из ведущих компонентов общей культуры человека и является категорией смежных наук, таких как философия, экономика, педагогика, психология управления. В связи с этим и подход к его развитию должен быть интегративным, а выбор методов и технологий — междисциплинарным.

Образовательная технология – четко выстроенный системный процесс, который моделирует экономическое мышление. Образовательные технологии трансформируют учебную деятельность в последующую профессиональную, где главной целью является изменение познавательных характеристик обучаемого на профессиональные. В технологии развития экономического мышления студентов важнейшей задачей является развитие когнитивного компонента, поэтому содержание технологии должно основываться на знаниях, которые приобретаются студентами не через «заучивание», а через самостоятельное освоение, что значительно усиливает мыслительную функцию [6, 5188].

В современной дидактике используются в основном два подхода к процессу обучения. Основной критерий оценки различий роль преподавателя и обучаемого в образовательном процессе. Первый подход предполагает авторитарную, жестко заданную образовательную систему, где преобладают социальные, внешние рамки. Основное внимание уделяется роли преподавателя в передаче знаний, навыков, а учащимся остается лишь воспринять изложенную информацию и ее применить.

Второй подход предполагает постоянную активность учащегося, развитие его познавательного интереса. Чем большую степень его влияния на образовательный процесс допускает дидактическая система, тем в большей степени она личностно-ориентированная и природосообразна. Природосообразность предполагает свободное развитие природных способностей индивида, конструирование теории, технологии обучения на основании индивидуальных способностей и особенностей развития обучаемого. В доминирующей парадигме преподавания ставится цель передать содержание предмета обучаемому. Трансляция предметного содержания расставляет акценты учебного заведения на разработке учебных курсов, программ, повышении квалификации преподавателей. Задачей вузов является обеспечение преподавания на

высоком уровне главным образом за счет использования новизны, инноваций в соответствующей области знания. Появление новой области знания влечет за собой появление соответствующего курса.

В парадигме учения цель учёба студента. Таким образом, смещается ответственность учебных заведений с качества преподавания на учебу студента. Критерием успешной работы преподавателя выступает результат знания, умения и навыки обучаемого. Ответственность учебные заведения несут на двух уровнях: первый уровень предполагает ответственность за соответствие знаний, навыков студентов общественным потребностям - и динамику изменений этих показателей по годам. Второй уровень ответственности - это успех самих студентов по предметам за годы обучения в учебном заведении. Приобретение знаний и навыков помогут реализовать студентам свои профессиональные цели.

Успех учебного процесса в парадигме преподавания определяется оценкой квалификации преподавателя, количеством учебных часов и материально-техническим обеспечением. Многие университеты организуют учебный процесс исключительно на основе лекций. В парадигме учёбы успех увязывается с результатами работы студентов. Продуктами образовательной деятельности являются: объёмы текста, изученные студентами; часы, проведённые за компьютерами; количество выполненных задач, тестов, упражнений.

В парадигме преподавания темпы обучения студентов определяются расписанием. Верховенство времени и приоритет частей оказывают воздействие на каждый вид деятельности. «Аудиторный архетип» определяет структуру учебного процесса.

В парадигме учёбы темпы образования студентов определяются стандартами. Поддерживается любой метод, обеспечивающий успешную учебу студентов. Стандарты могут повышаться по мере того, как все мощнее будет становиться среда. Главным агентом образовательного процесса в парадигме преподавания является преподаватель, транслирующий знания студентам. Диплом выдается студенту, когда тот «поглотил» необходимое количество знаний. В парадигме учёбы главный агент студент. Он открывает и создаёт учебный продукт. Хотя преподаватель и разрабатывает учебную среду, его присутствие и участвие в каждой учебной активности не обязательно.

Однако деление теории обучения на две вышеописанные парадигмы представляется несколько искусственным. Учение и преподавание две стороны одного и того же процесса образования. Разница заключается в способе получения образовательного продукта, в степени вовлечённости студента в педагогический процесс. Развитие интеллектуальных навыков и социального общения становится общей задачей учебных заведений. Поэтому нужны новые формы и методы работы с целью оптимизации образовательного процесса [8].

Процесс обучения в вузе – процесс, имеющий строго формализованную структуру, содержание которого подчинено нормативным предписаниям и инструкциям. Характерной особенностью преподавания экономических дисциплин является то, что экономические знания изменяются с изменением экономической ситуации. Многие теории, правильно ранее отражавшие экономическую жизнь, сегодня уже не могут объяснить происходящие экономические процессы. Поэтому формирование современного экономического мышления у студентов ставит перед преподавателями задачу: не догонять прошлое, а создавать будущее.

На сегодняшний день в системе образования функционирует множество форм организации процесса обучения. Рассмотрим составные элементы образовательного процесса на частных курсах обучения английского языка при помощи методики SWOT-анализа.

SWOT-анализ – это методика обработки данных, основанная на определении сильных и слабых сторон анализируемого объекта, а также возможностей и угроз. Методика была разработана профессором Кеннетом Эндрюсом, одним из основоположников теории стратегического управления бизнесом, и широко используется предпринимателями по всему миру. SWOT-анализ, в первую очередь, необходим для составления полной объективной картины анализируемого объекта. Такое целостное видение, так называемое «helicopter – view», отличает эффективного руководителя и позволяет ему принимать своевременные и правильные решения [9,45].

**Кейс «Частные курсы изучения английского языка»**

**Краткая информация:** всеобщая информатизация общества, расширение интеграционных связей и усиление глобализации в политической, социально-экономической сферах повлекли за собой осознание обществом того, что изучение мировых языков, в частности, английского, одно из важных условий скорейшей интеграции страны в глобальное мировое сообщество. В связи с этим на государственном уровне были приняты меры по переходу на качественно новый уровень преподавания иностранных языков. Объём и содержание программ обучения английскому языку были тщательно пересмотрены и усовершенствованы на всех этапах образования, в том числе и дошкольном. Значительно активизировались деятельность

частных подготовительных курсов и оказание репетиторских услуг. В январе 2017 года преподаватель английского языка с большим опытом работы, в совершенстве владеющий английским языком, открывает в центральном районе города Бухара частные курсы изучения английского языка, оснастив двухэтажное здание, состоящее из шести отдельных помещений, комплектами одноместных парт и оборудования для проведения занятий. Деятельность курсов включает четыре направления: Grammar, Speaking, IELTS[1], CEFR[2]. Он работает в качестве как преподавателя CEFR, так и директора, привлекая трёх наёмных преподавателей, обучающих по трём оставшимся направлениям. Все финансовые, хозяйственные, снабженческие и бухгалтерские вопросы он решает самостоятельно. Организационно-правовая форма деятельности – единоличное предпринимательство. Численность обучающихся достигает 500 человек, средний возраст учащихся – 16 лет. Записаться на курсы могут все желающие, старше 14 лет, имеющие возможность оплатить обучение. Занятия проводятся ежедневно, группа в среднем состоит из 30-35 учащихся. Длительность одного занятия составляет полтора-два часа, периодичность – 3 раза в неделю, предусмотрены утренние, дневные и вечерние занятия, есть возможность свободного выбора времени посещения занятий и перехода из одной группы в другую. После изучения каждого раздела проводится контрольное тестирование, в среднем 2 раза в месяц, по результатам которого абитуриенты, набравшие менее 40 %, отчисляются. Результаты тестирования систематически отправляются родителям учащихся в виде sms-сообщений. За последний год обучения численность абитуриентов, успешно сдавших экзамены по направлениям IELTS и CEFR и получивших сертификаты, дающие право на льготное поступление в вузы, незначительно сократилась.

**Миссия**: *Решение социальных проблем резидентов страны, таких, как отсутствие гарантии высокого уровня владения иностранным языком, достаточного для гарантированного поступления на учёбу в национальные и зарубежные вузы, а также на работу – в престижные компании.*

***Стержневой вид деятельности*** *– оказание образовательных услуг*

*Стратегический анализ по* **методу SWOT-анализа**

**Возможности**

1) Поддержка и развитие предпринимательства в Республике Узбекистан на государственном уровне.
2) Государственная программа содействия развитию образовательной сферы обучения английскому языку
3) Наличие определённых погрешностей обучения английскому языку в школе
4) Осознание обществом необходимости дополнительного изучения иностранного языка, компенсирующего недостатки школьной программы обучения языку
5) В регионе население считает обучение на частных платных курсах гарантией поступления абитуриентов в вуз (**парадигма**), поэтому этот дорогостоящий вид обучения пользуется большим спросом.
6) Глобализация в политической и социально-экономических сферах и усиление интеграционных связей между странами.
7) Тенденции усиления миграционных процессов.

***Угрозы***:

1) Возрастание значимости других языков, имеющих статус мировых – китайского, немецкого
2) Снижение уровня реальных доходов населения в Бухарском регионе
3) Возможность дистанционного обучения английскому языку при помощи онлайн-курсов
4) Изобилие обучающих компьютерных программ, дающих возможность заниматься самостоятельно
5) Изменчивость среды ведения бизнеса (дальнейшие изменения в налоговом законодательстве, повышение стоимости лицензии и т.д.).
6) **Угроза появления новых конкурентов** в отрасли (5-ти факторная **Модель Портера**)
7) **Низкие барьеры вхождения в отрасль,** обусловливающие наличие большого числа конкурентов
8) Рост затрат на аренду помещения, его техническое обслуживание

**Внутренняя среда организации**

**Сильные стороны**

1) Наличие **компетенций:**
- большой опыт работы в области лингвистики
- наличие постоянной клиентуры
- диверсифицированность образовательных услуг

---
[1] IELTS – International English Language Testing System
[2] CEFR - Common European Framework Reference

- высокое качество предоставляемых услуг
- преподавание как на русском, так и на узбекском языках параллельно

2) Наличие **гудвилла:**

- удобное и выгодное местоположение частных курсов с выходом на центральную трассу
- доверие клиентов и хорошая репутация
- высокая квалификация преподавателей
- наличие контактов с иностранными преподавателями, оказывающими консультационные услуги

3) возможность обучения абитуриентов в удобное для них время
4) приём на учёбу всех желающих, имеющих начальный уровень знания английского языка
5) хорошая техническая оснащённость помещений, позволяющая всем учащимся независимо от места их расположения в аудитории, полностью видеть все записи на доске, слышать речь преподавателя, а также быстро перестраивать порядок размещения участников для того, чтобы проводить дебаты, дискуссии, работать парами или в малых группах, смотреть видеоролики
6) наёмные преподаватели являются бывшими учениками директора, поэтому все они работают с полной отдачей – не только из-за высокой зарплаты, но и, отдавая дань уважения своему наставнику, а он – в свою очередь - безоговорочно им доверяет и рассчитывает на их лояльность.
7) сочетание традиционных и инновационных методов обучения
8) наличие скидки в оплате за курсы, если учащийся занимается одновременно по нескольким направлениям курсов
9) наличие раздаточного материала для каждого урока
10) предусмотрено беспрекословное выполнение и проверка домашних заданий учащимися после каждого занятия в чётком соответствии с материалом пройденной темы
11) совокупность характерных особенностей обучения, присущих **модульной** системе обучения
12) независимость суммы оплаты за обучение от результатов регулярного тестирования обучающихся, что обеспечивает стремление учащихся к получению знаний, а не к получению финансовой выгоды от высоких баллов
13) систематическое тестирование позволяет не только гибко корректировать программу и сроки изучения выделенных модулей, но и отсеивать ту часть обучающихся, которые не могут своевременно усвоить тематику занятий, концентрируя усилия учителей на работе с действительно способными учениками.

1) Нахождение клиники на **стадии внедрения** жизненного цикла организации и соответственно высокий уровень расходов
2) Отсутствие **стержневой компетенции,** позволяющей иметь более высокие показатели, чем у конкурентов
3) Спонтанное принятие решений на основе интуиции, то есть следование **эмерджентной стратегии**
4) Принятие всех организационных, управленческих, финансовых и хозяйственных решений одним человеком – самим директором - культура организации, **основанная на власти (*классификация Хэнди*)**
5) Отсутствие индивидуальной формы проведения занятий
6) Отсутствие организационных форм усовершенствования уровня знаний учащихся на бесплатной основе, например, клуба общения
7) Наличие недостатков, присущих классно-урочной системе обучения, то есть ориентация на среднего ученика, невозможность дифференцированного подхода к учащимся в группе
8) На случай отсутствия одного из преподавателей по каким-либо причинам не предусмотрено формирование учебно-методического обеспечения, позволяющего учащимся самостоятельно работать над развитием речевых навыков, например, составление и отгадывание кроссвордов, ребусов, шарад, разучивание песен и стихов на английском языке, работа с оригинальными текстами
9) Недостаток знаний у предпринимателя в области ведения бизнеса и основ менеджмента
10) Не проводится **отраслевой анализ**

Результаты SWOT-анализа, приведённые выше, позволяют сделать выводы о высокой эффективности данной формы обучения. Результативность частных образовательных услуг в большей степени обусловлена применением модульной системы обучения, которая в развитых странах Запада являлась своеобразной предтечей возникновения кредитной системы обучения в вузе. Рассмотрим схожие и отличительные стороны систем образования в вузе и частных образовательных курсов, которые представлены в таблице 1.

**Таблица 1**. ***Сравнительный анализ образовательной среды в вузе и частных образовательных курсах***

| *№ п/п* | *Критерии сопоставления* | ***Вуз*** | ***Частные образовательные курсы*** |
|---|---|---|---|
| 1. | Структура управления | Вертикальная, подразумевающая строгую иерархичность, подчинение низших уровней высшим | Горизонтальная, предполагающая взаимное доверие и отсутствие чёткой иерархии |
| 2. | Административная идентификация | Обучающиеся разделены на группы согласно строгой идентификации, имеют название и постоянный состав | Чёткой идентификации не предусмотрено, при наличии объективной причины учащиеся могут свободно перемещаться из одной группы в другую |
| 3. | Программа обучения | Является унифицированной, формируется на основе государственных стандартов образования | Обладает уникальностью, формируется на основе отбора материалов самими преподавателями |
| 4. | Структура учебного процесса | Аудиторный архетип | Аудиторный архетип |
| 5. | Парадигма обучения | Парадигма преподавания | Компетентностная парадигма |
| 6. | Форма обучения | Лекционно-семинарская | Классно-урочная |
| 7. | Методы обучения | Сочетание традиционных и инновационных | Сочетание традиционных и инновационных |
| 8. | Зависимость оплаты за обучение от результатов контроля | Предусмотрена выплата стипендии обучающимся, сумма которой имеет прямую корреляцию с результатами сдачи сессии | Выплата стипендий не предусмотрена, оплата за курсы никак не связана с результатами контрольного тестирования |
| 9. | Образовательная технология | Комплекс традиционных и инновационных технологий обучения | Интегративно-модульная технология |
| 10. | Результат обучения | Диплом государственного образца, подтверждающий наличие у выпускника профессиональных компетенций в определённой сфере, но не дающий гарантии трудоустройства по профессии | Выдача диплома или сертификата по окончании курсов не предусмотрена, достижение высокого уровня владения английским языком и речевыми навыками, позволяющими получить сертификаты IELTS и CEFR – является гарантированным |

Как показывает сравнительный анализ образовательной среды в вузе и частных образовательных курсах, именно применение интегративно-модульной технологии обучения английскому языку позволяет частным образовательным курсам обеспечивать высокий уровень знаний обучающихся. Горизонтальная структура управления позволяет гибко перестраивать внутренние компоненты организации в ответ на изменение внешних условий среды, а доминирование вертикальной структуры управления вузом, подразумевающей строгую иерархичность, лишает управленческую деятельность вуза определённой гибкости, способности быстро реагировать на внешние изменения.

Сегодня общество развивается с высокой степенью динамичности и интенсивности. Динамично меняющиеся социально-экономические условия делают индивида одновременно и более свободным, и менее защищённым.

От субъекта требуются знания, умения и навыки, обеспечивающие его эффективное экономическое поведение в быстро меняющихся условиях.

Не обладая таковыми, человек в потоке современных социально-экономических трансформаций оказывается экономически неэффективным. Это лишает его ощущения стабильности и защищённости, возможности обеспечить полноценную собственную материальную основу и своей семьи, грамотно инвести-

ровать время и деньги, выстраивать жизнь согласно актуальной ситуации, становясь не аутсайдером экономических процессов и балластом национальной экономики, но экономически эффективным человеком.

В связи с этим инновационное экономическое мышление индивида, знания, умения и навыки креативной экономической мыследеятельности давали бы возможность найти пути разрешения проблемы, не усугубляя ее, реализовывать себя, формируя желаемые установки. Соответственно встаёт вопрос о содержании, а также возможностях формирования и развития такого мышления в современных условиях [1,7].

Компетентностный подход становится теоретико-методологической основой модернизации отечественного образования, что предполагает комплексное владение наиболее значимыми общекультурными и профессиональными компетенциями. Структура компетенций является базовой для конструирования методов организации образовательного процесса.

Реализация компетентностной парадигмы современного профессионального образования тесно связана с проблемно-деятельностным подходом, в процессе осуществления которого происходит поэтапная постановка перед студентами проблем в узко специализированной сфере не только с целью приобретения опыта профессиональной деятельности, но и развития необходимых личностных и профессионально значимых качеств.

Реализация проблемно-деятельностного подхода проходит в ходе профессиональной деятельности, направленной на решение типичных профессиональных задач, на мотивацию к саморазвитию, на удовлетворение познавательных потребностей студентов.

Проблемность является основной характеристикой указанного подхода. Студенты решают различные профессиональные проблемы с помощью системы профессиональных средств. Обучающиеся погружаются в проблемные ситуации, решение которых требует овладения средствами профессиональной деятельности в специально созданной образовательной среде. Наибольшая эффективность проблемно-деятельностного подхода в обучении достигается в результате активной, самостоятельной, сознательной, творческой профессиональной деятельности.

Во время деятельности осуществляется процесс формирования личности, так как «субъект в своих деяниях, в актах своей творческой деятельности не только обнаруживается и проявляется, он в них созидается и определяется [7, 120].

В условиях глобализации увеличивается степень сложности профессиональных задач, что требует введения новых образовательных технологий. Наиболее адекватной в современных условиях является интегративно-модульная технология формирования профессиональной компетентности будущих специалистов. Данная технология базируется на алгоритме, включающем в себя следующие шаги: проблематизация; актуализация профессиональных знаний, умений и навыков, необходимых для качественного выполнения учебной работы; формирование и развитие опыта по реализации типичных видов деятельности будущего специалиста; планирование целей, содержания, педагогических технологий и условий, самостоятельное создание проектов реализации авторских вариантов выполнения типичных видов деятельности студента, их презентацию; оценку качества исследовательской и учебной деятельности, а также самооценку [5].

Проблемно-модульная технология применятся сегодня в высших учебных заведениях России, Германии, Англии, США Основой указанной технологии являются проблемные задания, которые выполняются в процессе овладения образовательными модулями. Под модулем понимается формирование самостоятельной планируемой единицы учебной деятельности, помогающей достичь чётко определённой цели [3,17].

Применение образовательных модулей имеет ряд преимуществ:

1) модуль разбивается на простейшие элементы, что значительно облегчает образовательный процесс;

2) модуль представляет собой автономные порции учебного материала, которые могут гибко интегрироваться в зависимости от специфики решаемых задач;

3) модуль может модифицироваться в зависимости от успешности продвижения обучающегося в образовательном процессе;

4) модуль может расширяться и дополняться в зависимости от специфики конкретной образовательной деятельности;

5) модуль строится на проблемных задач, решение которых способствует активизации мышления.

Проблемно-модульная технология включает в себя следующие основные компоненты:

1) принятие преподавателем и обучающимся комплексной, сложной цели обучения, решение которой требует активизации педагогической рефлексии;

2) активное изучение обучающимися содержания модуля в процессе на основе применения активных методов и форм обучения;

3) гибкий контроль и оценка учебных достижений и прогресса в изучении модуля не только преподавателем, но и самим обучающимся;

4) консультирование обучающихся друг с другом (взаимообучение) и преподавателем с целью ликвидации информационных пробелов, необходимых для решения проблемной профессиональной задачи;

5) самостоятельное проведение обучающимися исследовательской деятельности в рамках решения проблемной профессиональной задачи (индивидуально или в малых группах);

6) оценивание, самооценивание, взаимооценивание и оценивание преподавателем результатов работы по освоению модуля в процессе выполнения проблемных заданий;

7) проведение рефлексивно-корректировочной деятельности с целью совершенствования полученных результатов.

Таким образом, интеграция всех указанных подходов и проблемно-модульной технологии позволяет осуществить качественную подготовку современного выпускника вуза на международном уровне.

## Литературы

1. Богунов Л.А., Инновационное в индивидуальном экономическом мышлении: аспекты содержания, формирования и развития, //Актуальные проблемы экономики и права. 2012. № 3 с. 5-10.
2. Бондаревская, Е.В. Личностно-ориентированное образование: опыт разработки парадигмы [Текст] / Е.В. Бондаревская. - Ростов-на-Дону: Изд-во РПГУ, 2004. - 186 с.
3. Гольдшмидт, Б. Модульное обучение в высшей школе [Текст] / Б. Гольдшмидт, М. Гольшмидт // Высшее образование. - 8. 1992. - № 2. - С. 15-32.
4. Жданов, В. Г., Методика реализации межпредметных связей технических дисциплин с физикой при обучении студентов в сельскохозяйственном колледже, автореферат диссертации, 2005, Челябинск.
5. Ильина, И.В. Проектирование теоретической модели организации самостоятельной работы будущих переводчиков [Текст] / И.В. Ильина // Ученые записки. Электрон- 5. ный научный журнал Курского государственного университета. - № 4 (24). - 2012. Часть 1 [Электронный ресурс]. - URL: 6. http://scientific-notes.ru/pdf/021-024pdf (дата обращения: 16.04.2016).
6. Ковалёва Н.С. Технология развития экономического мышления у студентов в вузе // Фундаментальные исследования. – 2015. – № 2-23. – С. 5187-5190; URL: http://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=38179 (дата обращения: 25.04.2018).
7. Леонтьев, А.А. Психология общения [Текст] / А.А. Леонтьев. - М.: Смысл, 1997. - 365 с.
8. Университетское образование: от эффективного преподавания к эффективному учению: Сборник рефератов статей по дидактике высшей школы / Белорусский государственный университет. Центр проблем развития образования. Мн.: Пропилеи. 2001.
9. Чернова, Е. П. Что такое SWOT-анализ // электронный журнал «Финансовый директор». – 2018. – № 12. – С. 45; URL: https://fd.ru/articles/158904-swot-analysis (дата обращения: 18.12.2018).



**Шабон ФАРМОНОВА**
Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси 2-курс
таянч докторанти

# ЛОЙИҲАВИЙ ТАЪЛИМ ВА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИК МУАММОСИ

*Мақолада лойиҳавий таълим шароитида бўлажак ўқитувчини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш хусусида фикр юритилган. Лойиҳалаш фаолияти тузилмасида фаолиятнинг икки даражаси кузатилади: лойиҳалашнинг лойиҳа кўринишидаги янги билимларни яратишни кўзда тутадиган ижодий характери; илғор педагоглар тажрибасини ўрганиш асосида яратилган лойиҳада педагог шахсини акс эттирадиган лойиҳалашнинг индивидуал характери тавсифланган.*

***Калит сўзлар:*** *лойиҳалаш, бўлажак ўқитувчи, таълим, технология, интеграциялаш, технологик вазифалар.*

*В статье рассматривается подготовка будущего учителя к проектной деятельности в условиях проектного образования. В структуре проектной деятельности наблюдаются два уровня активности: творческий характер проектирования, предполагающий создание новых знаний в виде проекта; индивидуальный характер проектирования, отражающий личность педагога, описывается в проекте, созданном на основе изучения опыта передовых педагогов.*

***Ключевые слова:*** *проектирование, будущий учитель, образование, технология, интеграция, технологические задачи.*

*The article deals with the preparation of future teachers for project activities in the conditions of project education. In the structure of project activities there are two levels of activity: the creative nature of the design, involving the creation of new knowledge in the form of a project; individual design character, reflecting the personality of the teacher, are described in the project, created on the basis of the experience of advanced teachers.*

***Key words:*** *design, future teacher, education, technology, integration, technological tasks.*

Ўзбекистон Республикасида "таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш"га йўналтирилган Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил қилиш зарурати юзага келди.

Педагогик кадрларнинг юксак профессионализми кўп жиҳатдан олий таълим муассасаларида шакллантирилган салоҳият, унинг таълимий эҳтиёжларини қондириш ва касбий тайёргарлик даражасига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан "бутун таълим тизимимизни тубдан қайта кўриб чиқиш, профессионал билимларни эгаллаш учун имкониятларни кенгайтириш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга қодир мутахассисларни тайёрлашга йўналганликни кучайтириш" [1] зарурати юзага келди. Шунга кўра олий таълим тизимини аниқ, илмий асосланган, алоҳида технологик лойиҳалардан тузиладиган, алгоритмик, маълум натижани кафолатлайдиган, қўйилган мақсадларга диагностик йўналтирилган таълимий жараёнлар билан такомиллаштиришни технологиялаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Шу муносабат билан "касб таълим тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илғор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш" [2] муаммоси ўз ечимини кутмоқда.

Янги типдаги таълим жараёнини юқори педагогик саводли, технологик тарзда ташкил қилиш имконини берадиган илғор педагогик технологияларни эгаллаган ўқитувчиларни тайёрлашга бўлган талаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 июндаги ПФ-1869 "Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги "Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш тўғрисида"ги 5-сонли Қарорида ўз тасдиғини топган.

Таълимни модернизациялаш шароитида назариядан амалиётга ўтиш бўлажак педагоглардан алоҳида типдаги фаолиятга тайёргарликни талаб этади. Бундай фаолият лойиҳалаштириш бўлиб, унинг асосий концептуал таркибий қисми лойиҳа саналади. Таълим соҳасида лойиҳалаштириш фаолиятининг устуворлиги замонавий педагог профессионализмини ривожлантириш зарурати билан белгиланадики, унинг сифат кўрсаткичлари нафақат педагогик жараённинг ўзини, балки унинг натижалари, ривожланиш истиқболларини режалаштириш, ташхислаш, моделлаштириш, лойиҳалаштириш кўникмаларини шакллантиради ҳамда касбий таълимни юқори даражада такомиллаштиришни таъминлайди. Шунга кўра, олий касбий таълим педагогик кадрларини тайёрлашнинг замонавий тизимида таълим жараёнларини лойиҳалаштириш кўникмасини ривожлантирадиган психологик-педагогик ва касбий-ижодий йўналишларни интеграциялаш негизида бўлажак педагогнинг касбий компетентлигини шакллантиришга алоҳида урғу берилмоқда.

Олий таълим тизимида бўлажак касбий таълим педагогини билимларни ўзлаштириш ва касбий фаолият моделини лойиҳалаштириш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирадиган янги концептуал ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурати ҳозирги глобаллашув шароитида кун тартибига кескин қилиб қўйилмоқда. Педагогик таълим назариясида лойиҳалаш муаммосини ишлаб чиқишда у "фаолият" тушунчаси билан узвий боғланган ва фаолиятнинг тахминий вариантларини яратиш ҳамда унинг натижаларини ташхислашдан иборат деб қаралган тадқиқотлар (А.Н.Леонтьев) алоҳида ўрин тутади. Мазкур фаолиятда асосан лойиҳалаш ғоялари ва унинг ечимларини генерациялаш, ишлаш ва интеграциялаш, лойиҳалашнинг ижобий натижаси саналади.

Лойиҳавий таълим шароитида бўлажак ўқитувчининг фаолият усуллари ҳақидаги билими, тажрибаси, фикрлаш тарзи, воқеликка ҳиссий-қадриятли муносабати орқали ижобий натижага эришиши мумкин (Н.А.Алексеев, Г.М.Муравьева). Лойиҳалашда муайян педагогик-технологик вазифаларни ҳал қилиш натижаси ифодаланган бўлиб, муайян ғояни яратиш, конструкциялаш ва амалиётда фойдали натижагача етказишни кўзда тутади (В.С.Безрукова). Шунга кўра, ушбу тадқиқотда лойиҳалаш таълимнинг технологик жараёнини лойиҳалаш, ташкил қилиш ва таҳлил этишни ўз ичига олган касбий-педагогик фаолият тури сифатида тавсифланади.

Лойиҳалаш фаолиятини педагогнинг касбий компетенциясининг педагогик фаолиятни амалга оширишга назарий ва амалий тайёргарлиги бирлигини ифодалайдиган ва касбий сифатини тавсифлайдиган қисми сифатида қараш зарур (В.А.Сластенин). Лойиҳалаш фаолиятига назарий тайёргарлик - лойиҳалаш кўникмалари ва компетенциялар мажмуини юқори даражада эгаллаганлик ҳисобланади. Г.Е.Муравьева лойиҳалаш кўникмаларига дидактик жараён ривожининг натижасини олдиндан кўра билиш сифатида ташхислаш; лойиҳани амалга оширишни режалаштириш; моддий воситаларни яратишга доир технологик жараённи конструкциялаш; объект ҳақида янги ахборот олишни моделлаштириш масалаларини киритади [3].

В.А.Сластенин, Н.В.Кузьминалар бўлажак педагогнинг лойиҳалаш фаолиятига назарий тайёргарлигини белгилайдиган компетенциялар мажмуига педагогик фаолиятни ўз-ўзини такомиллаштиришни таъминловчи рефлексив; ўзининг методик даражасини ошириш қобилиятини ривожлантирувчи когнитив; ахборот олиш ҳамда уни қўллашга оид кўникма ва малакаларни шакллантирувчи маърифий; оғзаки ва ёзма мулоқот технологиясини ривожлантирадиган коммуникатив; ўзининг касбий компетентлиги моҳиятини англашга йўналтирадиган ижтимоий компетенцияни киритади [4]. Лойиҳалаш кўникмалари ва компетенциялар мажмуидан иборат назарий тайёргарлик бўлажак педагогда амалда лойиҳалаш компетентлигини эгаллашга олиб келадиган фаолиятнинг ҳам ижодий, ҳам индивидуал даражалари очилишини таъминлайди.

Педагогик лойиҳалаш муаммосига бағишланган ишларнинг назарий таҳлили ва тажриба-синов натижалари лойиҳалаш фаолиятининг «билим» – «билим + тажриба» – «билим + тажриба + мустақиллик» каби уч босқичда кечадиган, бўлажак педагогнинг индивидуаллиги ва ўз-ўзини касбий такомиллаштиришга тайёрлигининг намоён бўлишини таъминлайдиган лойиҳалаш кўникмалари ва компетенциялар мажмуини юқори даражада эгаллаганлик сифатидаги таърифини шакллантириш имконини берди.

Бўлажак ўқитувчиларни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш талабанинг ўқув-билув фаолиятидан мутахассиснинг касбий фаолиятига ўтишни таъминлайдиган контекстуал таълим (А.А.Вербицкий); ахборотни жадвал, матрицалар кўринишида тизимлаштириш имконини берадиган фреймли ўқитиш (М.Н.Минский) технологиялари амалга оширилганда; ўқитишнинг замонавий: бўлажак педагогни педагогик касб чўққилари томон ўзини ўзи ҳаракатлантиришга йўналтирилган акмеологик (Н.В.Кузьмина); педагогик жараённи ва унинг субъектлари билан ўзаро таъсирни ўрганадиган аксиологик (В.А.Сластёнин) ёндашувлардан фойдаланилганда ўз ижобий ечимини топади. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш муаммоси таҳлили асосида методологик: таълим олувчининг ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни касбий фаолиятда қўллашга тайёрлигини ҳисобга оладиган компетентлилик (Н.В.Кузьмина, А.К.Маркова, Н.А.Муслимов); лойиҳалаш компетентлигининг жиддий

белгилари ҳақида яхлит тасаввур берадиган тизимлилик (Б.С.Гершунский, Б.В.Ломов); лойиҳалаш фаолиятини фаолият назарияси жиҳатидан тавсифлашни, бу фаолиятнинг тузилишини англатадиган фаолиятлилик (П.И.Балабанов, А.Г.Раппапорт); таълим жараёнини ўз-ўзини ташкил қиладиган тизим, лойиҳалашни эса ривожланишдан ўз-ўзини ривожлантиришга ўтишнинг эҳтимолий йўллари сифатида тасаввур қилиш имконини берадиган синергетик (Н.М.Таланчук, Г.Саймон) каби методологик ёндашувлар аниқланди.




**1-расм. Касбий компетентлик тузилмасида лойиҳалаш фаолияти**

Бўлажак ўқитувчини тайёрлаш мазмуни ва тузилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартида келтирилган малакавий талаблар билан белгиланади. Бошланғич таълим, спорт-тарбиявий иш йўналиши бўйича бўлажак ўқитувчини тайёрлашда “Умумий педагогика” фанининг имкониятлари таҳлили орқали муайян мақсадга қаратилган технологик компонентларни ажратдик. Мазкур фан мазмунини бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти, тузилмаси, педагогик ва технологик лойиҳалашнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги билимлар, педагогик ташхис тушунчасини киритиш, унинг лойиҳалаш фаолиятидаги хусусиятлари ва имкониятларини очиб бериш билан кенгайтириш мумкин, деган хулосага келдик.

Педагогик амалиёт бўлажак ўқитувчиларни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлашнинг якунловчи босқичи саналади. У муайян таълим муассасасида педагогик инновациялар моҳиятини ўзлаштириш, янгиликларга нисбатан ўз нуқтаи назарини белгилаш, уларда шу жараёнда ўзи иштирокига оид вазифалар билан бойитилди. Педагогик амалиёт ўташ даврида педагогик вазифаларни лойиҳалаш ва уларни ҳал қилиш йўлларини асослаш кўникмаларини ривожлантиришга эътибор қаратилади.

Бўлажак ўқитувчиларни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш самарадорлиги таълим жараёнини лойиҳалашнинг моҳияти, тамойиллари ва тартиби ҳақидаги билимларни шакллантириш; ўзининг педагогик фаолиятни лойиҳалаш индивидуал услубини англаш; касбий-педагогик фаолиятга яхлит ҳиссий-қадриятли муносабатни шакллантириш; лойиҳалашнинг зарурлигига ишонч ҳосил қилиш; таълим муассасалари шароитида лойиҳалаш фаолиятини репродуктив, ижодий даражада амалга ошира билиш; талабаларни касбий таълим педагогининг лойиҳалаш фаолияти усулларига ўргатишнинг адекват метод ва воситаларини танлаш каби педагогик шартлар йиғиндисини амалга ошириш йўли билан таъминланади.

Мазкур педагогик шартларни жорий қилиш таълимнинг анъанавий ва ноанъанавий шаклларини уйғунликда олиб боришни кўзда тутади. Унинг асосий вазифаси бўлган талабалар фаолиятининг материални ўрганиш ва тегишли технологияларни аниқлаш; турли даражадаги фаол ва мустақил фаолиятни кўзда тутадиган таълимнинг индивидуал йўналишларини белгилаш; ҳар бир траектория учун иш методлари ва ўқув материалининг зарурий талқинини танлаш; мавзуни ўрганишнинг барча траекториялари учун турли даражадаги таълимий натижага олиб келадиган дидактик таъминотни умумлаштириш, шунингдек, ўқув-методик мажмуанинг бошқа таркибий қисмлари, жумладан, талабалар

учун топшириқларни бажариши бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган педагогик жараённи лойиҳалаштиришга йўналтиришдан иборат босқичлари машғулот-концепт деб номланди.

Машғулот-концепт кетма-кет амалга оширишга қаратилган тузилма, педагогик технология, қўллаш шароитларини аниқ тавсифлашни кўзда тутади ҳамда технологияларни қатъий тушуниш ва лойиҳалашнинг зарурий минимал, педагогик жараён типига мос келадиган туркумига риоя қилиб лойиҳалашда ўз ифодасини топади. Тадқиқотда ноанъанавий машғулот-концепт шакли фреймли ўқитиш натижасида талабалар жамоасининг педагогик вазифаларни мантиқий модель ёки қоидалар тизими кўринишида самарали амалга ошириши аниқланди.

Машғулот-концептларда келгуси касбий фаолиятга максимал яқинлаштирилган, муайян педагогик вазиятларни яратиш ва ҳал қилишга қаратилган контекстуал таълим технологияси – микроўқитиш, микротадқиқот, машғулотларда касбий-педагогик вазиятлардан кенг фойдаланиш: видеофрагментлар ва Интернет-ресурсларни веб-квест технология ёрдамида намойиш қилиш, бўлғуси касбий-педагогик фаолият билан боғлиқ касбий сифатларни шакллантирадиган материалларни излашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг лойиҳалаш фаолиятига тайёрлик даражаси юзасидан таълим жараёнида ўз нуқтаи назарини ўзгартиришга интилиш; инновацион фаолият мақсадини англаш; янгиликларни лойиҳалаш орқали қабул қилиш, ўзлаштириш каби кўрсаткичларга эга бўлган мотивацион; педагогик инновациялар моҳияти, уларнинг типлари, педагогнинг инновацион фаолияти таркиби, педагогик лойиҳалаш моҳияти, унинг мантиқи ва босқичлари мазмунига бўлган когнитив; лойиҳалаш муаммоларини белгилаш, лойиҳа концепциясини конструкциялаш, лойиҳани амалга оширишнинг салбий ва ижобий натижаларини ташхислаш малакалари моҳиятидан иборат технологик ёндашувлар тавсифланди

Бўлажак ўқитувчини мақсадли лойиҳалаш фаолиятига замонавий ёндашув асосида тайёрлаш технологияси қуйидагича схематик тарзда тақдим қилинди: шартли тайёр вазифани таҳлил қилиш →ҳал қилиш усулини эсга олиш→ҳал қилиш→эталон жавоб билан формал солиштириш. Бу ўринда талабанинг билиш фаолияти репродуктив ва ижрочиликдан иборат. Тадқиқот элементлари фақат вазифа шартини таҳлил қилиш босқичида тақдим этилади. Стандарт вазифаларни ҳал қилиш соф ўқув тартиби ҳисобланади. Бўлажак ўқитувчини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш моделида муаммоли-модулли ёндашув асосида муаммоли вазият таҳлили→муаммони қўйиш→етишмаётган ахборотни излаш ва фаразларни илгари суриш→ фаразларни текшириш ва янги билим олиш→муаммони вазифа(лар)га ўтказиш→ҳал қилиш усулини излаш→ҳал қилиш→текшириш амалга оширилади.

Муаммоли-модулли ёндашувда талабанинг билиш фаолияти мазмунли, қизиқарли ва самарали кечади. Талаба ишнинг барча босқичларида лойиҳалаш тафаккурини ишга солишни талаб қиладиган тадқиқотчилик ҳолатида бўлади. Тадқиқотнинг энг муҳим вазифаси бўлажак ўқитувчини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлашда қуйидагилар назарда тутилади:

-назарий материални англаш ва уни амалиётда қўллашга йўналтирилган компетентлик;

-ўзининг индивидуал педагогик фаолият услубини, жумладан лойиҳалаш услубини англашга кўмаклашадиган проективлик;

-ўз-ўзини билиш ва ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўзи ва ҳамкорликдаги фаолият ҳақида бошқаларнинг тасаввурларини аниқлашдан иборат рефлексивлик;

-касбий-лойиҳалаш фаолиятининг ташкилий, педагогик-психологик, дидактик ва шахсий омиллари бирлигини таъминлаш имконини берадиган динамиклик;

-технологик лойиҳалаш билан педагогик лойиҳалаш ўртасида муқобил кўчиришни амалга оширадиган интегративлик;

-педагогга ўз лойиҳасини амалда қўллаш имконини берадиган, шу жараёнда унинг шахсий хусусиятлари намоён бўладиган индивидуаллик;

-лойиҳалаш жараёнини ҳамма вақт фаолиятнинг мақсадга мувофиқ моделларини яратишдан бошлаш, кейин уларни ўзлаштириш усулларини ўйлашни талаб қиладиган марказлаштириш тамойилларига асосланган моделини ишлаб чиқиш.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак ўқитувчини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш моделида ифодаланган муаммоли-модулли ва мақсадли ёндашув муайян педагогик технология ва вазифаларни ҳал қилиш алгоритмини ишлаб чиқишга кўмаклашади.

**Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Йигирма томлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. –Т.5. – Б.329.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.50.



**Фаррух ТУРКМЕНОВ**
Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси
мустақил изланувчиси

# ТАЛАБАЛАРНИ АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШДА СПОРТ БАЙРАМЛАРИНИНГ РОЛИ

*Ушбу мақолада талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда спорт байрамларининг роли кўрсатиб берилган. Шунингдек, олий таълим муассасаларида спорт байрамларини ташкил этиш методикаси изоҳланган.*

***Таянч сўзлар:*** *ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, таълим ислоҳоти, ахлоқ, эстетика, тарбия, жисмоний тарбия, спорт байрамлари, спорт турлари, ҳаракатли ўйинлар.*

*В данной статье дана роль спортивных праздников в нравственно-эстетическом воспитании студентов. Также объяснена методика организации спортивных праздников в высших учебных заведениях.*

***Ключевые слова:*** *социально-экономическое развитие, реформа образования, мораль, эстетика, воспитание, физкультура, спортивные праздники, виды спорта, подвижные игры.*

*In this article the role of sports holidays in moral and aesthetic education of students is given. The methodology of organization of sports events in higher educational institutions is also explained.*

***Key words:*** *socio-economic development, education reform, morality, aesthetics, education, physical education, sports holidays, sports, outdoor games.*

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган таълим соҳасидаги ислоҳотлар таълим муассасаларида олиб борилаётган тарбиявий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларининг мақсад ва вазифаларини белгилаш ҳамда шахсни ҳар томонлама камол топтириш имконини яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “...ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатдан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда” [1, 504-505]. Жамият ҳаётида мустақиллик мафкурасининг шаклланаётганлиги, ёш авлоднинг умуминсоний қадриятлар ва энг яхши анъаналар асосида тарбия топаётганлиги ҳамда мутафаккирларимизнинг жаҳон маданияти ва илм-фанига қўшган ҳиссалари ҳақидаги билимларнинг кенгаяётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу эса жамиятнинг ҳар бир кишисида чуқур билим ва тажриба, юксак маънавият ва маҳорат, ақл-заковат, кенг илмий тафаккур ва фикрлаш қобилиятига эга бўлган шахс бўлиши лозимлигидан далолат бермоқда. Бундай шахсий сифатлар ва баркамолликнинг мазмун-моҳияти кўп қиррали бўлиб, ўзида инсоний фазилатларнинг кўп жиҳатларини қамраб олади. Буларнинг ичида энг асосий ўринни шахснинг ахлоқий-эстетик тарбияси муаммоси эгаллайди. Чунки ахлоқий-эстетик тарбия – бу умуминсоний ғоя, қадрият, билимларни эгаллаш, идеаллар (ижтимоий, ахлоқий, эстетик)нинг таркиб топиши, Ватан, жамият, миллат, урф-одатлар, она тарих ва тилга ижтимоий муносабат шаклланишининг бош омили саналади.

Ахлоқий-эстетик тарбиянинг моҳияти ва аҳамияти жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ва иқтисодий тараққиётига, ёшлар камолотига кўрсатаётган таъсир доирасига қараб белгиланади. Шунга кўра, ахлоқий-эстетик тарбияланган деб ўз ахлоқ-одоби, билими, тафаккури, эътиқоди, илмий, диний, гўзаллик тўғрисидаги ва мафкуравий қарашлари, идеаллари, иймон-иродасини халқ, миллат, жамият, Ватан манфаати, тараққиёти, истиқболи билан боғлай оладиган кишиларни тушунамиз. Шунингдек, ахлоқий-эстетик тарбияси ривожланган кишилар жамият қабул қилган одоб-ахлоқ, бурч ва масъулият, адолат ва ҳақиқат, ҳалоллик ва ростлик, инсонпарварлик ва халқпарварлик, ҳуқуқий мажбурият мезонларига риоя қилган ҳолда фаолият олиб боради. Шу жиҳатдан олганда талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш долзарб муаммо ҳисобланади. Соғлом авлодни дунёга келтириш, тарбиялаш, жамиятимизга мос ва хос тарзда тайёрлаш - бугунги кунда бўлажак ота-оналарга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Демак ёшларимиз, айниқса, қизлар, аёллар саломатлиги, уларнинг жисмонан соғлом, маънан етуклиги фарзандларимиз камолоти ва жамиятимиз ривожининг бош омилларидан биридир.

Манбаларда таъкидланишича, аждодларимиз узоқ ўтмишда ҳам жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиб келган. "Алпомиш", "Барчиной", "Қирққиз", "Тўмарис" эпосларида тасвирланишича, ўша даврда аёллар жисмоний тарбияга нафақат қизиқишган, балки эркаклар билан тенгма-тенг мусобақалашган. Кези келганда елкама-елка туриб душманларга қарши жангга кириб, ўз Ватанини ҳимоя қилган. Барчиной, Қалдирғоч, Гулойим ва Қирқ гўзал тимсоллари Шарқ аёлининг жисмоний камолоти ва беназир лаёқати борлигидан дарак беради. Албатта, жисмонан кучли инсон руҳан, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан ҳам соғлом бўлади.

Инсоннинг эътиқоди кучли, мустаҳкам бўлиши билан бирга танаси ҳам соғ, чиниққан, ҳар қандай машаққатларга дош бера оладиган бўлиши лозим. Манбаларда қайд қилинишича, саломатликни тиклашга хизмат қиладиган машқлар Ислом динида ҳам қадрланади: “... Ҳаж сафари ҳам кишидан ҳар томонлама соғлом бўлишликни тақозо этади. Мўмин яшаётган еридан то Каъбатуллоҳгача пиёда юриб бориши ва у ерда узлуксиз Каъбатуллоҳ атрофида айланиши, Каъбага қайтиши зарур бўларкан. Бу биринчидан, кишидан мустаҳкам соғлиқ талаб этса, иккинчидан жисмоний чиниққан, сабр-бардошли, иродали ва чидамли бўлишга ундайди. Аёллар ҳам юқоридаги барча риёзатларни Ҳаж сафари давомида эркаклар баробарида тортишлари шарт бўлади. Бир сўз билан айтганда, Ислом соғлиқ учун нимаки зарур бўлса, мусулмонларга буюрган”. Шундай экан, хотин-қизлар, ёш оналарга турли хил жисмоний машқларни ўргатиш маҳаллаларда, оилаларда соғломлаштиришга доир тадбирлар ташкил қилиш, тушунтириш ва маслаҳатлар бериб бориш фойдадан холи бўлмайди.

Талабаларда ахлоқий-эстетик сифатларни тарбиялаш жараёни фақатгина назарий жиҳатдан ташкил қилинадиган жисмоний тарбия дарслари бунга етарли асос бўлмайди. Шунинг учун ушбу жараённинг давоми сифатида аудиториядан ташқари тадбирлар ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки аудиториядан ташқари ўтказиладиган жисмоний тарбия тадбирлари ҳаракатга бўлган талабни тўла қониқтиришга хизмат қилади. Жумладан, турли хилдаги спорт тўгараклари (“Ёш гимнастикачи”, “Футбол”, “Волейбол”, “Кураш” ва бошқалар), спорт мусобақалари, спорт байрамлари, учрашувлар, экскурсиялар, факультатив машғулотлар кабилар аудиториядан ташқари ташкил қилинадиган спорт тадбирларига киради. Шулар орасида олий таълим муассасаларида талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда турли-туман спорт байрамлари алоҳида аҳамият касб этади. Масалан: “Балли қизлар”, “Балли йигитлар”, “Алпомиш авлодлари”, “Барчиной авлодлари” каби спорт байрамлари шулар жумласидандир. Ушбу тадбирларни ўтказиш жараёнида талабаларда умуминсоний тарбиянинг таркибий қисмлари ҳисобланган ақлий, жисмоний, маънавий-ахлоқий, эстетик, ватанпарварлик каби тарбия турларига хос ижобий фазилатлар шакллантирилади. Шундай спорт байрамларидан бири “Балли қизлар!” байрамидир. “Балли қизлар!” спорт байрами талабаларда, айниқса, қизлар спортини ривожлантиришда, уларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай байрамларни ўтказишдан мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва бақувват, ахлоқий-эстетик жиҳатдан баркамол ва етук инсон қилиб тарбиялашдан иборат.

“Балли қизлар!” спорт байрамини ўтказишнинг асосий вазифалари:
- қизларда ҳаракат фаоллигини ошириш;
- ҳаётий зарур кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- ўзаро ҳурмат ва дўстлик фазилатларини тарбиялаш;
- ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;
- талабаларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ бўлишларини таъминлаш;
- қизларимизни соғлом турмуш тарзига тайёрлаш.

Спорт байрамларини ўтказиш жараёнида қатор педагогик талаблар қўйилади. Улар қуйидагилар:
- спорт байрамини муваффақиятли ўтказиш учун ташкилий қўмита тузиш ва уларнинг вазифаларини тасдиқлаш;
- спорт байрамини ўтказиш учун катта тайёргарлик кўриш зарур. Байрам сценарийсини тузиб, тасдиқлатиш;
- байрамда спорт турларини ўтказиш мақсадида етарли спорт инвентарлари билан таъминлаш;
- қатнашувчи талабаларни байрам дастури асосида жиддий тайёрлаш;
- спорт байрамида танланадиган ҳар бир жисмоний машқ, бериладиган вазифалар таълимий, тарбиявий, ва соғломлаштиришга хизмат қилиши;
- спорт байрамларини ташкил этишда талабалар шахсий қизиқишлари, жисмоний қобилиятларини эътиборга олиш;
- байрамни ташкил қилишда инновацион таълим технологияларидан кенг ва ўринли фойдаланиш;

- талабалар жисмоний ривожланиш даражаларини тиббий кўригдан ўтказиш;
- спорт байрамини чиройли ва қизиқарли ўтказиш учун маҳоратли спорт мураббийларидан иборат ҳакамлар таркибини шакллантириш;
- байрамини талаб даражасида ўтказиш, талаба-ёшларда ахлоқий-эстетик тушунчаларни такомиллаштириш мақсадида спорт майдонини безатиш;
- спорт байрами ўтказилгандан кейин тадбир якунлари бўйича ҳисобот тайёрлаш ва маъмуриятга тақдим этиш.

Спорт байрамлари ўқув йили давомида тарихий саналарга боғланган ҳолда ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Масалан: “Хотин-қизлар куни”га, “Наврўз” байрамига, “Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни”га, “Конституция куни”га, “Жисмоний тарбия ва спорт куни”га, “Саломатлик куни”га ва ҳ.к. бағишланган спорт байрамларини ўтказиш мумкин. Бу эса ўқув йили давомида байрамларни тўғри режалаштириш таълим муассасасида жисмоний тарбия ва спорт масалаларини доимий яхши йўлга қўйишга имконият яратади. Ушбу байрамларни самарали ўтказиш учун тузилган ташкилий қўмита байрам дастурини ишлаб чиқади ҳамда режа сценарийсини тузади ва байрамга бутун тайёргарлик учун керак бўлган ишлар бўйича раҳбарлик қилади. Ишлаб чиқилган спорт байрам дастури асосида ҳайъат гуруҳлар ўз ишларига жиддий тайёргарлик кўради. Тузилган ишчи гуруҳ байрам ўтказиш жойида безатишга катта эътибор беради. Айниқса, майдончалар, спорт хонаси ва бошқалар керакли спорт анжомлари, буюмлар, касбий материаллар ва бошқалар олдиндан тайёрланади.

Спорт байрамини ўтказиш учун тузилган қўмитага факультет декани, кафедра мудирлари, жисмоний тарбия ўқитувчилари, ота-оналардан вакиллар, спорт мураббийлари, фаол спортчилар киради. Улар байрам сценарийсини ва дастурини ишлаб чиқади ҳамда ҳайъатлар гуруҳини тузади. Бундан ташқари, ҳар бир қўмита аъзолари орасида қилинадиган ишларни ҳамда вазифаларни тақсимлайди.

Спорт байрамини юқори савияда ўтказиш учун махсус ваколатли шахслар гуруҳи (комиссия) тузилади: техник-моддий таъминлаш гуруҳлар байрамнинг очилиш жойи, мусобақа ўтказиш жойи, керакли буюмлар ва спорт анжомлари билан таъминлайди; беллашувлар ўтказиш жойини безатиш учун махсус маданий гуруҳ - улар турли плакатлар, расмлар, альбом, атрибутлар, эмблема, байроқчалар, коптоклар ва бошқаларни тайёрлайдилар; мусиқавий бадиий раҳбар шеър, ашула, мусиқаларни танлайди; жисмоний тарбия ўқитувчилари беллашув дастури, ҳайъат аъзоларини мусобақа баёни билан таъминлайдилар.

Юқорида қайд этилган махсус ваколатли шахслар гуруҳи томонидан “Балли қизлар” беллашувини ўтказиш сценарийси тузилади ва унда аниқ ўтказиш вақти, машқлар, мусобақалар, ўйинлар кетма-кетлиги ҳамда ҳар бир ўйинда жавобгар шахслар кўрсатилади.

“Балли қизлар” байрамини жисмоний тарбия ўқитувчиси олиб боради. Мусобақа жараёнида вазифаларнинг қизлар томонидан бажарилишини ва ғолибларни аниқлаш учун ҳакамлар ҳайъати ўз ишини олиб боради. Мусиқа жўрлигида жамоалар бирин-кетин чиқади ва белгиланган жойда сафланади.

Спорт байрамини ёшлар билан ишлаш (маънавий-маърифий ишлар) бўйича проректор очиб беради. Ҳайъат аъзолари қизларга ўқишда, шахсий ҳаётида омад ҳамда бахт тилайди. Тантанали кеча - спорт байрамининг очилишига рухсат берилади.

Беллашувлар бирин кетин ўтказилади ва ғолиблар аниқланади. Қизлар командаси 5 кишидан иборат бўлиб баскетбол тўпини қўйилган 8 буюмлараро олиб ўтиб, тўпни саватга ташлаши (тушириши) лозим. Сўнг тўпни ерга уриб бир тўп билан ўз командаси томон олиб юради ва кейинги дугонасига топширади. Шу тарзда ўйин ўтади ва ҳакамлар ҳайъати ўйинни баҳолайди, ғолибларни аниқлайди. Спорт байрамларида талабалар чаққонлик, тезкорлик, топағонлик, иродалилик ва бошқа қизиқарли ўйинлар беллашувларида уларнинг меҳнатсевар, масъулиятли, билимдон бўлишлари билан биргаликда уларда ахлоқий-эстетик фазилатлар ривожланади. Уларда ўзаро ҳурмат, дўстлик, бир-бирига ёрдам бериш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ўзгалар меҳнатини қадрлаш, гўзалликдан завқланиш, ўз ҳаётларини гўзаллик қонунлари асосида қуриш каби сифатлар таркиб топади. Зеро жисмоний жиҳатдан соғлом бўлган инсон ахлоқий-эстетик жиҳатдан ҳам баркамол бўлади. Ахлоқий-эстетик тарбия талабада ахлоқ-одоби, билими, тафаккури, эътиқоди, илмий, диний, гўзаллик тўғрисидаги ва мафкуравий қарашларини, идеалларини, иймон-иродасини халқ, миллат, жамият, Ватан манфаати, тараққиёти, истиқболи билан боғлай оладиган кўникмаларини шакллантиради. Шунингдек, ахлоқий-эстетик жиҳатдан тарбияланган кишилар жамият қабул қилган одоб-ахлоқ, бурч ва масъулият, адолат ва ҳақиқат, ҳалоллик ва ростлик, инсонпарварлик ва халқпарварлик, ҳуқуқий мажбурият мезонларига риоя қилган ҳолда фаолият олиб борадилар. Бундай сифатларни талабаларда ривожлантиришда эса биз юқорида таъкидлаб ўтган спорт байрамларининг ўрни каттадир. Бундай байрамларни талабалар узоқ вақт эслаб юрадилар, яхши кайфиятда бўладилар, кучларига куч, ғайратга-ғайрат қўшилади, жисмоний тайёргарликлари, ҳаракат миқдори ошади,

саломатлиги мустаҳкамланади. Бу эса бизнинг асосий мақсадимиз ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш эканлигини исботлайди.

**Адабиётлар**

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. (1-жилд). – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 592 б.
5. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: «Шарқ», 1998. – Б. 31-61.
6. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: «Шарқ», 1998. – Б.20-29.
7. Маҳкамджонов К.М. ва бошқ. Спорт байрамларини ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси /дарслик. Тошкент, 2007.
8. Педагогика. Ўқув қўлланма // А.Мунавваровнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1996.



**Азиза МУСИНОВА**
Бухоро давлат университети
тасвирий санъат
ва муҳандислик графикаси
кафедраси ўқитувчиси

# ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МИС КАНДАКОРЛИГИ МАҲОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШИШ

*Мақолада таълим жараёнида талабаларда мис кандакорлиги маҳоратини ривожлантиришда индивидуал ёндашишнинг афзаллиги ҳақида фикр баён этилган.*

***Таянч тушунчалар:*** *мис кандакорлиги, маҳорат, кўникма, индивидуал ёндашиш, устоз-шогирд, касбий тайёргарлик, иш қуроллари.*

*В статье рассматриваются преимущества индивидуального подхода в освоении навыков медной чеканки у студентов в процессе обучения.*

***Опорные понятия:*** *медная чеканка, умение, талант, индивидуальный подход, учитель-ученик, профессиональная подготовка,орудия труда.*

*The article discusses the benefits of an individual approach in mastering the skills of copper minting in students in the learning process.*

***Key words:*** *copper chasing, skill, talent, individual approach, teacher-student, professional training ,tools.*

Олий педагогик таълим муассасалари талабаларида касбий тайёргарликни шакллантириш ва уни ривожлантириш мазкур жараёнга нисбатан тизимли, комплекс ёндашувни тақозо этади. Бўлажак ўқитувчининг чуқур билимга, самарали фаолият юрита олиш маҳоратига эга бўлиши маълум фан асослари борасида унда етарли назарий ҳамда амалий билимларнинг, таълим жараёнида янгиликлардан унумли фойдаланиш малакасининг қанчалик шаклланганлигига боғлиқдир. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга янгича ёндашиш зарурриятининг асосий моҳияти ўқитувчиларнинг анъанавий усуллардан воз кечишлари ҳамда ноанъанавий усуллардан фойдаланишларидан иборат. Ўқитувчи ҳамда талабалар орасида янгича педагогик муносабатларнинг вужудга келиши ўқув жараёнига табақалашган ёндашувнинг татбиқ этилиши, таълим олувчиларнинг имкониятлари ва ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда уларга индивидуал ёндашиш тажрибасини педагоглар пухта ўзлаштиришлари зарур.

Таълимда индивидуал ёндашиш нима деган савол туғилиши мумкин.

**Индивидуал ёндашиш** – педагогик тамойилга кўра педагогик жараённи педагогнинг талабалар билан ўзаро муносабати, уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуриши ва бутун гуруҳ ҳамда ҳар бир алоҳида талабанинг ривожи учун психологик-педагогик муҳит яратиши деганидир. Таълим тизимини замонавий янгилаш доирасида етакчи ёндашувлардан бири алоҳида ёндашув ҳисобланади.

Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда олимларимиз қуйидагиларни тавсия қиладилар:

- ўртача ўзлаштириш даражасига эга бўлган талабаларга қараб фаолият йўналишини белгилаш амалиётидан воз кечиш;
- ҳар бир талабага хос сифатларни аниқлаш ва уларни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш, уларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, қобилиятлари, шахсий сифатлари, ақлий-интеллектуал хусусиятларини аниқлаш, танлаган касбий йўналишларини аниқлаган ҳолда зарур маслаҳатлар бериш;
- аудиториядаги ҳар бир талабанинг эҳтиёжи, қизиқиши, иқтидори ва имкониятини ҳисобга олган ҳолда ўқув топшириқларини танлаш;
- ўқув-тарбия жараёнида талабаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни гуруҳларга бўлиб ишлашга ундаш лозим.

Ўқув-тарбия жараёнини педагогик инновациялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш фан ўқитувчиларининг билим, кўникма ва малакалари, касбий лаёқати доирасида замон талабларига фаолият кўрсатишларини таъминлайдиган узлуксиз методик хизмат тизимини яратишни тақозо этади.

Ўқитувчилар талабаларнинг ҳаётий эҳтиёжларига мос келадиган билим, кўникма ва малакаларни улар фаолиятига сингдириш орқали уларга табақалашган ҳамда индивидуал ёндашиш имкониятларини яратишлари керак.

Кичик гуруҳларнинг тез-тез ишлатиб турадиган усуллари талабаларни ўқитишга алоҳида ёндашиш муаммосини тўлиқ бартараф эта олмайди. Талабага индивидуал ёндашиш - таълимнинг стратегияси ва тактикаси, таълимнинг концепцияси ва тамойилидир.

Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва мақсадли тайёрлашнинг асосий мақсади - республиканинг илмий ва ижодий салоҳиятини ривожлантирувчи интеллектуал элитани тайёрлаш ва бу борада юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун имкониятлар яратишдир. Иқтидорли ёшлар - Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминловчи муҳим омил ва миллат зийнати ҳисобланади. Ана шу борада амалга оширилаётган ишларнинг бир дебочаси сифатида “Касб таълими” йўналишида қуйидаги ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, кафедра ҳузурида “Сеҳрли игна”, “Мис кандакорлик”, “Ёш ижодкорлар” тўгараги ташкил этилган бўлиб, мақсадга интилувчан, қатъийлик ва меҳнатсеварлик каби фазилатлари ҳамда ижодий фаолият билан шуғулланиш истаги билан ажралиб турувчи, ўқув, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ишларда фаол қатнашаётган иқтидорли талабалар жалб этилган. Уларга интеллектуал салоҳиятини ошириш, қобилиятларини ривожлантириш ва илм-фан тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича “Устоз-шогирд” тизимида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратилиб, талабаларнинг ҳар бирига илмий даражали ҳамда илмий тадқиқот ишлари бўйича етарли билим ва малакага эга бўлган профессор-ўқитувчилар илмий раҳбар этиб бириктирилган.

Мис кандакорлиги фанини ўқитиш жараёнида индивидуал ёндашиш талабанинг шахсий сифатларини унинг ўз индивидуал имкониятлари доирасида ривожлантиришга ёрдам беради. Мис кандакорлигини ўргатиш жараёни дидактик ҳодиса ҳисобланади. Ушбу дидактик ҳодисани талабанинг шахсий хусусиятлари асосида ёритиш шахс жиҳатидан ёндашиш саналса, унинг реал билиш имкониятларини, индивидуал хусусиятлардан келиб чиқишини тасвирлаш индивидуал ёндашиш ҳисобланади. Шахс жиҳатидан ёндашишда инсоннинг моҳияти, ҳолати, хатти–ҳаракати, орттирилган тажрибаси унинг шахсий сифатлари яхлитлигига боғлиқ бўлса, индивидуал ёндашишда айнан олинган ўқувчининг ўзига хос хусусиятлари асосида дидактик муаммо ёритилади. Бу икки хил ёндашиш умумийлик ва алоҳидаликнинг ўзаро муносабати шаклида амал қилади. Шахс жиҳатидан ёндашиш принципларини амалга оширишнинг асосий йўли таълимни индивидуаллаштиришдир.

Таълимни индивидуаллаштириш уни ҳар бир ўқувчининг ўз индивидуал хусусиятларига мослаб ташкил этиш демакдир. Ўқув-тарбия жараёнини индивидуаллаштириш йўли билан талабаларга мис кандакорлиги бўйича аниқ ва кафолатли билимларни етказиб бериш учун катта имконият туғилади. Шу билан биргаликда ушбу жараёндаги турли тўсиқлар (боланинг уятчанлиги, ўқитувчи билан ўқувчиларнинг бир-бирини англамаслиги, ўқув материалининг мураккаблиги ва ш.к) индивидуал таълим жараёнида бартараф этилади, таълимни ташкил этиш даражалари (таълимни қуйи, ўрта ва юқори қийинчиликда ташкил этиш меъёрлари) белгиланади, таълимни гомоген гуруҳларда ўтказиш имкониятларини оширади.

Индивидуал ёндашиш методининг афзаллигини мис кандакорлиги санъати мисолида таҳлил қилиб кўрайлик. Мис кандакорлиги маҳоратини ривожлантиришда ҳар бир талабага индивидуал ёндашиш усулидан фойдаланиш ўзининг ижобий томонлари билан алоҳида ўрин олган. Мис кандакорлиги амалий санъатининг энг қадимги турларидан бири бўлиб, унда биргина пўлат қалам ва болғача ёрдамида иш олиб борилади. Албатта, ҳар қайси санъатни ўрганишдан олдин унинг тарихини билиш зарурлиги ҳаммага аъён. Назарий билимларни талабаларга суҳбат ва маърузаларда етказсак, амалий кўникмалар амалиётда вужудга келади. Инсон амалий санъатнинг қайси бир турини ўрганмасин, у авваламбор нақш чизишни ўрганиши шарт. Чунки нақш бу амалий санъатнинг асосини ташкил қилади. Мис кандакорлиги санъати ҳам ўзининг нақшлари билан бошқа санъат турларидан ажралиб туради. Демак, дарснинг амалий жараёни мис кандакорликда ишлатиладиган нақшларни ўргатиш билан бошланади. Ўқитувчи аудитория доскасида нақшларини бирма-бир чизиб кўрсатганидан кейин, талабалар ўзларининг дафтарларида ишга киришади. Бу жараён оддийдан мураккаб қараб олиб борилади. Дарс давомида ҳар бир талабага алоҳида эътибор қаратилади, унинг қилаётган иши ўқитувчи томонидан назорат қилинади. Ўқитувчи ҳар бир талабанинг иш дафтарига намуна чизиб берса ва асосий хатосини тушунтириб кўрсатса жуда яхши самара беради. Талабанинг ўзлаштиришига қараб вазифани мураккаблаштириш мумкин, аксинча қийналаётганларга эса қайтиб тушунтириш ишлари олиб борилади. Амалий дарслар давомида талабаларга аудитория доскасига нақшларни чизиш таклиф этилади. Бунинг афзаллиги шундаки, талаба ўзининг доскада ишлаш

қобилиятини ривожлантирса, ўтирган талабалар унинг ютуқ ва камчилигини топишга ҳаракат қилади. Мис кандакорлик нақшларини ўргатиб бўлгандан сўнг, кейинги дарсларда шу ўрганган нақшларни метал парчасида ўйиш босқичи бошланади. Бу босқич энг мураккаб босқич ҳисобланади. Чунки унда талаба учун ноодатий: пўлат қалам, болғача ва мумли дастгоҳ каби иш қуроллари ишлатилади. Бундай иш қуролларини биринчи бор қўлларига олаётганлигини билиб, ўқитувчи ҳар бирини қайси қўлда қандай ушлашини нафақат тушунтириб, балки ҳар бир талабага индивидуал ушлатиб кўрсатади. Металда нақшларни ўйиш жараёни ўқитувчи томонидан бажарилиб кўрсатилади. Шундан кейингина талабалар ўзларининг иш қуролларини қўлларига олиб ишга киришади. Албатта бошида ҳаммалари қийналади. Дарс давомида ўқитувчи ҳар бир талабанинг ёнига бориб, унинг икки қўлидан ушлаб иш қуролларини тўғри ушлашини ва ишлатишини тушунтирса, мақсадга мувофиқ бўлади. Металга ишлов бериш жараёни оддий тўғри чизиқ ўйишдан бошланади. Ҳар қайси фан ёки санъатни ўрганиш давомида тез ўзлаштирадиган ва оқсайдиган талабалар учрайди. Шуни инобатга олиб, фан ўқитувчиси вазифани беришда индивидуал ёндашиш тавсия этилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тўғри чизиқни чиройли ўйган талаба нақш ўйишга ўтади, тўғри чизиғи талабга жавоб бермаган талаба эса яна ўз ишини давом этади. Шундан маълум бўляптики, санъатни ўргатиш жараёнида индивидуал ёндашиш методидан фойдаланиш нафақат тавсия этилади, балки усиз ўқитувчи ҳеч қачон ўз олдига қўйган мақсадга эриша олмайди.

**Адабиётлар**

1. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: Насаф, 2000.

2. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учеб. пособие для пед. вузов и системы повыш. квалиф. пед. кадров Под ред. Е.С. Полат. – М.: Издат. центр “Академия”, 2001.

3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик махорат. – Т.: Чўлпон, 2005.



**Бобомурод ЖЎРАЕВ**
Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси ўқитувчиси

# СОМОНИЙЛАР ДАВРИДА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

*Мақолада Сомонийлар даврида ижтимоий-маданий ҳаёт ва бу даврда яшаб ижод қилган айрим мутафаккирларнинг педагогик қарашлари ёритилган.*

***Таянч тушунчалар:*** *Сомонийлар, маънавий мерос, педагогик қараш, илм, маданият, тарбия, таълим, мутафаккирлар.*

*В статье описывается социокультурная жизнь саманидов и их педагогические взгляды некоторых мыслителей, которые жили и работали в этот период.*

***Опорные понятия:*** *Саманиды, духовное наследие, педагогические взгляды, наука, культура, воспитания, образования, мыслители.*

*The article describes the socio-cultural life of the Samanids and their pedagogical views of some thinkers who lived and worked during this period.*

***Key words:*** *Samanids, spiritual heritage, pedagogical views, science, culture, upbringing, education, thinkers.*

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, фарзандларимизнинг жаҳон андазалари даражасида замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши, жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, уларнинг қобилият ва истеъдодини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, ёш авлод қалбида Ватанга садоқат ва фидойилик туйғуларини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларни амалга ошириш учун миллатнинг эртанги истиқболи, миллий ғурури, шаъни ва обрўси бўлган, унинг тарихни ўрганиш, ундан тегишли хулосалар чиқариш ва кейинги ҳаёт йўлини ўша бой тажриба билан боғлаш замон талаби ҳисобланади. Зеро Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир” [1, 29]. Ўз тарихига янгича тафаккур асосида ёндашиш, ўтмишдаги педагогик тафаккур даҳоларининг шуҳратини тиклаш, уларнинг ғояларини халқ ҳаётига тадбиқ этиш каби улуғ ишлар амалга оширилди. Айни пайтда ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг миллий шаклланиши ва ривожланишини замон талабларига мос келадиган таълим – тарбия тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ўзбекистон ҳудудида минг йиллар давомида қанчадан-қанча давлат, тузумлар, урф-одат алмашди. Ҳар бир янги пайдо бўлган дин, мафкура ўтмиш ҳақида ўзига мос маданият ва афсоналар яратди, эскилари эса аста-секин унутилиб кетди. Аммо бизгача етиб келган ривоят ва афсоналар, шаҳар ва сарой қолдиқлари, улар ҳақидаги тасаввур халқимиз ўтмиши буюк бўлганидан далолат беради. Ҳар бир ижтимоий тузумда инсоннинг маънавий юксалишини таъминловчи таълим–тарбия, маънавият ва маърифат каби тушунчалар мавжуд бўлиб, улар педагогика соҳасидаги ўзгаришларни жамият тарақиёти билан боғлиқ ҳолда ўрганишни талаб этади. Шу муносабат билан Сомонийлар даврида педагогик фикрлар тараққиётини ўрганиш ва тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади. Асрлар давомида бу даврда яшаб ижод қилган Рудакий, Абу Али ибн Сино, Абу Шакури Балхий, Ғаззолий, Носир Хусрав ва бошқаларнинг педагогик қарашларига нафақат Шарқ, балки Ғарбда ҳам миллионлаб одамларнинг диққатини жалб қилган.

Рудакий ва унинг замондошлари олдинги асрларнинг барча ахлоқий ва педагогик қарашларини умумлаштириб, ўзларининг асарлари орқали одамларга яхшилик ва меҳрибонликни ўргатган. Шу маънода, ҳар бир миллатнинг педагогик меросини ўзлаштириш ўзларининг ижобий тажрибаларининг синтезига ёрдам беради, бу замонавий цивилизациянинг келажакдаги фаровонлиги учун калит ҳисобланади.

Тарихий маълумотларга кўра Сомонийларнинг авлоди Баҳроми Чубин авлодидан бўлиб, зардуштийлик динига сиғинар эдилар ва Хуросон валийси даъвати билан ислом динини қабул қилган. Исмоил Сомоний араблар истилосидан кейин Ўрта Осиёда “Сомонийлар давлати”ни тузган ва 875-999 йилгача бошқариб келинган. Сомонийлар пойтахти Бухоро, унга қарайдиган Самарқанд, Нишопур, Марв, Урганч, Хива, Балх, Ғазна каби шаҳарлар эди. Унга Сейистон, Журжон, Решт, Чогонён, Исфижоб, Гарчистон, Табаристон (Мозандарон)лар ҳам тобе бўлган. Бу даврда Бухоро шаҳри илм, маърифат ва маданият марказига айланди. Бу ерда назмий ва насрий асарлар пайдо бўлди ва Рудакий, Фирдавсий, Дақиқий, Шаҳиди Балхий, Абдушукури Балхий ижод билан шуғулланиб, ўз асарларини яратдилар [2, 6].

Сомонийлар даврида Табарий, Закириёи Розий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Аҳмад Хоразмий ва бошқалар табобат, кимё, жуғрофия ва тарихга доир илмий асарлар яратганлар. Сомонийлар даврида мамлакат маданий жиҳатдан тараққий топди ва унинг тараққиётига қуйидаги омиллар асос бўлди:

1. Араб халифалиги маданияти.
2. Араб тили ва алифбоси.
3. Ислом динининг тарқалиши ва тараққиёти.
4. Сомонийлар империясининг ташкил топиши.
5. Меъморчилик, наққошлик, ҳунармандчилик, кулолчилик ва савдо-сотиқнинг тараққиёти.
6. Мактаб, таълим ва маърифат соҳасига эътибор.

Сомонийлар давлатида мактаб ва таълимнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилган. Мадрасалар олий мактаб ҳисобланиб, уларда умумтаълим мактаблари битирувчилари ўқишни давом эттириши мумкин эди. Мадрасаларнинг ўқув режаларига ўша даврнинг фанлари киритилган. Қобилиятли битирувчилар ўқишни машҳур мадрасаларда давом эттириб, илм-фаннинг юқори чўққиларини эгаллаган ва тижоратчи, олим, мударрис, шоир ва ёзувчи бўлиб камол топган. Битирувчиларнинг бир қисми эса масжид ва бошқа диний муассасаларда ишлаб келган [4, 10].

Сомонийлар давлатининг аксар шаҳарларида, жумладан, Бухоро, Самарқанд, Балх, Ҳирот, Нишопур ва Гурганжда катта илмий муассасалар мавжуд бўлиб, олимлар илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланган. Бугунги кунда уларни илм аҳли ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар. Булар:

— **тарихга доир:** Абубакр Наршахий “Бухоро тарихи” ва Абужаъфар Табарий “Пайғамбарлар ва шоҳларнинг тарихи” ёки “Таърихи Табарӣ” билан;

— **табобат илмига доир:** Закариёи Розий “Китоби – ал Жидоий ва — л- ҳасба”, “Китоби Мансурий”, “Ал Ҳовий” (20 жилдда), Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” билан;

— **кимё илмига доир:** Жобир ибн Хайён “Моддаларнинг пайдо бўлиши масаласи” (“Масъалаи пайдоиши маъданҳо”) билан;

— **жуғрофия (география)га доир:** Мансури Марвазий “Хуросон хирожи бобидан китоб” (“Китоб аз боби хирожи Хуросон”), Аҳмади Сарахсий “Денгиз, сув ва тоғлар бобида” (“Аз боби баҳрҳо, обҳо ва кўҳҳо”), “Ал-маслик ва-л–мамолик”, Абузайди Балхий “Иқлимлар тасвири” (“Тасвири иқлимҳо”), “Мамлакатлар кўриниши” (“Намудҳои мамлакатҳо”) ва “Шаҳарлар тақсимоти” (“Тақсимоти шарҳо”) билан;

— **математикага доир:** Муҳаммад ал — Хоразмий “Китоб-ул–жамъ ва ут-тафриқ ба ҳисоб-ул-Ҳинд” ва “Китоб-ул- мухтасар фи ҳисоб-ул- жабр ва-л — муқобила” ва Абдумансур Балхий ўзининг 40 га яқин илмий асари билан;

— **астрономия илмига доир**: Абулабос Фарғоний “Осмон жисмларининг ҳаракатланиши ва юлдузларга доир илмлар мажмуаси китоби” (“Китоб аз боби ҳаракати ҷирмҳои осмонӣ ва маҷмӯи илм оид ба ситораҳо”) билан машҳур бўлдилар.

**Қомусий олимлар** — Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал Хоразмий, Закариёи Розий, Абул Вафо Жузжоний, Абу Зайд Балхий ва Муҳаммад Наршахий [2, 211].

Сомонийлар даврида шоирлар форсий тилда шеър ёза бошлайдилар. Замонавий тожик адабиётининг асосчиси Садриддин Айнийнинг таъкидлашича, VIII асрда Баҳроми Гўр, Ҳаким Абуҳафси Суғдий ва Хожа Абул Аббос Марвазийлар ҳам форсий тилида ёзган. Ушбу ташаббус Рудакий ижодида тараққий топади [3,28].

Рудакийнинг замондош шоирлари Абу Шакури Балхий, Шаҳиди Балхий, Дақиқий, Оғочи Бухорий, Майсарий ва бошқалар адабиёт саҳнасига чиққан. Ушбу шоирларнинг ижодиётида таълим ва тарбия масалалари муҳим ўрин тутган. Бу даврнинг пешволари ёш авлодга ахлоқий фазилатларни шакллантиришдан олдин уни билимли қилиш кераклигини айтиб ўтган ва инсон қобилиятларига ишонишган. Инсон ақли билан кучли. Инсон ақлини ривожлантириш учун унга илмларни ўргатиш керак. Бу давр рационализм даврига айланди. Масалан: Рудакий инсонларга берган таълимотида инсонни ҳамма

нарсадан асровчи билим деган фикрга алоҳида урғу беради. Шоир инсон тафаккурининг сарчашмасини илм деб билади. У илм туфайлигина ақл ва дидни камол топтириш, ҳаёт зиддиятларига қарши кураша олиш, айни дамда олам сирларини билгувчи даражада етувчи зотга айланиш мумкинлигини эътироф этади. Шу билан бирга, инсондаги улуғ фазилатлар, дилбар, нафосатли руҳий ҳиссий туйғуларнинг камоли ҳам илм ва унга амал қилиш асосида собит бўлишини қуйидагича баён этади:

Одамдан юқори тураркан олам,
Билим оширмоққа муҳтождир одам.
Ақлли кишилар ҳар қайси тилда,
Ҳар қайси замонда, ҳар қайси хилда
Билимларни тўплаб ҳурмат этдилар,
Тошларга нақш этиб, битиб кетдилар:
"Одамлар қалбининг чароғи билим,
Балодан сақланиш яроғи билим!"

Рудакий дунёқарашида инсон, унинг одоб-ахлоқи, ҳаёти ва ижоди асосий ўрин тутади. Унинг шеърларида илғор инсонпарварлик ғоялари тараннум этилади. Рудакий инсон қадри, яшаш мазмуни ва илм олишни катта усталик билан ёритади. Шеъриятда инсонни бош ғоя қилиб қўйиш ва диққат марказига олиб чиқишни ҳам Рудакийдан кейинги шоирларга мерос бўлади. Рудакий инсоннинг яшашдан бош мақсади яхшилик ва бағрикенглик деб ҳисоблайди. Шоирнинг ўзи Сомонийлар саройига келганидан мақсад "яхши ғоялар ва фазилатли ишлар қилиш"га келгани ўз ижодининг бош вазифаси қилиб инсонни маънавий камол топтиришга катта эътибор беради. Шунинг учун мутаффакир шоирнинг барча асарларида инсон бахти учун доимо яхшилик қилиш ва юксак хайрихоҳлик масаласини илгари суради. Яхшилик инсоннинг маънавий оламини безашини алоҳида урғу бериб айтади. Мутафаккир шоир одамларни илм ўрганишга чорлайди.

Илмдан ортиқроқ ганж йўқ дунёда,
Уни эгалласанг умринг зиёда.

Рудакийнинг фикрига кўра илмга интилган инсон яхши инсон бўлади. Чунки инсон бахтли ҳаёт йўлида билим тўплайди ва бахтли келажагига замин яратади деган ғояни илгари суради.

Ақлли кишилар ҳар қайси тилда,
Ҳар қайси замонда, ҳар қайси хилда,
Билимларин тўплаб ҳурмат этдилар,
Тошларга нақш этиб битиб кетдилар.

Инсон камолоти, унинг бахти, албатта билимга ҳозирги даврдаги демократик, адолатли фуқаролик жамияти ҳақида одамлар ўрта асрларда ҳам ўйлашган. Шунинг учун китобхонлар Рудакий шеърларини севиб ўқиганлар.

Рудакий авваломбор ишчан, ғайратли ва эркин кишиларни мақтайди, бу инсонлар буюк ишларни қилишга қодир ва қийинчиликлардан қўрқмайдиган кишилар деб ҳисоблайди. Рудакий инсон фақатгина илму дониш орқали камолотга эришуви мумкинлигини таъкидлаган ҳолда ҳаётий тажрибага ҳам таяниш лозимлигини уктиради.

Шақиқи Балхий ахлоқий покликни энг қимматли сифат деб ҳисоблайди. У ўқимишли одамларни маънавий жиҳатдан барқарор деб билади ва ўқимишли одамлар доимо жамиятдаги ўрнини топишга урғу берилишини таъкидлайди. Ҳаётда ёмон хулқли одам кўпинча муаммоларни бир ўзи ҳал қила олмайди, чунки у жамият томонидан қўллаб-кувватланмайди [2,244]. Сомонийлар даври мутафаккирлари илм-фанни ўрганишга алоҳида эътибор бериб, турли фанларни ўзлаштиришга даъват этган. Балхий илмнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида шундай деди:

Жаҳонро ба дониш тавон ёфтан,
Ба дониш тавон риштану тофтан.

(Мазмуни: Дунёни фақат билим билан топиш мумкин, билим билан уни ўзгартириш мумкин). Абу Шакури Балхий "Офариннома" асарида таълим ва тарбиянинг шахс шаклланишидаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтган ва ҳаётда қийнамаслик учун илм ўрганиш, дунёда роҳатланиш учун кўпроқ ўқиш кераклигини таъкидлаган [6].

Сомонийлар даврида педагогик тафаккурни ўрганишнинг асосий муаммоларидан бири педагогик билимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихини ўрганишдир. Сомонийлар даврида ижод қилган мутафаккирларнинг педагогик меросига халқнинг оддий маънавий мероси сифатида эмас, балки ёшлар тарбиясида амалий аҳамият касб этадиган мерос сифатида қараш лозим. Шарқ мамлакатларининг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган замонавий таълим тизимлари антик даврнинг дидактик қарашларига

асосланади. Шунинг учун Сомонийлар даврида ижод қилган мутафаккирларнинг педагогик қарашлари ҳозирги даврда ҳам илмий аҳамиятини сақлаб қолган.

**Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 29-30-бетлар.
2. Мухторов А. Сомониён: замон ва макон. – Душанбе, “Сурушан”, 1999.
3. Садриддин Айний. Намунаи адабиёти точик. – Душанбе, “Адиб”, 2010.
4. Развитие науки и школы в период Саманидов. Душанбе, “Шуджоиён”, 2009. -119 с.
5. http://www.termcom.tj/?menu=bases&page=hamasr_40&lang=toj Мурожаат санаси: 2019.26.03.



**Шоҳида ЮСУПОВА**
Бухоро муҳандислик технология
институти катта ўқитувчиси

# ТЕХНИК ТАФАККУР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

*Мақолада техник тафаккурнинг хусусиятлари ҳақида фикр юритилган ҳамда тафаккур турлари, шакллари таҳлил қилинган.*

***Таянч сўзлар:*** *техник тафаккур, психология, компонентлар.*

*В статье рассматриваются особенности технического мышления. А также анализируются виды и формы различных мышлений.*

***Ключевые слова:*** *техническое мышление, психология, компоненты.*

*The article deals with the features of technical thinking. It also analyzes the types and forms of different thinking.*

***Key words:*** *technical thinking, psychology, components.*

Республикамизда кадрлар тайёрлашнинг янги тизими яратилиб, мутахассислар сифатига қўйиладиган замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали, рақобатбардош, танлаган касби бўйича мустақил ишлай оладиган, мамлакатнинг илмий-техник, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига муносиб ҳисса қўшишга қодир, жадал илгарилаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт шароитига мослаша оладиган, юксак маданий ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига [1,39] мувофиқ “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” бугунги кунда муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифадан келиб чиқиб, бугунги тайёрланаётган техник йўналишдаги мутахассисларда техник тафаккурни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки тафаккур ижтимоий сабабий нутқ билан боғлиқ бўлган бирор бир янгиликни қидириш ва очишдан иборат бўлган руҳий жараён эканлигини ҳисобга олсак, техник тафаккур эса техник соҳада маълум бир янгиликни амалга ошириш орқали мақсадга эришишни таъминлайди. Тафаккурнинг муҳим турларидан бири техник тафаккурдир. Техник тафаккур – тафаккурнинг бир тури бўлиб, биринчи марта техник тафаккур атамаси П.К.Энгельмейр томонидан “Техника фалсафаси” асарида кўрсатилган. Бу асарда муаллиф техник тафаккурни тафаккурнинг конкрет тури эмас, балки “техник деб аталиши мумкин бўлган алоҳида тафаккур мавжудлигини” таъкидлайди. Аммо бу тафаккурнинг психологик тавсифини кўрсатмайди [8,141].

П.И. Иванов асарларида “техник тафаккур” тушунчаси амалий интеллект концепциясидан ажратилган. Унинг таъкидлашича, амалий интеллект моддий объектларни яратиш ва олиш мақсадида ҳақиқатни ўзгартиришга қаратилган. Шунинг учун унинг нуқтаи назарида амалий тафаккур, амалий ҳаракатларда ва ғояларда намоён бўлади.

П.И. Ивановнинг ёзишича, “Инсоннинг ақлий меҳнат фаолияти ускуналар ва техника ёрдамида амалга оширилса, шу техника ҳамда янги объектларни яратишда ҳам иштирок этади. Амалий тафаккур тор маънода “техник” ва “конструктив-техник тафаккур” деб аталади” [2, 154].

В.В. Чебишева ишида “техник тафаккур” муаммоси алоҳида, яъни мустақил деб ҳисобланмайди. Муаллифнинг ёзишича, “Техника билан шуғулланадиган ишчиларнинг техник тафаккурлари шубҳалидир. Бу улардаги ягона тафаккур шакли эмас. Ҳар бир ишчининг амалий тафаккури, биринчи навбатда меҳнат жараёнида юзага келадиган турли хил вазифалар билан ажралиб туради” [7, 302]. Шундай қилиб, В.В. Чебишева ишчи фаолияти давомида юзага келадиган амалий масалаларни ҳал қилишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ равишда, техник тафаккурни кўриб чиқади. У шаклланган махсус билим ва кўникмалар тизимисиз амалга оширилиши мумкин бўлмаган амалий (ишлаб чиқариш) вазифаларнинг ўзига хос хусусиятларига катта эътибор беради. Улар орасида ижодий техник (конструктив-техник, технологияларни лойиҳалаш ва рационализация қилиш вазифалари) ҳамда ижодий бўлмаган вазифалар

(меҳнат фаолиятини режалаштириш ва ташкиллаштириш, иш жараёнларни назорат қилиш ва тартибга солиш ва ҳоказо)дир [7, 303].

Техник вазифаларни бажариш жараёнини ўрганишнинг бошқа ёндашувлари ҳам мавжуд. Масалан: Г. Кайзер бу жараённи амалий тафаккур муаммоси билан боғламаган. Унинг фикрича, техник тафаккур муайян ақлий операцияларни талаб қилмайди. Унинг айтишича, "техник тафаккурнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у амалий ишлаб чиқариш фаолиятига киритилган ва бу фаолиятнинг ҳақиқий шартлари асосида амалга оширилади". Технология ва ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий шароитларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат жараёнидаги техник вазифаларни бажариш ҳал қилувчи омил эмас деб билган. Баъзи ҳолларда бундай бўлиши мумкин, бошқа ҳолларда эса бундай эмас. Касбий фаолиятнинг мазмунига қараб Г. Кайзер техник тафаккурни 3 та шаклга ажратади: "конструктив", "функционал" ҳамда "иқтисодий" [3, 104]. Унинг фикрича конструктив, функционал ва иқтисодий тафаккур бир-бирига боғлиқ.

"Техник тафаккур" тушунчасининг турларга бўлиниши, тафаккурнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш учун мўлжалланган. Конструктив тафаккурнинг ривожланиши "Нима учун?" деган саволга жавоб бериш қобилиятини талаб қиладиган бўлса, функционал тафаккур "Қандай қилиб?" саволига жавоб беришни талаб қилади. Иқтисодий (тежамкор) тафаккур, жиҳозларнинг конструктив хусусиятларини ҳамда технологик жараённинг ўзига хослигини тежамкорлигини назарда тутиб, ҳисобга олишга қаратилган. Бу маълум бир ишни бажариш учун энг қулай (тежамкор) усулларни топиш қобилиятида ифодаланади.

Г. Кайзер ва В. Ланге ишларида техник тафаккурнинг ривожланиши "политехник таълими учун муаммо", деб таъкидланади ва техник тафаккур ўзига хос тузилишига эга унинг ривожланиши техник қобилиятларнинг шаклланишига олиб келади.

В. Ланге техник тафаккурнинг психологик тизимини очиб бермайди, лекин техник вазифаларни бажаришда "ақлий ва моддий ҳаракатлар" батафсил таҳлил қилинади. В. Ланге барча техник фаолиятни иккита асосий турга ажратади. Агар фаолиятни амалга ошириш усули унинг такрорланадиган таркибий қисмлари (ҳаракатлар ва операциялар) тизимидан иборат бўлса, унда техник фаолиятнинг биринчи тури амалга оширилади. Агар амалга ошириш усули "бир хил кетма-кетликда" бўлса, муаммонинг ҳар бир ижодий ечими имманент бўлса, унда муаллифнинг фикрича, иккинчи турдаги фаолият мавжуд. Шунга кўра одатий (репродуктив) ҳамда ижодий (самарали) техник тафаккурни фарқлаш мумкин. Албатта, бу фарқлаш шартли десак ҳам бўлади. Чунки ҳар иккала тафаккур элементлари турли хил техник вазифаларни бажаришда учраши мумкин. Бизнинг фикримизча, техник тафаккур, фақатгина мустақил равишда вазифаларни тузиб уларни бажариш, амалиётда назарий билимлардан фойдаланиш, лойиҳа ишларини олиб боришгина эмас, балки техник тафаккур вазифаларининг ҳақиқий хилма-хиллигини тасвирлашимиз керак. Ушбу масала бўйича энг асосий тадқиқотларни психология фанлари доктори Т.В. Кудрявцев ва унинг ҳамкасблари олиб борган. Т.В.Кудрявцевнинг "Техник тафаккур психологияси" номли монографиясида техник тафаккур таркиби таклиф қилинди. Муаллиф техник тафаккур таркиби учта компонентдан иборатлигини аниқлади. Булар: концептуал, мажозий ва амалий. Барча компонентлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва ҳар қандай компонентнинг шаклланмаслиги техник вазифаларни муваффақиятли бажарилишга таъсир қилади.

Т.В. Кудрявцевнинг фикрича, техник ақлнинг энг кенг тарқалган хусусиятларини яратиш, тажрибада ишлатиладиган вазифалар турига қараб амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун муаллиф конструктив-техникавий вазифаларни, уларнинг психологик хусусиятлари ва турларини батафсил таҳлил қилади; тизимли ва техник вазифаларни бажариш муаммоларини таъкидлайди; конструктив-техник вазифаларни бажарилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди ва шу вазифаларни бажаришда самарали усулларни шакллантириш йўлларини таклиф қилади [4, 304].

Психолог ва педагогларнинг техник тафаккур ҳақидаги фикрларини таҳлил қилишни якунлаб, биз техник тафаккур интеллектуал фаолиятнинг мустақил шакли деб айтишимиз мумкин.

Техник тафаккур ҳар қандай бошқа тафаккурлар каби техник вазифаларни бажариш жараёнида амалга оширилади. Техник материалнинг хусусиятлари, фаолиятнинг ўзига хослиги ҳамда ушбу материал билан ишлаш усулларини аниқлайди. Бундай ҳолатларда ушбу тафаккурнинг аниқ таркибий қисмларининг тузилиши, муайян аспектларининг устувор ривожланиши ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Техник тафаккур бошқа ҳар қандай тафаккур каби ақлий операциялар орқали амалга оширилади. Таққослаш, анализ ва синтез, абстракция ва умумийлаштириш, конкретлаштириш, классификация ва системага солиш ақлий операцияларнинг асосий турларидир. Юқорида санаб ўтилган ақлий операциялар техник фаолиятда унга хос бўлган техник материалларда ривожланади.

С.Л. Рубинштейн томонидан қилинган хулоса жуда муҳим. Чунки бунда тафаккурнинг турли турларга эга эканлиги кўрсатилган. “Тафаккурнинг турлари, ўзига хослиги, ҳар хил одамларда, биринчи навбатда бажарилиши керак булган вазифаларни ечишда, ҳамда табиати ва фаолиятига боғлиқ бўлган шахсий хусусиятларга боғлиқ бўлади” [6, 147]. Шунингдек, С.Л. Рубинштейннинг таъкидлашича турли хил психологик вазиятларда фикрлаш жараёнлари ҳар хил йўллар билан амалга оширилаётганини ва бу шахснинг менталитети, қизиқишлари ва хусусиятларига боғлиқлигини таъкидлайди. Агар инсон техника соҳасида техник ва технологик муаммоларни, вазифаларни доимий равишда бажарса, яъни техник фаолият билан шуғулланса, унинг фикрлаш жараёнлари ўзига хос тарзда амалга оширилади ва бошқалардан фарқ қилади.

Техник тафаккури ривожланган шахс ёки мутахассис техника соҳасидаги фаолиятини муваффақиятли бажариб, техник муаммоларни тез ва аниқ бажаришга эришади.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.
2. Иванов П.И., Чешев В.В. Специфика технических наук. М.: Просвещение, 1994.-154 с.
3. Кайзер, Г. Исследование процесса решения технических задач Текст. / Г. Кайзер //Вопросы педагогики профессионального образования. -М., 1995.
4. Кудрявцев Т.В. Психология технического мышления. М.: Педагогика, 1985. - 304 с.
5. Мухина, М.В. Развитие технического мышления у будущего учителя технологии и предпринимательства средствами системы познавательных заданий : диссерт канд. пед наук : 13.00.08 / М.В. Мухина. – Нижний Новгород. – 2003.– 214 с.
6. Рубинштейн С.Л. О мышлении и путях его исследования. М.: АН СССР, 1998.- 147 с.
7. Чебышева В.В. Психология трудового обучения. М.: Просвещение, 1999. - 303 с.
8. Энгельмейер П.К. Философия техники. Вып. 1-4. - М.: Образование, 1982.-141 с.



**Гўзал ЮНУСОВА**
Фарғона вилояти халқ таълими
ходимларини қайта тайёрлаш
ва малакасини ошириш худудий маркази
мактабгача, бошланғич ва махсус
таълим методикалари
кафедраси доценти, психология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

# БОЛАНИНГ МАКТАБДА ЎҚИШГА АҚЛИЙ ЖИҲАТДАН ТАЙЁРЛИГИ

*Мақолада мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий мақсад ва вазифалари болаларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожлантириш, уларнинг руҳият, шахсий қобилиятлари, интилиш ва эҳтиёжларини қондириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга, мустақиллик ғояларига содиқ ҳолда вояга етиб боришни таъминлаш, уларни мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйилган давлат талабларига мувофиқ мактаб таълимига тайёрлаш ҳақида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:*** *ақлий фаолият, машғулотлар, ўйинлар, мактабга ақлий тайёрлик, билиш, қизиқиш, руҳият, таълим-тарбия, мактабгача таълим,баркамол шахс, сезги, қобилият.*

*В статье рассмотрены основные цели и задачи воспитания детей дошкольного возраста, их физическое и психическое развитие, удовлетворение их психических, личностных способностей, устремлений и потребностей, обеспечение преданного взросления национальным и общечеловеческим ценностям, идеям независимости, подготовка детей дошкольного возраста к школьному образованию в соответствии с государственными требованиями, предъявляемыми к образованию.*

***Ключевые слова****: умственная деятельность, обучение, игры, умственная готовность с школе, знать, интересоваться, образование и обучение, дошкольное образование, компетентный человек, чувство, способность.*

*The article deals with the main goals and objectives of education of preschool children, their physical and mental development, satisfaction of their mental, personal abilities, aspirations and needs, ensuring devoted maturation of national and universal values, ideas of independence, preparation of preschool children for school education in accordance with the state requirements for education.*

***Key words****: mental activity, training, games, mental readiness at school, curiosity, education, preschool education, competent person, feeling, ability.*

Ҳар бир оила баркамол авлодни тарбиялаш учун қайғуриши лозим. Шу боис “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг асосий омили бўлган кадрларни тайёрлаш борасидаги энг зарур тадбирлар тизими белгилаб берилди. Соғлом авлодни тарбиялаш давлат ва жамиятнинг устувор йуналишидир. Бугунги кунда мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш жараёни олдига қўйилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига эришиш “Илк қадам” Давлат ўқув дастури асосида амалга оширилади. Ҳеч кимга сир эмаски, республикада болаларни мактабгача таълим-тарбия муассасаларига жалб қилиш 37 фоизни ташкил қилади. Бундай шароитда мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган 63 фоиз бола билан юқорида кўрсатилган 37 фоиз боланинг ривожланиш даражаси ўртасида номутаносиблик вужудга келмоқда. Бундай номутаносиблик, болалар мактаб остонасига қадам қўйган кундан бошлаб уларнинг ривожланиш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Сўнги йилларда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, таълим-тарбия мазмуни, шакли, восита ва методларини янгилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда мактабгача ёшда бўлган болаларни ягона талаб асосида ривожлантириш вазифаси қўйилган. Шунга кўра “Илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари”га таянган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларга интеграл тарзда таълим-тарбия бериш мақсадида таянч дастурлари тақдим этилмоқда. Бу таянч дастурлари бугунги кунда мактабгача таълим-тарбия муассасаларига жалб этилмаган 63 фоиздан ортиқ болани ҳам ривожлантириш ва ягона давлат талаблари асосида мактабга тайёрлаш имконини беради. Таълим-тарбия жараёни якунида мустақил фикрлайдиган, эркин, билимли, бир сўз билан айтганда баркамол шахсни вояга етказиш асосий мақсад қилиб белгиланди. Бу узлуксиз таълим тизимининг илк босқичи – мактабгача таълимга ўзига хос ёндашувни талаб этади.

Бола дунёга келган кундан бошлаб, давлат ва жамият ҳамда ота-она зиммасига уни соғлом, ақлли, хуш хулқли қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилади. Болаларда ақлий фаолиятни ривожлантириш дастлаб муомала орқали, сўнг машғулотлар, ўйинлар, билим бериш орқали амалга оширилади. Бола ҳар доим буюмлар, ҳодисалар орасида бўлади. Доимо бирор нарса билан танишади, ниманидир билиб олади, ушлаб кўради, нимагадир қулоқ солади, шу тарзда бола дунёни англайди. Теварак-атроф буюм ва нарсалар болаларнинг сезги органларига, анализаторларга таъсир этади ва сезги ҳосил бўлади. Сезги болаларда айрим ҳоссаларни билиб олишга ёрдам беради. Болада ақлий малака ва кўникмаларни ривожлантириш, энг оддий фаолият усуллари предметларини текшириш, улардаги муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларни ажратиб кўрсатиш бошқа предметлар билан таққослаш мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ақлий тарбия бериш вазифаларидан биридир. Бу кўникма, малакалар билиш фаолиятининг таркибий қисмлари бўлиб, боланинг билимларни чуқур эгаллаб олиши ёрдам беради.

Педагогика, психология фани ақлий тарбия вазифаларини самарали ҳал этиш *биринчи* навбатда боланинг имкониятларидан тўғри фойдаланишни, *иккинчи* томондан бола организмининг чарчашига сабаб бўладиган ортиқча юклама (нагрузка) бўлмаслиги керак деган фикрни илгари суради. Тўғри ташкил этилган фаолият жараёнидагина тўлақонли ақлий ривожланиш рўй беради. Шу сабабли педагогларнинг вазифаси муайян мақсадни кўзлаб, тарбиявий таъсир кўрсатиш учун керакли шароитни яратиш болаларда ақлий фаолиятни дастлаб муомала орқали сўнг машғулотлар, билим бериш орқали амалга оширилади. Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ақлий тарбиянинг роли каттадир. Боланинг билимларини эгаллаб олиши, унинг ақлий фаоллигини ривожлантириш, ақлий малака ва кўникмаларини эгаллаб олиши, уларнинг мактабда муваффақиятли ўқишлари учун, бўлажак мехнат фаолиятига тайёрланишда манба бўлиб хизмат қилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ақлий тарбиялашнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

1. Болаларда табиат ва жамият тўғрисидаги билимлар тизимини илмий дунёкарашини шакллантириш. Бола теварак атрофдаги нарсалар, уларнинг вазифаси, сифати, хоссалари ҳақида, қайси материаллардан фойдаланилганлиги, тайёрланганлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.
2. Билишга доир руҳий жараёнларни ривожлантириш: сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, нутқ ва бошқалар. Билимга доир нутқни ривожлантириш ақлий тарбиянинг эркин вазифасидир.
3. Билишга қизиқиш ва ақлий қобилиятларни, ақлий меҳнат маданиятини ривожлантириш. Ақлий тарбиянинг вазифаси болалар қизиқувчанлигини улар ақлнинг синчиковлигини ривожлантириш ва шулар асосида билишга қизиқиш ҳосил қилишдан иборат.
4. Ақлий малака ва кўникмаларни ривожлантириш, яъни оддий фаолият усуллари, предметларни текшириш, улардаги муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларни ажратиб кўрсатиш бошқа предметлар билан таққослаш мактабгача ёшдаги болаларга ақлий тарбия бериш вазифаларидан биридир.

Ўсимлик ва ҳайвонлар билан танишиш бўйича тизимли машғулотлар олиб борилгандан кейин болалар ўсимлик, ёш ҳайвонлар тўғрисидаги маълум бир тасаввурга эга бўлади. Сўнгра болалардаги ақлий кўникма, малакаларни ривожлантириш мақсадида тарбиячи болалар билан машғулотларни ўтказишни режалаштириши мумкин.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларга барг, гуллар билан ўйнаш кўпинча гуруҳ хонасини, овқат столини безаш, гулдаста, баргларни катталарга, кичик болаларга совға қилишга хоҳишлари билан боғланади. Бундай ўйинларни, машғулотларни ўтказишда болаларни ўсимликларга нисбатан эҳтиёткорлик, гулларни бекордан-бекорга узмасликка ўргатиш лозим. Агар бола олма ёки бошқа предметларнинг шаклига диққатини қаратган бўлса, унга олмани думалатиб кўриш, коптокдек силаб кўриш, унинг силлиқлигини аниқлашни таклиф этиш лозим. Болаларга ранг, шакл, катталик тушунчаларини ишлатишни ўргатиш лозим. Хилма-хил табиат ҳодисаси оламида болаларнинг бевосита кузатишлари учун энг тушунарлиги ўсимлик ва уй хайвонларидир. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ўсимлик ва хайвонлар билан таништириш жараёнида болаларда табиатга нисбатан муҳаббат, ҳайвонларни парваришлашга, ўсимликларни ўстиришга нисбатан истак тарбияланади.

Мактабга ақлий тайёрликнинг муҳим таркибий қисми мактабга ўқишга кираётган болада атроф, дунё ҳақида етарлича кенг билим бойлигининг мавжуд бўлишидир. Билимларнинг бу фонди ўқитувчи ўз ишини ташкил этишда таянадиган зарур асос ҳисобланади. Болани мактабга ақлий тайёрлигида болалар эгаллаган билимларнинг сифати аҳамиятлидир. Билимлар сифатининг кўрсаткичи биринчи навбатда уларни болалар томонидан онгли эгаллаганлиги; тасаввурларининг аниқ ва табақалаштирилганлиги; оддий тушунчлар мазмуни ва ҳажмининг тўлиқлиги; ўзларига тушунарли ўқув ва амалий вазифаларни ҳал этишда билимларни мустақил қўллай олиш қобилиятлари; мунтазамлилик, яъни мактабгача тарбия ёшидагиларнинг нарса ва ҳодисалар ўртасидаги тушунарли, муҳим алоқа ҳамда муносабатларни акс эттира билиш қобилиятидир.

Болани мактабга ақлий тайёргарлигининг таркибий қисми бола билиш фаолиятини муаян даражада ривожланган бўлишидир. Бу ўринда: *биринчидан,* билиш жараёнининг ўсиб борувчи ихтиёрийлиги; материални маъно жиҳатдан ихтиёрий эслаб қолиш ва такрор ифодалаш, нарса ва ҳодисаларни режали идрок этиш, қўйилган билиш ва амалий масалаларни мақсадга мувофиқ ҳал этиш қобилияти ва шу кабилар. *Иккинчидан,* билиш жараёнлари сифатини ошириш: сезгиларнинг аниқлиги, идрокнинг тўлиқ ва табақалаштирилганлиги, эслаб қолиш ва такрор ифодалашнинг тез ва аниқлиги. *Учинчидан,* болада атроф дунёга билиш муносабатлари, билимларни эгаллаш ва мактабда ўқишга интилишнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Мактабга ақлий тайёрликни шакллантиришда бўлажак ўқувчининг тафаккур фаолиятининг умумий даражаси муҳим аҳамиятга эга. Болалар боғчасининг болаларни ақлий тарбиялашга оид олиб бораётган мунтазам, мақсадга мувофиқ иш шароитларида болаларда (фаолият) тафаккур фаолиятида нарсаларнинг кўп томонлама таҳлил қилиш қобилияти, ижтимоий таркиб топган сенсор эталонлардан фан ҳамда ҳодисалар хусусият ва сифатларини тадқиқ қилишда фойдалана билиш, нарса ва ҳодисалардаги асосий алоқа, боғлиқлик, белгиларни аниқлаш асосида оддий умумлаштиришлар қилиш қобилияти, ўхшашлик ва фарқланувчи белгиларни изчил ажратиш асосида нарсаларни қиёслашни амалга ошириш кўникмаси таркиб топтирилади. Бўлажак ўқувчиларда ақлий фаолиятнинг элементар мустақиллиги: ўз амалий фаолиятини мустақил режалаштириш ва уни режа асосида амалга ошириш кўникмаси, оддий билиш вазифасини қўйиш ва уни ҳал этиш кўникмаси ва шу кабилар ривожлантирилади.

Мактабда ақлий тайёрлик, шунингдек, болалар томонидан ўқув фаолияти элементларини эгаллаб олинишини ҳам ўз ичига олади. Болалар мунтазам таълим шароитларида мактабгача болалик охирига келиб, ўқув фаолиятининг асосий таркибий кисмларини: тушунарли ўқув вазифасини қабул қилиш, тарбиячининг кўрсатмаларини тушуниш ва аниқ бажаришни ишни катталар томонидан кўрсатилган усулларидан фойдаланиб бажариб бир натижага эришиш, ўз фаолияти, хулқ-атвори, топшириқларни бажариш сифати устидан назорат килиш кўникмасини, ўзининг ва бошқа болаларнинг ишларига танқидий баҳо бериш қобилиятини, эгаллаб олишлари керак. Нутқнинг қанчалик юқори даражада ривожланган бўлиши болани мактабга ақлий тайёргарлигининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Товушни аниқ талаффуз қилиш, луғатнинг бойлиги, ўз фикрини мантиқий грамматик тўғри баён қила билиш, маданий нутқ муомаласи–буларнинг барчаси мактабда муваффақиятли ўқишнинг зарурий шарти хисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, мактабдаги ўқишга ақлий тайёрлик болаларни ақлий ва нутқий ривожлантиришнинг ўзаро боғланган таркибий қисмлардан таркиб топади. Билиш фаолияти, билиш қизиқишлари, бола тафаккури усуллари, атроф дунё ҳақидаги англанган системалаштирилган тасаввурлар ҳамда элементлар тасаввурлар, нутқ ва элементар ўқув фаолияти умумий даражасининг бирлиги болаларда мактабдаги ўқув материалини эгаллашга ақлий тайёрликни вужудга келтиради.

**Адабиётлар**

1. “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари”. 2018.
2. Юсупова П. Мактабгача тарбия педагогикаси. -Тошкент, “Ўқитувчи”. 1993.
4. Ҳасанбоева О. Оила педагогикаси. -Тошкент, 2007.
5. Недопекина Е., Никольская А. Мактаб бўсағасида. -Тошкент, “Ўқитувчи”, 1971.
6. Расулова М., Абдуллаева Д., ОхунжоноваС. Болаларни мактабга психологик тайёргарлиги. Тошкент, 2004.
7. Ахмедова Х. ва бошқалар. Болангиз мактабга тайёрми? Тошкент, 2000.

**Feruza HAMIDOVA**
Navoiy davlat pedagogika instituti
pedagogika va psixologiya
kafedrasi katta o'qituvchisi



**Yashin NARZULLAYEV**
Navoiy davlat pedagogika instituti
pedagogika va psixologiya
ta'lim yo'nalishi 3-bosqich talabasi



# O'SMIRLARDA MILLIY MANSUBLIK XUSUSIYATLARI ASOSIDA VATANPARVARLIKNING ETNOPSIXOLOGIK IMKONIYATLARI

*Maqolada o'smirlarda vatanparvarlik qadriyatlarini shakllantirish jarayonida ommaviy axborot vositalari xizmatidan samarali foydalanish va ularning rolini oshirish, ana shu maqsadda ommaviy axborot vositalari orqali olib boriladigna psixologik targ'ibot va tashviqot ishlarini to'g'ri yo'lga qo'yishda ijtimoiy-psixologik usul va vositalardan foydalanishga erishish ulan tarbiyaaiy ta'sir kuchiga ega ekanligi amaliyot xususida fikr bayon etilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *o'smir, milliy mansublik, osmir ruhiyati, xatti-harakat, psixologik xizmat, vatanparvarlik, xulq-atvor, qadriyat.*

*В статье излагается мнение о практике эффективного использования и повышения роли средств массовой информации в процессе формирования у подростков патриотических ценностей, использование в этих целях социально-психологических методов и средств для правильной организации работы по психологической пропаганде и пропаганде, осуществляемой через средства массовой информации.*

***Ключевые слова:*** *подросток, национальная принадлежность, подростковая психика, поведение, психологическая служба, патриотизм, поведение, ценность.*

*The article presents the opinion on the practice of effective use and increasing the role of the media in the process of formation of Patriotic values in adolescents, the use of socio-psychological methods and means for the proper organization of work on psychological propaganda and propaganda carried out through the media.*

***Key words:*** *teenager, national things, adolescent psychology, behavior, psychological service, patriotism, behavior, value.*

Umr davrlari orasida o'smirlik davri o'ziga xos xususiyatlari bilan ajralib turadi. O'smirlar ijtimoiylashuvida o'ziga xos xususiyatlar, qonuniyatlar, xatti-harakat motivlari va ularning vujudga kelishida murakkab mexanizmlar mavjud. Bu yoshda o'smir organizmida, uning ruhiy dunyosida jiddiy o'zgarishlar sodir bo'ladi. Unda yangi qiziqish, mayl va ehtiyojlar vujudga kela boshlaydi. O'smir ruhiyatida sodir bo'layotgan o'zgarishlarning eng muhimi, ularda asoslangan shaxsiy fikrlarning paydo bo'lishi, tanqidiy tafakkurning rivojlanishidir. O'smir ko'pincha o'zining xulq-atvori bilan bolalar dunyosidan ajralishga, katta kishilarga o'xshashga, kimlardandir ibrat olishga, atrofdagi kishilar o'zi bilan kattalardek muomala qilishlarini xohlab, shunga erishishga harakat qila boshlaydi. Agar o'smirning bu xohish, istaklari inobatga olinmasdan, u bilan bolalarcha muomalada bo'linsa, uning jahli chiqadi, o'jarlik va hatto qo'pollik, qo'rslik qila boshlaydi. Kattalar o'smir farzandlarida sodir bo'layotgan bunday ruhiy o'zgarishlarni har doim ham o'z vaqtida sezmaydi. O'smirlar esa o'zlariga qilinayotgan muomalaning ohangiga, xarakteriga nisbatan juda sezgir bo'ladi. Ota-onalar ko'p hollarda o'smirlik davrining boshlanishi bilan yuzaga chiqadigan muammolarga to'qnash keladi. "Men"ning anglashilish shakllari va ko'rinishlarining namoyon bo'lishi o'smirlik davriga to'g'ri kelib, ularning ruhiyatida o'zlikni anglash bilan bog'liq bir talay muammolar yuzaga keladi va ularning yangi tuyg'u, istak, orzulari paydo bo'lib, ko'pincha bu narsalar yakka shaxsning "kimligi", "qandayligi", "kimga va nima uchun kerakligi"ga yo'naltiriladi. O'smirlik davrining 12 muhim xususiyatlaridan biri o'g'il va qiz bolalarning axloqiy jihatdan o'sishidir. O'smirlik yoshi ularning xatti-harakatlarida doimo suyanadigan dunyoqarashning, axloqiy ishonch prinsipi hamda ideallarining shakllanishi, mulohaza yuritish va ijtimoiy hodisalarni baholash tizimining tarkib topish davridir. "O'smirning o'z xatti-harakatlariga asos bo'ladigan "ahloqiy namuna" tanlab olishida uning ichki hisssiyotlari va dunyoqarashi

shakllanib borishi bilan bog‘liq bo‘lgan axloqiy ideallarning ahamiyati katta”[3, 89]. Axloqiy namunalar tanlash axloqiy tushunchalar mazmunini anglash bilan chambarchas bog‘liqdir. Psixologik tekshirishlardan ma‘lum bo‘lishicha, ko‘pchilik o‘smir yoshidagi bolalar axloq tushunchalarining mazmuni haqida yaxshi tasavvurga ega emaslar.

Amerikalik psixolog Lourens Kolberg o‘smirning ilk bor ijtimoiy hayotga qadam qo‘yishida ma‘naviy tanlash va aqliy rivojlanishning o‘zaro aloqasini ko‘rsatib beruvchi axloqiy rivojlanish nazariyasini ishlab chiqdi. Olim shaxsni rivojlantirishga bag‘ishlangan tadqiqotlar turkumida bolalar va o‘smirlar oldiga gipotetik axloqiy dillemalarni qo‘yadi. U xulq-atvorni shakllantirishning uch darajasi va olti bosqichini tipik misollar bilan ko‘rsatadi.

1. 1-daraja. Aqliy va ma‘naviy daraja. Ushbu darajada xatti-harakatlar tashqi holatlar bilan belgilanadi, boshqa odamlarning nuqtai nazari hisobga olinmaydi.

2. 1-bosqich. Jazolash yoki rag‘batlantirishga bog‘liq bo‘ladi. Belgilangan xulq-atvor qoidalariga faqat jazodan qutilish uchun amal qilinadi.

3. 2-daraja. Konvensional daraja. Kamol topishning ushbu darajasida bola boshqa odamlarning prinsiplariga taqlid qilib shartli ravishda 13 o‘z rolida amalga oshiradi.

4. 2-bosqich. Xulq-atvor normalariga muvofiq rag‘batlantirishga ega bo‘lishga yo‘naltirilgan konform xulq; bolaning o‘z ijobiy xatti-harakatiga javoban unga yaxshi munosabatda bo‘lishlarini kutishi.

5. 3-daraja. Postkonvensional daraja. O‘smir xulq-atvori to‘g‘risida fikr yuritadi, bu mulohaza yuritishning yuqori darajasini taqozo etadi.

6. 3-bosqich. “Yaxshi bola, yaxshi qiz bo‘lishga intilish”. Xatti-harakatini boshqa odamlar ma‘qullashi yoki ma‘qullamasligiga asoslangan qarashlar. Ijtimoiy normalar va qoidalarga muvofiq xulq-atvori namuna bo‘ladigan boshqa odamlarning ma‘qullamasligidan xalos bo‘lishga asoslanadi.

7. 4-bosqich. Obro‘li shaxslarga yoki kasbga yo‘nalganlik. O‘smir o‘z imkoniyatlari va qiziqishlarga asoslanib ulardek bo‘lishga intiladi.

8. 5-bosqich. Jamoa qoidalariga amal qilish. Xatti-harakatning oqlanishi demokratik yo‘l bilan qabul qilingan qarorlarni hurmat qilishga, inson huquqlarini hurmat qilishga asoslangan.

9. 6-bosqich. Umuminsoniy tamoyillar va xulq-atvor me‘yorlariga yo‘nalganlik. Xatti-harakat, agar u qonuniyligidan yoki boshqa odamlarning fikridan qat‘iy nazar, vijdonan bajarilgan bo‘lsa, to‘g‘ri, deb hisoblanadi. O‘smirlar o‘zini o‘zi begonalashtirmaslik, inson qadrqimmatini yo‘qotmaslik, vijdon qiynalmasligi uchun tegishli me‘yorlar va tamoyillarga amal qiladi. Har qanday ijtimoiy-madaniy muhitda odamlar, Kolberg nazariyasi bo‘yicha, ushbu bosqichlarning barchasini u yoki bu tartibda bosib o‘tadi.

Qadriyat – bu subyektda mavjud bo‘lgan mayllar, tasavvurlari shakllanadigan maydon sifatida “Men”ning shaxs sifatidagi obrazini namoyon qiladi. A.G.Gresov “Ota-onalar va o‘smirlar uchun amaliy psixologiya” kitobida o‘smirlik davri mustaqilligi haqida shunday yozadi: “Biologik nuqtayi nazardan o‘smirlar butunlay katta odamga aylanadilar, lekin, jamiyatning nazarida ular hanuzgacha bola bo‘lib hisoblanadi. Oilada o‘smirga e‘tibor katta avlod vakillari (bobo, buvi va boshqa oila a‘zolari) ularga bolaga muomala qilganday qaraydilar. O‘smirlik davrida “bola buziladi” degan fikr, oldingi avlodlardan meros fikr bo‘lib kelgan. Katta avlod vakillari qadim zamonlardan buning sabablarini quyidagicha ko‘rsatganlar: o‘smir ruhiyatidagi o‘zgarishlar natijasida tashqi ko‘rinishidan qoniqmaslik, atrofidagi narsa va hodisalarga nisbatan ta‘sirlanadigan, mustaqil bo‘lish kabi xususiyatlar jiddiyroq tus oladi [2].

Psixolog G.G.Arakelov zamonaviy o‘smirning tarbiyasiga oiladan tashqari, qadriyatlarni targ‘ib qilish va yoyishda qatnashadigan jamiyatning madaniy institutlariga, jumladan, televidenie, adabiyot, kino va teatr ham misol bo‘la olishini ta‘kidlagan[4]. Tevarak - atrofdagi ijtimoiy muhit odamlarning o‘sayotgan ongiga, asosan, uyushgan tartibda ta‘sir etadi.

O‘smir o‘zining betakrorligi, boshqalarga o‘xshamasligini idrok etish bilan birga yolg‘izlik, qandaydir bezovtalik tuyg‘usini nima bilandir to‘ldirish kerak bo‘lgan ichki hissiyotni tuyadi. Natijada muloqotga ehtiyoji oshadi, ammo hamma bilan ham yaqinlashavermaydi, ichki kechinmalar bo‘yicha sherikka, ma‘naviy madadga ehtiyoj sezadi. O‘smirlik davri tO‘smirlarga milliy mansublik, millatning o‘tmishi, tarixining o‘ziga xosligiga oid ma‘lumotlarga ega bo‘lish imkonini beradi. Zero, o‘z xalqi tarixini anglamagan inson o‘zining jamiyatdagi o‘rni, turli millatlar orasidagi mavqeini belgilay olmaydi. Ijtimoiy mavqega ega bo‘lmagan inson esa mustaqil fikrlay, turli vaziyatlarda o‘zi qaror qabul qila olmaydi. Shu bois, u qaramlik, mutelik va qullikka mahkum bo‘ladi. O‘smirlarda vatanparvarlik qadriyatlarini shakllantirish jarayonida ulardagi kelajakka bo‘lgan ishonch, istiqbolli rejalar tuzish va intilish hisslarini uyg‘otadi. Kelajakka ishonch shaxsda ruhiy bardamlik, irodaviy xususiyatlarni shakllanishi va namoyon bo‘lishi tetiklikni tarbiyalaydi, murakkab, o‘ta qiyin vaziyatlarda ham mantiqiy fikrlash asosida vaziyatdan chiqa olish uchun harakat qilishiga turtki beradi.

Vatanparvarlik qadriyatlarini shakllanishida milliy urf-odat, an'ana va qadriyatlar, ularda ilgari surilgan g'oyalar inson ruhiyatining shakllanishi, unda ma'naviy -axloqiy sifatlarni tarbiyalashga xizmat qiladi. Milliylikni belgilovchi omillardan biri urf-odat, an'ana va qadriyatlardir. Shu sababli, inson ham millat vakillaridan biri sifatida milliy urf-odat, an'ana va qadriyatlarni asrash, ularni yanada boyitish ijtimoiy psixologik zaruratga aylanib bormoqda. O'z navbatida milliy urf-odat, an'ana va qadriyatlar g'oyalarining millat ravnaqi, insoniyat taraqqiyotiga xizmat qilishi bilan faxrlanish o'smirlarning e'tiqod va vatanparvarvarlikqadriyatlariga ega bo'lishlarini ta'minlaydi. O'quv-tarbiyaviy ishlarni tashkil etishda o'smirlarni milliy urf-odat, an'ana va qadriyatlarni asrash, ularni boyitish uchun harakat qila olish ko'nikmalarini tarbiyalashga e'tiborni qaratish maqsadga muvofiq.

Demak, o'smirlarda vatanparvarvarlik qadriyatlariga ega bo'lishlarini tahminlashda va bu jarayonni yaxlit tashkil etish, unda har bir samarali omildan maqsadli foydalanish, imkoniyatlarni ko'ra olish va ularning samaradorligini baholash muhim ahamiyatga ega.

O'smirlik yoshi - bu ularning xatti-harakatlarida doimo suyanadigan dunyoqarashning, ahloqiy ishonch printsipi hamda ideallarining shakllanishi, mulohaza yuritish va ijtimoiy hodisalarni baholash tizimining tarkib topish davridir. O'smirlik davrida sodir etilgan xatti-harakatdan qoniqish yoki qoniqmaslik xulq-atvor shakllanish sharti, barqarorlik uning tavsiflaridan biri hisoblanadi. I.S.Kon ko'rsatganidek, ―Jamiyat oldidagi burch tuyg'usi yaqin kishilarga nisbatan alohida majburiyatlarni yo'qqa chiqarmaydi, umumlashtirilgan boshqa (qoidalarga) yo'naltirilganlik boshqalarning aniq bir fikriga quloq solishni istisno etmaydi. Bu borada o'smirlarda atrofida ro'y berayotgan ijtimoiy voqelikka nisbatan qiziqishlarning ortishi, shu bilan birgalikda ularni aniq mantiqiy xulosa chiqarish va qarorlar qabul qilishda xali xayotiy tajribaning etishmasligini e'tibordan chetda qoldirish mumkin emas.

Balog'at davrida o'g'il qizlar o'zlarini kattalardek his etish bilan birga boshqalar ham ularni aqlli, hushli, or-nomusli, katta odam deb hisoblashlarini xohlaydilar. Katta yoshdagi begona kishilarga taqlid qilish odati kuchayadi. Atrofdagilarning nima bilan shug'ullanayotganligi, nimaga e'tibor berayotganligi, o'zlarini qanday tutayotganligiga razm soladilar. Tabiiyki, o'smirda o'ziga yoqib qolgan, ko'ngliga mahqul tushgan shaxsday bo'lish havasi tug'iladi. Ammo afsuski, kattalar boladagi ana shunday o'zgarishlarni yo payqamay qolishadi, yoki sezishsa ham u narsalarga yetarli darajada ahamiyat berishmaydi. Kattalar tomonidan o'rinsiz tanbeh berish, kesatish, do'q-po'pisa qilishlar o'smir hissiyotida noxush kechinmalarni vujudga keltiradi. Mazkur davrda u o'ta ta'sirchan, hamma narsani ko'ngliga yaqin oladigan bo'lib qoladi. Turmush jarayonida ta'lim va tarbiyada buni hisobga olish darkor. Yuqorida aytib o'tganimizdek, o'zini kattalardek his qilayotgan o'smirga biror yumush buyurganda uddalay olishiga ishonch bildirgan yo'sinda "sen endi katta bolasan, bu ish qo'lingdan keladi" kabi so'zlar bilan murojaat qilish uning quvonchiga quvonch qo'shadi.

Xarakterning tarkib topishida taqlidchanlikning ahamiyati ko'p jihatdan ifodali ish-harakatlarning odam emotsional kechinmalariga ta'siri bilan izohlanadi. Odamlarga ochiq ko'ngillik bilan jilmayib turgan paytda ularga nisbatan g'azablanish va ko'ngli qoralik hissini kechirish ancha qiyin bo'ladi. Aksincha, odamlar bilan qo'pol va ko'ngilsiz tarzda gaplashayotgan paytda ularga nisbatan xushko'ngillik hamda mehribonlik hislarini kechirish ham juda dushvor. Shuning uchun o'smir xushfehl, mehribon odamning imo-ishoralarini, yuzidagi ifodali harakatlarini, ovozining intonatsiyalarini tashqaridan taqlid qilish orqali o'ziga singdirib olgan bo'lsa, taqlid qilish tufayli mana shunday ifodali harakatlar va imo-ishoralar odatga aylanib, harakatlarini belgilovchi kechinmalarning ichki tuzilishi ham o'zgaradi. Xuddi ana shuning uchun sof tashqi taqlidchanlik asosida faqat harakatning avtomatlashuvi hosil qilinar ekan, taqlidchanlik xarakterning shakllanishi va rivojlanishida asosiy va hal qiluvchi rolni o'ynay qolmaydi. Taqlidchanlik xatti-harakat namunasiga taqlid qilish uchun mo'ljallangan shaxsning ma'lum munosabatlari tomonidan motivlashtirilgan bo'lgandagina, xarakter xususiyatlari taraqqiyotining shartiga aylana oladi. Masalan, sevimli o'qituvchiga, qandaydir taniqli shaxsga, adabiy qahramonga yoki tarixiy bir shaxsga taqlid qilish tufayli xarakter taraqqiyotida o'zgarishlar yuzaga kelishi mumkin.

Amerikalik psixolog U. Jeyms, taqlidni bosqichlarga ajratadi. Uningcha, birinchi bosqichi sezgilardan boshlanib butun borliq uning uchun tajriba elementlaridan tashkil topadi. Ikkinchi bosqich, inson tafakkurida mavhum fikr yuritish qobiliyatini rivojlantirar ekan, u o'zini boshqa mavjudotlardan ajratib olishni o'rganadi. O'z oldiga maqsad qilib, uni ongli ravishda bajarishga intilishi haqidagi fikrini bayon qilgan[73].

Konformizm – ijtimoiy psixologik hodisa bo'lib, u shaxsni o'rab turgan muhit ta'siriga beriluvchanligi va beriluvchanlik darajasini tushuntirib beradi. Konformizm – o'zgalar borlig'idan, ularning xulq-atvoridan ta'sirlanish demakdir. Yoshlar qanchalik o'ziga xoslikka intilmasinlar, baribir, fikrlashlarda, harakatlarda ajralib turishga intilishlari – aslida o'sha taqlidchanlik, konformizmning bir ko'rinishidir. Shu bois faylasuf Seneka konformizm va odamlardagi taqlidchanlikni ―ko'pchilikning amriga osonlikcha bo'ysunishdir deb ta'riflagan edi [5]. Bu jarayonning ro'y berishiga sabab bo'ladigan asosiy omillar esa o'sha ijtimoiy muhit va undagi obro'li shaxsning xususiyatlaridir. Shuning uchun ham biz nimalarga ishonamiz va kimlarga ergashamiz, degan masala bugungi kunda amaliy ahamiyatga molikdir. Unga teskari bo'lgan nonkonformizm esa ayrim olingan shaxs yoki

guruhning boshqa bir shaxs yoki ijtimoiy guruh ta'siriga berilmasligi, o'zida unga nisbatan qathiy bir qarshilikning mavjud bo'lishini ifodalovchi holati yoki ayrim mutaxassislarning tahkidlashlaricha, «psixologik immunitetning mavjudligidir. Amerikalik olim Devid Mayersning yozishicha konformizm hodisasining o'zi ikki xil tarzda namoyon bo'lishi mumkin: ***yon berish***-dildan qo'shilmasa-da, lekin tashqi harakatda ko'pchilik fikriga ergashish; ***ma'qullash***–e'tiqod va qarashlarning ijtimoiy tazyiqqa to'la moslashishi [5].

Yuqorida tahkidlaganimizdek, konformizmga qarama-qarshi hodisa nonkonformizm deb atalib, bu o'zgalar tazyiqiga berilmaslik bo'lsa-da, baribir ko'pchilikning irodasi, ijtimoiy fikrning tabiiy tarzda inson ongiga va diqqat-e'tiboriga singish qonuniyatini chetlab o'tolmaydi. Ayniqsa, oilada ota va onalarning, oiladagi kattalar – buvi va bobolarning ta'siri albatta sezilarli bo'ladi. Faqat kattalarning o'sha tazyiqlar yoki ijobiy ta'sirlarni saralash imkoniyatiga ega bo'lgan fahm-farosatli farzand ularning o'gitlari va xulq andozalaridan tegishli xulosalar chiqaradi va shu orqali u o'zida mustaqil fikr borligini namoyish eta oladi. Shuning uchun ham konformizm bilan nonkonformizm hodisalari parallel ravishda o'rganilganidek, oila muhitidagi taqlidchanlik va mustaqil fikrlilik fenomeni ham parallel tarzda tadqiq etiladi.

O'smirlik davrida sodir etilgan xatti-harakatdan qoniqish yoki qoniqmaslik xulq-atvor shakllanish sharti, barqarorlik uning tavsiflaridan biri hisoblanadi. I.S.Kon ko'rsatganidek, —Jamiyat oldidagi burch tuyg'usi yaqin kishilarga nisbatan alohida majburiyatlarni yo'qqa chiqarmaydi, umumlashtirilgan boshqa (qoidalarga) yo'naltirilganlik boshqalarning aniq bir fikriga quloq solishni istisno etmaydi. O'smirlarda vatanparvarlik tarbiyasida ularda ijtimoiy faollikni keltirib chiqaruvchi emotsional xissiy xolatlar asosiy omillardan biri sanaladi.

O'smirlarda mustaqil fikrlash layoqatini shakllantirish, loqaydlik, irodasizlik xususiyatlarini bartarf etish orqali ijtimoiy faollikni qaror toptirishda ommaviy axborot vositalarining ijtimoiy psixologik ahamiyatlidir. O'smirlarda shaxsiy manfaatlarini jamoa manfaatidan yuqori qo'ymaslik, jamiyat va millat oldidagi insoniy burchlarini to'laqonli anglashlari,oila , xalq baxt-saodati hamda yurt farovonligi yo'lida mehnat qilishga intilishlari erishish uchun psixologik va pedagogik targ'ibot tashviqot ishlarini olib borish maqsadga muvofiq. O'smirlarda vatanparvarlik qadriyatlarini shakllantirishning psixologik-pedagogik va falsafiy jihatlarini yaxlit holda o'rganilishiga erishish, mazkur jarayonni tashkil etishning samarali yo'llari, omillari va vositalarini yetarli darajada o'rganish. Demak, o'smirlarda vatanparvarlik qadriyatlariga ega bo'lishlarini ta'minlashda va bu jarayonni yaxlit tashkil etish, unda har bir samarali omildan maqsadli foydalanish, imkoniyatlarni ko'ra olish va ularning samaradorligini baholash muhim ahamiyatga ega.

## Adabiyotlar

1. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. -Тошкент, 1999.
2. Андреева Г.М. Социалная психология: -Учебник.-2-э изд. -М.:Изд-во МГУ,1988.
3. Асмолов А.Г. Личносто как предмет психологического исследования. - М.:МГУ, 1994.
4. Баротов Ш.Р., Олимов Л.Я, Солиева Р., Мухторов Е. Менталитет психологияси.
5. Грехнев В.С. Култура педагогического обшения: Кн. дляучителя.-М: Просвешение, 1990,

**Gulshoda ISMATULLAYEVA**
Farg‘ona viloyati xalq ta‘limi
xodimlarini qayta tayyorlash
va malakasini oshirish hududiy markazi
maktabgacha, boshlang‘ich va maxsus
ta‘lim metodikalari
kafedrasi o‘qituvchisi



# MAKTABGACHA VA BOSHLANG‘ICH TA’LIMNING UZVIYLIGINI TA’MINLASHNING METODIK ASOSLARI

*Maqolada o‘quvchilarning mustaqil fikrlash faoliyatlari nutqiy (yozma, og‘zaki) jarayonda so‘zlar orqali namoyon bo‘lishi, o‘quvchi so‘z boyligining holati so‘zlarni o‘rnida qo‘llash masalasi kabi muhim omillar haqida fikryuritilgan. Ta‘lim tizimida o‘qituvchi va o‘quvchining hamkorlikdagi faolligi o‘ta muhim va murakkab masalalar sifatida qaralgan.*

***Kalit so‘zlar:*** *o‘qituvchi, o‘quvchi, o‘qitish texnologilari, mustaqil fikrlash, so‘z boyligi, nutq, hukm, qaror.*

*В статье читатель размышляет о таких важных факторах, как самостоятельная мыслительная деятельность, проявляющаяся через слова в речевом (письменном, устном) процессе, состояние обогащения слов читателя, использование слов на месте. Совместная деятельность учителя и ученика в системе образования рассматривалась как очень важные и сложные вопросы.*

***Ключевые слова:*** *учитель, ученик, технологии обучения, независимое мышление, богатство слов, речь, суждение, решение.*

*In the article the reader reflects on such important factors as independent mental activity manifested through words in the speech (written, oral) process, the state of enrichment of the reader's words, the use of words in place. The joint activities of the teacher and the student in the education system were considered as very important and complex issues.*

***Key words:*** *teacher, student, learning technologies, independent thinking, richness of words, speech, judgment, decision.*

Respublikamizda amalga oshirilayotgan “Ta‘lim to‘g‘risidagi” Qonun hamda “Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi”ni hayotga tatbiq qilish jarayoni pedagogika va psixologiya fanlarining hamkorligini, o‘zaro aloqasini har qachongidan ham dolzarb qilib qo‘ydi. “Milliy dasturda e‘tirof etilgan yangicha modeldagi shaxsni kamol toptirish, uning chuqur bilimlar sohibi bo‘lib yetishishi, barkamolligini kafolatlovchi shart-sharoitlar orasida yangi pedagogik texnologiyalarni ta‘lim va tarbiya jarayonlariga tatbiq etishda pedagogikaning o‘z uslub va qoidalari bilan cheklanib bo‘lmaydi. Shuning uchun ham psixologiya u bilan hamkorlikda yosh avlodning ta‘lim olish davrlaridagi rivojlanish tendensiyalaridan tortib, toki yangicha o‘qitish texnologiyalarini bola tomonidan o‘zlashtirilishi va undagi aqliy hamda intellektual qobiliyatlarga nechog‘lik ta‘sir ko‘rsatayotganligini o‘rganish asosida ta‘lim-tarbiya ishini tashkil etish psixologiyadagi metodlarni didaktik metodlar bilan uyg‘unlashtirishni taqozo etadi. Ayniqsa, ma‘naviy barkamollik tamoyillarini maktabda va yangi tipdagi ta‘lim muassasalarida joriy etish ham shaxs psixologiyasini teran bilgan holda o‘qitishning eng ilg‘or va zamonaviy shakllarini amaliyotga tatbiq etishni nazarda tutadi”[1].

Umumiy o‘rta ta‘lim maktablarida o‘quvchilarning fikrlash faoliyatlarini shakllantirish, malakalarini hosil qilishda aqliy harakatlarga tayanish zarurdir:

-perseptiv faoliyat – harakatlar natijasida atrofdagi predmetlar va hodisalar to‘g‘risida yaxlit obraz shakllanadi;

-mnematik faoliyat - narsa va hodisalarning mohiyat va mazmuniga aloqador materialning eslab qolinishi, esga tushirilishi hamda esda saqlab turilishi bilan bog‘liq;

-fikrlash faoliyati - aql, fahm-farosat vositasida turli xil muammolar, masalalar va jumboqlarni yechishga qaratilgan;

-imajitiv faoliyat - (“image” – obraz so‘zidan olingan) ijodiy jarayonlarda xayol va fantaziya vositasida hozir bevosita ongda berilmagan narsalarning xususiyatlarini anglash, xayolda tiklashni taqozo etadi.

E.G‘oziyev tafakkur psixologiyasining muhim xususiyatlaridan biri - nutq yordamida voqelikni aks ettirishdir, deb hisoblaydi. “Tafakkur bilan nutqning o‘zaro bog‘liqligi fikr yuritish operatsiyalarining vujudga

kelishini osonlashtiradi. …tafakkurning dastlabki muhim xususiyati voqelikni umumlashgan holda aks ettirishdir…Tafakkurning ikkinchi muhim xususiyati bog'lanishlarni bevosita aks ettirishdir.

Tafakkurning uchinchi xususiyati so'z (nutq) orqali narsa va hodisalar o'rtasidagi murakkab munosabatlarni aks ettirishdan iboratdir"[2]. Inson o'z fikrini so'zlar orqali ifodalaydi. O'zgalarga fikrini yozma va og'zaki nutqi vositasida yetkazadi.

"Nutqning sharofati bilan tafakkur mahsulotlarining izchilligi, mantiqiyligi, sistemaliligi yuzaga keldi, kelajak avlod uchun meros tariqasida qoldirish imkoniyati barpo bo'ldi. Tafakkur mahsulotlarining og'zaki va yozma nutqlarda ifodalanishi (mustahkamlanishi) yosh avlodga muvaffaqiyatli ta'lim berish, ularni har tomonlama…rivojlantirish imkonini yaratadi".

O'quvchi yoshlarning mustaqil fikrlash faoliyatlari nutqiy (yozma, og'zaki) jarayonda so'zlar orqali namoyon bo'ladi. O'quvchi so'z boyligining holati so'zlarni o'rnida qo'llash masalasi kabi muhim omillar fikr va nutq birligini ta'minlaydi.

Ta'lim tizimida o'qituvchi va o'quvchining hamkorlikdagi faolligi o'ta muhim va murakkab masalalar sifatida qaralgan. Faollik ta'lim jarayonining psixologik jihatlari tarkibiga kiradi. Shuning uchun ham bu muhim muammo ko'plab tajribali metodistlar, psixologlar, pedagoglarning diqqatini o'ziga jalb qilgan [2]. Bu borada o'zbek olimlari, tajribali metodistlari tomonidan qilingan ishlar ham talaygina. Bu ilmiy-metodik ishlarda o'qituvchi va o'quvchi faolligining ayrim zarur nuqtalari yoritib berilgan. Faollikning o'quv jarayoni bilan chambarchas bog'liqligi, uning ta'siri kabi ko'pgina masalalarga jiddiy e'tibor berilmasa, ijobiy natijaga erishib bo'lmay shuning uchun ham V.A.Dobromislov "Oliy darajadagi faollashtirish o'quvchi tomonidan mavzuni idrok etishidir" [6]– degan edi. Faollik yoki faollashtirish haqida fikr yuritilar ekan, avvalo, o'qituvchining o'qitish jarayoni samaradorligini oshirish borasidagi faolligini alohida ta'kidlash kerak. Chunki u o'quvchini ijodiy fikrlashga yo'naltirishning asosiy sababchisidir.

Boshlang'ich sinf darsliklarida o'quvchilarni faollashtirish quyidagi shakllarda keltirilgan. Bular: a) berilgan topshiriqlar o'quvchini mustaqil ravishda "O'zbek xalq maqollari", "Hikmatli so'zlar" kabi kitoblarni ko'rib chiqib, xulosa chiqarishga tayyorlaydi; b) qoidalar o'quvchilarga tushunarli bo'lishini nazarda tutib, ancha soddalashtirilgan; v) mavzu bo'yicha o'quvchilar bilan ishlash samarali bo'lishi uchun mavzu qiziqarli va zamonaviy matnlar, mustaqil fikrlashga o'rgatuvchi qiziqarli mashqlar, topshiriqlar berilgan, topshiriqni bajarish jarayonida o'quvchining ma'lum bir til qoidasiga, hodisasiga taalluqli bilimlarni o'zlashtirib olishi nazarda tutilgan; g) darslik o'quvchini darslikdan tashqari turli xil lug'atlar, adabiyotlar ustida ishlashga chorlaydigan mashq va topshiriqlarga boyligi bilan ham ajralib turadi. Biroq darsliklar "Tanaffusda", "Maktab muzeyi", "Dugonalar", "Kuz", "Maktabimiz hovlisi" kabi rasm asosida tuziladigan matnlar yoki bunday matnlarni yaratishga asos bo'luvchi rangli suratlar bilan boyitilsa, maqsadga muvofiq bo'lar edi. Shuningdek, amaldagi darsliklarda boshlang'ich sinf o'quvchilariga og'zaki va yozma nutqni shakllantirishda bilishi zarur bo'lgan grammatik qoidalar haqida umumiy tushuncha berilgan, ulardan o'rinli foydalanish yo'riqlari mashqlar, tarbiyaviy, ma'naviy va ma'rifiy ahamiyati katta bo'lgan matnlar orqali yetkazishga harakat qilingan.

Biz darsliklarning xususiyatlarini keng sharhlashni maqsad qilib olganimiz yo'q. Faqat, yuqorida aytganimizdek, darsliklar o'quvchilarning milliy dunyoqarashini shakllantirishga, ona tiliga muhabbatini orttirishga, ularda mustaqil fikrlashni shakllantirishga mo'ljallab tuzilgandagina, ulardan o'qituvchilar ham, o'quvchilar ham samarali foydalanishi mumkinligini asoslash uchun bu masalaga qisman to'xtalib o'tdik, xolos. Agar darsliklar tahliliga astoydil to'xtaladigan bo'lsak, albatta, ularda yutuqlar bilan birga, kamchiliklar mavjudligini ham ko'rsatish mumkin.

Bizningcha, darslikda mavzu mohiyatini o'quvchiga yetkazishning, darsni tashkil etishning asosan bir shakli tanlangan. Mavzu, keyin biror matn, topshiriq va shu kabilar. Bunday yo'l bir yoqlama bo'lib, yana mashg'ulotning bir qolipda o'tishiga, o'quvchining esa bir qolipda fikrlashiga olib keladi. Binobarin, mavzular turli shakllarda, turli uslublarda, xilma-xil ohangda yetkazilsa, o'quvchilar ham turli xilda fikrlaydigan bo'ladi.

Ona tili darslari faqat grammatik bilim berish, yozma va og'zaki nutqni shakllantirish bilangina chegaralanmaydi. Yoshlarda milliy g'urur, Vatanga muhabbat hislarini tarbiyalashda, ularning ma'naviy yetuk bo'lib yetishishlarida ona tili darslarining tutgan o'rnini unutmaslik lozim.

Birinchi bosqich ona tili darslarida doimiy o'tkaziladigan "Lug'at diktanti" ko'rinishidagi mashg'ulotdir. O'qituvchi o'quvchilar uchun yozilishi qiyin bo'lgan so'zlar ustida ishlash jarayonida, avvalo, ularning imlosiga e'tibor beradi. Savodxonlikni o'stirish uchun ajratilgan vaqtdan yana bir maqsadda - so'zlarning ma'nosini o'rganishda ham foydalanadi. Bu yo'nalishda tashkil qilingan ijodiy ishni amalga oshirishda "O'zbek tilining imlo lug'ati" va "O'zbek tilining izohli lug'ati"dan foydalaniladi. Mashg'ulotning birinchi qismida o'quvchilar "Lug'at diktanti"da o'qituvchi tomonidan aytib yozdirilgan *hukm, hukmdor, hukmron, hukumat, hokimiyat, hokim, mahkama, mahkum, muhokama* kabi so'zlar imlosini mustaqil ravishda "O'zbek tilining imlo lug'ati"dan qidirib topadi va o'zlarini tekshiradi. Berilgan topshiriqdan maqsad *hukm* so'zining yozilishini

o‘rgatish orqali **hukm, qaror** chiqarish jarayoni bilan bog‘liq bo‘lgan yana sakkizta so‘zning imlosini o‘zlashtirishdir. 3-sinflarda o‘tkaziladigan “Lug‘at diktanti” uchun o‘zakdosh so‘zlarni tanlash orqali o‘zaro o‘xshash so‘zlarning yozilishiga o‘quvchining e‘tibori qaratiladi. Navbatdagi mashg‘ulotda o‘qituvchi boshchiligida avvalgi darsda imlosi o‘rganilgan so‘zlarning ma‘nolarini o‘rganish maqsad qilib qo‘yiladi. O‘quvchilarga xotirani mustahkamlash maqsadida avvalda o‘rganilgan so‘zlarni yoddan yozish topshiriladi. Ustuncha ko‘rinishida yozilgan so‘zlarning imlosini o‘quvchilar munozara asosida tekshirib chiqadi. Topshiriqning ikkinchi qismida asosiy e‘tibor so‘zlarning ma‘nolarini o‘zlashtirishga qaratiladi. O‘quvchilarga ustundagi so‘zlarning ma‘nolarini yozish topshiriladi. O‘quvchilar quyidagilarini izohlab beradilar:

Hukm - qaror

Hukmdor - mamlakat podshosi, boshlig‘i, egasi, xo‘jayin.

Hokim - shahar, viloyat, tuman boshlig‘i, rahbari.

Mahkama - idora, ishxona

Muhokama - (o‘quvchilar izohlay olmadi). Qolgan so‘zlarning ma‘nolarini izohlash va berilgan izohlarni to‘ldirish maqsadida mashg‘ulotning davomini o‘qituvchi boshqaradi va yakunlaydi. Agar o‘quvchilardan birortasida “O‘zbek tilining izohli lug‘ati” bo‘lsa, o‘quvchilarga uy vazifasi sifatida mashg‘ulotni davom ettirish va yakunlash topshirilishi mumkin.

“Lug‘at diktant”da berilgan so‘zlar izohlangach, ular ishtirokida gaplar tuzish, 4-5 ta gapdan iborat matn yaratish mumkin. “Tezkor matn” yaratish jarayonida o‘quvchilarning o‘zaro hamkorligi, ijodkorligi, faolligi kuchayadi. “Tezkor matn” og‘zaki ko‘rinishda bo‘lib, tanlangan o‘quvchilar yordamida yoki qatorlararo o‘tkazilishi mumkin. “Tezkor matn”ning talabi tanlangan ma‘lum mavzu yuzasidan o‘zaro mantiqiy bog‘liq gaplar tuzish. Tuzilgan gaplarda “Lug‘at diktant”da berilgan so‘zlar ishtirok etishi va ular bir-birini takrorlamasligi shart.

1. Podsho uch og‘a-ini botirlarni saroyga olib kelish haqida hukm chiqardi. 2. Podshoning hukmi barcha hukmdorlarga yetkazildi. 3. Toshkent hokimi og‘a-inilarni o‘z saroyiga chaqirdi. 4. Hokim va og‘a-inilar podsho hukmini muhokama qildilar. Bolalarga xos shu kabi sodda, ba‘zan kattalarni ham hayratga soladigan o‘quvchining mustaqil fikrlashi mahsuli bo‘lgan “Tezkor matn”lar mustaqil fikrlash ko‘nikmasini shakllantirish uchun yaxshi imkoniyat yaratadi. “Tezkor matn” o‘quvchining og‘zaki nutqini rivojlantirishga va fikrlash tezligini takomillashtirishga xizmat qiladi.

Sh.J.Yusupova “Ona tili ta‘limi samaradorligini oshirishda ilg‘or texnologiyalarni joriy etish”, A.Y.Bobomurodova “Ona tili ta‘limi jarayonida o‘yin-topshiriqlardan foydalanish” mavzularidagi nomzodlik‘ ishlarida dars samaradorligini va o‘quvchilar faolligini oshirish, nazariy bilimlarni amaliyotda qo‘llay bilish malakasini hosil qilish maqsadida “Tez yurar”, “Tez aytish”, “Bu bizniki”, tovushdosh so‘zlar qatorini tashkil qilish, ma‘nodosh so‘zlar, uyadosh so‘zlarga oid grammatik o‘yinlardan foydalanishni tavsiya qiladilar. Biz bo‘sh o‘zlashtiruvchi o‘quvchilarni faollashtirishga o‘rgatish jarayonida o‘qituvchi va o‘quvchi hamkorligini ta‘minlash maqsadida grammatik o‘yinlardan foydalanishni tavsiya qilamiz. “Oxirgi yillarda psixologlarning o‘tkazgan tadqiqotlari va kuzatishlari shuni ko‘rsatdiki, fikrlash jarayonlarini guruh sharoitida, dars paytida ham o‘stirish va bunga qisqa yo‘llar bilan erishish mumkin ekan. Ularning fikricha, guruhdagi hamkorlik faoliyati idrok va xotiraning o‘sishiga ijobiy ta‘sir ko‘rsatib, fikrlash jarayonini tezlashtiradi va faoliyatni samaraliroq qiladi. Yaxshi tashkil etilgan dars jarayoni, undagi faoliyat shakli individual tafakkurning ham rivojlanishiga ijobiy ta‘sir ko‘rsatadi. Shu narsa isbot qilinganki, jamoada ishlash ko‘plab nostandart fikrlarning tug‘ilishi, ularning ichida eng yaxshilarining sarala-nishi va yangidan-yangi g‘oyalarning paydo bo‘lishiga sabab bo‘larkan. Ana shunday samara beruvchi metodikalardan biri “breynstorming” deb atalib, uning lug‘aviy ma‘nosi “miyani zabt etish”dir (“mozgovaya ataka” (ruscha) – “brain storming” (inglizcha.) [7]. Ona tili darslarida “breynstroming” metodikasiga asoslanib o‘tkaziladigan mashg‘ulotlarni 3 xil tarzda tashkil etish mumkin: birinchi bosqich - o‘qituvchi va o‘quvchilar ishtirokida (o‘qituvchi boshqaradi, namuna ko‘rsatadi, o‘quvchilar bajaradi); ikkinchi bosqich - o‘quvchilarning o‘zlari mustaqil holda bajaradi, o‘qituvchi faqat nazorat qilib turadi; uchinchi bosqich - eng faol o‘quvchi boshqaradi, o‘quvchilar bajaradi (nazoratni ham o‘sha o‘quvchi amalga oshiradi). Bu tur mashg‘ulotlar, ayniqsa, leksikologiya va fonetika bo‘limlari bo‘yicha darslarda tashkil qilinsa, ijobiy natija beradi. Bunday mashg‘ulotlar o‘quvchining bilim darajasini, uning nutqiy faoliyatida ma‘lum muddat ichida sodir bo‘lgan ijobiy yoki salbiy o‘zgarishni yoxud turg‘unlikni ko‘rsatadi. Nutqning rivojlanishida sezgi, xotira, idrok, tafakkur, xayol asosiy omillardan hisoblansa-da, nutq jarayonida, ularning shakllanishida so‘z boyligi - leksik minimum asosiy mezon bo‘lib xizmat qiladi.

## Adabiyotlar

1. Karimova V.M., Akramova F.A. Psixologiya (ma‘ruzalar matni). – Toshkent. –2000. 9-b.

2. G‘oziyev E. Tafakkur psixologiyasi. –Toshkent. O‘qituvchi. –1990. 10-b.

3. Шамова Т.И. Активизация учения школников. -М: 1982, стр.18-254.

4. G‘ulomov A. Ona tili darslarida o‘quvchilarning o‘quv-biluv faoliyatini aktivlashtirish. -Toshkent: 1987.

5. G‘aniyev T. Ona tili bo‘yicha mashqlar bajarish jarayonida o‘quvchilarning bilish (idrok etish) faoliyatini faollashtirish. Ped.fan.nomz.diss... -Toshkent: 1991.

6. Добромыслов В. Активизация процесса обучения русскому языку. Советская педагогика, 1982, № 2. Стр.40-41.

7. Karimova V. Psixologiya. Bakalavrlar uchun o‘quv qo‘llanma. –Toshkent. 2002. Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti. –115 b.

**Темир ОЛИМОВ**
Бухоро вилоят халқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш
ҳудудий маркази ўқитувчиси



# ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Ушбу мақолада фуқаролик жамиятининг вужудга келиши, ижобий сифатлари, фуқаролик маданияти ва маънавияти, кишиларнинг жамият тараққиёти йўлида амалга ошириладиган бирдамлиги, ўзаро ҳамкорлик сингари сифатларнинг буюк мутафаккирларимизнинг асарларида ёритилганлиги ва унинг ҳозирги замонавий фуқаролик жамиятини қуриш ва талабаларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришдаги аҳамияти очиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *таълим ислоҳоти, ривожланиш, фуқаро, фуқаролик жамияти, шахс, илғор ғоялар, фикр, ижтимоий тарбия, маданият, маърифат, зиёли фуқаро, баркамол авлод.*

*В статье освещены вопросы формирования гражданского общества, его положительные качества, культура гражданства, единство людей в развитии общества, их взаимное сотрудничество в работах великих мыслителей и их роль в строительстве современной гражданской культуры.*

***Ключевие слова и словосочетения:*** *реформа образования, развитие, гражданин, гражданское общество, передовые идеи, мысль, культура.*

*This article is dedicated to the formation of civil society, its positive features, culture and spirituality, human solidarity on it's creation, mutual cooperation which are written in the works of our scientist and also to the establishment of our modern civil society and it's significance of developing civil society in students' mind*

***Key words:*** *educational reform, development, citizen, civil society, person, advanced ideas, view, social nurture, culture edification, intellectual*

Ҳар қандай давлат ўз тарихий, маънавий-маданий мероси ҳамда умуминсоний тажриба асосида ривожланади. Бундай уйғунлик жамиятнинг ривожланиб боришини таъминлайди. Маълумки, Ўзбекистон миллий давлатчилиги тўғрисидаги энг қадимги манбалардан бири "Авесто"дир. Давлатчилик асосларини шакллантириш борасида "Авесто" деярли барча сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, давлат тузуми асослари, зардуштийларнинг фалсафаси, дунё тарихининг ривожланиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олган. Манбада, аввало, инсон эрки, унинг руҳий комиллиги масалалари устувор қўйилади. Масалан: "Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман" дейилади Ясна китобида. Ахурамазда инсонлар ўртасида бўлаётган муносабатлар ўзаро самимийлик, ҳурмат, беғаразлик, ёрдам ва оқибатли бўлиши зарурлигига, уларни ёмон фикрлардан холи бўлишга чақиради. Каттага ҳурмат ва кичикка иззат, сабр-бардош, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва бошқа бир қатор тамойиллар борки, булар миллий ғоямизнинг асосий тамойилларига мос келади.

Ғояларнинг бундай тарзда қўйилиши дунё ана шу кучларнинг ёнма-ён яшашидан иборат, деган фалсафанинг моҳиятини англашга ундайди. "Авесто"да энг муҳим масалалардан бири — ҳуқуқий муносабатларнинг назарий жиҳатдан шаклланганлигидир. Унда инсон ҳаёти ва одамлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳуқуққа асосланганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳақиқат, яхши сўз ва мақсад, поклик ва эзгуликка интилиш, сув, ер, олов, хонадон ва чорвани асраб-авайлаш ахлоқий бурч бўлиб саналган. Инсон ўзининг ишлари ва фикрлари билан яхшилик, ёруғлик ва бахт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат берувчи олий тангри Ахурамаздага ёрдамчи бўлиб хизмат қилади. Тарихий ҳужжатлар асосида айтиш мумкинки, "Авесто"нинг "Ясна", "Виспарат", "Яшт", "Видевдат" китобларида илгари сурилган ҳуқуқий таълимотлар Рим ҳуқуқидан қадимийроқ ҳисобланади. Боз устига, улар кейинчалик ташкил топган давлатлар сиёсий тизимининг шаклланиш манбаси бўлиб ҳам хизмат қилган. Шу тариқа "Авесто" Юнон мутафаккирлари ва Рим ҳуқуқшунослари ижодига ўзининг ҳар томонлама мукаммаллиги билан таъсир кўрсатган. Жумладан, инсон ҳуқуқи, жисмоний ва ҳуқуқий шахс эркинлиги, инсон эркинлиги, эркак ва аёлнинг тенглиги масаласи, озчиликнинг ҳуқуқи, вояга етмаганлар ҳуқуқи, виждон, эътиқод ва дин эркинлиги, жамоа ва гуруҳларнинг ҳуқуқи, мол-мулк ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, шартномаларнинг мажбурийлик ҳуқуқи, жиноятнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилган турлари ишлаб чиқилган. Шу-

нингдек, “Авесто”да ўғрилик ёки босқинчилик фарқлари таснифланган, ҳимоя ҳуқуқи ва суд ишларини юритиш ҳамда ташкил этиш каби бошқа ҳуқуқий тамойиллар ҳам ўз ифодасини топган [1].

Маълумки, демократик жамият асослари давлатда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий тамойилларнинг тизимий яхлитлиги мавжудлигида намоён бўлади. Айни пайтда, улар умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда бўлишига асосланади. “Авесто”да бундай қадрият ва тамойиллар шакллантирилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Инсон табиатан эркинликка, эзгуликка интилиб яшайди. Бундай эҳтиёжларнинг барча учун умумий бўлган қоидаларини ва уларнинг тартиботларини ташкил этишда давлатга бўлган эҳтиёж вужудга келади. Мана шундай эҳтиёж умуминсоний қадриятларнинг назарий мезонларини шакллантирган. Кишилик жамиятининг ўзаро урушлар ва ихтилофлар билан боғлиқ даврларида янги маърифий таълимотлар халоскор ғоя сифатида ҳам вужудга келган. Айнан IX ва XII асрлар Ўрта Осиё тарихида шундай мураккаб давр бўлган. Халқнинг ўз мустақиллиги учун кураши ва бунда хуррият ва инсон эркинлиги билан боғлиқ ғоялар миллатни маънавий юксалишга чақиради. Дунёга машҳур Хоразмий, Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф хос Ҳожиб, Низомулмулк каби файласуф, сиёсатчи, тарихчи олимлар шу даврда яшаб ижод этдилар. Бу давр ўз мазмуни, салмоғи жиҳатидан Ўрта Осиё уйғониш даври деб тарихга киради. IX–XV асрларда яшаган Ўрта Осиё мутафаккирларининг қарашларида давлатни бошқариш ва адолатли жамият қуриш ғоялари ўзига хос илмий мазмун кашф этиши билан боғлиқ. Бу ғоялар Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф хос Ҳожиб, Низомулмулк, Амир Темур, Навоий ва бошқа буюк зотларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида чуқур баён этилган.

Абу Райҳон Беруний ўзининг “Ҳиндистон”, “Геодезия”, “Минералогия”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” каби асарларида жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш зарурлигини, қонун устуворлигини талқин этган. Беруний давлат шакли мамлакатни шоҳлар мутлақ ҳокимлиги эмас, балки маърифатпарвар шоҳлар бошқариши тарафдори эди. Беруний фикрича, давлатнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун ўзаро ёрдам, тинч-тотув яшаш ва умумжаҳон фаровонлиги сингари қоидаларга риоя қилиниши лозим. У, айниқса, давлатларнинг ҳамжиҳатликда, тинч-тотув яшашини кўп тарғиб қилди, буни халқ бахт-саодати ва фаровонлигининг гарови деб билди. Берунийнинг фикрига кўра, давлат ва қонунлар инсон бахт-саодати учун хизмат қилиши, давлатни эса маърифатли подшоҳ бошқариши лозим. Абу Райҳон Берунийнинг эътироф этишича, жамиятнинг инсонийлик мезони одамларнинг кундалик эҳтиёжлари қанчалик қондирилганлиги билан белгиланади. Жамиятда фуқароларнинг фаровонлигини таъминловчи энг муҳим омил ижтимоий адолат қоидаларига амал қилишдир [2].

Яна бир мутафаккир − Абу Али ибн Сино адолатли жамиятнинг мавжуд бўлиши шарти сифатида биринчи ўринга инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат ва ахлоқий муносабатларни қўяди. Унинг фикрича, юксак ахлоқ соҳиби бўлишга фақат ва фақат маърифат ёрдамида эришиш мумкин. Ибн Сино ахлоқий муносабатларнинг юксалиши жамиятнинг маънавий-ахлоқий соғломлиги ва собитлигини таъминлаш омили эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Шу даврнинг йирик намоёндаларидан бири “Шарқ Аристотели” номини олган Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида инсоният жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табиий давлатга бўлган эҳтиёжларнинг пайдо бўлишини, унда адолат ва ахлоқнинг шаклланиш қонуниятлари назарий тамойилларини яратганлиги билан машҳурдир. У “Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунари билан шуғулланади. Одамлар чин маънода озод бўладилар. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига халақит берувчи султон бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади”[3] – деб ёзган. Шу тариқа олим бугун бизнинг тасаввуримиздаги демократик давлат шакллари ва унда бошқарувнинг сиёсий ва фалсафий моҳиятини яратишга эришади. Масалан: фозиллар шаҳрининг (давлат назарда тутилган) таркиб топиши ва унда қандай ахлоқий сифатдаги шахснинг раҳбар бўлиши таснифлари бугунги демократик жамият қуришнинг бевосита назарий талаблари билан мос келади. Бу борада Абу Носир Форобий “Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлақ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган, энг олийжаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўлади. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қилади”, деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий ва маданий қадриятларни тизимлаштиради. Эътиборли жиҳати шундаки, Форобий қарашларидаги “ҳокими мутлақ бўлмаслиг", “сайловчилар иродаси”, “озодлик” каби фикрлари нафақат шу даврда, балки, бугунги кунда ҳам инсоният маданияти ноёб маҳсули ҳисобланган демократиянинг бош ғояси бўлиб хизмат қилади.

Давлат ва унинг бошқарувига дахлдор масалалар Юсуф хос Ҳожиб ижодида ҳам катта ўрин тутган. У "Қутадғу билиг" достонида давлатни бошқариш амаллари, қоидалари ва сиёсий-ахлоқий муносабатларни жамиятда қарор топтиришга қаратилган қарашлари билан эътиборлидир. У давлат бошқаруви ва хизматини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди. Жумладан, "Шоҳликка даъвогарлар онадан ажиб бир истеъдод билан туғилади ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фитратига эга бўлади. Бундайларга Худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса, яхши иш юритиш уқуви билан ҳам сийлайди", деб кўрсатган. Шунингдек, Юсуф хос Ҳожиб ўз асарида кўрсатган барча ишларда тажрибали, ёмонликни дарҳол сезувчи, оқиллик бобида ибратли, заковатли, маърифатга ташна, кичикларга таянувчи, адолатпарвар, садоқат каби сифатларнинг соҳиби бўлиши шартлигини таъкидлайди. Буюк аллома фақат бу билан чегараланибгина қолмай, жамият ривожи ва тақдири учун масъул бўлган шахсларнинг давлат бошқарувидаги сифатлари таснифини ривожлантиришнинг адолатли тамойилларининг муҳимлигига катта эътибор қаратган. Айни пайтда, у жамиятда илмий ва маданий салоҳиятни адолатли давлат асосларини яратувчи омил деб билган. Масалан: у зиёлилар тўғрисида шундай дейди: "Ҳақиқий зиёли ҳақиқат таянчи бўлади. Агарки оламда донишлар бўлмаганда, ерда ризқ-рўз унмас эди. Уларнинг зиёси халқ йўлини ёритувчи машъалдир. Донишларга ширин сўз билан баҳра бер, моддий манфаатини қондиришга ҳаракат қил". Зеро агар биз демократияни жамиятнинг юксак маданий шакли деб қарайдиган бўлсак, унда аждодларимиз яратган мерос бевосита адолатли давлатнинг пойдеворига асос бўла олади.

Адолатли давлат бошқаруви, унинг мукаммал назарий асосларини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутафаккири, давлат арбоби Низомулмулкнинг "Сиёсатнома" асари муҳим манба ҳисобланади. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш, адолат ва инсофни оёқ ости қиладиган кишиларни давлат ишларига аралаштирмасликни, давлатни бошқаришда кенгаш билан олиб бориш, фаолиятларни мунтазам назорат қилиш, итоат, ижро ва сифатлари тўғрисидаги қарашлари билан аҳамиятлидир. Айниқса, Низомулмулкнинг "Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак" [4]– деган фикрлари аждодларимизнинг давлат қурилишининг адолатли тартиботларига катта эътибор берганлигидан далолатдир.

Амир Темур XV асрда буюк темурийлар давлатига асос солди. У давлат бошқарувида ўзидан олдинги ўтган ҳукмдорлардан фарқ қилиб, давлат ва мамлакатни бошқариш хусусида "Темур тузуклари"ни яратди. Бу даврда миллий давлатчилик тўғрисидаги қарашларнинг ривожланишида Амир Темурнинг хизматлари катта бўлди. Унинг тузукларида давлат тизими, уни идора қилиш услублари ва воситалари, ундаги турли лавозим-вазифалар даражаси, табақаларнинг тоифаланиши, ҳарбий қўшинларнинг ташкил этилиши, жанг олиб бориш маҳоратлари, давлат хизматчилари рағбатини ташкил этиш омиллари, адолатли солиқ турларининг жорий этилиши, мамлакатни ободонлаштириш тадбирлари миллий давлатчиликнинг юксак маданий ва ҳуқуқий даражада шакллантиришга эришганлигидан далолат беради. Бундай сиёсатнинг асос-моҳияти адолатли давлат, инсонпарвар жамият негизларини қарор топтиришга қаратилади. Амир Темур давлат бошқарувининг демократик асосларини яратишда мамлакат ишларини доимо кенгаш, машварат, маслаҳат, ҳушёрлигу-мулоҳазакорлик, эҳтиёткорлик билан амалга оширишга қаратади. Салтанат ишларини кенгаш асосида олиб бориш – бу аслида аъёнларнинг розилиги ва ихтиёри демак. Бундай ёндашув бевосита давлат бошқаруви тақсимотининг илк кўринишлари тўғрисидаги қарашларнинг ривожланишига замин яратган. Давлат бошқарувини кенгаш, машварат ва маслаҳат асосида ташкил этиш кўпчилик фикрини эшитишга алоҳида урғу берилганлигини англатган. Ҳар қандай иқтисодий, ижтимоий, маданий ва ҳарбий масалалар шаҳзодалар, давлат аъёнлари, амирлар, тегишли соҳаларнинг етук мутахассислари иштирокидаги кенгашлар орқали ҳал этилган. Соҳибқирон ҳар бир ишда сиёсатни адолат билан амалга оширишга ва бунда турли воситалар асосида унинг изчиллигини таъминлашга эришади. Яъни адолатга қаратилган мақсадларни адолатли воситалар билан уйғунлаштириш асосида давлат бошқарувининг назарий таълимотларини амалий жиҳатдан бойитади-ки, салтанатда адолатни таъминловчи сиёсат мурватлари юзага келади. Масалан: у нафақат давлат хизматчиларининг қандай сифатга эга бўлишини, балки шундай сифатлиларни қандай қилиб давлат бошқарувига келишини таъминлашнинг йўналишларини ишлаб чиқади. Бу борада у: "Агар ҳар нарсани ва ҳар кимни ўз мартабасида сақлай олмасанг, салтанатингга бундан кўп ҳалал ва зиён етгай. Демак, ҳар кимнинг қадр-қимматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак" деб, у [5] давлат хизматида салоҳиятли шахсларнинг иштирокини амалий татбиғига айлантиради. Жумладан: "Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқлиғини билсам, уни тарбиятимга олиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим" дейди. XV аср бошларида Темур саройида бўлган Кастилия элчисининг гувоҳлик беришича, Темур Самарқандда турли дин вакилларини йиғади, уларга илтифот кўрсатади. Бошқа манбаларда келтири-

лишича, Темурнинг ўғилларидан бири христианларнинг эҳтиёжларини қондириш учун масъул қилиб тайинланиб, у барча христиан мамлакатлари билан мавжуд алоқалар учун ҳам жавобгар бўлган. Амир Темур ўз давридаги хизматларининг энг асосийси ва энг буюги – бу унинг давлат арбоби сифатида адолат ғояларига асосланган миллий давлатчилик таълимотларининг ҳуқуқий негизларини яратганлиги ҳамда уни татбиқ этиб берганлигидадир. Шу тариқа у ўз сиёсий фаолиятини шундай ифода этади: “Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим ҳамда ҳадларидан ошишларига йўл қўймадим. Улуғларини ва шараф-эътиборли кишиларни ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму-ситам йўлини тўсдим”. Шу даврнинг йирик классик намоёндаларидан бири Алишер Навоийдир. У назариётчи ва амалиётчи сифатида давлат сиёсатининг адолатли асослари ва унинг маънавий мезонларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Айниқса, адолатсизлик ва зулм давлатни таназзулга, жамиятни жаҳолатга олиб келиши тўғрисидаги қарашлари ўз ифодасини топади: “...давлат иши билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкини турли одамларнинг ҳужуми булғалади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арз-додини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим” [6] дейди. Навоий адолат тўғрисидаги қарашларида инсон руҳияти билан боғлиқ ижтимоий иллатларнинг моҳиятини излайди. Жамиятда ёвузликнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этади. Адолатли жамиятга эришишда нафақат подшоҳнинг одиллиги, балки фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг адолатли, маънан соғлом бўлиши лозимлигига эътиборни қаратади: “Оламда бўлмиш ҳар навъ одам билан кўришдим; катта-кичикнинг феълу атворини ўргандим; яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим; яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичиб, заҳрини тотиб кўрдим. Бахл ва пасткашларнинг захмини, саховатли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезадиган бўлиб қолди” дейди. Айни пайтда, у инсон руҳияти билан боғлиқ иллатлар моҳиятига шундай нисбат беради: “Яхшиликка мукофот – қўполлик; одоб билан қилинган хушмуомала эвазига кеккайиш, такаббурлиғдан ўзгача муносабат кўрмайсиз. Бировга бир хизмат қилсанг, ундан ўн зарб еийшга тайёр турмоқ керак; кимгаки бир тавозеъ кўрсатсанг, минг қўполлик ва дилсиёҳликка ҳозир бўлиб турмоғинг лозим”. Шу тариқа, у “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ҳар хил одамларнинг феъл-атвори ва аҳволи, яхши феъл хосияти ва ёмон хислат касофати ҳақидаги қарашлари асосида жамият ижтимоий муносабатларининг яхлит назарий тизими, фуқаро–жамият–давлат ўртасидаги ахлоқий мажбуриятларни умумлаштиришга эришади. Умуман, бундай адолатли жамиятни бошқариш ҳақидаги ғоялар Навоий таълимотида ҳам кенг учрайди.

Навоийнинг адолатли жамият тўғрисидаги қарашлари Форобий қарашларига анча яқиндир. Навоий ўз асарларида “юксак жамият” ташкил этишни орзу қилади; “одил шоҳ” ни улуғлайди, жамиятда юз бераётган ноҳақликлар, адолатсизликларни эса қаттиқ қоралайди. Ҳақиқий инсоний фазилатлар– адолат, меҳру мурувват, меҳнатсеварлик, тўғрисўзлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, инсонпарварлик, қаҳрамонлик каби фазилатларнинг ижобий жиҳатларини кенг ва чуқур очиб беради. Навоийнинг фикрича, адолатли жамиятни юксак фазилатли, маънавиятли инсонларгина барпо этишлари мумкин. Шунинг учун ҳам мутафаккир инсон маънавиятини юксалтириш асосида “юксак жамият” қуриш ғояларини илгари суради. У инсониятни иккига – “аҳли маъни” ва “аҳли сурват”га бўлиб, уларнинг ҳар бирини чуқур таърифлаб беради. Навоий марказлашган, адолатли монархия тизими, яъни “одил подшоҳ” тарафдори эди. Аммо бундай монархия мутлақ ҳуқуқларга эгабўлмаслиги, кенгаш билан давлатни бошқариши ва олимлар фикрига таяниши лозим. Навоий ўзининг “Маҳбуб-ул-қулуб” асарида: “Одил подшоҳ кўзгу ва бу (ёвуз шоҳ) анинг орқасидир. Ул ёруғ субҳ ва бу қоронғу кечадир” [6]– деб таърифлаган эди.

Ўтмишда мамлакатимиз ҳудудида яшаган олимларнинг асосий мақсади ижтимоий адолатни қарор топтиришга қаратилган фаолият бўлганлиги туфайли, умумлаштирган ҳолда уларни фуқаролик жамияти қуришга бўлган интилиш дея баҳолаш мумкин. Фақат мустақил тараққиёт босқичига келиб бу қарашлар ўз тасдиғини топмоқда.

**Адабиётлар**

1. Абдукамилов Р. Авестийский текст о государственности и праве: вопросы генезиса и эволюции структур. Ўзбекистон тарихи, 2000 йил, 3-сон
2. Беруний А. Р. Ҳиндистон // Асарлар. − Т.II. − Т.: Фан. 1965. Минералогия: собрание сведений для познания драгоценностей.− М., 1963.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т, 1993.
4. Низомулмулк. Сиёсатнома. Т.: Адолат,1997.
5. Амир Темур тузуклари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996.
6. А. Навоий. Маҳбубул-Қулуб.–Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.

## МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ





**Мухаммад ФАЙЗУЛЛАЕВ**
кандидат филологических наук, доцент кафедры начального образования

**Дилноза НОСИРОВА**
студентка факультета дошкольного и начального образования БухГУ

**Мадина ЖУМАЕВА**
студентка факультета дошкольного и начального образования БухГУ

# ТЕХНОЛОГИЯ ИНТЕРПРЕТАЦИИ БАСЕН ДЛЯ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

*Мазкур мақола масалларни мактабгача ёшдаги болалар учун интерпретация қилишга бағишланган бўлиб, унда масаллардан намуналар келтирилиб, фойдаланиш технологияси батафсил ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *масал, мактабгача таълим, тарбия, матн, ўқувчи.*

*Данная статья посвящена интерпретации басен для детей дошкольного возраста, где приведены образцы басен с методикой их использования.*

***Ключевые слова:*** *басня, дошкольное образование, воспитание, текст, ученик.*

*This article is focused on the interpretation of fables for children of preschool age, where the specimens of fables coupled with methodology of their application are translated.*

***Key words:*** *fable, preschool education, education, text, student.*

Всем известно и неоспоримо то, что дошкольное образование – это начало формирования личности, где главное место занимает духовно-нравственное воспитание. Об этом В.А.Сухомлинский писал: «Если добрые чувства не воспитаны в детстве, их никогда не воспитаешь. В детстве человек должен пройти эмоциональную школу – школу добрых чувств». В дидактике существует много средств формирования духовно-нравственных качеств личности, в том числе и воспитание на основе духовных и культурных традиций народа, начало которых заложены в произведениях устного народного творчества. Одним из бессмертных творений народа – басня.

Басня – это один из видов лиро-эпического жанра, представляющий собой краткий аллегорический рассказ в стихах или прозе с вытекающей из него моралью. Она имеет и ряд других достоинств [1, с.55].

а) каждая басня – яркая сценка из реальной жизни, на примере которой автор учит мудрости народной, рассказывая о людских пороках, в лаконично-краткой форме;

б) лаконизм, картинность и выразительность описаний, меткость и народность языка дают «пищу» для размышлений, а это уже начало творческой деятельности детей дошкольного возраста. Несмотря на то, что текст басни относительно невелик, но детям дошкольного возраста они в полном объеме создают определенные сложности в восприятии и изучении. Поэтому в последнее время ученые методисты, переводчики, литераторы делают попытки создать крохотные тексты, путем интерпретации басен на нескольких языках. Если учесть поговорку: «Слов из басни не выбросишь» ( хотя слов из песни не выбросишь). Здесь уместно вспомнить поговорку мудрого узбекского народа «Қаловини топсанг, қор хам ёнади», т.е. если подойти взглядом детей дошкольного возраста, то все разрешимо. Кроме того, как говорил А.П.Чехов: «Краткость-сестра таланта». Мы постараемся интерпретировать басни, ненанося урон их мыслям, особенно, воспитательным задачам. Мы далеки от мысли создать какую-то басню взамен существующим. Также дети быстро понимают суть басни, если они отражены в фото-рисунках. Невольно возникает вопрос как интерпретировать или создать краткий по объему вариант басни?

Размер текста басни обычно не превышает 20-30 строк. С первого взгляда это небольшой объем, но для большинства детей (за исключением одаренных) дошкольного возраст они являются недоступными.

В первую очередь, объем новых слов, обороты речи, разного рода форм прилагательные и т.п. например, в баснях И.А.Крылова «Мартышка и очки», «Зеркало и обезьяна» , «Ворона и лисица» , которые вошли в учебник по литературному чтению (3 класс), содержатся следующие незнакомые слова для детей: «невежда», «ужимки», «сатира», «на руку не чист», «лесть», «льстец», «гнусный».

Если учесть, что дошкольный период–подготовительный этап образования, то текст используемых басен нуждается в интерпретации. Также надо учесть и степень сложности словарной работы в дошкольный период обучения [2,с 75]. Следовательно, одна и та же басня изучается с определенной целью. В начальных классах для развития навыков чтения, обогащения словарного запаса и анализа произведений, а в дошкольном образовании главное – развитие речи и мышления. В обоих случаях воспитательная цель одна – формирование духовно-нравственных качеств на основе поучительных историй [3].

С учетом вышесказанного, постараемся создать новый, доступный текст басни И.А.Крылова «Ворона и лисица». Текст данной басни состоит из 28 строк, и содержит следующие трудно произносимые (незнакомые) единицы речи: лесть гнусна, не впрок, льстец, взгромоздясь, было совсем уж собралась, сыр пленил , плутовка , право , сказки!, вещуньина, в зобу , дыханье сперло, с ним была плутовка такова. Естественно, все это понижает интерес детей к басням. Самое главное, дети дошкольного возраста запомнят только то, что ворона каркнула, и сыр упал, так лисица обманула ее. Текст этой басни всем знаком и давайте сравним его с интерпретированной одноименной басней.

**Ворона и лисица**

*Ворона где-то нашла кусочек сыру,*
*И устроившись на дереве съесть собралась,*
*Тут же появилась хитрая лисица и*
*Говорит : «Как ты хорошо поешь,*
*Спой пожалуйста для меня разок.»*
*Ворона держа сыр в когтях*
*Говорит: «Не слышала ли ты о вредности*
*Хвалы, о чем твердил дедушка Крылов?»*



Сопоставляя интерпретированный вариант с оригиналом, замечаем немало упущенных слов и выражений, но мораль сохранена. Несмотря на это, все упущенное восстановится работой над устными заданиям , предназначенными для развития творческой устной речи. Вопросы для анализа: Чем отличается басня И.А.Крылова «Ворона и лисица» от этого варианта это же басни? Как и почему ворона лишилась сыра? Почему в нашем тексте басни лисица не смогла забрать сыр у вороны? Что такое хвала? Любите ли вы хвалу? что общего между хвалой и обманом? Почему лисице не помогла ложная хвала? Вообще может ли ворона петь? Певчая ли она птица? Встречаются ли люди, любящие хвалу? Хорошая ли это привычка?

Нет сомнения в том, что ответы на поставленные вопросы пополняют упущенное, а также учат детей анализировать, сравнивать предложенные два варианта басни, минуя трудные выражения. Плюс к этому показывается несколько рисунков, изображающие разные эпизоды действий героев басни, включая ситуации выпадения сыра и лисицы, бежавшей с добычей во рту (или без нее).

Как говорил Антон Павлович Чехов: «Если в начале пьесы на стене висит ружье, то (к концу пьесы) оно должно выстрелить» [4]. Точно также иллюстрации, подобранные к басням, бесспорно помогут запомнить их надолго, кроме того образы героев на картинках, как сигнальные карточки, всегда будут возникать, появляться перед глазами детей, как нечто любимое или наоборот.

Далее можно показать мультфильм, созданный по сюжету басни. Все эти виды работ послужат для восполнения недостающих элементов басни. Методика работы над басней остается открытой, т.е. можно их круг расширить, например, работой над словами «голубушка», «носок», «голосок», «глазки», «милый», «красавица», которые выражают (в данном контексте) чрезмерную лесть, неискренность желаний и особый иронический оттенок. Можно дать другой вариант басни для сопоставления.

**Ворона и лисица**

*Ворона нашла пол ломтика сыра*
*И принялась за обед.*
*Тут появилась плутовка Лисица,*
*И, как начнет: «Мой свет,*
*Как ты красива и носик, и перья,*
*А голос наверно прекрасный»*

*Она и запела, проявляя доверие.*
*Сыр у плутовки – ей верить опасно!*

Рассмотрим другую не менее знакомую басню И.А.Крылова, переведенную на многие языки мира «Волк и ягненок». Анализируемая басня объемистая, состоит из 36 строк, и в отличие от басни «Ворона и лисица» содержит мало сложных и непонятных слов для детей (от роду, кум иль сват, разведаюсь, слыхана, рыло, рыскал ,тьму примеров). Это одна из редких басен, начинающихся с морали, чем Крылов сразу настраивает читателя на то, о чем пойдет речь. Мораль в начале басни направляет нас на то, что у «сильного всегда бессильный виноват». В данной ситуации и на самом деле, что может доказать беззащитный Ягненок голодному Волку? Правильно ли поступил волк? Волку надо бы представить другую ситуацию: Волк против Льва, царя зверей, что заставило бы задуматься о своем поступке [5].

Психологические и педагогические исследования свидетельствуют о том, что детям дошкольного возраста сложно понять аллегорический смысл басен, поэтому с помощью учителя-педагога дети должны понять и подтекст басни, т.е. внутреннее содержание произведения, которое кроется за событиями и поступками героев. Ниже приведем другую басню-кроху, составленную для детей дошкольного возраста.



**Волк и Ягненок**

*Ягненок пришел за водицей к ручью*
*И вредного волка встретил:*
*-Здесь место мое, здесь я только пью,*
*Скажи мне не знал, не заметил?*
*Ягненок малыш за недавностью лет*
*Не знал про такие управы.*
*И съел его волк, потому что обед.*
*Скажите , Ребята, кто правый?*

Ценность интерпретированного текста заключается в том, что он соответственно мышлению детей простой и доступный. В подтверждение сказанного берем интерпретированный вариант одноименной узбекской басни «Bo‘ri va Qo‘zichoq».

***Bo‘ri va Qo‘zichoq***

*Bir kuni qo‘zichoq ariqqa suv ichgani boribdi,*
*Shu choq ro‘paradan bo‘ri chiqib qolibdi.*
*Ikki ko‘zi qonga to‘lib, qichqiradi qo‘zichoqqa:*
*«Qanday hadding sig‘di toza suvni bulg‘atishga,*
*Tutib olib bir yamlayman, bu ishingga chidolmayman»*
*«Taqsir, mening aybim nima?»*
*«Aybing shuki, uchrab qolding qornim ochganda»*
*Shunday qilib, qo‘zichoqni bo‘ri yedi o‘rmonda.*

Данная басня широко распространена среди детей дошкольного возраста. Эта объясняется тем, что волк любимый герой детей любого возраста. Они прекрасно знают сюжет мультипликационного фильма: «Ну, погоди!», «Волк и семеро козлят», «Иван Царевич и серый волк» и «Жил-был пес», в которых Волк в ином, противоположном облике [7]. Если перефразировать, в этих мультфильмах волк всегда страдает, с виду он злой, но поступки смешные, комические; а в баснях образ Волка – образ хищника , о чем свидетельствует обращение Ягненка к Волку: «Ваше превосходительство», «Janobi oliylari», то есть Волк выступает как хозяин, которому все дозволено, может наказать любого, виноват он или прав.

При изучении этих басен главное не само чтение, а обсуждение прочитанного, где дети учатся выражать свои мысли и точку зрения. А это уже творческая деятельность детей дошкольного возраста.

При интерпретации басни «Волк и ягненок» мы учли важность идеи - защита слабых, что достигается поступками угнетателей, при том высмеивающей их нелепые оправдания, доступной пониманию детей. Мы знаем, что в баснях мораль занимает центральное место, в нем заложена идея басни, если сравнить тексты двух одноименных басен ( «Волк и ягненок» и « Бўри билан қўзичок»), то видно, что мораль басен по содержанию сохранена, но способ передачи соответствует традициям национального языка, сравните «у сильного всегда бессильный виноват», «йоғочнинг бўшини қурт ейди доим». В баснях заключительная часть содержит вывод в виде судебного приговора.

С точки зрения методики изучения произведений, в том числе и басен, что является первым этапом продолжением которого выступают начальные классы школ (многие басни вошли в учебный план по классному и внеклассному чтению). В начальных классах они знакомятся уже с оригинальным текстом этих басен, изучение которого не представляет им труда, так как основной сюжет им знаком. Они знакомы с образами, могут дать им неплохую характеристику, поэтому им сравнительно легко расширить свои знания по басне дополнительными элементами: описанием местности, лексики общения героев и различного рода эпизодов.

***Литературы***

1. Воюшина М.П. Изучение литературы в первом классе.-С-Пб., 1997.
2. Горбушина Л.А. Обучение выразительному чтению младших школьников.-М.,1981.
3. Дановский А.В. Создатель русской реалистической басни. Начальная школа.-2004.-№6.-с.119-122.
4. Каирова И.А. Нравственное развитие младших школьников в процессе воспитания. – М.:Просвещение , 1999г.
5. Коровина В.Я.Литература. 5 класс.Учеб.для общелбразоват.учреждений с прил.на электрон.носител. В 2 ч. Ч.1 / В.Я.Коровина, В.П.Журавлев, В.И.Коровин.-13-е изд.,-М.: Просвещение, 2011.-319с.
6. Микова С.С.Языковые средства передачи культурной информации в тексте русской басни. Москва.2011 год.
7. Чехов А.П. «Из письма литератору А.Лазареву-грузинскому». 1889 год.



**Нигора АДИЗОВА**
Бухоро давлат университети бошланғич
таълим услубиёти кафедраси ўқитувчиси

# БОЛАЛАРНИ ТЕВАРАК-АТРОФ БИЛАН ТАНИШТИРУВЧИ ҚИЗИҚМАЧОҚЛАР

*Мақолада қизиқмачоқларнинг ўрганилиш даражаси, ўтказиш ўрни, жанри, мавзуси ва шакллари ҳақида фикр юритилган.*

*Калит сўзлар: қизиқмачоқ, ўйин, образ, бола, эркалама, тазод, ўхшатиш, овутмачоқ.*

*В данной статье рассматриваются проблемы места, степень изученности, жанровое своеобразие, тематические и формальные типы кизикмачоков (прибауток).*

*Ключевые слова: любопытство, игра, образ, ребенок, мужественность, сдержанность, подражание, прибауток.*

*The article deals with place of qiziqmachoqs(poetic folklor) in the system of Uzbek children‘s folklore genres, the degree of their studiedness, peculiaritiers, thematic and structural types.*

*Key words: curiosity, play, way, child, courage, humility, imitation, o ovutmachoq (poetic lora).*

Қизиқмачоқлар ўзбек болалар фольклорининг алоҳида, мустақил жанри сифатида ғоят кенг тарқалган ва қадимийдир. Бу жанрдаги асарлар катталар томонидан болаларга бағишлаб яратилган. Шунга қарамай, қизиқмачоқлар ўзбек фольклоршунослигида болалар қўшиқчилигининг намунаси сифатида эътироф этилади.

Қизиқмачоқларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, уларда албатта бола образи иштирок этади. Чунки қизиқмачоқларнинг асосий мазмуни бола ва уни ўраб турган теварак-атроф билан боғлиқ бўлади. Шуни инобатга олиб, А. П. Бабушкина у ҳақда: “Бу халқ поэзиясининг образлари ҳамма вақт ҳаёт билан, бола ҳис-кечинмалари билан боғлиқдир”, - дейди.

Дунё (олам)нинг ҳар бир ҳодисасини англашдан олдин болалар уларнинг ўзига боғлиқ томонлари ҳақида фикр юритади. Шунинг учун болалар қизиқмачоқларидаги ҳар бир ҳаракатланувчи образ, аввало, бола билан боғлиқ бўлади. Қизиқмачоқларда бу жиҳатдан, болаларга яқиндан таниш бўлган ҳайвонлар, ўйинчоқлар, инсонлар образи гавдалантирилади. Шулардан кўриниб турибдики, қизиқмачоқлар болалар тарбиясида катта роль ўйнайди. Уларнинг кўмагида болаларнинг ҳаётсеварлиги кучайтирилган. Болаларда юмор туйғуси ҳосил қилинган. Ҳаёт воқеалари ҳақида фикрлаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ўргатилган. Аммо бу билан қизиқмачоқларнинг роли чегараланмайди. Қизиқмачоқларнинг овутмачоқ ва эркаламалардан асосий фарқи шундаки, улар болаларни ҳаёт билан таништиради, уларга ахлоқий ўгит бериш вазифасини бажаради.

Қизиқмачоқларнинг бадиияти бошқа бешик қўшиқлари бадииятидан бир мунча мукаммаллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун у болаларни эстетик тарбиялашда ҳам муҳим рол ўйнайди.

Қизиқмачоқлар мазмунига кўра бошқа бешик қўшиқлари жанрларидан бойдир. Уларда ҳаёт ходисалари кўп образлиликда ўз ифодасини топган. Яъни камбағал деҳқонларнинг турмуш шароитидан тортиб то синфий ва халқаро муносабатларгача.

Боланинг бешик даври тугагач, унинг ўйинқароқлиги ортади. Айниқса, бола онгида ўзи кўрган ва эшитганларини тизимлаштириш, тартибга солиб таҳлил қилиш жараёни бошланади. Шундан унинг ташқи муҳитга қизиқиши кучаяди. Атрофдагилар билан муомала қилишга қизиқиши ортади. Энди бу пайтда болани жимликка ундовчи овутмачоқларнинг аҳамияти ўз-ўзидан сусая боради. Шу тариқа болаларга куйланиб келган овутмачоқ ва эркаламалар аста-секин ўз ўрнини қизиқмачоқларга бўшатиб беради. Ана шу кезда болани теварак-атроф билан таништиришга қаратилган қизиқмачоқларнинг аҳамияти катта бўлади. Хусусан, фантастик мотивлар билан йўғрилган қизиқмачоқлар боланинг ақлий қобилиятини ривожлантиришга, орзу-истакларини, интилишларини кучайтиришга катта ёрдам беради. Шунинг учун қизиқмачоқлар узоқ асрлар давомида халқ педагогикасининг бетакрор воситаларидан бири сифатида шаклланиб, тараққий топиб келган.

Қизиқмачоқлар болаларнинг маънавий камолотида муҳим ўрин тутади. Улар болани ташқи олам билан муносабатга киришишга таёрлайди. Теварак-атроф билан таништиради. Бола фантазиясини ривожлантиришга хизмат қилади.

Қизиқмачоқларнинг энг муҳим вазифаларидан бири шуки, у болаларни ижтимоий муаммолар, синфий муносабатлар, баъзи фалсафий категориялар моҳиятини тушунишга етаклайди. Чунки булар муҳим ҳаётий масалалардир. Бу билан улар болаларга зерикарли туюлмайди. Уларни чўчитиб қўймайди.

Қизиқмачоқларда кўпинча тасодифий кулгили воқеалар, кулгили вазиятлар баён этилади. Шунинг учун уларда ҳазил-мутойиба, юмор муҳим ўрин тутади. Қизиқмачоқлар катталарнинг болалар билан сўз ўйини қилишига ўхшаб кетади. Шундай бўлса-да, барибир қизиқмачоқлар болалар халқ шеъриятининг намунаси ҳисобланади.

Қизиқмачоқлар эркаламалар каби сўз ўйинидир. Чунки улар фақат сўзга асосланган бўлади. Бироқ улар ижросида айтувчининг турли хил хатти-ҳаракатлари, мимикалари, овоз оҳанглари муҳим аҳамият касб этади. Улар айтилади, куйланмайди.

Қизиқмачоқлар болаларни қизиқтириш, дунёқарашини кенгайтириш учун ижро қилинади. Қизиқмачоқлар ўйин фольклорига кирмайди. Чунки уларнинг ижроси ўйинга хос ҳаракатлар билан бошқарилмайди.

Болаларни теварак-атроф ва маиший турмуш билан таништирувчи қизиқмачоқларда ҳаёт ҳодисалари кўп образлиликда ўз ифодасини топганлиги эътиборни тортади. Бинобарин, уларда камбағал деҳқоннинг турмуш шароитидан тортиб то синфий ва халқаро муносабатларигача талқин қилинганлиги кузатилади. Бундай қизиқмачоқларда ҳукмрон синф вакиллари ҳамма вақт сатирик тарзда тасвирланади. Меҳнаткаш халқнинг ночорлиги ҳақида сўз борганда, қизиқмачоқларда аччиқ киноя янграйди. Лекин бу мотивларнинг барчаси ҳаёт ҳақида янги маълумотларни беради.

Қизиқмачоқлар орқали, одатда, болаларга ҳаётий ҳодисаларнинг моҳияти, инсоний муомала-муносабатлар, ахлоқ-одоб қоидалари ўргатилган:

Уятли –тўғри,
Уятсиз – ўғри,
Сахий – ғор,
Бахил – тор,
Фаҳмсиз – эшак,
Дардсиз – кесак,
Йўлчи – йўнғиз,
Динсиз – тўнғиз,
Имонсизга ишонмо,
Кофирга таянма,
Сувга суянма!

Тазод ва ўхшатиш асосига қурилган ушбу мисралар орқали ёшларга ҳамиша тўғри, сахий, ақл-идрокли, элу юрт ғамини ейдиган, имон-эътиқодли бўлиш зарурлиги уқтирилмоқда. Чунки инсон ўзига қанча умр берилганлигини билмайди. Шунинг учун у ўзига берилган умрдан мазмунли ва самарали фойдалана олмоғи лозим.

Қирқ – одам ёши,
Олтмиш – эшак ёши,
Саксан – сак ёши,
Орёни – Худо қарғиши!

Бу қизиқмачоқда инсоннинг ёши улғайган сайин, кундан-кунга унинг куч-кувватдан қолиб бориши, мадори қуриши билдирилмоқда.

Қуйидаги каби қизиқмачоқлар воситасида, одатда, болаларга саломлашиш ва сўрашиш одобини сингдириш назарда тутилган:

Ёхшимисиз –
Бохшимисиз?
Пишика моё,
Ита соё вармин,
Чўпни йўндирмин,
Қўшни қўндирмин,
Ўтганни уркизиб,
Қуррқни кўрқизиб,
Чивин тутиб,
Пешша ютиб юрибмисиз?
-Эй баломат!
Убо жамаат,
Бор валомат.
Боло-чоғо,
Ука – оғо.
Улли-киччи,
Така, геччи.
Туя дароз,
Дикки хўроз,
Той-тўйлоқ,
Дамир тўйноқ,
Эшак-ишвой,
Сичон-дўшвой,
Ҳўп-хўп енгга,
Мир-мир бика,
Бори-бури,
Чўпи-чори...
Соғу саломатми?

Болаларга овқатланиш одоби ҳақида ўгит берувчи қизиқмачоқлар ҳам бор. Уларда очкўзлик қораланади. Овқатни шошмасдан, секин-секин чайнаб ейиш лозимлиги уқтирилади. Чунки аксарият ёш болалар овқатни тўкиб-сочиб, чайнамасдан, шошиб-пишиб емоқчи бўлишади. Қуйидаги каби қизиқмачоқлар ана шундай болаларга руҳан таъсир кўрсатиш мақсадида айтилган:

Тутиб келдим,
Овлоқ ердан.
Ўтиб келдим,
Қоплон қирдан.
Очкўз бўлма, секин егин,
Чайнаб ютгин бирдан-бирдан.

Айрим қизиқмачоқларда болалар характерида учраб турадиган камчиликлар хусусида сўз боради:

Борма шунинг қошига,
Қизғанади ошини.
Қўшиб ичар ошига,
Кўздан оққан ёшини.
Юз-қўлини ювмайди,
Чивин йиғар тошига.
Бир чивинни қувмайди,
Қўшиб ичар ошига!

Бу қизиқмачоқда қизғанчиқлик одати кескин танқид қилинаётир. Шундай қизиқмачоқлар ҳам борки, улар нафақат боланинг хулқ-атворига таъсир кўрсатиб, дунёқарашини кенгайтиради, балки унинг бадиий ижодга хос турғун рамзларни билиб олишига мустаҳкам замин яратади.

Ўғил – той,
Қиз – ой.
Телпак – қўй,
Рўмол – уй.
Қамиш – най,
Сигир – мой,
Уруш – ёй.

Маълумки, халқимиз урф-одатига биноан, ҳозиргача мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида ўғил боланинг суннат тўйида унинг номига той бериш анъаси мавжуд. Шунинг учун қизиқмачоқда ўғил образининг параллели сифатида той образи келтирилмоқда. Бунга сабаб шуки, қадимги аждодларимиз отни ўзларига илоҳий ҳомий санашган ва уни муқаддаслаштириб, тотем даражасида ардоқлашган. Натижада от билан боғлиқ эътиқодий қарашлар силсиласи вужудга келган. Шундай эътиқодий қарашлар таъсирида халқимиз орасида оилада ўғил фарзанд туғилса, албатта, унга атаб от туҳфа қилиш одати амал қилган.

Хуллас, қизиқмачоқларнинг ижроси ана шундай қатор хусусиятларга эга. Шуниси билан улар болаларнинг эътиборини тортади ва уларга олам-олам завқ бағишлайди. Энг муҳими, қизиқмачоқлар ижроси орқали болага бадиий сўзнинг куч-қудрати англатила боради.

**Адабиётлар**


1. Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. –Т.:Ўкитувчи, 1985. – 250 б.
2. Капица О.И. Детский фольклор: песни, потешки, дразнилки, сказки, игры. –Л., 1928. – 222 с.
3. Мельников М.Н. Русский детский фольклор Сибири. Новосибирск, 1970. – 217 с.
4. Авдеева Е.А. Из воспоминаний. Отечественные записки. –Т.63. -1849. -№3. – с. 240-246.



**Нозима АСЛАНОВА**
Бухоро давлат университети
таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(бошланғич таълим) йўналиши
2-босқич магистранти

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАР-НИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

*Мақола мактабгача таълим муассасаларида таълим ва тарбия тизимини бойитиш ва унинг сифатини яхшилаш масалаларига бағишланган. Мактабгача таълим муассасаларида математик тасаввурларни ривожлантиришнинг самарали инновацион усуллари таклиф этилган.*

***Калит сўзлар:*** *мактабгача таълим, тарбия, кўникма, малака, болаларни мактабга тайёрлаш, нутқ, савод, билиш жараёни.*

*Статья посвящается вопросам улучшения качества учебно-воспитательной работы в учреждениях дошкольного образования. Автор предлагает эффективные методы развития математических способностей путём организации инновационных занятий.*

***Ключевые слова:*** *дошкольное образование, воспитание, навыки, подготовка детей к школе, речь, грамотность, процесс познания.*

*This article discusses the issues of improving the quality of educational and extracurricular activities in pre-school institutions. The author proposes a method of development mathematic abilities of children by organizing innovation trainings.*

***Key words:*** *preschool education, education, skills, preparation of children for school, speech, literacy, learning process.*

Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Бироқ ўтказилган таҳлиллар мактабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ва натижаси етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Статистик маълумотларга кўра бугунги кунда юртимиздаги 6 минг 600 дан зиёд мактабгача таълим даргоҳига 890 мингдан ортиқ бола қатнаяпти. Бироқ бу кўрсаткич тараққий этган мамлакатлардан сезиларли даражада паст бўлиб, мактабгача ёшдаги болаларнинг атиги 35,4 фоизини ташкил этмоқда. Шу сабабли республикамизда ушбу тизимга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” деган сўзлари педагоглар олдидаги масъулиятни янада оширди .

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 372-сон "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан болаларни мактабгача таълим муассасаларида ҳар томонлама ривожлантириш, уларга таълим-тарбия бериш, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда мактаб таълимига тайёрлаш бўйича давлат талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 4 июлдаги Ҳайъат йиғилиши қарори билан тасдиқланан “Илк қадам” Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури белгиланди. Мазкур Давлат талаблари асосида болаларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши ҳамда мактаб таълимига тайёргарлик даражаларининг аниқланиши, уларни оила ва мактабгача таълим муассасаларида тарбиялаш учун ташкилий, педагогик, психологик ва услубий манбалар яратилиши зарурлиги қайд этилди. Шу асосда қуйидаги Давлат талабларининг вазифалари этиб белгиланди:

-болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш;

-болаларнинг соғлом ва ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлаш ҳамда унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотиш;

-болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун интеграл таълимни ташкил этиш;

-шахсга йўналтирилган таълим-тарбияни амалга ошириш;

-болаларни халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;

-болаларни мактабда ўқишга тайёрлашда уларнинг ота-оналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда ота-оналарга амалий жиҳатдан кўмаклашиш;

-болаларда ижтимоий-коммуникатив, ахлоқий, эстетик, интеллектуал, жисмоний сифат ва салоҳиятларни уйғотиш ҳамда ривожлантириш;

-болаларни соғлом турмуш тарзи билан таништириш;

-болаларда мустақиллик, масъулиятлилик, ташаббускорлик хислатларини шакллантириш;

-болаларга дунё ҳақида тушунчалар бериш ва тасаввурларини кенгайтириш;

-болаларнинг ёши, индивидуал, психологик ва жисмоний хусусиятлари ҳамда қобилиятини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш.

Давлат талаблари қуйидаги соҳалар бўйича белгиланади:

-жисмоний ривожлантириш ва маданий-гигиеник кўникмаларни шакллантириш;

-ижтимоий-коммуникатив ривожлантириш;

-нутқ, савод, ўқиш ва чет тилларининг ўргатилишига тайёрлаш;

-билиш жараёнини ривожлантириш;

-бадиий адабиётлар билан таништириш ва бадиий эстетик ривожлантириш.

Билиш жараёнини ривожлантириш соҳаси қуйидаги йўналишларга бўлинади:

-дунё ҳақида билим ва тушунча бериш;

-элементар математик тасаввурларини шакллантириш.

Ёш хусусиятлари бўйича эгалланиши керак бўлган минимал талаблар қуйида ўз аксини топган. 2 ёшгача бўлган болалар учун математик тасаввурларни ривожлантириш Давлат талаблари соҳаларининг йўналишлари бўйича бажарилиш индикаторларига биноан бола катталар кўрсатмаси билан икки ва уч қисмдан иборат ривожлантирувчи дидактик ўйинчоқларни ва предметларни йиғиши ва уларни олиб келиши, ўйинчоқларни ёйиб ташлаб, улар билан ҳаракат қилиши, буюмларни катта ва кичикка ажратиб, "кўп" ва "кам" деган сўзларни фарқлаши, қутиларга мос қопқоқларни танлаб олиб, ўйинчоқлар турадиган жойни топиши каби ҳаракатларни бажара олишини кўзда тутади. Уларга “Менга битта конфет бер”, “Ўйинчоқларни саватга сол”, “Коптокни ол” кўрсатмаларини бериш орқали математик тушунчалар ривожлантирилади.

3 ёшгача бўлган болалар эса "кўп" ва "битта" деган сўзларни фарқлаши, 2 та олма сўраб, бирини ўзига олиши ва иккинчисини ўртоғига бериши, 2-3 қисмдан иборат кесилган расмни йиғиб, ўлчамлари ҳар хил бўлган 2 та бир хил предметни ажратиши, турли шаклдаги буюмларни намунага қараб топиб бериши, айрим предметлар (куб ва шар)нинг шаклини фарқлай олиши, геометрик шаклларни ўзига мос катакларига қўйиши, предметларнинг ранги (қизил, яшил, кўк, сариқ), шакли ва ўлчамлари бўйича ажрата олишини кўзда тутади. Бу кўникмаларни ривожлантириш учун болаларга катталар томонидан турли саволлар билан мурожаат қилиш ва кўрсатмалар бериш асосида математик тасаввурлар ривожлантирилади. Масалан**:** “Кўпми ёки кам?”, “Биттаси менга, биттаси сенга”, “Ғаройиб халтача” ўйини, “Учбурчаклардан арча яса”, “Иккита кубикни бер”,“Сариқ коптокни олиб кел”, “Нечта учбурчак, нечта тўртбурчак, нечта доирача бор?”, “Қизил доирача нечта?”...

Мактабгача таълим муассасаларининг қисқа муддатли гуруҳларида ўтказиладиган машғулотлар даврийлигига эътибор қаратадиган бўлсак, илк математик тасаввурлар дастлаб 3 ёшдан 4 ёшгача бўлган гуруҳларда шакллантирила бошланади. Бу машғулотлар ўқув йили давомида 18 соатни, ой давомида эса, 2 соатни ташкил этади. Болаларни ақлий жиҳатдан зўриқтирмаслик мақсадида 3 ёшдан 4 ёшгача бўлган гуруҳларда сенсор тарбия ва илк математик тасаввурларни шакллантириш машғулотлари навбат билан ўтказилади. Давлат талабларига асосан 3-4 ёшли болалар асосий сенсор тушунчалар (ранг, шакл, ўлчам)ни билиши керак. Жумладан, предметларни сенсор сифатларига қараб гуруҳлар (ўлчами, ранги, шакли)га ажратиши, икки турдаги буюмларнинг сонини таққослаб, "кўпроқ", "камроқ", "бир хил" деган сўзларнинг маъносини билиши, предметларни узунлик, кенглик ва баландлик ўлчамлари бўйича таққослай олиши, фазода мўлжал олишнинг дастлабки элементар малакаларини эгаллаши (тепада, пастда, ўнг томонда, чап томонда), айрим геометрик шакллар (доира, учбурчак, тўртбурчак)ни билиши, баъзи геометрик шакллар(доира, тўртбурчак, учбурчак, бурчаклар бўлган ва мураккаб шаклли)ни фарқлай

олиши, тепада, пастда, олдида, орқада, чапда, ўнгда, устида, тагида, ичида тушунчаларининг, кун, тун, эрталаб, кечқурун сўзларининг маъносини тушуниши, катта, ўрта ва кичик каби ўлчамларни тушуниши, предметларни катта ёки кичиклигига қараб ажрата олиши, уларни сатҳда тўғри жойлаштира олиши керак.Бу ёшдаги болаларда математик тушунчаларни мустаҳкамлаш учун “Турли ўлчамдаги доирачалардан Қорбобо яса”, “Кимда саноқ чўплар кўпроқ?”, “Тўртбурчаклардан машина яса”, “Шаклли колейдоскоп” ўйини, “Ҳаммага иккитадан қалам бериб чиқ”, “Кеча ҳаво қандай эди, бугун-чи?”, “Битта ликопчага тўртта олмани сол”, “Чўплар ёрдамида учбурчак, тўртбурчаклар яса”... каби саволлар ва кўрсатмалар орқали мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

4 ёшдан 5 ёшгача ҳамда 5 ёшдан 6 ёшгача бўлган гуруҳларда ўтказиладиган илк математик тасаввурларни шакллантириш машғулотлари ўқув йили давомида 36 соатни, ҳафта давомида 1 соатни, ой давомда эса 4 соатни ташкил этади. 4-5ёшли болаларда малакалар мазмунан мураккаблашиб боради. Улар предметларнинг сенсор (кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш, қўл билан ушлаб кўриш) сифатларини сезги органлари орқали топа олиши, айрим геометрик шаклларнинг номлари (доира, учбурчак, тўртбурчак, тўғритўртбурчак, овал, куб, шар)ни билиши, ранглар (қизил, кўк, яшил, сариқ, тўқ сариқ, сиёҳранг, оқ, кулранг)ни фарқлаши, предметлар ва геометрик шаклларни гуруҳларга ранги, шакли, ўлчами бўйича ажратиши, атрофдаги предметлар шаклини геометрик шакллар билан қиёслай олиши (тарелка доира шаклида, рўмол тўртбурчак шаклда), бурчакли ва бурчаксиз геометрик шаклларни ўзаро таққослай олиши, математик тушунчалар (бу ерда кўп, бу ерда кам, жами 3та, улардан биттаси қизил қолгани яшил)дан фойдаланиши, кўргазмали жиҳозлардан фойдаланган ҳолда 5 гача санай олиши, санашнинг айрим усуллари (тўғри санаш, ҳар бир саналаётган предметни кўрсатиб санаш, чапдан ўнг томонга қараб санаш)ни билиши, 1 дан 5 гача миқдордаги предметлар гуруҳлари (бир, икки, уч - ҳаммаси бўлиб учта олма)ни таққослай олиши, тартиб билан санаши, гуруҳларни таққослашда "битта олиб ташлаш" ёки "битта қўшиш" усулидан фойдаланиб уларни тенглаштириши, кўп миқдордаги предметлар гуруҳидан белгиланган миқдор (8 та предметлар гуруҳидан намунага қараб 3та санаб олиш) машқларини бажара олиши, фазода мўлжал олишнинг дастлабки элементар малакалари (олдинда, орқада, ўнгда, чапда, тепада, пастда, яқинда, узоқда)га эга, кеча, бугун, эртага сўзларининг маъносини билиши, гуруҳлардаги сонларни таққослаши, айрим геометрик жисмлар (куб, шар)ни билиши лозим.Бу ёшдаги болаларда математик билимлар нафақат элементар математик тасаввурларни шакллантириш машғулотларида, балки бошқа фаолиятлар: нутқ ўстириш, расм чизиш,турли дидактик ўйинлар, очиқ ҳавода сайр, жисмоний машқлар давомида ҳам бериб борилади. Шу билан бирга уларга рақамлар ва уларнинг қўшнилари, уларнинг ҳосил бўлишига доир машқлар, миқдорий тушунчалар, фазо ва вақт тушунчалари: “Бирнинг қўшнисини топ”, “Икки каттами ёки тўрт?”, “Ўйинчоқлар қаторидан биринчи, учинчи, бешинчи ўйинчоқларни олиб кел”, “Олтита қаламдан иккитасини ол”, “Ўйинчоқларнинг каттасини жавон устига, кичкиналарини жавоннинг пастки қисмига жойлаштир”, “Кеча ким навбатчи эди?”, “Бугун қандай кун?”, “Ҳафтада неча кун бор?”, “Боғчамиз уйдан узоқми ёки яқинми?” , “Сафда сендан олдин ким турибди, сендан кейин-чи?” машқлари орқали мустаҳкамланади.

5-6 ёшли болаларда математик кўникма ва малакалар билан бирга математик нутқ ҳам ривожланиши керак. Улар айрим геометрик шакллар (учбурчак, тўртбурчак, тўғри тўртбурчак, овал, трапеция)нинг номларини билиши ва уларни расмлар орқали ажратиши, предметлар ва геометрик шаклларнинг ранги, шакли ва ўлчами ҳақидаги билимларни ривожлантириш учун мўлжалланган мантиқий дидактик ўйинларни катталар ёрдамида ва индивидуал тарзда ўйнай олиши, предметлар (узунлиги, эни, бўйи, қалинлиги, баландлиги)ни кўз билан чамалаб таққослаши, 5-7 та бўлган предметларнинг ҳажми, баландлиги, қалинлигига қараб кетма-кетликда жойлаштира олиши, геометрик шаклларни ўзаро таққослаши ва уларнинг фарқларини асослаб бериши, предметлар миқдорлари кўп ёки камлигини таққослай олиши, мулоқот жараёнида математик тушунчалар (бу ерда кўп, бу ерда кам, жами, улардан биттаси қизил қолгани яшил, биттага кўп, биттага кам)дан фойдаланиши, кўргазмали жиҳозлардан фойдаланган ҳолда 1 дан 20 гача санаши, айрим санаш усуллари (тўғри санаш, чапдан ўнгга, доира бўйлаб, пастдан юқорига, юқоридан пастга)ни билиши, 1 дан 7 гача бўлган сонлар таркиби иккита кичик сондан ҳосил бўлишини билиши, 1 дан 7 гача бўлган рақамларни таниши ва фарқлаши, 1 дан 7 гача бўлган сонларнинг ичида математик амаллар (қўшиш, айириш)ни бажара олиш имкониятига эга. Шунингдек, улар айрим геометрик жисмлар (куб, шар, конус)ни билади, 20 гача сонлар ичида миқдор ва тартиб сонлардан тўғри фойдаланиб, айрим саволлар (қанча ва ҳисоб бўйича нечанчи)га жавоб бериши, гуруҳларнинг тенг ёки тенг эмаслигини аниқлай олиши ва уларни ўзаро таққослаши, кўп миқдордаги предметлар гуруҳидан белгиланган миқдорни санаб олиш (20 та предметлар гуруҳидан намунага қараб 5 тасини санаб ол) машқларини бажариши, тўртбурчакни 2 ёки 4 қисмга бўлиши ва ҳар бир қисм шаклининг номланишини айтиши, сатҳда намунага қараб геометрик шаклларни жойлаштириши, ҳафта кунлари ва

йил фаслларига оид ой номларининг кетма-кетлигини билиши, кечадан олдин ва эртадан кейин сўзларининг маъносини билиши, предметларнинг сони ва миқдорига қараб таққослай олиши керак. Уларга “Тасмаларнинг энг узуни қайси?”, “Бирдан ўнгача кетма-кет ва тескари сана”, “Стол атрофида неча киши бор?”, “Сафда сен нечанчи ўринда турибсан?”, “Менинг олдимга қадамларингни санаб кел”, “Саккиз марта сакра”, “Олти марта ўнг оёқда, олти марта чап оёқда сакра”, “Тўртбурчакдан иккита учбурчак ҳосил қил”, “Шаклларни номла” каби мурожаатлар орқали математик нутқ ва кўникмалар ривожлантирилади.

**Коммуникатив компетенция** – мулоқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш кўникмаси.

**Ўйин компетенцияси** – боланинг ўйин жараёни ва уни ташкил қилишда тажриба, билим ва кўникмалардан ижодий фойдаланиши. Ўқув-тарбиявий фаолият учун асос ҳисобланади.

**Ижтимоий компетенция** – ҳаётий вазиятларда катталар ва тенгдошлар билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ўзини тутиш маҳорати.

**Билиш компетенцияси** – атроф оламни онгли равишда идрок қилиш ва олинган билим, кўникма, малака ва қадриятлардан ўқув ва амалий вазифаларни ҳал қилиш учун фойдаланиш.

6-7 ёшли болалар айрим математик атамалар (сон, рақам, мисол, масала, катта, кичик, тенг, қўшиш, айириш, тенг)ни билиши ва математик ҳаракатларни бажарганда улардан мустақил мақсадли фойдаланиши, 0 дан 9 гача бўлган рақамларни таниши ва фарқлаши, айрим геометрик шакллар (доира, учбурчак, тўртбурчак, овал, трапеция, ромб, кўпбурчак)нинг номларини билиши ва фарқлаши, айрим геометрик жисмлар (куб, шар, конус, цилиндр) ни билиши, 1 дан 9 гача бўлган сонлар таркиби иккита кичик сонлардан ҳосил бўлишини тушуниши, 20 гача бўлган сонлар ичида айрим математик амаллар(қўшиш, айириш, таққослаш)ни бажариши, 1 дан 10 гача бўлган сонлар иштирок этган математик масалаларни ечиши, тарбиячи ёрдамида масалалар шартини тузиши ва унинг ечимини топиши, 1 дан 20 гача бўлган сонлар ичида қўшни сонларни аниқлай олиши, 1 дан 20 гача сонлар ичида икки гуруҳ предметларни сони ва миқдорига қараб таққослай олиши ҳамда айрим саволларга жавоб бериши, баъзи санаш усуллари (диагонал бўйлаб, тепа ва пастдан навбат билан санаш)ни билиши, гуруҳларнинг тенг ёки тенг эмаслигини таҳлил қилиши (нисбатан қанча кўп?, нисбатан қанча кам?), тенг рақамларни ҳосил қилиш амаллари(кам бўлганига қўшиш, кўп бўлганидан олиб ташлаш)ни мустақил бажариши, билган геометрик шаклларидан мустақил фойдаланади, хотира, диққат, мантиқни ривожлантириш учун мўлжалланган ясси геометрик шаклли ўйинларни мустақил ўйнай олиши, 10 тагача бўлган предметларнинг ҳажми, баландлиги, қалинлигига қараб кетма-кетликда жойлаштириши, суюқ ва қаттиқ жисмларни ўлчов бирлигида ўлчаб, натижасини сон билан айтиши, тўғри тўртбурчак, учбурчак ва доира шаклларини 2 ёки 4 қисмга бўлиши ва ушбу қисмлардан бутун шакл ҳосил қилиши ҳамда ҳар бир қисм шаклининг номланишини айтиши, катак қоғоз сатҳида мўлжалга олиб, тарбиячи кўрсатмалари бўйича график диктант чизиши, соат вақтлари (соат, дақиқа, сония) ҳақида тушунчага эга бўлиши, предметларни кўз билан чамалаб (ўлчами, қалинлиги бўйича) таққослаши, айрим иқтисодий тушунчалар(қиймат, олди-сотди)ни билиши керак. Тайёрлов гуруҳ болаларига кўпроқ икки амал(қўшиш ва айириш), сонларни таққослай олиш, оддий шартли масала ва мисолларни ечишга доир кўникмалар шакллантирилади. Улар учун “Математик диктант”, “Геометрик диктант”, “Кун ва тун” ўйини, “Оддий турдаги математик мантиқий ўйинлар”, “Сонларни таққослашга доир мисол ва масалалар”, “Расмли ребуслар”, “Эртаклар асосидаги бошқотирмалар”, “Маиший ҳаётга оид иқтисодий муомалага оид ўйинлар”, “Рақамларни номла ва эсингда тут” каби машқлар бажариш орқали математик малака ва кўникмалар ривожлантирилади. Қуйида баъзи дидактик ўйинларнинг тартиби кўрсатилган.

**Математик диктант усули.** Болаларга рақамларни ўргатиш, уларни эслатиш учун зарур бўлган метод саналади. Бунда тарбиячи болаларга 1-20 бўлган рақамларнинг номини айтади. Болалар эса эшитган рақамни ёзадилар.

**Геометрик диктант усули.** Бу усул асосан болаларда геометрик фигуралар ҳақидаги маълумотларни мустаҳкамлаш учун қўлланилади. Тарбиячи томонидан болаларга учбурчак, тўртбурчак, доира, ромб шаклларини бирма-бир тасвирлаш кўрсатмаси берилади. Болалар тарбиячи айтган шаклни қоғозда тасвирлаши керак.

**Кун ва тун ўйини**. Тарбиячи доскага 1-10 рақамларни қўйиб чиқади. Тарбиячи “кун” деганда болалар кўзини очиб, доскада қайси рақамлар турганини кўриши ва ёдда сақлаши керак. “Тун” деганида эса доскада нима ўзгаргани, қайси рақам йўқолиб қолганини топиб айтиши керак. Ўйин орқали болалар 1-10 гача бўлган рақамларнинг кетма-кетлигини билиб олади, уларда идрок, диққат сифатлари ривожлантирилади.

**Оддий турдаги математик мантиқий ўйинлар** - болаларга мантиқий масалаларни ҳал этиш йўлларини ўргатиш учун зарур. Бу ўйинлар орқали диққат, хотира, идрок, тафаккур сифатлари мустаҳкамланади.

**Сонларни таққослашга доир мисол ва масалалар** - болаларда миқдор, катталик тушунчаларини мустаҳкамлаш учун муҳим бўлган усул ҳисобланади. Бу усулда асосан болаларга йўналтирувчи саволлар орқали мурожаат этилади. Муаммо эса болалар томонидан ҳал этилади.

**Расмли ребуслар** – бу ребуслар расмлар орқали болаларни ўзига жалб қилади. Муаммонинг ечимини топиш учун болалар босқичма-босқич ҳаракат қиладилар ва ребусни ечишга қизиқиш билан киришадилар.

**Эртаклар асосидаги бошқотирмалар**–бундай бошқотирмалар болаларни ўйлашга мажбур этади. Болалар нафақат мисол ечади, балки эртаклар асосида ўз тафаккур ва дунёқарашларини кенгайтиради. Тарбиячи эртакни ўқиб беради ва эртакнинг охирида болалар билан математик тушунчаларни бойитиш мақсадида савол-жавоблар ташкил этади. Тарбиячи эртакни айтиб бериш жараёнида ишни шундай олиб бориши керакки, болалар эртак қаҳрамонлари билан биргаликда муаммоли вазиятларни ҳал этиб, асосий қаҳрамонлар муносабатларини таҳлил қилсин. Халқ эртакларида ҳаётий муносабатлар, муаммоли вазиятларни оқилона ечиш усуллари ўз аксини топади, Воқеалар ривожи турли кўринишларда рўй беради. Унда қиёфани ўзгартириш, вақтни орқага қайтариш ва бошқа реал ҳаётда мавжуд бўлмаган ишларни амалга ошириш мумкин. Қизиғи шундаки, болалар эртакнинг давомини кутилмаган тарзда якунлаб, эҳтимолдан йироқ бўлган хулосаларни айтиши мумкин. Уларнинг катталарни ҳайрон қолдирадиган хулосалари айнан эртакни эшитиб бўлганларидан кейинги баҳс-мунозараларда юзага келади. Эртаклар эса ўз сирли жилосини йўқотмайди, болалар шундай муҳокамаларни ўз ота-оналари билан уйда таҳлил қилади, эртак мазмунига мос расмлар чизади, ўзларининг янги эртакларини тўқийди.

Болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш учун эртакни ўзлаштириш жараёнида уларнинг мавзуга оид расмлар чизиши, эртакдаги воқеалар ривожини ўзлари хоҳлагандек давом эттиришга уриниши жуда муҳимдир. Бу мустақил фикрлашга ўргатиш дастурининг асосий қисмларидан саналиб, болалар эртаклардан ижодий фикрлашни ўрганадилар. Нутқ ўстириш машғулотларида эртак ўқиш, дастлаб, болаларнинг эртак билан танишувидан бошланади. Болалар айрим, масалан, “Шолғом”, “Ур, тўқмоқ”, “Зумрад ва Қиммат” каби эртакларни яхши биладилар. Лекин улар ушбу эртакларни яна бир марта жон деб эшитадилар. Мана, эртак ўқилди, энди уни тушуниб олиш учун савол-жавобларга ўтиш навбати келди. Эртак мазмунини воқеалар ривожи, сабаб-оқибатлари воситасида онгли равишда тушуниш бутунлай бошқача натижа беради. Энг муҳими, болалар эртакларнинг мағзини тушуниб етмасдан кўр-кўрона ёдлаб олмасликлари керак. Эртак ўқиб бўлингач, воқеалар кетма-кетлигини тикловчи, боғланишлар ривожланишининг сабаб-оқибатларини аниқловчи саволлар берилади. Ёки эртакни болалар онгида қайтадан тиклаш учун унинг мазмунига мос расмли кўргазмалар керак бўлади. Уларнинг ҳажми эртак қаҳрамонларига мос бўлиши лозим. Болаларда мустақил фикрлашни ривожлантириш учун баъзан расмларни аралаштириб, уларни воқеалар кетма-кетлигига мос равишда жойлаштириш топшириғини бериш ижобий натижа беради. Бу асар таҳлилини амалга ошириш учун биринчи қадам бўлади. Кўргазмали-образли эртак мутолаасидан сўнг фикрлаш жараёнига ўтиш босқичида шундай жумбоқли саволлар берилиши керакки, улар болалардаги мустақил фикрлашни уйғотиш учун туртки бўлиб хизмат қилсин. Бунда мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир. Тарбиячи болаларнинг фикрларини оғзаки баён қилиши учун имконият яратадиган саволлар бериши лозим.

**Маиший ҳаётга оид иқтисодий муомалага оид ўйинлар**- Бундай турдаги ўйинларга “Озиқ-овқат дўкони”, “Китоб дўкони”, “Ўйинчоқлар дўкони”, “Кийим-кечак дўкони”, “Бозор” ўйинлари мисол бўлади. Бу ўйинлар ролли сюжетли бўлиб, ўйинлар орқали бериладиган роллар болаларда математик нутқ, масъулият, турли касбларга қизиқиш ривожлантирилади.

**“Рақамларни номла ва эсингда тут”** машқи. Бу машқ асосан математика машғулотларининг мустаҳкамлаш босқичида ўтказилади. Ўйиндан мақсад болаларда рақамлар ҳақидаги маълумотларни мустаҳкамлаш, рақамларнинг моҳиятини тушунишга йўналтиришдан иборат. Тарбиячи доскага рақамни ёзади, болалар эса бирма-бир уларнинг номини айтади. Тарбиячи ҳар бир рақам иштирокида гап тузишда ёрдамлашади ва рақамларнинг моҳиятини болаларга тушунтиради.

**“Қўшниларини топ” машқи** – Тарбиячи доскада рақамларни қўйиб чиқади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10… Атайлаб баъзи сонларни қўймайди. Болалар қайси рақам жойида бўлмаса, уни топиб ўз қўшнисининг ёнига қўйиши керак.

**“Нимага ўхшайди?” ўйини** – Бу ўйинда болалар ҳар бир соннинг нимага ўхшашини тасаввур қилиб айтиши керак. Масалан: 1 нимага ўхшайди, деганида, болалар: “гугурт донасига, симёғочга,

қаламга, ручкага…” каби жавобларни айтади. “Икки нимани эслатади?”, деган саволга болалар: “сузаётган ўрдакчага, Илмоқчага… ” каби жавоблар бериши кўзда тутилади. Машқнинг мақсади: болаларда рақамларнинг ёзилиши, кўринишини эслатиш ва уларнинг тасаввури ва идрокини ривожлантиришдан иборат.

**“Неча қадам?” ўйини-** Болалар билан очиқ ҳавода ташкил этилади. Болаларда мўлжал олиш, санаш, диққат, топқирлик кўникмалари ривожлантирилади. Болалар тарбиячи томонга қараб бир қатор бўлиб тизиладилар. Тарбиячи бир боланинг рўпарасига қизил кубикни ташлайди, ва “кубиккача неча қадам?” деб савол беради. Бола “5 қадам” деса, кубик ёнигача 5 қадам ташлаб келиши керак. Қадамларнинг катта ёки кичик бўлиши боланинг ўзига боғлиқ.

**“Шаклни ҳосил қил” машқи**. Ушбу машқ бир неча геометрик шаклдан бир бутун шаклни ҳосил қилиш машқи ҳисобланади. Бунда боланинг фантазияси шаклланади, бола ўзи хоҳлаган буюмни ҳосил қилади ва бажарган ишидан завқ олади.

**“Давом эттир” ўйини**. Бу ўйин бутун гуруҳ билан ўйналади. Биринчи бола “Бир”, деса, иккинчиси “икки”, кейингиси “уч”, ва ҳ.к. давом эттириши керак. Кетма-кетликни бузган бола ўйиндан чиқади. Ўйин орқали болаларда кетма-кет хатосиз санаш кўникмалари ривожлантирилади ва диққат, хотира каби психик жараёнлар мустаҳкамланади.

**“Рақамли ва фигурали домино” ўйини**. Бу ўйин болаларда жуда катта қизиқиш уйғотади. Ўйин орқали болаларда математик тасаввурларни мустаҳкамлаш орқали уларда фикрлаш, бир-бирига ҳурмат, изчилликка амал қилиш сифатлари ривожланади.

6-7 ёшли болаларда математика машғулотларининг соатлари кенгайтирилган бўлиб, улар мактабга тайёрлов босқичини ўтайди. Ўқув йили давомида машғулотлар 72 соатни, ҳафта давомида эса 2 соатни, ой давомда 8 соатни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион усуллар асосида ташкил этиладиган математика машғулотларнинг мазмуни болаларнинг ёш хусусиятларига қараб изчиллик билан ўзгариб боради. Бу машғулотлар болаларнинг содда математик тушунчаларни ўзлаштириши ва ўзи мустақил ишлаш кўникмасини ҳосил қилиши учун замин ҳозирлайди. Шунингдек, болада мустақил ишлаш кўникмалари ривожланиб, математик тушунчалар кўлами кенгайиб боради. Тарбиячи томонидан фаол йўлга қўйилган таълимий ва тарбиявий ишлар Давлат талабларининг тўла бажарилишини таъминлайди. Бу эса болаларни мактабга тайёрлаб беришнинг муҳим омили сифатида хизмат қилади.

**Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.Т., Ўзбекистон, 2016. -14 б.
2. “Илк қадам” Мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастури. -Тошкент, 2018.
3. Бикбаева Н.У. ва бошқалар. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш. -Т., “Ўқитувчи”. 1996.
4. Бикбаева Н.У. Мактабгача таълим муассасасида математика машғулотларини ривожлантириш. -Т., “Ўқитувчи”. 1998.
5. Хасанбоева О.У. ва бошқалар. Мактабгача таълим педагогикаси. -Т., “Илм зиё”. 2006.
6. www.lex.uz





**Бахриддин Муранов**
Самарқанд давлат университети мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

**Самандар Муранов**
Самарқанд давлат университети тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси ўқитувчиси

**Ш.Пирназаров**
Самарқанд давлат университети тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси ўқитувчиси

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА БОЛАЛАР ОНГИДАГИ СЕНСОР ЎЗГАРИШЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

*Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизимида, жумладан мактабгача таълимда сифатли ва самарали таълим ва тарбия ишларини ташкил қилиш учун болаларнинг сенсор (сезгиларга боғлиқ) онгли, ёш ва ўзига хос жисмоний, жинсий ва ақлий хусусиятларни хисобга олиш йўллари, усуллари таърифланади. Ундан ўқитувчилар, тарбиячилар, раҳбарлар, ота-оналар ва ўқувчилар фойдаланишлари мумкин.*

***Таянч сўзлар**: Узлуксиз таълим, мактабгача таълим, сенсор (сезгиларга боғлиқ) сезгилар, онг, таъм, ҳид билиш, кўриш, эшитиш, туйиш, тасаввур сифатли ва самарали таълим, тарбия, ўқув, методик, моддий, техник таъминот.*

*В статье раскрывается тема о качественном ипродуктивном образовании и воспитательной работе при помащи сенсорного мышление (сведаных с чувствами) в непреровном образовании и дошкольных учреждениях. Показаны пути подхода к возрасту, полу и чувствительности. Всеми этими познаниями могут пользоваться; учителя, воспитатели, родители и руководители.*

***Ключевые слова**: Непрерывное образование,дошкольное образование, сенсорное чувство (привязанное к чуству), мозг, образование, распозновать, запах, видеть, слышать, написать, качественное воображение и качественное образование, воспитание. Учить, методика, моральное, техническая помощь.*

*The article deals with the topic of high-quality productive education and educational work (when sensory thinking is mixsed with feelings) in non-stop education and preschool institutions. The ways of approach to age, sex and sensitive are shown. All these knowledge can be used by: teachers, educators parents and leaders.*

***Key words:** ongoing education, preschool education sensory perception (knitted to feelings), brain, education, recognize, smell, look, drink, write, quality imajination and quality education, education, methods, moral, technical help.*

Мамлакатимиз аҳолисининг 32-35%ни ташкил этадиган, яъни, жами 11,5 млндан зиёд ёшларнинг таълими, тарбиясини амалга ошириш йирик ижтимоий сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий, маданий, педагогик, психологик, фалсафий ва дидактик ҳамда методик муаммоларни хал этишни тақозо этади. (1.16)

Хусусан, “мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабгача тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади”. “Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йуналишлари даражасига кўтарилди” [2].

Аммо ўтказилган кузатишлар, таҳлиллар, таълим-тарбия жараёнининг кўпгина соҳаларида, жумладан, мактабгача таълим соҳасида ҳам олиб борилаётган ишларнинг самараси ва натижалари етарли даражада эмасликгини кўрсатди. Чунки ушбу соҳани замон талаблари даражасида сифатли ва самарали этиб ташкил қилиш учун қатор муаммолар тўпланиб қолган. Мактабгача таълим муассасаларининг моддий техника базаси (таъминоти) замонавий талабларга жавоб бермайди; мазкур муассасаларда вариатив дастурлар, режалар, лойиҳалар жорий этилмаган; болаларни мактабгача тайёрлаш бўйича муқобил мослашувчан моделлар, жараёнлар, технологиялар, макетлардан фойдаланиш етарли даражада ривожланмаган.

Тарбияланувчиларнинг ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, сенсор (сезгиларга боғлиқ ҳолдаги) математик, жисмоний ижодий ривожлантириш атроф муҳит билан танишувга йўналтирилган махсус

давлат ва хусусий таълим тарбия дастурлари режалари татбиқ қилинмаган; айниқса, ушбу муассасаларидаги таълим -тарбия жараёни психологик ва бошқа хизматлар замон талаблари даражасида мутлақо ижобий ҳал этилмаган. Чунки ушбу таълим муассасаларида таълимий тарбиявий жараёнларини сифатли ва самарали этиб ташкил этиш болаларнинг ёш индивидуал (ўзига хос) руҳий, жисмоний, ақлий ривожланиш хусусиятларига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Муаммонинг ушбу нозик томонларини ҳамма ҳам ҳис эта олмайди, маълумки 2–6 ёшли болаларда дунёни билишга қизиқишларининг асосий қисмларининг турли кўринишлари намоён бўлади. Бу ҳақда ушбу қарорлардаги “Шарҳлар”да шундай дейилган: “Илмий кузатишлар ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон умри давомида оладиган барча ахборотнинг 70 %ни 5 ёшгача бўлган даврда олиши мумкин. Бу айнан бола шахсининг ривожланишида мактабгача таълимнинг ўрни нечоғлик муҳимлигидан далолат беради” [3]. Демак, ушбу ёшдаги болаларнинг дунёни билиши нарса ҳодиса ва жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиши, доно халқимизнинг **“Ёшликда ўрганган билим – тошга ўйилган нақш** кабидир”, **“Бола ёшидан”** каби нақлларда, мақолларида келтирилгандир. Буюк донишманд дунё тамаддунида табобат илмининг ва амалиётнинг султони сифатида **“Шайх -ур раис”** унвони билан (Шайхлар раиси) машҳур бўлган (мадади Сино “медицина” сўзи исмларидан олинган). Ғарб ва жаҳон илмида “Авиценна” номи билан машҳур бўлган, Бухоронинг Афшона қишлоғида дунёга келган Абу Али Ибн Сино ҳазратларидан икки ёш, келин-куёвлар сурабди:

-Эй ҳазрат, бизнинг фарзандимиз икки ойлик булди, тарбияни қачондан бошлаган маъқул? Ҳазрат шундай жавоб бердилар: Сизлар икки ойга кечикибсизлар!

Демак, ушбу ривоятдан кўринадики таълим-тарбия ишларини болалар туғилмасидан олдин, она қорнидалигидаёқ бошлаш лозим бўлади. 2–6 ёшли болаларнинг дунёни билиши яъни, нарса, ҳодисаларни ўрганишни тахминан қуйидагича босқичларда амалга оширади:

**1-босқич**. Мультимедиа воситалари ва бошқалар орқали нарса ҳодисаларни жараёнларни, буюмларни, тавсифларини ота-оналаридан, ака-опаларидан, бобо-бувиларидан эшитадилар, яъни, овозлар, товушлар (эшитишда) ранглар ва шакллар (кўришда) орқали, буюмлар, нарсалар ҳақида яхлит тасаввурлар ҳосил қиладилар;

**2-босқичда,** кейинчалик манипуляция (бевосита ушлаб кўриш, пайпаслаш, тегиниб кўриш) орқали буюм ва нарсаларнинг нусхаларини, ғадир-будурлигини, шаклини, оғирлигини, катта-кичиклигини, уч ўлчамли фазодаги ўрнини, яъни, бошқа материаллардан ясалган нусхаларнинг бўйи, эни, узунлиги (баландлигини) тахминан бўлса-да тасаввур қила оладилар.

Шунинг учун, бундай ёшдаги болаларга нарса-буюм, ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида гапирилганда нарса ва буюмларнинг ўзини, моделини ёки макетини (кичрайтирилган ҳаракатли-ҳаракатсиз нусхаларини) бевосита кўрсатиш ёки уларнинг расмини, суратларини аслига ўхшатиб ясалган шаклларини намойиш этиш лозим бўлади. Шундагина ушбу нарса, ҳодиса, буюмлар ва жараёнлар тўғрисида тасаввурлари, таассуротлари мукаммаллашиб боради. Бу хақда доно халқимизнинг, минг эшитгандан бир кўрган афзал, юз кўргандан бир маротаба амалда бажарган маъқул деган ўгитлари, панд насиҳатлари ҳам ушбу ёшдаги болаларга умуман, барча ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришда муваффақиятли равишда қўлланилишига тааллуқли ғоялардан ҳисобланади.

**3-босқич.** Нарса ва буюмлар, қурилмалар ҳамда ҳодиса ва жараённинг асл намуналари кўринишлари тайёр нусхалари билан бевосита мулоқотда бўлиш.

Бунда кўриш, ҳид билиш, эшитиш, туйиш, тери, таъм билиш каби сезгилар бараварига ишлайди, болалар мулоқотда бўлинаётган объект, предмет жараёнлар ҳақида ҳақиқий тўғри тасаввурлар, тушунчалар ҳосил қилади. Баъзи ҳолатлардагина, ёш болаларнинг ҳаёт тажрибаси камлиги, зарурий маълумотлар етишмаслиги туфайлигина адашиши мумкин.

Масалан, тўқ қизил (аччиқ гармдори)ни, яъни қалампирни кўриб юрган бўлса яшилини кўрганида, учратганида тишлаб, бирданига оғзига солиб кўриб аччиқлигини билиб қоладилар ёки ошхона пичоқларини, игна ва қайчи каби ўткир кескир асбобларни фақат ишлатиб кўриб нотўғри ишлатсалар, жароҳатланиш олгандан кейингина уларнинг нима, қандай эканлигини билиб қоладилар. Ёки ошхонада таомларга ишлатиладиган уксус кислотаси, тузлар, турли хил химикатларни адаштиради (кир ва ош содаси сиртдан шакарга ёки ош тузига ўхшайди). Хантал (горчица) аччиқлигининг ёки дазмолнинг ёки қайноқ чойи бор чойнакнинг иссиқлигини ёки бошқа электр ёки механик қурилмаларнинг хавфлилигини фақат ишлатиб бўлганлигидан кейингина, ишонч ҳосил қиладилар, эҳтиёт бўлиб ишлатиш лозимлигини англайдилар.

**4-босқич.** 2–6 ёшли болаларнинг турли нарса, буюм, ҳодиса ва жараёнларнинг таълимий-тарбиявий аҳамиятини фарқлаб боришлари яъни қайси нарсаларнинг қаерда, қачон, қандай қилиб, қандай мақсадларда ишлатилишини, қанақа вазифаларни бажаришида қўлланишларини аниқлаб бажарсалар, турларга ва хилларга ажратилишларини билиб, ҳаётий жараёнда, яшаш фаолиятида аниқ, мақсадли қўллашга ўрганиб, одатланиб боради. Масалан: оддий ручканинг ёзишда, қора-қаламнинг чизишда рангли қаламларнинг бўяшда, бўёқлар расмлар ва шаклларни бўяшда, ўчирғичнинг (резинка) чизмаларни

ўчиришда ишлатилишини билиб борадилар. 2–6 ёшли болаларнинг 1-босқичдаги сезгилари (эшитиш, кўриш) орқали турли туйғу тасаввурлари шаклланиб борса, 2-3-босқичдаги уринишлари туфайли мақсадли харакатлар уйғунлашган, йўналтирилган харакатлар бажариб борилади.

4-босқичдаги ҳаракатларни амалга оширишда дастлабки умуммеҳнат кўникмалари, яъни ҳаётий кўникмаларининг дастлабки кўринишлари ҳосил қилиб борилади. Демак, 2–6 ёшли болаларнинг таълим-тарбиясида, яъни уларни умумий ўрта таълимнинг ўқув юкламаларини бажара олишга тайёрлашда мактаб режимига, (кун тартибига) яъни 4-5 соат ўқиш, ундан кейингина, тушлик қилиш, дам олиш ва кейинги фаолиятларга тайёрлашда болаларнинг ёш хусусиятларига, жисмоний, жинсий (ўғил ёки қиз болалар) ақлий (берилаётган тушунчалар, тасаввурлар, ахборотлар ва маълумотларни қабул қила олиш тезлигига), ҳар бир боланинг ўзига хос ривожланиш хусусиятларига жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади.

Мамлакатимизда 2017 йил 30 сентябрда қабул қилинган “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Президент фармонида Мактабгача таълим вазирлигининг асосий фаолияти йуналишларини белгилайдиган 2-қисмида республикада давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига барча болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига босқичма-босқич қамраб олинишларини таъминлаш, шунингдек, болаларнинг мактабгача таълим ва тарбиясининг муқобил шаклларини амалиётга татбиқ этишда [1] ҳамда юқоридаги ўзига хос хусусиятларни ва болалар ўзлаштиришларининг турли босқичларини эътиборга олиш муҳим муаммолардан, долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Айниқса, мактабгача таълим бўйича тегишлича олий педагогик, психологик маълумотли кадрларга етарлича эга бўлмаган давлат муассасалари ёки махсус, педагогик, психологик маълумотли кадрларга эгалиги мутлақо номаълум бўлган нодавлат мактабгача таълим муассасаларида ушбу тамойилларга риоя қилишларининг назорат қилинишини доимий равишда кузатиб бориш керак бўлади.

Узлуксиз таълим тизимида олиб борилган кўп йиллик педагогик фаолият жараёнидаги кузатишлар ва тахлиллар қуйидаги хулоса ва таклиф -тавсияларга олиб келди.

1. Ўзбекистон Республикасида Президенти ва давлат ҳукуматининг жуда катта эътибори бутун узлуксиз таълим тизимини, жумладан, мактабгача таълим жараёнини сифатли ва самарали қилиб ташкил қилишга қаратилган.

2. Давлат ва нодавлат (хусусий ва шахсий) секторлар иштирокида кўплаб мактабгача таълим муассасалари қурилмоқда ва ишга туширилмоқда. Аммо уларда таълим жараёнини замон талабларига мос қилиб сифатли ва самарали ташкил этишда кўплаб муаммолар мавжудлигича қолмоқда.

3. Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида, жумладан, мактабгача ва умумий ўрта таълим ва тарбия босқичларида ишларни сифатли ва самарали ташкил этишда таълим ва тарбиянинг ўзаро алоқадорлигини сақлаш болаларнинг ёш, жисмоний, жинсий, ақлий, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ҳолатларини назорат қилиш, доимий кузатишига молик эканлиги зарурлигича қолмоқда.

4. Болаларнинг сенсор (сезгиларга боғлиқ) хусусиятларига мос ҳолда таълим-тарбия жараёнини сифатли ва самарали ташкил этиш учун таълим муассасаларининг ўқув, моддий, хом-ашё, жиҳозлар, техник ва методик таъминотини тўлиқ йўлга қўйиш муҳим муаммолардан бўлиб қолмоқда.

5. Таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагог кадрларнинг касбий маҳоратларининг таълим соҳасига йўналиши, босқичига, турли ўқув фанлари хусусиятларига мос келиши маълумот даражаларига мос ҳолда таълим олиши ёки (лозим бўлса) қайта тайёргарликдан ўтиши ҳам долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Зеро узлуксиз таълимнинг, хусусан, мактабгача таълим тизимида ўқувчи болаларнинг таълим тарбиясида илғор, замонавий, хорижий, ахборот педагогик, психологик, методик, инновацион, интерфаол технологияларнинг қўлланилиши ҳам таълим –тарбия жараёнини сифатли ва самарали ташкил этишда асосий омил ҳисобланади.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПФ-5198-сонли “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони. ”Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 3 октябрь. №198 (6892). 1,2,3-бетлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига шарҳ. (Ўша манба. 3-бет)

3. Ҳошимова З. Болалар онгидаги сенсор жараёнлар. Самарқанд, Зиёкор. 2002. №4.

## ФИЛОЛОГИЯ ВА ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ



**Назора БЕКОВА**
Бухоро давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди

# НАВОИЙНИНГ ФОРСИЙ МЕРОСИ ХУСУСИДА

*Мақолада Алишер Навоийнинг форс-тожик тилида яратган "Девони Фоний" куллиёти хусусидаги мулоҳазалар баён этилган. Бу куллиёт Абдураҳмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий ва Хондамир каби XV аср маданиятининг йирик арбоблари томонидан юксак баҳоланган ва тақдирланган эди.*

***Калит сўзлар:** девон, Навоий мероси, шеър, куллиёт, ғазал, байт, китоб фонди.*

*В статье рассказывается о рукописи Алишера Навои на персидско-таджикском языке "Devoni Fani". Он был высоко оценен и награжден крупными деятелями культуры XV века, такими как Джулиет Абдурахман Джами, Давлатшах Самарканди и Хондамир.*

***Ключевые слова:** девон, наследие Навои, стихотворение, куллиет, Газель, байт, книжный фонд.*

*The article describes the manuscript of Alisher Navoi in Persian-Tajik " Devoni Fani". He was highly appreciated and awarded by major cultural figures of the XV century, such as Nuriddin Abdurahman Jami, Davlatshah Samarkand and Khondamir.*

***Key words:** Devonian, the heritage of Navoi, a poem, collie, Gazelle, byte books.*

Алишер Навоийнинг адабиётимиз тарихидаги энг улкан хизматларидан бири, шубҳасиз, унинг зуллисонайнлигидир. Бунинг энг ажойиб самараси–шоир маҳоратининг ўлмас намунаси **"Девони Фоний"**дир. Девон Навоий–Фонийнинг бутун умри давомида форс-тожик тилида яратган деярли барча шеърларининг куллиётидир. Бу куллиёт Абдураҳмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий ва Хондамир каби XV-аср маданиятининг йирик арбоблари томонидан юксак баҳоланган ва тақдирланган эди. Афсуски, шоирнинг форс-тожик тилидаги шеърияти узоқ замонлар давомида тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборидан четда қолиб келди. Чет эл кутубхоналари фондида "Девони Фоний"нинг мукаммал нусхалари бўлган, аммо ўрганилмаган. Мазкур девоннинг қиммати унинг жанрий ранг-баранглиги, мавзулар оламининг кўламдорлиги, ғоя ва тимсолларининг ёрқин ва теранлигидадир. Муҳими, Алишер Навоий форсий меросида ҳам ўз бадиий салоҳияти, бетакрор услуби, ўзигагина хос ижодий қирраларини кўрсата олган.

Навоийшуносликнинг "Девони Фоний"ни нисбатан кечикиброқ текшира бошлаши Ўзбекистон кутубхона ва қўлёзма фондларида бу девоннинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарларига қизиқиш ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ бошланган. Асл "Девони Фоний"ни қўлга киритишга муяссар бўла олмаган С.Айний услубига қараб бошқа Фонийларнинг шеърларидан Фоний-Навоий шеърларини ажратиб олиш каби ғоят мураккаб ва машаққатли меҳнатни бошлайди. Устоз Айний кузатишларига кўра, Тошкентдаги Ўзбекистон Давлат марказий кутубхонасида "Девони Фоний"нинг уч қўлёзма нусхаси бор. Бу девонлар Хоразмда китобат қилинган, уларнинг кўчирилган даври бир-бирига яқин, мундарижаси ҳам деярли айнан бирдир. Аммо бу нусхалардаги кўпчилик шеърлар кашмирлик Муҳсини Фонийники бўлиб, уларнинг орасида Навоий-Фоний шеърлари ҳам топилади. Бу девонларни мутолаа қилган айрим кишилар нусхаларининг аввалги қисмларини Муҳсини Фонийга нисбат бериб, сўнгги қисмларини Навоий номи билан қайд этиб қўйганлар. Аммо жиддий текшириш натижасида Муҳсини Фонийга нисбат берилган қисмларида Навоий ғазаллари ҳам борлиги маълум бўлган. Буни бир тахаллусга эга бўлган икки шоирнинг услуби ва ифода тарзи исбот этади. Бу мулоҳазалар асосида С.Айний мавжуд девонлардаги Навоий шеърлари 1000 байтдан ортиқ эмас, деган хулосага келади ва катта заҳмат билан ажратилган шеърлардан 711 байтни "Алишер Навоий" монографиясига илова қилиб, уларни таҳлил этади. Устод Садриддин Айний 1926 йилда Москвада нашр эттирган "Тожик адабиёти намунаси"да шоирнинг "Туҳфат ул-афкор"қасидасидан 18 байт келтириб, бу ҳақда маълумот берган.

Бироқ ундан кейинги йилларда тузилган хрестоматия ва антологияларда, жумладан, Фитрат тузган “Ўзбек адабиёти намуналари”(1928), Т.Жалолов тузган “Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. Биринчи том” ва бошқаларда Навоийнинг форс-тожик тилидаги шеърлари ўрин олмаган. Садриддин Айний XX аср 30-йилларининг охирларидан бошлаб, яъни улуғ шоир таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан унинг форсий меросига жиддий қизиқиш билан киришди.

У биринчи бўлиб Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган, асосан, Муҳаммад Муҳсин Фоний Кашмирий номли шоир шеърларидан ташкил топган девоннинг уч нусхасини синчиклаб текшириб чиқади. Хуллас, Айний 97 ғазал, 2 қитъа, 4 рубоийни мазмуни, тили, услуби ва вазнига кўра Алишер Навоийники деб ажратади, булар ёнига шоирнинг бошқа асарларида ҳамда турли қўлёзма манбаларида учраган форсий шеърларини қўшиб, Алишер Навоийнинг форсий шеърларидан кичик бир тўплам тузади [2]. Садриддин Айний Навоийнинг форс-тожик тилидаги шеърларини тўплаш қийинчиликларини таъкидлаб,”...бу иш эҳтимол кўп камчилик ва хатоларга эгадир. Фоний-Навоий девонининг тўла нусхасини топиш келажак ишимиз”,- деб қайд қилган эди. Бу девоннинг ҳақиқий нусхасини қўлга киритмагани туфайли Айний Фоний-Навоий шеърлари деб фараз қилганларининг кўпчилиги (масалан, 97 ғазалдан 91 таси) бошқа Фонийларнинг шеъри бўлиб чиқди. Устоз Айний у йилларда чет эл китоб фондларидан фойдаланиш имконига эга бўлмаганидан мамлакатимиз фондлари билан чегараланиб қолган эди[3]. Абдулғани Мирзоев тадқиқотчиларни чалғитган чигалликлар хусусида бир нечта асосли фикрларни келтириб,мазкур масала махсус текширишларни талаб этишини айтади. Шарқшунос олим Е.Э.Бертельс Навоийга доир монографиясида шоирнинг форс-тожик тилидаги асарлари ҳақида сўзлаб, унинг форсий девони, афсуски, мамлакатимиз кутубхоналарида йўқлигини эътироф этади ва А.А.Семёновнинг “Описание рукописей произведений Навои, храняшихся в Государственной публичной библиотеке УзССР”(Ташкент,1940) асарида зикр этилган “Девони Фоний”нинг кашмирлик Муҳсин Фоний қаламига мансублиги доцент Ҳаким Ҳомидий томонидан аниқланган, деб таъкидлайди [5]. Фақат Алишер Навоий “Девони Фоний”сининг ҳақиқий нусхалари топилгандан кейингина профессор Айний тадқиқотларидан чиқарилган хулосаларнинг қанчалик ҳақиқатга яқин ёки яқин эмаслигини узил-кесил аниқлаш мумкин бўлди.

Фитрат ҳам Алишер Навоий форсий меросини ўрганишга биринчилар қаторида киришган ва бу йўлда салмоқли тадқиқотлар яратган олимлардандир. Унинг 1925 йилда ёзган «Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида” мақоласи “адабиёт ва санъат дунёсида энг теран қараш эгаси” бўлган машҳур Бобур Мирзонинг “Навоийнинг аксар форсий абёти суст ва фуруддир” деган кўпчиликка маълум фикрини қабул эткуси келмас”лигига бағишланган [1]. XV аср тазкиранавислик тарихидан чуқур хабардор Фитрат Навоийнинг форсий меросига Давлатшоҳ Самарқандий (“Тазкират уш-шуаро”), Абдураҳмон Жомий (“Нафоҳат ул-унс”), Сом Мирзо (“Туҳфаи Сомий”), Ризо Қулихон Ҳидоят (“Мажма ул-фусаҳо”), Ҳусайн Воиз Кошифий (“Тафсири форсий”) каби форс тазкиранависларининг фикрига таянган ҳолда баҳо беради ва шоирнинг форсийда ҳам баракали ижод қилиши сабабларини “Муҳокамат ул-луғатайн”даги маълумотлар орқали асослайди. Фитрат мазкур мақоласида Навоийга нисбат берилган шеърларнинг кўпчилиги Фоний Кашмирийга тегишли эканлигига ҳам муносабат билдиради. Навоийнинг “форс тилида бўлган иқтидорини”, форсий меросини кенг суратда ўрганиш, тадқиқ этиш, унинг форс шоирларининг қайсиларидан кўпроқ таъсирланганини аниқлаб олиш, «форсийча ҳақиқий девонини ахтариш” адабиётимиз тарихи учун жуда муҳимлигини эътироф этади.

Таъкидлаш жоизки, Ҳамид Сулаймон тадқиқотларигача ҳам “Девони Фоний”нинг чет элда сақланаётган айрим нусхалари ҳақида баъзи маълумотлар мавжуд эди. Француз олими Е.Блоше 1900 йилда тузган Париждаги Миллий кутубхона фондларида сақланаётган Шарқ қўлёзмалари каталогида шу кутубхонадаги “Девони Фоний”нинг икки қўлёзмаси ҳақида маълумот берган эди. Бироқ мазкур қўлёзма устида 60 йил мобайнида ҳеч қандай иш олиб борилмади. “Девони Фоний”нинг Истамбул университети кутубхонасида сақланаётган нусхаси ҳам ўрганилмай келинди. Бу ҳақида ҳам А.Мирзоев батафсил маълумот берган эди. Ҳамид Сулаймон “Девони Фоний”нинг қўлёзма нусхаларини синчиклаб назардан ўтказиб, Теҳрон нусхаси Париж ва Туркия нусхаларига қараганда қусурли, деган хулосага келади. Масалан: унда охирги варақлар, Фоний-Навоийнинг бир мунча шеърлари, жумладан, татаббуъ ва мухтараъ ғазаллар, Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да зикр этилган 6 қасида йўқ [9]. Тадқиқотлар Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги девонининг аслини аниқлади ва унинг мукаммал ҳажмини тиклади [6]. **Н.М.Маллаев** эътироф этганидек, Ҳ.Сулаймон Навоийга тегишли “Девони Фоний”нинг асл нусхаларини қўлга киритди, чет тиллардаги каталогларни текшириб, Париж, Туркия ва Теҳрон кутубхоналарида сақланаётган Навоий қаламига мансуб “Девони Фоний”нинг бешта қўлёзма нусхасини синчиклаб ўрганиб, қиёслаб, ҳаммаси ҳам бир девоннинг турли нусхалари бўлиб, асосий фарқ уларнинг ҳажмида эканлигини аниқлаб, энг мукаммали Париж нусхасидир, деган қарорга келди [9]. Бу катта заҳматнинг самараси сифатида Навоийнинг XV томлик куллиётининг икки китобдан иборат бешинчи

томи кенг китобхонлар оммасига тақдим этилди. Адабиётшунослар Воҳид Абдуллаев, Ботирхон Валихўжаев ва Шавкат Шукуровлар мазкур нашрни нафақат навоийшуносликнинг муҳим ютуғи, балки маданиятимиз учун улкан бир воқеа сифатида эътироф этишган [4].

Хуллас, Ҳ.Сулаймон саъй-ҳаракатлари натижасида Тошкент ва Душанбе фондларидаги 7 та "Девони Фоний" нусхалари Навоийга алоқасиз бўлиб, улар Муҳаммад Муҳсин Фоний Кашмирий ва бошқа Фоний тахаллусидаги шоирлар шеъридан тартиб этилган девонлар экани маълум бўлди. Навоийга тегишли "Девони Фоний"нинг бешта ҳақиқий қўлёзмаси қатъий аниқланиб, девоннинг тўлиқ варианти тикланди. "Девони Фоний"ни адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этишда ҳам салмоқли ишлар қилинган. Тожикистон Фанлар академияси академиги А.Мирзоев "Алишер Фоний ва Хожа Ҳофиз" мақоласини ёзди , профессор Ҳамид Сулаймон "Алишер Навоийнинг форс тилида яратган поэтик мероси" тадқиқотини яратди, Э.Шодиев эса ўз тадқиқотларида Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарларига хос хусусиятлар ҳақида тўхталиб, махсус монографиялар яратди.

Навоийшуносликда "Девони Фоний"нинг нашри бобида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. XX асрнинг 60-йилларида мазкур тўплам нотугал бўлса-да, сайланма шаклида Теҳрон (1963) ва Тошкентда (1965) нашр этилди. Шунингдек, 90-йилларда ихчам бир сайланма Тожикистонда (Душанбе,1993) араб алифбосида ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинди. Ўзбекистонда навоийшуносликнинг улкан ютуғи сифатида Алишер Навоий мукаммал асарлари тўплами йигирма жилдлиги нашр қилинди. Унинг XVIII-XX жилдлари (Тошкент, 2002-2003) "Девони Фоний"дан таркиб топган.

Атоқли олим **Натан Маллаев** 60-йиллардаёқ "Девони Фоний"ни поэтик таржима қилиш устида иш бошлаш, мураккаб вазифани амалга оширишда нозимлик йўлидан эмас, шоирлик йўлидан бориш, таржиманинг оригинал билан ёнма-ён умр кўришига эришиш лозимлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтган эди [7]. Жонкуяр навоийшуноснинг бу орзулари аста-секин амалга ошмоқда.

Ғафур Ғулом, Шоислом Шомуҳаммедов, Чустий, Абдуқодир Ҳайитметов, Жамол Камол, Носир Муҳаммад, Саид Ғани, Олимжон Бўриев, Эргаш Очилов, Абдуҳамид Пардаев каби таржимонлар шоирнинг форсий меросидан намуналар таржима қилганлар. Адабиётшунос **Эргаш Очилов** таъкидлаганидек, "Девони Фоний" таржимаси йўлидаги энг жиддий қадамни Ўзбекистон халқ шоири, забардаст таржимон **Жамол Камол** қўйди. У **Алишер Навоий** форсий меросидан 200 ғазал ва 10 қасидани анъанавий вазнда – аруз жилоси билан таржима қилиб, алоҳида китоб ҳолида нашр эттирди [10]. **Жамол Камол** "Девони Фоний"нинг давр тақозо этган ва ўқувчилар талаб қилган гўзал, бадиий бақувват таржимасини яратишга киришди. Бу таржима ўқувчилар томонидан ҳам, адабий жамоатчилик томонидан ҳам қизғин кутиб олинди, чунки дурдона асарларнинг ҳар бир янги ва яхши таржимаси ўзбек адабиётининг ютуғидир. "Девони Фоний" Навоий меросини ўрганишда асосий тадқиқот объектларидан биридир. Девоннинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш, унинг академик нашри устида ҳам жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

**Адабиётлар**


1. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. Тошкент "Маънавият", 2000. 3-11-бетлар.
2. Айний. Алишер Навоий. Душанбе.Нашриёти Давлати Тожикистон, 1948. -С. 181-182.
3. Абдуғани Мирзоев. Жашни мадри бузург // Садои Шарқ, №8, 1966. -С.109.
4. Абдуллаев В., Валихўжаев Б., Шукуров Ш. Навоийшуносликнинг муҳим ютуғи // Шарқ юлдузи, 1966, 9-сон, 183-188-бетлар.
5. Бертельс Е.Э. Навоий. Опыт творческой биографии. М.-Л., 1948. С. 108.
6. "Девони Фоний" устида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг баъзи натижалари ЎзР ФА томонидан ҳар йили Навоийга атаб ўтказиладиган илмий сессияларда проф. Ҳ.Сулаймон маърузаларида тўрт мартаба баён қилинган. Қаранг: Навоий сессияси материалларининг программалари: 1."Девони Фоний"нинг икки мўътабар Париж қўлёзмаси ҳақида, 1961й; 2. Навоий форсий қасидаларининг ижодий тарихига оид, 1962 й; 3. Навоийнинг форсий рубоийлари, 1963 й; 4. "Девони Фоний" ғазалларининг социал мазмуни ҳақида, 1964.
7. Маллаев Н. Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги шеъриятига доир // Адабий мерос. 1-сон. Тошкент, 1968, 72-бет.
8. Сулаймон Ҳ. Алишер Навоийнинг форс тилидаги поэтик мероси тадқиқотидан // "Ўзбек тили ва адабиёти", 5-сон, 1965. 32-бет.
9. Сулейман Хамид. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои.АКД. Ташкент, 1961. 38 с.
10. Мир Алишер Навоий. Фоний гулшани (Ғазаллар ва қасидалар).Тошкент, 2011.



**Барнохон Саматова**
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети
таянч докторанти

# НОФИЛОЛОГИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРИНИНГ МОТИВАЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МАШҚЛАР ТИЗИМИ

*Мақолада хорижий тилларни ўқитишда қўлланиладиган машқлар турлари, таснифи ҳамда тизими ҳақида сўз юритилиб, нофилологик ОТМ талабаларнинг хорижий тилни ўзлаштириш мотивациясини ривожлантиришга қаратилган машқлар тизими кенг оммага муҳокама учун тақдим этилмоқда.*

***Таянч тушунчалар:*** *мотивация, хорижий тил, машқлар тизими, турлари, таснифи, тамойиллар, нофилологик ОТМ, талабалар.*

*В статье рассматриваются виды, классификация и система упражнений в преподавании иностранных языков, а также представляется на всеобщее обсуждение система упражнений для развития мотивации изучения иностранных языков у студентов нефилологических вузов.*

***Опорные понятия:*** *мотивация, иностранный язык, система упражнений, типы, классификация, принципы, нефилологический вуз, студенты.*

*The article issues the types, classification and system of foreign language teaching exercises. Also the system of exercises for increasing language learning motivation of non-language students is being presented for discussion.*

***Supporting concepts***: *language learning, motivation, the system of exercises, classification of exercises, types of exercises, principals, non-language students.*

Инглиз тилини ўқитишда қўлланиладиган машқлар типологияси кўплаб хорижий ва ўлкамиз олимлари томонидан тадқиқ этилган ва уларнинг фикрлари қатор ишларда ёритилган (Ж. Жалолов, Т. Сатторов, М. Джусупов, Л. Т. Ахмедова, В.И. Нормуродова, И.В. Рахманов, В.А. Бухбиндер, Е.И. Пассов, Н.И. Гез, В. Л. Скалкин, Д. Нунан, Р. Эллис [8] , С. Эдвардс ва Ж. Уиллис [9], ва б.). Соҳа вакиллари орасида кўп тилга олинадиган, илк машқлар таснифлари қаторидан ўрин олган, И.В. Рахманов томонидан тил материали ва оғзаки нутқни ажратилган холда қўлланилиши таклиф этилган тил ва нутқ машқлари ҳамда репродуктив ва рецептив машқлар турлари аниқ аргументларга эга бўлса-да, коммуникатив ўқитиш методларининг кириб келиши ва ўрганувчиларнинг мотивацион омилларини инобатга олмаганликлари туфайли кўпроқ механик характерга эга бўлиб ўз долзарблигини вақт ўтган сари йўқотиб борган. Машқларни икки турга бўлиш бошқа тадқиқотчиларнинг изланишларида ҳам кузатилган. Мисол учун тайёрловчи ва нутқ машқлари (А.А.Миралюбов), аналитик ва синтетик машқлар (Э.П. Щубин), нутқ олди (бирламчи) ва нутқ машқлари (И.Д. Салистра), тайёрловчи ва асл-нутқий машқлар (А.Д. Климентенко) ўз даврларида кўплаб илмий изланишларга асос бўлиб ҳизмат қилган. Лекин улар ҳам вақт ўтган сари ўз долзарблигини йўқота бошлаган. Бунга сабаб, уларнинг айримларининг моҳияти грамматик шаклларни турли хил усулларда такрорлашдан иборат бўлса, бошқалари чет тилида қандайдир мазмунни шакллантириш ва амалга оширишга мўлжалланганлигидадир [1].

Талабаларнинг коммуникатив компетенцияларини оширишда, уларни эркин мулоқотга ўргатишда ўрганилаётган тилнинг шакл ва кўринишинигина билиш нутқий фаолиятни олиб бориш учун етарли эмаслиги ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шу сабаб, коммуникатив методларни ривожланиши ва анъанавий методларнинг аҳамияти сусайиши натижасида ушбу турдаги машқлар таснифи ўз долзарблигини йўқота бошлади. Бу ҳолат, бизнинг фикримизча, тил ўқитишда ўрганувчиларнинг тил аспектларига доир билимлари шакллантириши ва ривожлантириши доминант мақсад сифатида белгиланилиб, нутқий кўникмаларни фаоллаштириш, қайсидир маънода воситачи сифатида ҳизмат қилган. Ўқув дастурларда эса грамматик ва лексик мавзуларнинг осондан қийинга қаратилган тартибда тузилиши тажрибаси оммалашган. Ўрганувчиларнинг нутқий, касбий ёки академик мулоқот эхтиёжлари диққат эътибордан четда қолган ёки бўлмаса ҳал қилувчи кучга эга бўлмаган. Табиийки, бу

ўрганувчиларнинг, хусусан олий таълим муассасаларида дарслар самарадорлигини оширишга беқиёс ҳисса қўша олувчи талабаларининг хорижий тилларни ўзлаштириш мотивациясида регрессив динамикага сабаб бўлди.

Демак, талабаларга инглиз тилида мулоқотни ўргатиш учун уларда айни мулоқотга бўлган эҳтиёжни пайдо қилиш орқали тегишли мотивларни қўзғатиш, натижада нутқий машқларни ҳаётий ҳолатларда бажарилишига ҳамда материални психологик омилларнинг шаклланиши воситасида, англанган ҳолда ўзлаштирилишига эришиш лозим. Коммуникатив машқларнинг бажарилишида талабаларда нутқий фаолият юритиш (коммуникатив) мотивациясидан фойдаланиш кўплаб тадқиқотчилар диққат марказида турган масала ҳисобланади.

Коммуникатив машқларни Е.И.Пассов ўз ишларида, ҳаётий нутқий мулоқот шарт-шароитини юзага келтирувчи ва иммитация қилувчи, мотивацион таъминот ва ҳолатга таянганлик талабларига жавоб берувчи машқлар [1] сифатида таърифлагани бежиз эмас. Улар, авваламбор ўқув жараёнида нутқий фаолиятнинг фаоллашувини таъминлаб бериш билан бир қаторда, талабаларнинг тилдан, унинг биринчи мақсади бўлган мулоқот олиб бориш воситаси сифатида фойдаланиш орқали эҳтиёжларини қондириш имкониятини яратиб беради.

Коммуникатив машқлар талабаларни турли комуникация турларидан мулоқот воситасида фойдаланишга ва уларни белгиланган ижтимоий ва маданий муҳитда ўзаро алоқага чиқишга ундайди. Машқларни бажаришга мотив сифатида талабалардаги табиий мулоқотга бўлган эҳтиёж хизмат қилади. [6] Ўрганувчининг ҳаётий ва касбий эҳтиёжларга мос равишда тил ўқитиш дарслардаги мотивацион таъминотнинг дастлабки талабаларидан бири эканлиги ҳақида ишимизнинг биринчи бобида сўз юритганмиз.

Шу боис ишимизда айнан коммуникатив машқлар типологияси ҳақида сўз юритишни жоиз деб билдик. Рус олимларидан С.Ф. Шатилов ўз ишларида уч турдаги машқларни таклиф этган бўлиб, уларнинг барчаси ҳам коммуникатив характерга эга бўлмаган. Унинг таснифига кўра тил ўқитишда фойдаланиладиган машқлар, тил аспектларини ўрганишга қаратилган *коммуникатив бўлмаган,* грамматик, лексик ва/ёки фонетик ходисаларни табиий мулоқотни иммитация қилиш орқали тренировка қилиш билан амалга оширилувчи *шартли (ўқув)-коммуникатив* ҳамда нутқ фаолияти турларидан табиий холатда фойдаланиш орқали коммуникатив кўникма ва малакаларни ривожлантиришга қаратилган *коммуникатив* машқлардан иборатдир [7]. Муалиф таклиф этган таснифлаш тўлиқ коммуникатив машқлардан ташкил этмаса-да, унинг учинчи турида коммуникатив компетенцияни ривожлантиришни мақсад қилиб олиш аломатлари кузатилади.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида Е.И. Пассов ва унинг сафдошлари, ўша пайтлар хорижий тиллларни ўқитишда собиқ совет итфоқи ҳудудида анъанавий ҳисобланган, тил аспектларига асосланган машқлардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ва уларни ўрнига нутқ фаолияти турларини ривожлантиришга қаратилган машқларнинг самарадорлиги юқорироқ деган хулосага келишган. Инглиз тилини ўқитишда кўникма ва малакаларни ривожлантириш масаласида кўплаб ишлар олиб борилган бўлиб, биз бу масалани ёритишни четлаб ўтган ҳолда, тил кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ва нутқий характерга эга машқлар ҳақида сўз юритамиз. Шу борада Е. И. Пассов тубдан анъанавий машқлардан фарқ қилувчи, лекин шундай бўлса-да С.Ф. Шатиловнинг таснифидаги шартли-коммуникатив ва коммуникатив машқлари билан моҳиятан бир хил характерга эга *шартли-нутқий* ва *нутқий* машқларни таклиф этган. Муаллиф ўз таснифида, С.Ф. Шатиловдан фарқли ўлароқ, тил машқларидан тўлиқ воз кечган.

Е.И. Пассовнинг тил ўқитишдаги нутқий машқларнинг аҳамияти катта эканлиги ҳақидаги фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ деб ҳисоблаймиз. Тўхталиб ўтиш лозимки айни нутқий машқларни амалга ошириш орқали тил ўзлаштириш жараёни, табиатан инсонларнинг онгида “программалаштирилган” мулоқот қилишга ўрганиш, яъни она (биринчи) тилни ўрганиш жараёнига қиёсланади. Ҳар бир бола ўз тилини атроф-муҳитдаги мулоқот жараёнини кузатиш, тақлид қилиш ва онгсиз равишда такрорлаш орқали ўрганади. Бу механизмнинг ҳам ўз кетма-кетлигига ва динамикасига эгалиги соҳа мутахасисслари томонидан исботланган. Нутқий машқларни дарсларда талабалар эҳтиёжига мос равишда қайта-қайта такрорланиши ўрганувчиларда ана шу механизмнинг фаоллашувига олиб келади ва унинг онгли характерга эгалиги тил эгаллаш қанчалик тез амалага ошишини белгилаб беради. Ўрганувчи машқни қанчалик онгли равишда бажариаётгани, яъни ўз эҳтиёжларини англаши, уларни қондиришга қаратилган аниқ мотивларнинг уйғониши, олдинга қўйилган мақсадни амалга оширишга етарли мотивацияни юзага келтиради.

Машқлар таснифи борасида иш олиб борган Ўзбекистон олимларидан бири М. Джусупов ҳам масалага ўз нуқтаи назаридан ёндашган ва қуйидаги машқлар турларини таклиф этган:

а) тил тизими ҳақидаги билимларни шакллантиришга қаратилган;

б) тил динамикаси ҳақидаги билимларни шакллантиришга қаратилган;

в) нутқ фаолияти ҳақидаги билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган машқлар [3].

М. Джусупов ўз ишида машқ сўзи билан бир қаторда вазифа сўзидан фойдаланганлига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу уша пайтларда ғарбий давлатларда нутқий машқларни вазифа деб атала бошланиши тенденциясининг бизнинг ўлкамизда акс эта бошланганлигини кўрсатиб туради. Ғарбий тил ўқитиш тизимидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон хорижий тиллар ўқитиш тизимида “машқ” концепти, ғарбий мамлакатлар тил ўқитиш методикасида фойдаланиладиган нокоммуникатив ҳисобланган – “exercise”, коммуникатив методларни акс эттирувчи – “task” ва “activity” тушунчалари ҳусусиятларини ўз ичига олган холда сақланганлигини таъкидлашимиз мумкин. М. Джусупов ҳам ўз таснифининг коммуникатив йўналтирилганлигини изоҳлаб, “тил коммуникациясининг кўп функционал тушунчасига” асосланганлигини таъкидлаб ўтган [4].

Бизнинг фикримизча талабаларнинг мотивацияларини шакллантириш ва ривожлантиришда катта аҳамият касб этадиган машқлар таснифи В.А. Бухбиндернинг уч типдаги машқлари бўлиб, уларга муаллиф томонидан қуйидагилар киритилади:

информацион;

операцион;

мотивацион машқлар [2].

В.А. Бухбиндер бу таснифланишни, биринчи босқичда – тил материали ўрганувчилар томонидан англаниши, яъни керакли маълумотнинг чуқур ҳис қилиниши; иккинчи босқичда – автоматизмни ривожлантирилиши, яни материал нутқий фаолиятда фойдаланилиши ва учинчи босқичда – нутқий кўникмаларнинг ривожланиши билан асослаган.

Тахминимизча, ушбу машқ турлари белгиланган ўқув мақсадларга қаратилганлиги билан коммуникатив компетенцияни шакллантиришда ҳам қўл келади ва шу билан бирга, дарслар давомида мотивацион таъминотни амалга оширишда ўқитувчилар учун қулай кўрсатма сифатида фойдаланиши мумкин. Ушбу машқ турлари юқорида келтирилган тартибда бўлиши машқларнинг тизимлилигини таъминлайди.

Машқ иборасининг онгли равишда замонавий чет тилларини ўқитиш тизимида сақланиши ва унинг инглиз тилидаги турли эквивалентлари моҳиятини ўз ичига олишини яна бир бор таъкидлаган холда, машқларга қўйиладиган яна бир талаб: уларнинг тизимлилиги ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Машқ ҳар доим қандайдир фаолиятни бажариш йўлини такомиллаштиришга қаратилганлиги, унинг турли усулларда, мунтазам такрорланиб турилиши зарурлигини белгилаб беради.

Ҳозирги кунда, инглиз тили ўқитишнинг коммуникатив характерга эгалигини инобатга олсак, тақдим этиладиган машқлар тизимининг тўртта нутқ фаолияти турларини ривожлантиришга қаратилганлигини кузатишимиз мумкин. Буларга гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзув киритилган бўлиб, янги авлод дарсликларининг барчаси айни шу нутқ фаолияти турларини комплекс ёки алоҳида ривожлантиришга қаратилган. Бунда машқлар интегратив методлар воситасида бир-бирига интеграциялашган холда ўқитилиши ва алоҳида танланган кўникма ва/ёки малака доминант ўринда келиб ўқитилиши мумкин.

Нутқ фаолияти турларини (НФТ) ривожлантиришга қаратилган машқларнинг яна бир аҳамиятли тарафи бу тематик матнлардан фойдаланилишидир. Матнлар асосан рецептив (Р) нутқ фаоллияти тури ҳисобланган ўқиш ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантиришда фойдаланади. Бу борада ўқитишда продуктив (П) НФТларининг рецептив НФТлари билан жуфтлик ҳосил қилишини ёдга олишимиз лозим. Яъни, ёзув (П) ўқиш (Р) орқали, гапириш (П) тинглаш (Р) орқали ўқитилиши ҳам рецептив ҳам продуктив НФТларини ўқитишда матнлардан фойдаланиш мумкинлигини белгилаб беради.

Матнлар билан ишлаш эса ўзининг босқичларига эга бўлиб, улар машқлар комплексини хосил қилади. Бу комплексга матн билан ишлашда фойдаланиладиган *матн олди*, *матн билан бажариладиган*, *матндан кейинги* машқларни киритишимиз мумкин. Бу турдаги машқлар ҳақида, юридик таълим йўналиши талабаларининг рецептив лексик кўникмаларини шакллантиришга бағишланган ишида Ўзбекистонлик тадқиқотчи В.И. Нормуродова тўхталиб ўтган [5].

Нофилологик ОТМларида инглиз тили ўқитишда машқлар тизими талабалар коммуникатив компетенцияларини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Талабаларнинг хорижий тилларни ўзлаштириш мотивациясини шакллантириш ва ривожлантириш, ҳамда уни бутун ўқув жараёни даврида тегишли даражада сақлашда машқлар тизимининг аҳамияти беқиёс. Айнан дарсларда ва дарсдан ташқари вазифаларда фойдаланиладиган машқлар талабаларнинг нутқий ва когнитив фаолиятини ишга солади ва талабаларнинг аксариятига хос бўлган “юқори малакали мутахассис булиш” истагига таянган

мотивларини тўғри йўналтирилган ҳолда ўқув фаолияти, хусусан инглиз тилини ўзлаштириш мотивацияларини шакллантира олади.

Машқлар тизимини ишлаб чиқишга бағишланган қатор ўзбекистонлик ва хорижий олимларнинг ишлари маълум (М.Джусупов, Т.Саттаров, Ж.Жалолов, Л.Т. Ахмедова, В.И. Нормуратова, Э.Г. Азимов, В.А. Бухбиндер, А.Н.Шукин, Е.И.Пассов, И.В.Рахманов ва б.). Таклиф этилаётган машқлар тизимини ишлаб чиқиш даврида биз машқ яратишнинг умумий дидактик тамойиллари билан бир қаторда, талабаларнинг коммуникатив компетенцияларини ва уларнинг мотивациясини шакллантириш ва ривожлантириш тамойилларига ҳам таяндик. Машқлар ўрганувчиларнинг инглиз тилидаги рецептив ва продуктив нутқий кўникмаларини ривожлантиришга қартилган бўлиб, уларни яратишда қуйидаги тамойилларга таянилди:

Машқларнинг касбий ва ҳаётий ҳолатларга мос бўлиши (аутентик ҳолатлар) – холатлардаги элементларнинг юридик соҳасига ва талабаларнинг ижтимоий ва илмий ҳаётига мос бўлиши;

Осонроқ материаллардан бошлаб қийинроқ материалларга ўтиш – таниш маълумотларни нотанишларига улаш.

Дарсларда ва дарсдан ташқари мустақил вазифаларни бажарилишини ташкиллаштириш.

Дарсларда нутқ фаолияти турларининг интерактив равишда ўзлаштирилишини таъминлаш.

Талабаларнининг рецептив ва продуктив кўникмаларини ривожлантириш инглиз тилини ўқитишнинг асосий вазифаси ҳисобланса-да, бу жараённинг самарали бўлишида мотивацион омилларнинг инобатга олиниши муҳим педагогик тамойил ҳисобланади. Инглиз тилини ўқитишда талабаларнинг мотивациясини шакллантириш ва/ёки ривожлантиришда материални ўқитишдан кўзланган мақсадларнинг аниқ қўйилиши ва улар талабаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларига мос бўлиши ва шу тариқа улар томонидан мақсадлар аниқ ҳис этилиши муҳим аҳамият касб этилиши ҳақида аввалги ишларимизда сўз юритганмиз. Коммуникатив компетенцияни ривожлантиришга қаратилган машқлар, бор йўғи “машқ қилиш” учунгина бажарилиши эмас, балки талабаларда коммуникатив мотивларни ва шу орқали ўқув мотивларини уйғотиш хусусиятига эга бўлиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, машқларнинг талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштириш мотивациясига ижобий таъсирини таъминлаш мақсадида қуйидаги тамойилларга таянилди:

Талабаларда кичик ютуқлардан қониқиш ҳиссини уйғотувчи ва муваффақиятсизликдан кўрқув ҳиссини сусайтирувчи ҳолатларни яратиш – асосий демотиваторларни бартараф этиш;

Инглиз тилини ўзлаштириш фаолиятига ижобий муносабатни шакллантириш ва/ёки ривожлантириш. Бунда ўқув фаолияти самарадорлигини таъминловчи ўз-ўзини баҳолаш тамойилларига асосланиш;

Ўқитишнинг коллектив турларини ташкил этиш. Шу орқали талабаларнинг ижтимоий мотивларига таъсир этиб уларни секин-аста ўқув мотивациясига кўчишига ва сўнг ўз-ўзини такомиллаштиришга қаратилган мотивациянинг уйғонишига эришиш. Бу борада талабалар дарсларда катта ва кичик гуруҳларда ишлаши ва вазифаларни англаб сўнг (дарсдан ташқари ҳам) мустақил равишда индивидуал машқларни бажариши мақсад қилинади.

Белгиланган тамойил ва талаблардан келиб чиқиб, нофилологик йўналиш талабаларининг инглиз тилини ўзлаштириш мотивацияларини шакллантириш ва ривожлантиришга қартилган тўрт босқичли машқлар тизимини таклиф этамиз: *тайёрловчи, информацион, операцион ва такомиллаштирувчи* (қ. расм*).

*Тайёрловчи машқлар*нинг мақсади ва вазифаси талабаларда ҳар қандай мотивация тизмининг энг асосий таркибий қисми ҳисобланган қизиқиш, хусусан талабаларнинг мавзуга қизиқишини шакллантиришга қаратилган бўлиб, бу орқали аудиторияда ижобий ижтимоий муҳитни пайдо қилишга эришиш кўзда тутилган. Машқларни бажаришга бутун гуруҳ жалб этилиб, коллектив равишда муҳокама қилиш билан амалга оширилади. Машқлар асосан мотивацион хусусиятга эга бўлиб, кўпроқ талабаларда барча инсонларга хос бўлган қизиқишни уйғотишга қаратилган. Машқлар аксар ҳолларда талаба ёшидагиларнинг ҳаёти ва фаолиятига мос ҳар қандай кўргазмали материаллар, иллюстрациялар, видео, расм, фотолардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бу турдаги машқларни бажаришда бирор бир саҳна кўриниши ёки имо-ишоралар ва бошқа ноанъанавий маълумот узатиш усулларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Танланган материаллар дарс мақсадига, ўтиладиган мавзу, ўзлаштирилиши керак бўлган материалга мос бўлиши, ҳамда ўрганувчиларга маълум бўлган умумбашарий маълумотлар янги, англаниши керак бўлган маълумотларга уланиб тақдим этилиши лозим. Ўқитувчиниг вазифаси талабаларда ушбу материаллар орқали уларнинг ҳаётига боғлаган ҳолда мавзуга қизиқиш уйғотиш ва тегишли йўналиш, савол, кўрсатма ва ҳк. орқали дарс жараёнида жонланишга эришиш.




*Расм * Инглиз тили ўқитишда нофилологик йўналиш талабаларининг мотивациясини ривожлантирувчи машқлар тизими*

Натижада талабаларда дарс мавзусига қизиқиш уйғотилади ва муваффақиятсизликдан қўркув ҳиссини коллектив амалиёт билан сусайтиришга эришилади. Коллектив равишда тақдим этилаётган материалларни англаш талабаларда кичик ютуқлардан қониқиш ҳисини уйғотади.

*Информацион машқларнинг* дидактик тамойиллари В.А. Бухбиндер таклиф этган чет тили ўқитишга мўлжалланган машқлар классификацияси: информацион, операцион ва мотивацион машқлар тизимининг [2] биринчи босқичида кўзда тутилган тамойиллар билан бир хил бўлиб, унда ўрганувчилар томонидан дарс мақсадларига эришишни кўзда тутадиган материалларни англаш ва ўзлаштиришни кўзда тутади. Бу босқичда тил ва нутқий компетенцияни оширишга қаратилган машқлар тақдим этилади.

Иккинчи босқичнинг мотивацион мақсади сифатида талабаларга кўпроқ хос бўлган ташқи ижтимоий мотивацияни уйғотиш ва гуруҳларда ишлаш орқати коммуникатив мотивларни табиий юзага келишига эришиш. Талабалар гуруҳ орқали тақдим этилаётган материалларни англайди ва ўз навбатида яна бир бор муваффақиятсизликдан қочиш ва кичик ютуқлардан қониқиш мотивларига эришади.

Ўқитувчининг вазифаси талабалардаги салбий (муваффақиятсизликдан қочиш) мотивларни секин аста ижобий (муваффақиятга эришиш) мотивларига айлантириш.

*Операцион машқлар*дан кўзланган дидактик мақсад, яна бир бор В. А. Бухбиндер классификациясининг худди шу номли машқлар комплексига мос равишда, талабаларга коммуникатив компетенцияни оширишга қаратилган машқлар орқали тегишли кўникмани шакллантириш ва ривожлантириш. Машқлар кичик гуруҳларда, жуфт-жуфт равишда бажарилади. Якка тартибда бажарилиши лозим бўлган машқлар ҳам жамоавий назорат қилинади.

Бу босқичнинг мотивацион таъминоти – талабаларда юзага келган коммуникатив мотивларни ривожлантириш орқали материални ўзлаштиришга қаратилган ўқув (билиш) мотивларига айланишига эришиш. Бунда талабалар машқларни бажариш орқали берилаётган нутқий ёки тил материалларини

амалиётда синаш орқали англаш ва шу билан бирга уни тўлиқ эгаллашга қаратилган ўқув мотивациясини шакллантирадилар.

Ўқитувчи томонидан жараён тўғри йўналтирилган холда талабаларни ўқув фаолиятига чуқурроқ сингишларига эришиш талаб этилади.

*Такомиллаштирувчи машқлар*нинг дидактик моҳияти, Ж. Жалолов таклиф этган чет тили ўқитишда қўлланиладиган машқлар классификациясининг шу номли машқлар турига хос равишда, ўзлаштирилган тил ва нутқий кўникмаларни ривожлантиришдир. Нутқий ва тил машқлари якка тартибда бажарилади. Дарсларда ва дарсдан ташқари, уй вазифаси сифатида амалга оширилиши ва талаба ёки ўқитувчи томонидан қай даражада бажарилганлигини назорат ва таҳлил қилиниши кўзда тутилган.

Босқичнинг мотивацион таъминотига талабаларнинг ўқув мотивларининг ўз-ўзини такомиллаштириш мотивларига айланиши ва олинган билим ва кўникмаларни мустақил равишда такомиллаштириш орқали ички мотивациянинг уйғонишига эришиш.

Нофилологик таълим йўналиши талабларининг хорижий тилларни ўзлаштириш мотивацисини ривожлантиришга қаратилган машқлар тизими Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети ҳамда Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университети ҳуқуқ йўналиши талабларига инглиз тили ўқитиш дарсларида, белгиланган тартибда тажриба-синовдан ўтказилганлиги ва натижада талабаларнинг мотивацион холати билан бир қаторда инглиз тили фанидан билим кўникмаларининг ривожланишида ижобий динамиканинг қайд этилиши ишнинг амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Хулоса сифатида шуни қайд этишимиз мумкинки, талабаларга, ҳусусан нофилологик таълим йўналиши талабаларига хорижий тилларни ўқитишда мотивацион таъминотнинг инобатга олиниши, шубҳасиз, давлат стандартлари томонидан белгиланган талаблар ҳамда нофилологик ОТМларида мавжуд ўқув соатлари етишмаслиги, кириш имтиҳонларида хорижий тилдан тест синовлари йўқлиги, нофилологик йўналиш талабларининг хорижий тил фанини иккиламчи фан сифатида баҳолашлари, ўқитиш воситаларининг етишмаслиги каби омиллар натижасида келиб чиқадиган дарслар самарадорлигини пасайиши муаммосини бартараф этишда қўл келади.

**Адабиётлар**

1. Ахмедова М. Х. Типология упражнений для развития речи на неродном языке // Молодой ученый. — 2016. — №1. — С. 687-689. — URL https://moluch.ru/archive/105/23502/

2. Бухбиндер В. А. О системе упражнений // Общая методика обучения иностранным языкам: хрестоматия. М., 1991. С. 92–99.

3. Джусупов. М. Звуковые системы русского и казахского языков. Слог. Интерференция. Обучение произношению. – Т.: Фан, 1991. – 240 с.

4. Джусупов М. Обучение русскому произношению студентов-казахов при изучении курса фонетики современного русского языка // дисс. ....канд. Пед. наук – Ташкент, 1982

5. Нормуратова В.И. Формирование рецептивных лексических навыков к студентов-юристов – дисс.... канд. Пед. наук – Ташкент, 2008.

6. Шамов А.Н. Методика обучения иностранным языкам: практикум – Ростов на Дону: Феникс, 2017. – 269 с. – (Высшее образование).

7. Шатилов С.Ф. Обучение немецкому языку в средней школе. – Москва: Просвещение, 1986.

8. Rod Ellis 2003. Task-based Language Learning and Teaching. Oxford University Press.

9. Edwards C. and J. Willis 2005. Teachers Exploring Tasks in ELT. Palgrave MacMillan. British Council ELT Innovations Award 2006





**Khakim KULDOSHEV**
Tashkent University of Information Technologies named after Mohammad al – Khwarizmi

**Gulzakhiryam ABLIZOVA**
the senior techer of the Department information technologies, UzSWLU.

**Zulfiniso MURODILLOYEVA**
**Mathematics teacher at school 175 Mirabad district of Tashkent**

# THE IMPORTANCE OF APPLYING THE LMS MOODLE SYSTEM TO THE ONLINE EDUCATION

*Maqola O'zbekistondagi oliy o'quv yurtlari va barcha ta'lim muassasalari o'qitish tizimida bugungi kunda joriy qilinayotgan masofaviy ta'lim va uning pedagogik-metodologik asoslarini o'rganishga bag'ishlangan bo'lib, shu bilan bir qatorda, masofaviy ta'lim- LMS Moodle tizimini ta'limga joriy qilishni yanada takomillashtirish to'g'risidagi usul, uslub va qonunlar tizimi va ularning tahlilini o'z ichiga olgan.*

***Tayanch so'zlar:*** *Moodle, milliy dastur, masofaviy ta'lim (o'qitish), axborot texnologiyalari, standartlashtirilgan ta'lim, ilg'or texnologiyalar, ta'lim tizimi, mashqlar*

*Статья посвящена дистанционному обучению и его педагогическо-методологическим принципам, которые реализуются в системе высшего образования, включая другие виды учебных заведений в Узбекистане. Это включает в себя набор методов, стилей и правил, которые были приняты в системе образования, чтобы получить дальнейшего развития и анализа.*

***Ключевые слова:*** *MOODLE, национальная программа, дистанционное обучение (образование), информационные технологии, стандартизированные образование, передовые технологии, система образования, задачи.*

*The article is devoted to the distance learning and its pedagogical-methodological principles that are being implemented in higher education as well as all the other types of educational establishments in Uzbekistan. It involves set of methods, styles and rules that have been adopted in the education system in order to obtain further development, and their analysis.*

***Key words:*** *MOODLE, national program, distance learning (education), information technology, standardized education, advanced technology, the education system, tasks.*

In the last decades, the world has changed its attitude towards all fields of life and elements of learning too. In Uzbekistan, throughout all regions, recent advances in technology are enabling education establishments to use innovative combinations of audio, video and computers to radically expand traditional definitions of both "the classroom" and "distance learning". In the past "degrees by mail" were often considered to be of questionable validity. Today, new technologies and approaches have brought distance education into the mainstream of higher education and it has permeated into the national education system as one of the standardized types of learning.

**The main section**

Distance learning is the creation of an educational environment, which includes computer and information tools, where the communication between trainees and the teacher takes place through telecommunication channels. So, what are the positive aspects of such distance classes? First of all, of course, it should be noted that this type of training enables students to get knowledge from famous professors who teach at the head university and therefore do not always have the opportunity to come to Tashkent and lecture. It would be worthwhile to note the

attitude of students towards this type of training: since this is a new system, the student perceives it with more seriousness and attends lectures with great interest.

The distant lessons itself is not much different from the standard lessons , except that the teacher is on the screen, and not in front of the students. After the connection is established, the presentation of the teacher is launched on the screen, a window with remote video transmission is placed in one corner and the teacher conducts his presentation by means of remote computer control.

Distance learning opens up wide opportunities in the educational system. For example, it provides an opportunity to get education for people with disabilities who do not have the opportunity to attend universities. Also, this system can be used to organize training in remote areas of our Republic.

It provides an opportunity to gain knowledge of wide sections of the population geographically remote from major cities or educational centers. Distance learning also allows one teacher to train a large number of students and conduct knowledge control through tests.

Distance education is a comfortable and independent way of teaching and learning by means of the Internet. Independent way of learning develops one’s critical thinking as well as functional skills such as giving feedback, drawing appropriate conclusions, evaluating, predicting, inferring and so on. This form of teaching is more riveting as well as entertaining. For example, students or learners can chat or share ideas with each other on free topics. Furthermore, they can learn and communicate by means of different authentic materials that are useful for academic as well as life experiences.

Because it is an independent way of studying, distance education gives learners an opportunity of choosing and appointing time on their own. By means of virtual tests, a teacher can identify the student’s level of progress on the subject. As soon as the student finishes the program successfully, he/she is awarded the certificate of excellence in the subject along with the competence in Information Technology skills.

The increase in the use of technology for higher education distance learning results from a combination of student needs university interest and political support. For students, distance-learning technology enables those in remote areas and work schedules that do not match with class times to receive courses and needed information. For university, an interest in technology can be combined with their interest in their academic field. Many politicians see the new distance learning technologies as essential to higher education meeting the needs of their area. Some university administrators believe that in order to retain the number of students needed to make university viable, distance courses must be offered via technology. With this broad base of support, it is clear that some form of the marriage of technology and distance learning is here to stay. As higher education, embraces and implements new distance technology, if the methodology is to be as effective as it can be.




Today, Moodle is used by organizations of all shapes and sizes and in sectors beyond education. Moodle – is an online course management.




Below is three benefits of Moodle LMS:

The training management system Moodle (Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment) is a software for distance learning and autonomous learning.The Moodle Learning Management System is used all over the world, almast by 100 countries and translated into 200 languages, primarily due to the flexibility and functionality of the development and use of teaching methods of materials. Moodle gives a chance to solve current tasks which are aimed at developing job-related communicative competence of modern specialists.

One of the most noticeable peculiarities of Moodle is the fact that e-materials are starting to be advanced on every academic subject. In other words, e-materials play a significant role in enhancing the educational process

and improving the quality of education. In distance education, a variety of audio-visual, online and e-materials are utilized.



**Moodle is open Source and free**

- Because it is an open source software distributed under the GNU General Public License. In less technical terms, this means that users and organizations have the freedom to run, study, shareand modify the software to need their unique needs.



**Moodle is supported by a Global Community**

- One of the reasons why Moodle is the world's best LMS is because it supported by a global community of developers. A large benefit of open source software is that the code is open for scrutiny. This means that developers from all over the world can access the code and modify it so that it is more secure.



**Moodle is Configurable, Highly -flexible and feature-rich**

- The leading reason why organizations love Moodle is largely because it is configurable, highly -flexible and feature-rich. On top of being able to modify Moodle's Plugins that allow you to configure Moodle so it performs just the way you like.

Materials include the necessary and important information for learners based on the topics covered during the lessons. In addition, progress check and continuous assessment are included in materials. Moodle as the program meeting the requirements of both teachers and students, differs from other academic programs with its great capacity of useful and mandatory materials on activities, tasks, exercises, tests, quizzes and supplements. Moodle can be activated by means of the programs such as MS Word, Page Maker, Corel Draw and others.

Designing e-materials can be considered the productive way of using and implementing multimedia and information technologies in classes. E-materials are discernible owing to the fact that they provide the capability of storage and direct/indirect transmission. That is, e-materials can be stored for a long time and used when needed since they are presented in the forms of a text, graphics or audio-videos.

Programming provision of e-materials include Media Director and Tool Book, that help teachers, publish their e-materials in impressive and productive forms.

Online courses are one of the most important ways of teaching and learning. As the essential base of access to Internet materials, WWW provides teachers and students with the information asked for on different subjects as well as on different topics. WWW is able to access optional hypermedia, multimedia and information storage. With the help of online courses, the access to the information desired at any time or in any space meets the teacher's needs of controlling academic progress and study.

Moodle has been regarded as the productive way of teaching and learning. Nevertheless, the analysis of its disadvantages along with its advantages is very significant.

The advantages of this educational system can be presented in the following way: Firstly, distance education has advanced different ways of successful teaching. Secondly, making scientific potential inherent in education system proves to be essential and effective in Uzbekistan. Thirdly, the unique methodology of teaching is created in the Republic. Fourthly, sharing scientific and academic information in the field of teaching accelerates. Finally, financial saving is realized.

The drawbacks are: Firstly, complete didactic rules and laws of distance education have not been created yet. Secondly, it is impossible to completely control the distance learners' behavior and state. Thirdly, there is not any evidence of emotional contact between the teacher and the student.

Despite the above-mentioned shortcomings of distance learning, we believe that it will turn the teaching and learning situation into the greatest and most advanced phase of academic life.

One of the topical issues of distance learning is the way the objectives of online lessons are realized. Objectives of such lessons should be based on certain didactic and pedagogical rules and regulations. For example, the information learners get must be concise and true. The true character of scientific information is significant. Besides, information must be characterized with its capability of stimulating learners' critical thinking.

Nowadays, using test technologies based on computer technologies have proved to be effective and easy. Virtual tests not only help teachers assess learners' knowledge and skills objectively, but also reinforce the results of their academic progress.

Being effective as well as productive, tests are diverse and various. The following types of tests have proved to be more essential and efficient in testing learners' progress and achievements:

- Yes/No/True/False/Not Given tests. To answer questions of this type of tests, learners or test takers have to be aware of characteristics or features of a particular object covered in the academic curriculum of the educational institution or educational space, i.e. Internet-based distance learning.
- Multiple Matching. This is a type of the test, which has many similar options or answers. The correct choice of the answers, matching definitions, descriptions and so on is important.
- Comparison and Contrast tests. In this form of the test, learners or students have to find similar or different features typical of general or specific characters.
- Multiple-choice tests. Questions are based upon the variants available in each number. One of the answers in indicated variants or numbers is usually correct. In case learners have to choose two/three options or variants, they are instructed to do so in the test or on the computer screen.
- Short answer questions. In short, answer questions, students are asked questions, but answers are not shown on the test paper or computer screen. They have to write a correct answer to the question. Besides, they have to be careful of making spelling mistakes in such tests.
- Filling in gaps/Cloze tests. Various types of information, i.e. texts, application forms, graphics, pictures, etc. are omitted. Students are asked to fill in the gaps with the necessary word or phrase to complete the statements in a logically correct form.







- Aptitude tests. Students are asked to answer different types of questions in a form of gap or multiple, etc. choice. The objective of conducting such tests is to know how the students are aware of the basic features or terms of the subject they are studying or going to study.
- Essay tests. The tasks of essay tests can differentiate according to the requirements of the educational institutions, where students are studying or going to study. For example, students may be asked to write on different topics according to the purpose of study. There are many types of essays, i.e. comparison-contrast essays, cause and effect essays, definition essays, opinion essays, argumentative essays, for and against essays, problem-solution essays and many others.

The Moodle system offers learners many opportunities i.e. it encourages them not only to study but also to improve personal, interpersonal, communicative as well as academic study skills. The use of various authentic materials and tests contribute to stimulating learner's active interest and involvement in the subject he/she is studying. Though Internet-based authentic e-materials are advancing students' capacity of knowledge and outlook, we should take the shortcomings available in the teaching and learning processes into consideration, too. That is, it is important that teachers should pay their particular attention to publishing high quality and engaging materials for students.







In our consideration, the following feedbacks and analysis will be of great assistance in improving and enhancing the quality of designed materials and tests in the education system.

According to the feedbacks of the scholars, such as Tomlinson and Nunan:

- Study materials must have their positive impact on

the learner.

- Study materials must be comfortable as well as easy to comprehend.
- Study materials must stimulate learner's sense of self-confidence and freedom.
- Learner's abilities and capacities must be taken into account in the teaching process.
- The level of learner's involvement and contribution must be taken into consideration.
- There must be a communicative aim of each lesson. It must be reflected in the materials.
- Different methods and techniques of teaching and learning must be presented in materials.
- The instructions of the materials should be short, but understandable.
- Materials must stimulate interpersonal communication.
- The further objective of materials must be being able to put the knowledge gained at lessons into real life practice.
- Study materials must include precise and correct ways of presenting lexis, grammatical structure or communication existing in real written and spoken discourse.
- Materials must stimulate and develop learner's self-evaluation, self-progress check, self-control, self-confidence and effective collaborative-communicative skills.

In a nutshell, there are many topical tasks and activities that both teachers and education leaders have to do and consider in terms of enhancing the quality of distance learning as the basic advanced form of modern education.

Distance learning also represents the challenge and tool for improving and promoting educational process in our Uzbekistan and it is one of fundaments for new and better knowledge governing forms. The intensive introduction of information technologies into the educational processes has become a priority of modern institutions of high education throughout the world.

**Conclusion**

To conclude, we can say that distance learning or online-based education "Moodle" has caused many changes to be introduced and implemented in the advancing process of national and international education system. We strongly believe that the results presented in today's Moodle program will be considerably more successful and effective in the future, as a result of which, both national and international education system will further their complete and unique system of advanced online education.

In nearest future universities will offer online courses, degrees and post-degree continuing education programs in many locations including off-campus centers, elementary, middle and secondary schools and learners' homes. We would like to say that information technologies have a huge impact on human life and their introduction into the educational system is caused by everyday necessity. In our life, computers, high-speed access to the World Wide Web and technical multimedia capabilities were easy to enter. It would be inexcusable not to use with maximum efficiency what literally "lies underfoot."

**References:**

1. Arthur Hughes. Testing for Language Teachers, Cambridge University, 2003.
2. Douglas Brown. Teaching by Principles, San Fransisco University, 2007.
3. А.М.Анисимов Работа в системе дистанционного обучения Moodle (2-е издание, 2009).
4. Bonnie Tensen, E-Learning Specialist. Пособие-путеводитель по документации Moodle 2.5. May 29, 2014.
5. Site MoodleDocs – http://docs.moodle.org/ru



**Extiyor ATOYEV**
Buxoro muhandislik texnologiya instituti
tabiiy fanlar kafedrasi dotsenti

# EKOLOGIK MUAMMOLARNING KELIB CHIQISHI VA ULARNING ATROF-MUHITGA TA'SIRI

*Maqolada ekologik muammolarning kelib chiqishi va uning atrof-muhitga ta'siri xususida fikr bayon etilgan. O'z navbatida atmosfera erga namlik beradi, tovush o'tkazadi, hayotbaxsh oksigen tashiydi. U moddalar almashinuvi jarayoniga, hayvonot dunyosi va odam organizmida kechadigan issiqlik almashinuviga hamda fiziologik jarayonlariga o'z ta'sirini ko'rsatadi. Shu boisdan ham, atmosferada sodir bo'ladigan fizik, kimyoviy va biologik o'zgarishlar tirik organizmlarga, shu jumladan, inson sohligiga o'z ta'sirini ko'rsatishi mumkin.*

***Kalit so'zlar:*** *ekologiya, havo, atmosfera, azot, kislorod, kimyo sanoati, biosfera.*

*В статье изложено мнение о возникновении экологических проблем и их влиянии на окружающую среду. В свою очередь, атмосфера дает влагу на Землю, передает звук, переносит жизнеспособный кислород. Он оказывает свое влияние на процесс обмена веществ, теплообмен, происходящий в животном мире и организме человека, а также на физиологические процессы. Поэтому физические, химические и биологические изменения, происходящие в атмосфере, могут оказывать свое влияние на живые организмы, в том числе на человеческую отрасль.*

***Ключевые слова:*** *экология, воздух, атмосфера, азот, кислород, химическая промышленность, биосфера.*

*The article presents the opinion on the emergence of environmental problems and their impact on the environment. In turn, the atmosphere gives moisture to the Ground, transmits sound, carries viable oxygen. It has an impact on the metabolism, heat exchange occurring in the animal world and the human body, as well as physiological processes. Therefore, physical, chemical and biological changes occurring in the atmosphere can have an impact on living organisms, including the human industry.*

***Key words:*** *ecology, air, atmosphere, nitrogen, oxygen, chemical industry, biosphere.*

Atmosfera havosi yerning ustki qismini o'rab olgan gazli qavat bo'lib, tabiiy omil hisoblanadi. Atmosfera havosi tarkibida bir qancha gazlar mavjud. Ular azot, kislorod, karbonat angidrid, vodorod va inert gazlardan iborat. Ma'lumotlarga ko'ra, yer ustida havo qatlami 1500-2000 km yuqoriga tarqalar ekan. Bu albatta, shartli chegara hisoblanadi. Atmosfera havosining asosiy massasi dengiz yuzasidan 5 km yuqorida yotadi. Atmosfera havosining umumiy og'irligi 5 kvadril 157 trillion tonnaga teng.

Hozirgi davrda yer ekotizimi antropogen ta'sir natijasida har tomonlama o'zgarib bormoqda. Inson atrof-muhitga aksariyat hollarda salbiy ta'sir o'tkazib, uni ifloslantirmoqda.

Ifloslanish ekotizimga biogeostenoz kiritilgan, ya'ni uning xususiyatiga mutloq teskari fizik, kimyoviy va biologik komponentlarni tabiiy me'yoridan ko'payishiga olib keladi. Bu esa ekotizimning buzilishiga olib keladi, yoxud uning hosildorligini kamaytiradi.

Atmosfera havosining ifloslanishini quyidagicha sinflash mumkin:



Bularning har biri atmosfera havosi, tuproq va suv tarkibi doimiy salbiy tomonga oʻzgarib borishini koʻrsatib turadiki, bu koʻrsatgichlarni nazorat qilib borish, ularning oʻzgarish dinamikasiga qarab, tegishli choralar koʻrib borish talab etiladi.

Atmosfera havosi quyoshning issiq nurini oʻzida saqlab qoladi. Atmosferada bulutlar paydo boʻladi. Unda yomhir, qorshamol hosil boʻladi. Boshqacha qilib aytganda, insonning mehnat qilish qobiliyatiga, oʻz faoliyatiga, umuman sihat-salomatligiga taʻsir koʻrsatadi.

Ifloslanmagan, quruq atmosfera havosining tarkibi quyidagicha: azot-78,084%, oksigen- 20,947%, argon-0,934%, karbonat angidrid- 0,031%, neon- 0,018%, gidrogen 0,00005%, metan- 0,0002%, sulfit angidrid 0 dan 0,0001% gacha. Atmosfera havosidagi har bir gaz oʻziga xos fizik-kimyoviy xususiyatlarga ega boʻlib, ular tabiatda oʻz oʻrni bilan ajralib turadi. Insoniyat va barcha jonivorlar uchun zarur boʻlgan atmosfera havosini ikki manba ifloslantiradi: Birinchisi tabiiy omillar boʻlsa, ikkinchisi inson faoliyatining mahsuli hisoblanuvchi antropogen manbalardir. Soʻz atmosfera havosining ifloslanishi haqida borar ekan, bu oʻrinda N.I. Vernadskiyning “Biosfera” deb nomlanadigan kitobidan quyidagi iboralarni keltirish mumkin: “Inson atrof muhitiga oʻzining har tomonlama taʻsir etishi bilan boshqa tirik organizmlardan ancha farq qiladi. Bu farq inson hayotining ibtidosida katta edi, vaqt oʻtishi bilan ular orasidagi farq yanada kattalashdi”. Darhaqiqat, inson oʻzining hayotiy faoliyati bilan tabiatga taʻsir oʻtkazmoqda. Transport vositalarining kundan-kunga koʻpayib borishi, qudratli mexanizmlarning yaratilishi va undan keng koʻlamda foydalanish saxovatli tabiatga, shuningdek atmosfera havosiga salbiy taʻsir koʻrsatmoqda, uning buzilishga sabab boʻlmoqda. Kimyo sanoati korxonalarida turli kimyoviy moddalar, kislotalar, ishqorlar, tuzlar va boshqa moddalar, mineral oʻgʻitlar, polimerlar, sintetik tolalar va boshqa mahsulotlar ishlab chiqariladi. Kimyo sanoatining oʻziga xos xususiyati shuki, shu sohaga taalluqli korxonalar bir-biriga uzviy bogʻliq holda faoliyat koʻrsatadi. Xom-ashyolar ham koʻpincha mazkur korxonalar tomonidan ishlatiladi. Bunda korxonalar faoliyati jarayonida hosil boʻladigan oraliq mahsulotlaridan boshqa bir korxona foydalanishi mumkin. Ammiak ishlab chiqarish jarayonida vodorod va azotni sintez qilish reaksiyasi yotadi. Sanoatda ammiak olish jarayonida atmosfera havosi korxonalardan chiqayotgan is gazi, ammiak va metan kabi taʻsirchan omillar bilan ifloslanadi. 1 tonna ammiak ishlab chiqarishda 100 kg ammiak, 45 kg metan, 100 kg is gazi hosil boʻladi. Ushbu korxona 50-70% li azot kislota ishlab chiqarish uchun ammiak katalizatorlar yordamida azot oksidiga aylantiriladi. Azot kislota ishlab chiqarishda havoga azot oksidi va azot kislota bugʻi uchib chiqadi. Hozirgi davrda inson uchun eng xavfli manbalardan biri avtotransport vositalardan chiqadigan zaharli gazlar hisoblanadi. Xorijiy mamlakatlarda atmosfera havosini ifloslantiruvchi gazlar ichida is gazi, azot oksidi barcha taʻsirchan gazlarning 60-70% ini tashkil qilsa, bizda 14% ni tashkil qiladi. Ichki yonish dvigatellari atmosfera havosini ifloslantirishda salmoqli oʻrin tutadi.

Oʻtgan asrning 50 - yillarida atmosferaga 70 mln tonna, 80 - yillarida 120 mln tonna, 2000-yilda – 181 mln tonnaga yaqin zaharli gaz chiqqan boʻlsa, 2010-yilda u 280 mln tonnaga etganligi mutaxassislar tomonidan aniqlangan. Ulardan chiqadigan gaz tarkibida is gazi (SO), azot ikki oksidi, uglevodorodlar bilan bir qatorda qoʻrgʻoshin ham boʻladi. Bularning hammasi inson organizmiga salbiy taʻsir koʻrsatadi. Rivojlangan shaharlar va sanoat markazlarining atmosfera havosi doimo chang, tutun, tumanlar bilan qoplanib turadi. Bu quyosh nurini toʻsib, yer yuziga ultrabinafsha nurlar oʻtishiga yoʻl bermaydi. Ultrabinafsha nurlarining yer yuziga yetarli tushmasligi oʻz navbatida turli kasalliklarni, ayniqsa, bolalarda raxit kasalligini keltirib chiqaradi. Chunki bu osilib turgan omillar havo muhitida aerodispers sistemasini keltirib chiqaradi. Tojikistondagi alyuminiy zavodining koʻrsatgan asorati koʻpchillikka maʻlum. U yerda bir yoshgacha boʻlgan bolalar oʻlimi 1,5 barobar, tuhma kasalliklar soni 1,8 martobaga koʻpaygan .

Havoni tozalashda dov-daraxtlar, qolaversa, oʻsimliklar olamining ahamiyati katta. Jumladan, daraxt barglari chang zarralarini, zararli gazlarini oʻziga singdirib oladi. Jumladan, havo tarkibidagi $SO_2$ gazini oʻsimliklar singdirib, toʻqimalarida sulfat tuzlari koʻrinishda toʻplaydi. Daraxt barglari havodagi $SO_2$ gazini fotosintez reakstiyalari vositasida oʻziga olib, kislorodni chiqaradi. Sanoat korxonalarning tobora rivojlanib borishi, transport vositalarning koʻpayishi va boshqalar atmosfera havosini ifloslanishidan muhofaza qilishni taqozo etadi. Mazkur masala faqat tibbiyot fanlari oldidagi masala boʻlib qolmay, balki ijtimoiy va iqtisodiy masala hamdir. Agar bu muammo doimiy ravishda hal etilib borilmasa, tirik hamda oʻlik dunyoning jiddiy ekologik inqirozga yuz tutish xavfi aniq boʻlib qoladi.

XX asrning ikkinchi yarmidan boshlab atom energiyasidan foydalanish atrof-muhitni ifloslantiruvchi yangi radiaktiv moddalarni paydo qildi. Atom elektr stansiyalari muhim ekologik muammolarni, atom-yadro yoqilgʻilaridan foydalanish atrof-muhitga va aholiga taʻsiri, radiaktiv chiqindilarni koʻmish, tinchlik maqsadida atom-yadro energiyalaridan foydalanishda avariyalarning sodir boʻlishi radiaktiv chiqindilarining taʻsiri muammolarini paydo qildi. Ionli nurlanish manbai inson yashaydigan muhitda talaygina boʻlib, ular tuproqda, havoda va butun biomassada, inson tanasi toʻqimalariga singa boradi. Nurlanishning maʻlum bir qismi kosmosdan tushadi. Tabiiy manbalardan tashqari nurlanish insonni texnogen faoliyati natijasida ham sodir boʻlishi mumkin.

Aniqlanishicha insonga ta'sir qiluvchi tabiiy nurlanish, sun'iy manbadan chiqayotgan radiatsiyadan ancha ko'proq ekan. Sun'iy manbalarni asosiy qismini tibbiyot egallaydi. Unga tibbiyotda ionli nurlanish va radioizotoplardan diagnostika va trapetsiya qilish paytida, ya'ni rak shishlarini nurli trapetsiyasi davrida ta'sir qilishi mumkin. Yadro qurollari, televizorlardan, kompyuter texnikalaridan, uyali aloqa vositalaridan, aeroportlardan, ishlab chiqarishlardan va atom elektr stansiyalari chiqargan chiqindilarning ulushi insonga umumiy ta'sir qilish qismidan 0,1% ga oshib qolgan. Ionli nurlanish mutastiyaga moyillikni kuchayib, DNK tanachalaridagi va past to'qimalarida o'zgarish sodir etishiga olib kelishi mumkin. Bunday ta'sirlarni genetik to'qimalar me'yoridagi ionli nurlanish omillari, kelajakda odamlarda rak kasaliga olishi bashorat qilinmoqda.

Xulosa sifatida shuni ta'kidlash mumkinki, vujudga kelayotgan ekologik muammolarning oldini olish, ularni kamaytirish uchun dunyodagi hamjamiyatlar bilan hamkorlikda harakat qilish, halokat omillarini oldini olish uchun dunyoning malakali mutaxassislari va jamoatchiligi bilan aloqalar o'rnatish, halqaro qoida va qonunlar chegarasida faoliyat ko'rsatib borish zarurdir.

## Adabiyotlar

1. Sultonov P.S., Axmedov B.P. Ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish asoslari. -T.: G'.G'ulom nomidagi nashriyot. 2004.
2. Xalilov I., Ikromov A. Ekologiya. T.: Mehnat. 2001.
3. Никитин Д.П., Новиков Ю.В. Окружающая среда и человек. -М.: 1980.



**Зулфия БЕРДИЕВА**
Бухоро муҳандислик технология
институти ўқитувчиси

# КИМЁ ФАНИДАН ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШДА АНИМАЦИЯ ТУЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Мақолада кимё фанидан техника олий ўқув юртлари талабалари учун электрон дарсликлар яратиш босқичлари, анимация тузиш технологиялари ва уларни қайта ишлаш жараёнлари келтирилган. Кадрли ва трансинформацион анимация яратишдаги изланиш натижалари келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *электрон дарслик, интерфаоллик, анимация, жараён.*

*В статье рассмотрены этапы и процесс разработки анимации в электронном курсе на примере электронного учебника по химии. Описаны результаты исследований по созданию покадровой и транс-формационной анимации.*

***Ключевые слова:*** *Электронный учебник, интерактивность, анимация, процесс.*

*In this work is analyses the stages and procсsscs of the elaboration the animation in the electronic text-book of chemistry. The work describes the results of the research of the processes of elaboration the animations in Flash technology*

***Key word:*** *Elektronic textbook, interactivity, animation.*

Таълим соҳасидаги ахборот технологиялари ва мультимедия технологияларидан фойдаланиш таълим тизимини тубдан ўзгартириши мумкин. Замонавий электрон ўқув курси - турли электрон ўқув материалларидан ташкил топган, компьютер технологиялари ва интернет имкониятларидан фойдаланадиган, индивидуал ва муқобил ўқув режаларига мувофиқ ўқув жараёнини бошқариш ва ўқитишни таъминлайдиган яхлит дидактик тизимдир. Электрон таълим бўйича калит сўз – интерактивлик. Интерактивлик "Ўқитувчи ва талаба ўқувчиларнинг ўқув жараёнида ўзаро мунтазам тизимли ўзаро таъсири" ва ўқувчиларнинг контекст билан ўзаро алоқасидир.

Электрон ўқув курсининг ўзига хос хусусияти - тингловчиларга замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўрганиш имконини беришдир. Ахборот ресурслари ва маълумотлар базалари, ахборот базалари, компьютер ва мультимедиа ўқитиш ва назорат қилиш тизимлари, видео ва аудио ёзувлар ва электрон кутубхоналар бўлиши мумкин.

Мультимедиа - бир вақтнинг ўзида бир нечта ахборот воситаларини бирлаштирилган кўринишда: графиклар, матнлар, видеолар, фотосуратлар, анимация ва товуш эффектлари ишлатадиган компьютер технологиялари бирикмасидир. Мультимедиа ресурсларидан фойдаланган ҳолда дидактик дастурларни яратиш иккита йирик блокга бўлинади: дизайнни яратиш (ранглар, шрифтлар, графиклар, умумий дизайн ва матнни ёзиш услуби) ва оммавий ахборот компонентларини яратиш (видео, аудио, презентациялар, анимация, графиклар, чизмалар, автоматик тестлар.) Мультимедиа таълим тизими талабаларга матнни (.doc, .html), тасвирлар (.gif, .bmp, .jpeg), жонлантирилган расмлар (.fla, .gif), овозли изоҳлар (.wav), рақамли видео (.avi, .mpeg ) гиперматнли саҳифа тарзида тақдим этишдир. Бу дидактик материални қулай ва енгил шаклда тақдим этиш имконини беради.

***Мультимедиа технологиялари интерфаоллик яратиш имконияти сифатида***

Интерактивликни яратиш учун Macromedia Flash ишлатилади. Flash сизга растер, овоз, анимация ва бой интерактив ғоялар билан вектор графиклар равшанлиги ва мослашувчанлигини бирлаштиришга имкон беради. Dream Viewer технологияси - расмларни расмлардан, битта дастурдан иккинчисига импорт қилиш Java Script кўшимчасини қўшилади. Flash расмларни сақлайдиган файллар жуда ихчам. Бу оддий дастурнинг бажариладиган файлига ўхшаш, .swf кенгайтмаси бўлган ихчам Shockwave / Flash форматидаги файл яратилган Flash тасвирининг нашрининг натижасидир. Ушбу файл кейинчалик махсус Flash pleer ёрдамида юклаб олинади ва кўриш мумкин. Flash фильмининг интерактивлиги буйруқларнинг тўпламлари бўлган скриптлар орқали берилади.

Адабиётлар таҳлилига кўра, мультимедиадан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари ва шартлари қуйидаги масалалар асосида кўриб чиқилиши керак:

1. Графиклардан фойдаланиш рангли ва маьлум бир кайфиятнинг келиб чиқишига олиб келадиган матнли материалларни намойиш қилиш имконини беради, фақат матн воситаларидан фойдалана олмайдиган материалнинг мураккаб форматлашини белгилайди.

2. Анимацияни қўллаш бир қатор ҳашаротлар элементларидан бирига эътиборни жалб қилиш, экран маълумотларини ўзгартириш, обьектнинг ҳолатини ўзгартириш, маълум бир йўналишда ҳаракат қилишни намойиш қилиш, гиперматн саҳифасининг фаол элементининг функциясини тушунтириш учун ишлатилиши керак. Статик расм, ҳарф, жонлантирилган тугма ва ўқувчи кўрсатган ҳаракатларнинг бажарилишини график жиҳатдан тасдиқловчи бошқа элементлар ёрдамида амалга оширилади.

***Анимация қуйидаги психологик нақшлар билан қўлланилиши керак:***

- периферик кўриш соҳасидаги ҳаракат диққатни жалб этишга ёрдам беради;
-матнни ўқиш осон эмас;
- топшириқни муайян лимитга тушириш диққат марказида бўлишига ҳисса қўшади;
- Рақобатбардош рағбатлантирувчи ахборотни қабул қилишга тўсқинлик қилади.

Кимёвий анъанавий ўрганиш услубининг заиф томони аниқлик йўқ. Анъанавий дидактик жараёндаги ҳодисаларни намойиш қилиш учун лаборатория иши, плакатлар, расмлар қўлланилади. Бу ёндашув жисмоний жараённинг моҳиятини ёки кимёвий реакцияни тўлиқ тушунишга, уни "ичкаридан" қарашга, жараёнда иштирок этишга, моделнинг параметрлари билан "ўйнашга" имкон бермайди. Бу вазият компьютерларнинг ёрдами билан ўзгариши мумкин эди.

Ҳозирги вақтда кимё бўйича электрон дарсликлар кимё ўрганишнинг зарур хусусиятига айланди. Интернетда кўплаб электрон дарсликлар мавжуд. Масалан: www.alhimic.ru, chemistry.r2.ru, khimia.h1.ru chem4you.boom.ru. Ушбу сайтларнинг қиёсий тавсифи Е.С. Полат томонидан "Масофавий таълим назарияси ва амалиёти" китобида берилган. Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, интерактив анимацияни яратиш жараёни ҳақидаги масала тугалланган эмас.

Муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган олий таълим муассасалари техник йўналишлари учун “Analitik, fizikaviy va kolloid kimyo (2-qism. Anionlar tahlili)” номли электрон дарслиги ўзининг қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради.

1-расмда электрон дарсликнинг бош ойнаси кўриниши келтирилган.




Расм. “Analitik, fizikaviy va kolloid kimyo (2-qism. Anionlar tahlili)” электрон дарсликнинг бош ойнаси кўриниши.

1 – расмдан кўриниб турибдики, у беш қисмдан иборат. 1. Рус тилидаги адабиётлар. 2. Ўзбек тилидаги адабиётлар. 3. Тақдимотлар. 4. Видеороликлар. 5. Хорижий адабиётлар. Ҳар бир бўлим ўз навбатида яна бўлимларга бўлинади (2,6 расмлар).















2-6-расмлар. Электрон дарслик бўлимларининг навбатлашиб очилиши.

Расмларга эътибор берилса, ҳар бир бўлим алоҳида очилибгина қолмай, балки таркибий элементларнинг рўйхатини тўлиқлигича кўрсатади. Таркибий қисмларнинг қайси бири керак бўлса, ўша ёзув устига сичқонча икки марта босилса, матн, видеоролик ёки тақдимот очилади. Бу ўз навбатида ўрганувчи ва фойдаланувчига қулайлик туғдиради.




**7-расм. Хорижий адабиёт очилган саҳифа.**

7-расмдан кўриниб турибдики, ҳар бир бўлимни ва унинг таркибий қисмини кўриш имконияти мавжуд.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кимё фанидан талабаларга берадиган жараёнларни виртуал шаклда кўргазмали намойиш этиш орқали уларнинг билим олишларига қизиқишлари ортиши билан бир вақтда зерикишдан қизиқишга ўтишига олиб келади ва билим олиш самарадорлигини орттиради.

**Адабиётлар**

1. Уотролл Э., Гербер Н., Эффективная работа Flash MX., Москва, 2000.
2. Уотролл. Э., Гербер Н., Дронов В. А., MacromediaFlashMX, Санкт-Петербург, 2003.
3. Полат Е.С., 2004] Полат Е.С., Теория и практика дистанционного обучения, Москва, 2004
4. www.flash.polarcom.ru
5. Analitik, fizikaviy va kolloid kimyo (2-qism. Anionlar tahlili) электрон дарслик. Ахмедов В.Н., Шарипова Н.Ў., Хикматов Д.Н., Ниязов Л.Н., Асадова Д.Ф., Бердиева З.М. DGU.20181008. -Тошкент. 2018. 2 Gbt.

## МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ ВА САНЪАТ



**Санокул ДЎСТОВ**
Бухоро давлат университети
мусиқа таълими кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди.

# МУСИҚИЙ ЭСТЕТИК ТАРБИЯДА СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР

*Мақолада ўқувчиларни мусиқий эстетик тарбиялашда синфдан ва мактабдан ташқари ишлар, жумладан, санъат байрамлари, оммавий тадбирлар, санъат ва маданият арбоблари билан учрашувлар, тематик кечалар, китобхонлар анжуманлари ҳамда экскурсияларнинг ўрни беқиёслиги тўғрисида фикрлар билдирилган.*

***Калит сўзлар:*** *эстетик тарбия, мусиқа таълими, ахлоқий тарбия, санъат, оммавий тадбир, мусиқий асар, тадбир, қобилият.*

*В статье показывается значение внеклассных воспитаний музыкальной эстетики, в том числе встречи, публичные мероприятия, встречи с деятелями искусства и культуры и теметические праздники, читательские конференции, отзывы о волнении экскурций.*

***Ключевые слова:*** *эстетическое воспитание, музыкальное образование, этическое воспитание, искусство, массовое мероприятие, музыкальное произведение, мероприятие, талант.*

*The article deals with the thougths abaut significance of works in class and out of class, such as art holidays, mass measures, meetings with the prominent people of art culture, thematic soirees, reders‘ conferences and exscursion to educate pupils musical – aesthetically.*

***Key words:*** *aesthetic education, musical education, ethical education, art, mass event, musical work, event, talent.*

Мусиқий эстетик яъни бадиий тарбияни изчил амалга оширмасдан туриб, шахсда ахлоқий ва маънавий фазилатларни шакллантириш мумкин эмас. Шунинг учун мактаб ўқитувчилари зиммасига ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини мунтазам ривожлантириб бориш, шу орқали уларда гўзаллик яратиш имконияти ва эҳтиёжини вужудга келтиришдан иборат эканлиги таъкидланиб, масъулиятли вазифалар топширилган. Гўзаллик идеалини ҳамда воқеликка ижодий муносабатни таркиб топтиришга йўналтирилган мусиқий эстетик тарбия маънавий ҳаётимизнинг ҳамма томонларини ана шу идеалга мувофиқ шакллантиришга хизмат қилади. Мусиқий эстетик тарбия ахлоқий тарбия билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, амалда унинг замини ҳисобланади.

Мусиқий эстетик тарбия ўқувчига бутун атрофдаги воқеликнинг, умуман жамиятдаги муносабатларнинг бевосита таъсири давомида амалга ошади. Демак, мусиқий эстетик тарбия бадиий дидни, қизиқиш ва интилишни тарбиялаш, инсоннинг ижодий қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш, унда гўзаллик идеалини воқеликка ижодий муносабатни шакллантириш демакдир. Шундай қилиб, юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни мусиқа санъати мўъжизаларини, атрофдаги гўзаллик намуналарини ўрганишга қизиқтириш, ижодий ишларни ва изланишларни ташкил қилиш, мусиқий эстетик муҳитни вужудга келтириш, ўқувчилар жамоаси ҳаётини имкони борича эстетиклаштириш лозим. Ўқувчиларни ахлоқий ва эстетик руҳда тарбиялашнинг асосий омилларидан бири бўлган ана шу вазифаларни амалга оширишда синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган барча ишлар, жумладан, санъат байрамлари, оммавий тадбирлар, санъат ва маданият арбоблари билан учрашувлар, тематик кечалар, китобхонлар анжуманлари, тасвирий санъат кўргазмалари ҳафталиклари, қўшиқ ва рақс концертларининг ўрни беқиёс. Умуман олганда, ўқувчиларнинг ҳиссиётини ривожлантириш ҳамда кўрган воқеликлари ҳақидаги билимларини бойитишга ёрдам берадиган ана шундай тадбирлардан кўзланган асосий мақсадга эришиш учун уларни экскурсия, учрашув ва конференцияларни олдиндан аниқ режалаштириш, хилма-хил мавзуларда ташкил этиш ҳамда тўғри

педагогик раҳбарлик қилиш билан мазмунли, қизиқарли ва жонли тарзда ўтказиш лозим. Буларнинг барчаси шак-шубҳасиз эстетик тарбиянинг асосий воситларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, таълим-тарбия ишининг энг таъсирчан турларидан бири экскурсия ҳисобланади. У ўқувчиларнинг синфда дарс машғулотлари жараёнида олган билимларини чуқурлаштириб мустаҳкамлайди, уларнинг фикр доирасини кенгайтиради. Лекин мусиқа ўқитувчиси уни ташкил этишга алоҳида аҳамият бериши, экскурсиянинг ўқувчиларга эстетик таъсир кўрсатишини таъминлайдиган тайёргарлик ишларини жуда пухта ўйлаши керак. Бунда экскурсиянинг мақсад ва вазифалари, моҳияти, қилинадиган барча ишларни ўқувчилар олдиндан билиб олишлари керак. Чунки экскурсия даврида ўқувчилар билан турли объектларга, табиатнинг хушманзара жойларига ўтказиладиган саёҳатлар улар ҳаётида катта роль ўйнайди.

Улуғ педагог В.А .Сухомлинский мусиқий асарларни идрок этиш санъат гўзаллигини ҳис қилишга ёрдам берадиган, табиатдаги барча мавжудотлар, жумладан, майсаларнинг шивирлаши, ариқдаги сувнинг шилдирашини, шамолнинг гувиллашини, қушларнинг сайраши, пишиб етилган буғдойзорнинг шовуллаши, асалариларнинг ғувуллашларига жуда катта эътибор берган. Мусиқий эстетик тарбия беришда, яъни ўқувчиларни мусиқа оламига олиб кириш учун мусиқа ўқитувчиси томонидан амалга ошириладиган психологик қоидалар жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўқувчиларни эстетик оламида яшаши учун барча тарбия мажмуасининг аҳамиятига катта эътибор берган В.А. Сухомлинский ўз дарсларида мусиқий асарлар ва табиат мусиқасини ҳамоҳангликда тинглашда алоҳида эътибор қаратган. У ўқувчиларда куй таъсири орқали ҳаяжонли ҳис-туйғу уйғотиш, сўнг аста-секин уларни шу куйдаги гўзаллик туйғусининг табиатдаги гўзаллик туйғусидан вужудга келганлигига ишонч ҳосил қилдирган. Мусиқа оҳанглари гўё инсонни “Шошма, атрофингга бир қара, табиатнинг ином этган оҳангларига қулоқ тут, унинг гўзаллигидан, баҳра ол, бу табиат гўзаллиги, уни асра, авайла ва эъзозла”-деб даъват этаётгандек туюлади.

Олимларимизнинг олиб борган илмий тадқиқотлари, узоқ давом этган тажрибаларидан шу нарса маълумки, инсон илк мусиқа садоларини она қорнидан бошлаб эшита бошлайди, улғайган сари куй оҳангларидан таъсирланади. Унинг қалби она тилига, табиат гўзаллигига, куй оҳангларига баб-баравар таъсирчан бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, табиат қўйнига амалга оширилардиган экскурсиялар ўқувчиларнинг эстетик тарбияси ҳақидаги билимларини бойитишда, уларга табиатдаги гўзалликни англашга, санъатдаги гўзал нарсаларнинг моҳиятини тушунишда муҳим рол ўйнайди. Шуни эътиборга олиш керакки, пухта тайёргарлик билан амалга ошириладиган экскурсиялар ўқувчиларнинг гўзаллик ҳақидаги билимларини бойитишда, уларга табиатда учрайдиган барча ҳодисаларни англашда, меҳнатсевар халқимизнинг меҳнати ва турмушдаги ҳаётини, санъатдаги гўзал нарсаларнинг моҳиятини тушуниб етишлари учун замин тайёрлайди.

Айниқса, ишлаб чиқариш корхоналарига, завод ва фабрикаларда, қишлоқ, туман ва шаҳарларда ўтказиладиган экскурсиялар ўқувчилар учун жуда фойдали бўлади. Улар экскурсия вақтида меҳнаткаш халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳайратомуз нарсалар яратилганини шаҳар ва қишлоқларимизниг қиёфаси кундан кунга тобора гўзаллашаётганини ўз кўзлари билан кўриб, фаровонликнинг ва гўзаллик яратишнинг асосий манбаи халқимизнинг меҳнати эканлигини юракдан ҳис қиладилар.

Агарда мусиқа, расм ва адабиёт ўқитувчилари қатори бошқа фан ўқитувчилари ҳам ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялашда фаол иштирок этсалар, бундай ҳамкорлик натижасида эстетик тарбиянинг янги-янги метод ва усуллари излаб топилади, жумладан, театрлаштирилган маърузалар, фан ва санъат арбоблари ҳақидаги спектаклрни саҳналаштириш, ҳар хил мавзуларда тематик кечалар ўтказиш каби хилма-хил тадбирлар амалга оширилса, бу ўқувчиларда ахлоқий фазилатлар билан бирга ирода сифатларини ҳам шакллантиради. Чунки ўқувчилар мунозара пайтида ўзига ишонган ҳолда дадил гапиришни, ўз фикрини исботлаб беришни ўрганади, шунингдек, ўртоқларининг сўзини диққат билан тинглашда мослашади. Бу эса уларда интизомни сақлаш, дўстларининг фикрларини уқиб олиш каби фазилатларни тарбиялашда замин тайёрлайди.

Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад ўқувчиларнинг билим савияси ва фикрлаш даражасини аниқлаш, уларда мустаҳкам эътиқод ва эстетик ҳис-туйғуни таркиб топтириш бўлиб, улар фикр ва мулоҳазаларини эркин ифодалашга ўрганадилар. Шунингдек, маъруза мазмуни ўқув материаллари билан узвий боғлиқлиги, мунозара вақтида ўқувчиларда эстетик дидни уйғотиш ва муаммоли вазиятни вужудга келтиришга алоҳида эътибор бериш керак. Ана шундай тадбирларни ўтказиш эътиборга олиниб тузилган режалар бир ой олдин мактаб фоесида осиб қўйилиши керак. Режага мактаб директорларининг кириш сўзи, кейин ўқувчиларнинг мунозара темасига оид, яъни меҳнаткаш халқимизнинг бунёдкорлик тўғрисидаги қаҳрамонлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни тинглаш

халқимизнинг илм-фанга, санъатга, адабиётга, меҳнатга, ижодкорликка бўлган муносабатларини ёритадиган шеърлардан ўқиш ва ниҳоят, мактабда фаолият олиб бораётган бадиий ҳаваскорлар тўгарагининг концертини кўрсатиш назарда тутилиши керак. Мунозарада республикамизда олиб борилаётган оламшумул ўзгаришлар, жумладан, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий тараққиёт тўғрида гапирилиб, ана шу ўзгариш ва тараққиёт халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати, ўзаро ҳамкорлиги туфайли амалга оширилаётганлигини, шунингдек, халқимизнинг маънавий қиёфаси, ижодий ишлари эзгу мақсадлари билан гўзал эканлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, умумий таълим мактабларида турли мавзулар бўйича конференциялар ўтказишни ташкил этиш кенг қулоч ёзмоқда. Чунки ўқувчилар билан хилма-хил мавзуларда ўтказиладиган назарий ва китобхонлик конференциялари жуда катта таълимий ва тарбиявий имкониятларга эга бўлган оммавий тадбир сифатида яхши натижалар бериши муқаррар. Дунёқараши, ижтимоий фаоллик ва мустақилликни таркиб топтиришда бевосита ёрдам берадиган барча конференциялар таълим жараёнида вужудга келадиган эстетик билим ва ғояларни такомиллаштиришда, ахлоқий поклик ва эстетик идеалларни тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аммо бунинг учун ўқувчилар конференциясининг ўзига хос хусусиятларини билиши, уни таълим ва тарбиянинг самарали формаси сифатида ўтказиши, конференциядан кўзланган мақсадга эришиши талаб қилинади.

Мактабда ўтказиладиган ҳар қандай конференция ўқувчилар учун уюштириладиган тадбир эмас, балки уларнинг ўзлари мустақил ва жамоавий равишда амалга оширадиган ишдир. Конференция ўқувчиларнинг ижодий фаолият кўрсатишини тақозо этади ва у ўқувчиларнинг мустақил иши ҳамда ижодий фаолиятининг якуни ҳисобланади. Лекин конференция мавзусини танлашга, унга тайёрланишга, уни ўтказишга ва конференция ишини якунлашга тўғри педагогик раҳбарлик қилиш мактаб ўқитувчилари жамоасининг муҳим вазифасидир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, объектларга, табиатнинг хушманзара жойларига уюштириладиган экскурсиялар, хилма-хил мавзудаги адабий кечалар, ўтказиладиган таълимий ва китобхонлик конференциялари, ўқувчиларнинг қизиқиш ва истакларига кўра ташкил қилинадиган мунозаралар ўқувчилар эстетик тарбиясини амалга оширишга бевосита хизмат қиладиган муҳим омиллардандир. Бу ишларни доимий эстетик тарбия мақсадларига мувофиқ равишда йўлга қўйиш учун уларга ўқувчилар жамоасини кенг жалб қилиш лозим.

**Адабиётлар**

1. Ўқувчиларда мусиқий – нафосат тарбиясини шакллантириш йўллари (илмий мақолалар тўплами) Тошкент, 1992 йил 92 бет.
2. Косопанов В.И. Диступ и конференции в школе, М. Просвещение, 1975.
3. Дўстов С. Мусиқа тўгаракларининг иши ҳақида. “Совет мактаби” журнали. Тошкент. 1983. 57-59-бетлар.



**Азамат РАЖАБОВ**
Бухоро давлат университети
мусиқа кафедраси ўқитувчиси

# ЎҚУВЧИЛАРДА МУСИҚИЙ ТАСАВВУР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

*Ушбу мақолада шахсда мусиқий тасаввурларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши, ривожланиши ва миллий мусиқий тасаввурлар сифатида қайта шаклланишида қизиқиш ва мотивацион омилларнинг моҳияти ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *мусиқа фольклори, эмоционал-психологик кечинма, перцепция, феномен, субъектив қарашлар.*

*В этой статье описывается содержание мотивации и мотивации в восприятии, изменении, развитии и трансформации музыкального воображения человека как национального музыкального эскиза*

***Ключевые слова:*** *музыкальный фольклор, эмоционально-психологический опыт, восприятие, феномен, субъективные взгляды.*

*This article describes the content of motivation and motivation in the person‘s perception, change, development, and transformation of musical imaginations as a national musical sketch.*

***Key words:*** *music folklore, emotional-psychological experience, perceptions, phenomenon, subjective views.*

Мусиқий тасаввурларни шакллантириш жараёни педагогика ва психология фанининг муҳим вазифаларидан биридир. Мусиқий тасаввур тушунчаси орқали шахсда халқ мусиқаси ҳақида олдинги тажриба асосида шаклланадиган кўргазмали образлар тушунилади. Мусиқий мазмун оҳанглар образлари билан ифодаланади ва уни англаш, кечинмалар тарзида идрок этиш орқали ушбу мусиқа ҳақида маълум тасаввурлар шаклланади. Мусиқий тасавурлар тизими ўқувчи шахсининг халқ мусиқаси ҳақидаги умумий тасаввурлари, мумтоз мусиқа ҳақидаги тасаввурлар, халқ мусиқасининг оммавий жанрлари (мусиқа фольклори) ҳақидаги тасаввурлар, миллий чолғу созлари ҳақидаги тасаввурлар, халқ чолғу куйи, қўшиқларининг ривожланиш конуниятлари ва асарларининг шакл тузилиши ҳақидаги тасаввурлар, миллий мусиқий безаклар ва миллий зарб - усуллар ҳақидаги тасавурлардан ташкил топади, Ушбу тизимнинг ҳар бир сохаси (психологик, ижтимоий-психологик, мусиқий-психологик, ижтимоий, эстетик, бадиий, тарбиявий, йўналтирувчи ва ҳ.к.) ўзаро узвий боғлиқдир.

Мусиқий тасаввурлар ҳажми шахснинг мусиқага муносабатини белгилайди, яъни тасаввурлар мавжуд установка характерида намоён бўлади. Халқ мусиқасидаги ўзига хос миллий ва тарбиявий хусусиятларнинг эмоционал-психологик кечинма сифатида индивид, гуруҳ ёки яхлит ҳолда олинган миллат онгида акс этадиган кўргазмали образлари мажмуасини мусиқий тасаввурлар сифатида таърифлаш мумкин. Халқ мусиқа асарларининг ўзига хос хусусиятлари: миллий усул - ритмлар, миллий мусиқий безаклар, миллий чолғу созларининг товуш ҳосил қилиш ва тембр хусусиятлари орқали миллий характер хислатларини ифодалаши, ижровий имкониятлари, асарлар шаклининг тузилиши, миллий куй ривожланиши қонуниятларининг шахс онгидаги инъикоси, қўшиқлар матни орқали миллий, этник турмуш тарзи ва миллий қадриятларнинг ёркин тасвирланишида намоён бўлади. Шу билан бирга, бизнингча, мусиқий тасаввурлар шаклланиши айрим ижтимоий-психологик омилларга, жумладан:

1) кичик мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирларнинг мусиқага нисбатан шаклланган муносабати меъёрига;
2) халқ мусиқасига нисбатан қизиқишлар мавжудлиги;
3) халқ мусиқаси тарғиботига;
4) ижтимоий муҳитда халқ мусиқасига нисбатан мавжуд муносабат хусусиятларига;
5) маънавий тарбия мазмуни ва савиясига;
6) оиланинг ижтимоий нуфузи ва халқ мусиқасига муносабати меъёрига боғлиқлигидир.

Шубҳасиз, юқоридаги омиллар яхлит суратда турли ёш, индивидуал ва ҳудудий хусусиятларга мансуб ўқувчиларнинг мусиқий идроки сифатига таъсир этиб, айтиш жоизки, уларда мусиқий тасаввурлар шаклланишида асосий рол ўйнайди. Демак, мусиқий тасаввурлар шаклланиши ўқувчиларда аввало, миллий қадриятларимиз намунаси сифатидаги халқ мусиқасининг бадиий, тарбиявий имкониятларини

англаш ва миллий чолғу созларимиз нисбатан ижобий муносабат вазияти яратилиши жараёни бўлиб ҳисобланади.

Ижтимоий ривожланиш натижаси ўларок, миллий мусиқа маданиятида янги замонавий йуналишлар (театрлаштирилган қўшиқ, видеоклиплар, фонограмма билан куйлаш), жанрлар (бир неча юз киши ижро этадиган оммавий байрам композициялари, рақслар, миллий балет) ва услублар (миллий эстрадада умумжаҳон амалиётидаги ҳамда миллий чолғу созларини омихта ҳолда куйлаш, достонхонлик, шунингдек, Хоразм, Бухоро ва Сурхондарё ижро услубларининг миллий эстрададаги ўзига хос талқини яратилиши ва бошқалар) нинг шаклланиши кузатилмоқда. Бу эса шахсда халқ мусиқа асарларидаги ижтимоий-бадиий мазмуни ҳамда замонавий (электрон) чолғуларнииг товуш имкониятлари борасида шаклланадиган тасаввурларнинг янги, ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятларини намоён этмоқда:

1. Ўқувчи муомалада бўладиган (тинглайдиган ва куйлайдиган) мусиқа асарларининг жанр, услуб ва йўналишлари ўзгариши билан унинг мусиқий тасаввурларида ҳам ўзгаришлар рўй бериши мумкин.

2. Янгича услуб талқинида, яъни умумжаҳон амалиётидаги чолғу созлари ва миллий чолғуларни омихта ҳолда қўллаш орқали шаклланаётган тасаввурлар асарлар ижросидаги товушлар мажмуаси ва тембрининг тингловчилар турли гуруҳлари ва ҳар бир шахсда ўзига хос руҳий-ҳиссий таъсир кўлами орқали намоён бўлади.

3. Ижтимоий ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларнинг янги мусиқий йўналиш, жанр ва услубларда ифодаланиши орқали шаклланадиган тасаввурлар ўзининг ижрочилари сони, товушлар диапазони, ўзига хос ижро мароми билан ифодаланадиган, соф миллий чолғулар жўрлигида ижро этиладиган асарлар орқали шаклланадиган тасаввурлардан фарқ қилади.

4. Мусиқий тасаввурлар шахс мусиқий тажрибаси ва халқ мусиқасига нисбатан муносабатлар маҳсулидир.

5. Улар халқ мусиқасига нисбатан жамиятда мавжуд турли ижтимоий қарашлар, фикрлар, баҳоларнинг шахс онгида акс эттирилишини таъминлайди.

6. Ҳар бир шахс, ижтимоий гуруҳ ва миллат онгида мусиқий тасаввурлар шаклланиши — уларда миллий ғурур миллий онг ва миллий ўзликни англаш хусусиятларини қарор топтиришга кўмаклишиши мумкин.

Мусиқий тасаввурлар функциялари ҳақида сўз юритганда, аввало уларнинг билиш функциясини таъкидлаш лозим. Чунки индивид онгида турли даражада шаклланадиган ҳар қандай мусиқий тасаввур асар мазмунини билишга қаратилгандир. Иккинчи функцияси — таҳлил этиш бўлиб, идрок этилган халқ мусиқаси намуналари ҳаётий тажриба (апперцепция) орқали онгдаги маълум асарлар билан таққосланади ва унда ифодаланган бадиий воқеликка ижтимоий баҳо берилади. Баҳолаш субъектив қарашлар асосида амалга оширилса-да, унда ижтимоий муносабат меъёри акс этади. Учинчи функцияси эса йўналтириш бўлиб, асарда шахсий мазмунни англашга кўмаклашади ҳамда ижтимоий фаолиятда маълум рол уйнайди.

Мусиқий тасаввурларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши, ривожланиши ва миллий мусиқий тасаввурлар сифатида қайта шаклланишида такрорлаш усули ҳам муҳим рол ўйнайди. Бироқ қайта-қайта идрок қилинаётган мусиқа асарлари тингловчи ёки тингловчилар гуруҳи учун ҳам эмоционал, ҳам интеллектуал аҳамиятга эга бўлиши керак. Масалан: бугунги кунда мусиқий тасаввурлар шаклланиши мотивлари сифатида ўзбек миллий эстрада мусиқаси турли ижтимоий қатламлардаги тингловчиларда кўпгина ҳолларда фақатгина ҳиссий аҳамиятга эга. Ушбу асарлар ҳақида кенг ва тўлақонли эмоционал тасаввурлар мавжудлигини эса такрорлаш натижаси сифатида баҳолаш мумкин, чунки миллий эстрада намуналари радио ва телевидение орқали кенг тарғиб этилади. Халқ мусиқасининг ўқувчи-ёшларда тинглаш фаолияти мотивлари сифатида намоён бўлиши ва уларда мусиқий тасаввурлар шаклланиши учун ушбу такрорлаш, қайтариш усулидан фойдаланиш ижобий аҳамиятга эга. Шунингдек, мусиқий тасаввур шаклланишида ёш, индивидуал ва ҳудудий хусусиятлар муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ёш хусусиятлари ўқувчиларнинг мусиқий билим ва тажрибаси билан боғлиқ бўлганлиги учун турли ёш гуруҳларида тасаввурлар шаклланиши меъёри фарқли хусусиятларга эга бўлади. Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда эмоционаллик асосида, яъни асарнинг ҳиссий таъсирига берилиш, ҳиссий идрок этиш орқали унга баҳо бериш тарзида амалга оширилади. Ўсмирлик ёшида эса мусиқий тасаввур шаклланиши асарнинг ички тузилиши, унинг мазмун-моҳиятига кириб бориш орқали амалга оширилади. Шундай қилиб, мусиқий тасаввурлар шаклланиши босқичлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Мусиқа асарини эмоционал идрок этиш ва асар характери (кайфияти) асосида индивид учун муҳимларининг танланиши.

2. Асарнинг ички структураси, бадиий ва ижтимоий моҳияти борасида маълумотлар тўпланиши.

3. Асарнинг шахс онгида идеал сифатида қабул қилинган асарлар билан таққосланиши ва аҳамиятсиз деб топилганларининг хотирадан чиқарилиши ҳамда асар образига адекват тарздаги кечинмалар пайдо бўлиши.

4. Ижтимоий баҳо, субъектив муносабат ва апперцепция асосида мусиқий тасаввурларнинг яхлит ҳолда онгда шаклланиши.

Мусиқий тассавур шаклланишида биринчидан, халқ мусиқаси намуналарининг ижро характери англанади. Чунки асар характерини англаш орқали унинг дастлабки тасвирий ва ифодавий хусусиятлари шахс онгида пайдо бўлади ва кейинги босқичга ахборотлар тўплаш учун қулай психологик вазият яратилади, характер эмоционаллик билан боғлиқ бўлгани сабабли турли эмоционал-психологик ҳолатларни ифодаловчи кайфиятлар (қувноқ, ғамгин, тантанали, енгил, мунгли, шўх ва ҳоказо), асарниаг бадиий ва ижтимоий характерини белгиловчи омиллар сифатида намоён бўлиши мумкин. Масалан: ўқувчилар тингланаётган асарларига дастлабки сониялардаёқ муносабат билдиришлари (мусиқа ёқди ёки ёқмади) ҳам тасаввурлар асосидаги асар характери билан боғлиқ баҳо ҳисобланади. Иккинчидан, асарнинг ички тузилиши, шакли, мусиқий образ ривожланиши жараёни, бадиий-мусиқий ва маънавий-ижтимоий мазмуни ҳақида маълумотлар йиғилади. Учинчидан, асар онгдаги идеал нусха (асар)лар билан таққосланиб, сараланиб, асар образига хос кечинмалар пайдо бўлиши мумкин. Ниҳоят охирги босқичда ушбу асар борасидаги ижтимоий баҳо, мусиқий тажриба (апперцепция) ва субъектив муносабат асосида яхлит тасаввурлар шаклланади.

Мусиқий тасаввурлар идрок жараёни феномени сифатида қуйидаги ижтимоий психологик хусусиятлар билан ифодаланиши мумкин. Тасаввурларнинг якка ҳолда олинган ва умумий кўринишлари мавжуд. Якка ҳолда олинган мусиқий тасаввурлар бизнингча, ушбу мусиқанинг алоҳида жанрларига нисбатан шахсда тинглаш эҳтиёжи сезилиши, тинглаш фаолияти мотивлари сифатида бошқа жанрлардан афзал кўрилишида намоён бўлади. Умумий тасаввурлар эса халқ мусиқасининг турли жанрларинин қизиқиб тинглаш ва фаол ижобий муносабат билдира олишда кўринади. Мусиқий тасаввурлар идрок сингари аниқликка эга бўлмаса-да, улар умумлаштирилган мусиқий образлар сифатида шахснинг мусиқани тушуниши ва унга нисбатан баҳолаш мезонларига эгалиги билан муҳимдир. Мусиқий тасаввурлар психологик жиҳатдан англанган характерга эга. Ушбу тасаввурлар бизнингча, индивид, гуруҳ ёки миллатнинг этнопсихологик хусусиятлари асосида, жумладан, ўзбек халқ мусиқаси ҳақидаги тасаввурлар турли ёш гуруҳлардаги шахсларда индивидуал, худудий хусусиятлар, милий қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар, муносабатлар таъсири остида шаклланади. Мусиқий тасаввурлар кўлами ва сифати шахснинг халқ мусиқаси борасидаги билимлари, ушбу мусиқага нисбатан муносабати даражаси ва фаолият мотивлари сифатидаги аҳамиятини акс эттиради.

Ушбу хусусиятларни чуқур англаш орқали мусиқанииг эмоционал-психологик ва тарбиявий имкониятларини ўзида ҳис этиш шахснинг мусиқий қизиқишлари ва ижтимоий муҳитдаги мусиқа маданиятига нисбатан шаклланган муносабатга берадиган баҳоси акс этиши мумкин. Маълум услуб, жанр, йуналишлар ва алоҳида мусиқа асарлари ҳақида индивид ёки турли ёш гуруҳларида тасаввурлар шаклланиши мазкур асарлар борасидаги реклама - тарғибот ҳамда тинглаш интенсивлигига боғлиқдир. Чунки бадиий савиясидан қатъий назар кенг тарғиб қилинадиган ҳар қандай жанр, шакл ва услубдаги мусиқа асарлари турли тингловчилар гуруҳларида ижобий тасаввурлар уйғотиши мумкин.

## Адабиётлар


1. Кадцин Л.М. Музыкальное искусство и творчество слушателя. - М.: Высшая школа. 1990.
2. Краткий психологический словарь. (Сост. Л.А.Карпенко). - М.: Политиздат. 1985.
3. Музыкальный энцинклопедический словарь. (Гл.ред. Г.В.Келдьиш). - М.: Советская энциклопедия. 1991.
4. Петрушин В.И. Музыкальная психология. - М.: 2000.



**Шодижон БАКАЕВ**
Бухоро давлат университети
тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
кафедраси катта ўқитувчиси



**Шерзоджон ШОКИРОВ**
Бухоро давлат университети
туризм факультети 1-курс талабаси

## ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИДАГИ БЕЗАКЛАРИНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ушбу мақолада ўзбек турар жой биноларини халқ амалий безак санъат тури бўлган наққошликда безатиш йўллари, Бухоро мактабига мансуб қадимий анъаналарининг ҳозирги кунгача сақланиб авлоддан авлодга етиб келганлиги, кекса усталар ўгитлари ва уларни амалда қўлланилиши ҳақида сўз юритилади.*

***Калит сўзлар:*** *нақш, безак, наққошлик, симметриклик, рассом, нақш усуллари, наққошлик мактаблари.*

*В данной статье рассказывается о способах оформления узбекских жилых зданий народным декоративно-прикладным искусством, о том, что древние традиции, относящиеся к Бухарской школе, сохранились и по сей день поступают из поколения в поколение, удобрения и практическое их использование.*

***Ключевые слова:*** *узор, украшение, орнамент, симметричность, художник, методы орнамента, школы орнамента.*

*This article describes the methods of design of Uzbek residential buildings folk arts and crafts, that the ancient traditions relating to the Bukhara school, preserved to this day come from generation to generation, fertilizers and their practical use.*

***Key words:*** *pattern, decoration, ornament, symmetry, artist, ornament methods, schools of ornament.*

Инсоният қадим замонлардан гўзалликка интилиб, ўзи яшаб турган масканларига, девору тошларга ов жараёнлари жанг-у жадаллар, базмлар, тантанали маросимларни акс эттирганлар. Ота-боболаримиз қадимий обидаларни нафис нақшлар билан безар эканлар, завқ олиш билан бир қаторда улар орқали ўз орзу-умидларини, муҳаббатларини, тилакларини куйлаганлар.

Кекса усталаримизнинг айтишича, қадимда наққошлик санъати шунчалик ривожланган эканки, улар чизган ёки бўяган рамзий нақшлари орқали бир-бирлари билан унсиз гаплаша олар эканлар. Наққошлик санъати тилини билиш учун нақшнинг ҳар бир унсури ва рангларининг рамзий алифбосини билмоқ керак бўлган.

Фазовий санъатларни бадиий ҳис қилишда рассом ўз асарини қандай қургани катта аҳамиятга эга, чунки ижод психологиясининг қонунлари бадиий ҳис қилиш психологияси қонунлари билан узвий боғлиқдир ўз асарини яратаётган мусаввир яхлитлик, ҳамтобеълик (соподчинение), мувозанат, ўзгарувчанлик, ўлчамлилик (соразмерность) каби композицион қонуниятларга асосланади.

Бирлик, яхлитлик қонуни функционаллик ва структуралилик принциплари асосида, ҳам тобеълик қонуни хажм ва контрастлиликнинг қўлланилиши асосида намоён булади.

Симметриклик чуқур мазмуний марказнинг аҳволи, визуал масса ва фазо тақсимоти, мувозанат массаларининг тақсимоти, ҳар битта элемент кўриниши билан шартланган тақсимот билан белгиланади. Бундай тақсимотлар интерерни безашда ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, турли вилоятларда ўзига хос бўлган.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ўзбек турар жой меъморлигини ва уларнинг бадиий безакларини кузатганимизда улар деярли бир хил усулда бажарилмаганини кўрамиз. Чунки ўша вақтларда халқ усталари иш ахтариб ёки буюртма асосида бошқа шаҳарларга бориб ишлашган. Кўпинча бухоролик ва фарғоналик усталар Самарқадга ва марғилонлик ва қўқонлик усталар Тошкентга бориб ишлашган. Лекин уларнинг нақшлари ўзаро таъсир натижасида ўхшашса-да ҳар бир устанинг ўзига хос мактабига мос ранг мажмуаси, услуби, композициялари жиҳатидан фарқ қилган.

Фарғона водийсида ўзига хос наққошлик мактаби ривож топган. Фарғона наққошлари гириҳ, ўсимликсимон (ислимий) ва гулли гриҳ нақшларни безакларда кенг қўллашган. Композицияларнинг симметрияли бўлиш принципига амал қилинган. Фарғона наққошлик мактаби бошқа наққошлик мактабларидан нақшларининг табиатга жуда яқинлиги, эркин ишланиши, рангларнинг контрастлиги билан фарқланади. Бундан ташқари Фарғона нақшларида табиатдаги гул, барг, ғунча ва бошқалардан тўғридан-тўғри фойдаланилган. Фарғона нақшларида писта гул, анор, атиргул, мажнунтол, бодомгул ва бошқа шаклларидан ҳам фойдаланилган. Бу наққошлик мактаби нақшлари четлари чиройли ҳошияланган ва ичига ислимий шакл туширилган қизил, яшил бўёқли турунжларини афзал кўришган.

Тошкент нақшлари ўзининг нафислиги ва рангларини бир бирига аста-секин ўтиши аниқ бир колоритга қатъий риоя қилиши, геометрик ва ўсимликсимон нақшларининг кўп ишлатилиши билан ажралиб туради. Нақшлар кўпинча яшил гамма ишланади. Ўсимликсимон нақшлардан ойгул, пахта, бофта, куфта, баргли гул ва бошқа унсурлар аниқ соддалаштириб ишланади.

Хива наққошлиги Ўзбекистоннинг бошқа наққошлик мактабларидан тубдан фарқ қилади. Нақшларнинг умумий ранги кўпинча ҳаворанг колоритда бажарилади. Ранглар гарчи кам ишлатилса-да, ўзига хос кўркамликка эга. Хива наққошлари асосан зангори ва яшил рангларини жуда кўп ишлатишади. Хоразм нақшлари бутун юзани геометрик нақшлар билан тўлдириб мовий ва яшил бўёқларнинг етакчилиги билан характерланади. Композицияда асосан новда спиралсимон айланиб айланиб мураккаб шакл ҳосил қилади. Ислимий нақш компазицияда новда, марғула, шкуфта, барг, нўхатгул, оддий гуллардан ташкил топади. Бу ислимий нақшлар бошқа наққошлик мактабларидан асосан нақшларининг ҳаракатчанлиги билан фарқ қилади. Кўпинча юлдуз ҳосил қилувчи гриҳлар тузилиб ораси спиралсимон ислимий нақшлар ишлатилади. Хива нақшлари умуман мадоҳил асосида тузилади ва кейин ислимий нақш сипиралсимон майда, нозик қилиб ишланади.

Самарқанд наққошлик мактаби нақшларни ўта гулдорлиги, барг ва гулларнинг бадиий характерлиги, жонлилиги билан характерланади. Ундаги мураккаб гриҳлар ва ўсимликсимон нақшларнинг аниқ бир ритмик такрорланиши композицияда кўзага ўрнатилган гулбутани намоёнда кенг ўрин берилганлиги ва уларга майин ишлов берилиши билан бухоро наққошларига ўхшаш. Самарқанд наққошлигида илгари зангори ранг гаммаси етакчи бўлган бўлса, ҳозирда яшил ранглар мажмуи етакчилик қилмоқда.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларидаги Бухоро наққошлиги халқ ҳунармандларининг кўплаб авлоди тўплаган тажрибасини маҳсулидир. Маълум маънода қайд қилиш мумкинки Бухоро наққошлиги Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари қатори энг бадиий мукаммал ва усул яхлитлиги билан характерланади.

Ўзбекистоннинг бошқа бадиий мактаблари билан қиёслаганда Бухоро усталари мактаби XIX-XX аср бошларида ўтмиш намуналарининг энг яхшиларига содиқлиги билан ажралиб туради. Шу билан бир қаторда усули анъанавий бўлган бу мактаб бугунги кунда ҳам ўз сифатини ўзгартирмаган жонли мактаблигича қолмоқда.

Бухоро наққошларининг сўнмас шуҳратлари сирини нафақат анъаналарнинг мустаҳкамлигида, Бухоро усталари учун безак санъати, нақш, шунчаки безак эмас, балким қурилиш санъатининг ажралмас қисмилигидадир. Бухоро нақши қаерда ва қандай қўлланиши лозим бўлган мотивлар тўплами сифатида эмас, маълум бино тоифаси девори, шипи ва ҳоказоларни безагининг алоҳида жиддий тизими сифатида мавжуддир.

Ҳар бир унсурнинг ўрни ва мўлжали алоҳида ихтисослаштирилганлиги туфайли, Бухоро нақши меъморий конструкция билан узвий боғлиқдир, бу маънода у жуда тектоникдир.

XIX-XX аср бошларидаги гумбаз пештоқли меъморий обидаларда маҳаллий меъморлар ижоди намоён бўлган деб айтиш анча қийин. Бухорода бу даврда рангли ганч, баъзи ҳолларда кошинлар билан безалган кўплаб масжид ва мадрасалар қурилган. Уларнинг энг яхшилари устунли айвонга эга бўлиб, ўймакорлик ва наққошлик билан безалган. Устунлар ва шиплар шакли шарафалар билан бадиий безалган. Унчалик катта бўлмаган масжидларнинг шипларида турли беркитиш усуллари қўлланилган. Улар ўзининг безаги билан сарой хоналаридан ёки бой меҳмонхоналардан деярли фарқ қилмайди. Бошқача қилиб айтганда, улар фуқаро меъморлигининг намуналари десак хато бўлмайди.

Бухоро тураржой меъморлигининг безак асосини болор тўсинли, икки синчли меҳмонхона ва айвонлар ташкил қилади. Бу тизим узун ва қисқа деворларни катта кичик бўлишга ва деворларда бир томонга

қаратилганшга ва деворларда бир томонга икки синчли меҳмонхона ва айвонлар та, даҳлиз ва мадон устида ўқсимон тоқли, деразалари катта хонага қараган—шоҳнишин—манзар ва болохоналарни жойлаштиради. Бухоро тураржой меъморлигини бу унсурлари нафақат чўпкори деворли тураржойни, балким кўплаб маҳобатли меъморлик иншоотларини безак услубларини белгилаб беради.

Ҳаттоки гумбазли масжидларни равоқлари бўлмаган тақдирда ҳам уни девори —изора унинг устида ингичка тик, баъзи ҳолларда тўртбурчак намоён ва шарафа каби унсурларга бўлинади.

Хоналарнинг тузилишига қараб шип алоҳида бўлаклардан (васса) ёки йирик тасвирли текис юзалардан ва характерли —ҳавзаклардан ташкил топади.

Девор ва шипларни бўлакларига бўлиш тузилиш мувофикликдан келиб чиқилади ва бу нақшин безак композициясини тушунишга ёрдам беради. Деворни ганчхок (ганч ва соз тупроқ қоришмаси) билан суваш жараёнида ганчдан қуйилган рахлар ёрдамида девор —изорага, уни устида ораларида йўлак қолдирилган тўғри бурчакли —даҳаналарга, уни устида эса ганч тахтакалардан қоралама бажарилган шарафага ажратилади. Равоқларнинг тепасида қуйма—тахтаклар ва безакли тоқнинг қоралама бажарилган унсурлари ўрнатилади. Безатилаётган уй ва айвоннинг шарафалари ва безакли тоқлари, деворнинг меъморий безагини муҳим унсурини ташкил қилади. Улар худди безак нақшдек, аммо текислик юзасида қабариқ ҳолда эмас, балки фазода ҳажмли тарзда жойлаштирилган. Баъзи ҳолларда уй эгасининг маблағи етмай қолганда хонанинг безаги охирига етказилмаган. Хона маълум муддат бир оз қўпол, аммо ҳар бир шакл бўлаги оқланган, тузилиши аниқ ва шу сабабли ифодали шаклда қолдирилган.

Навбатдаги безак босқичи хонани девори гулганч (гипснинг олий нави) билан шувалиб ўймакорлик ва наққошликда безашдан иборат. Изорада (панел қисми) геометрик нақшлар ишлатилган.

Деворларда турунжлар, намоёнларда ўқсимон меҳроб ёки шаклли тоқ, даҳана наррон тўғри бурчакли намоён даҳана ичкарисига жойлаштирилган. Даҳана намоён тепасида жойлаштирилган кичик намоён —китоба (турли ёзувлар ёзиладиган жой) навбатдаги даҳана намоён остида —лали тарзида алмашиб келади.

Равоқни ўқсимон шаклли —равоқ даҳана, даврипоя шаклли пештоқи —таноб ўймакорлик ва наққошлик билан безалади. Ичкариси эса қолибкори, муқарнас, ироқи қуйма тоқлар билан безалган.

Бир синчли хоналарда равоқ ўрнатиш имконияти йўқлиги сабабли ганч тахталардан шакллар ҳосил қилинган ва баъзи ҳолларда улар устида бир неча қатор токчали мино ўрнатилган. Девор тепасини якунловчи шарафалар тузилиши билан тунук, тосакнок ва анча мураккаб бўлган имом қозихон номи билан аталувчи шарафалар билан тугалланган.

Хоналарни безашда наққошлик санъатининг қўлланилиши доираси асосан даҳана юзаси тоқча, токчабанди, рута ва намоёнларни, эшик ва деразаларни ҳошияловчи занжирадан иборат. Равоқ даҳана ёки даврипояларнинг остки қисмлари мадоҳил ёки нақшин шохча шакллари билан тугалланади.

Рўзғор буюмлари ва майда буюмлар сақланадиган равоқлар юзаси токчабанди билан безалади, юпқа ганч тахтак —шобақа,баъзан шобақани эслатувчи рангли ганчли хатакаш билан зеб берилади.

XIX аср охири XX аср бошлари Бухоро наққошлигининг ўрганилаётган даври ҳақида маҳаллий уста-ларнинг чизма ва расм архивлари яхшигина маълумот беради. Бу маълумотлар қисман мерос қолган, қисман кўчирилган, аксарияти муаллифларининг ўзлари томонидан шахсан яратилган. Халқ усталарининг бундай архивлари Ўзбекистон Давлат санъат музейида, Бухоро давлат бадиий меъморий музей қўриқхонаси захираларида ва усталарнинг оилалари қўлида сақланмоқда. Улар дафтар тарзида бир бирига елимланиб ўсимлик, гул шакли контури бўйлаб игна билан тешилган маҳаллий қоғозлардан, ғиштдан мозаика яратиш қораламаларидан, шарафа, декоратив тоқ ва сводларнинг сояси ва чизиқларидан ташкил топган. Бу дафтарларда баъзан устанинг барг, шохча, гул турунж қораламасининг шакли тоқ ва бошқаларнинг шаклларини излаган машқлари ҳам учраб туради.

XVI-XVII аср Бухоро наққошлиги учун характерли бўлган қадимий чизмаларидан фарқли ўлароқ улар тузишсиз чизиқли хомакилардан иборатдир. Бу дафтардаги чизмалар орасида XIV асрда қурилган Боён Қулихон мадрасаси XVI асрга оид Абдуллахон ва Кўкалдош мадрасалари ва бошқаларнинг безак расм-лари мавжуддир. Ушбу дафтардаги нақшлар XIX аср охири XXасрнинг бошларида ҳам Бухорода кенг қўлланилган.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Бухоро наққошлигидаги ўсимлик гул нақшлари учун уста Кароматжон дафтаридаги —ахтақоғоз, хомаки ишлар ва расмлар бизгача етиб келган. Нақшларнинг ўсимлик, гул тасвирлари (мотивлари) бир неча гуруҳни ташкил қилади:

- ислимий нақши-пештоқ ва занжирага мўлжалланган,усули соддалаштирилган барг ва шохларни, уларнинг маълум тартибда ўзаро жойлашуви (композиция, ритмда) ва агар ўймакорликка мўлжалланган бўлса пардоз турлари, мободо наққошликка мўлжалланган бўлса, ранглар жойлашувини белгилайди.

- кўза–машрафа, коса, гулдон, чойнаклар тасвири. Бу ердаги барча натюрморт унсурлари нақшин талқин қилинади ва буюм тасвири бунда соф нақшин мотив моҳиятини сақлаб қолади.
- соддалаштирилган бута дарахт ва гуллардан ташкил топган гулдасталар тасвири.
- кичик ҳажмли қоғозларда қўлда енгил бажарилган гулли ва мевали буталарнинг эркин композицион қораламалари. Уларда асосий эътибор шохларни нозик жойлаштириш, чизиқлар ритми, барглар ва гул барглари ритмига қаратилган.
- **Изора** - (русча панел) уй деворининг пастки безак қисми бўлиб, кўпинча геометрик нақш ёки ганч билан безатилган.
- **Ислимий** - (ўсимликсимон нақш) наботий деб ҳам юритилади.
- **Муқарнас** - сталактит, равоқли меҳробсимон косачалардан ташкил топган мураккаб ҳажмдаги геометрис безак тури.
- **Намоён** - форсча кўриниш, манзара демакдир. Русча панно. Намоён мукаммаллашган етук нақш композицияси
- **Таноб** - арабча чилвир, арқон деган маънони беради.Мураккаб нақшлар композиция асосини ташкил этувчи ва нақшга шакл берувчи чизиқ таноб дейилади.
- **Шарафа** - арабча карниз маъносини билдириб, мукарнас, ироқи шаклидаги карниз, биноларнинг девор ва шифт оралиғига, минораларга, тахмон, меҳробларнинг тепа қисмларига ишлатиладиган ҳажмий ўйма, мураккаб безак тури.
- **Токча** – маҳаллий уйларда идиш-товоқ ва бошқа анжомлар қўйишга мўлжалланган девор қаторидаги махсус жой.
- **Гириҳ** – геометрик нақш тури бўлиб, чигал, тугун деган маънони англатади.
- **Ислимий**-ўсимликсимон (ўсиб борувчи, новдасимон) нақш тури.
- **Турунж**-лимон (овал) шаклидаги тугал нақш композицияси.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларидаги Бухоро наққошлиги халқ ҳунармандларининг тўплаган тажрибаси маҳсули сифатида бой анъаналарга эга мактаб сифатида шаклланган. Шуни қайд қилиш мумкинки, Бухоро наққошлиги Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари қатори бадиий жиҳатдан мукаммаллиги ва усул яхлитлиги билан ўз ўрнига эга.

Геометрик ва ислимий нақшларнинг амалиётда бажарилишини қиёслай туриб, энг аввал Бухоролик усталарнинг бадиий ҳунармандчилигининг юксак маданиятини иш жараёнидаги ижодкорлик ва нозик дидининг гувоҳи бўламиз.Бу наққошлик мактаби давомчилари ижодкор ёшлар ҳам қадимий анъаналарга бой санъат турини ривожлантириб, келгуси авлодга етказадилар деб ишонамиз.

## Адабиётлар

1. Азимов И. Ўзбекистон нақшу нигорлари. – Тошкент, Ғ.:Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1987.
2. Очиқ осмон остидаги музей (Туз. Г. А. Пугаченкова) – Т.: Адабиёт ва саньат нашриёти. 1981.
3. Бўронов Б. О. XIX асрнинг охири XXасрнинг бошларида Бухоро тураржой меъморлигининг нақшин безагининг бадиий хусусиятлари. –Тошкент, 1995.
4. Булатов С. С. Ўзбек халқ амалий безак саньати, - Т.: —Меҳнат. 1991.





**Гулбаҳор Казимова**
Бухоро муҳандислик технология институти ахборот коммуникация технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси

**Манзура Холиқова**
ТИҚХММИ Бухоро филиали математика ва табиий фанлар кафедраси ассистенти

**Рамзиддин Уралов**
ТИҚХММИ Бухоро филиали Гидромелиорация факультети ГТИ ва НСФ 2-босқич талабаси

# ТОПОГРАФИК ЧИЗМАЧИЛИКДА POWER POINT ДАСТУРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ДИНАМИК ТАСВИРЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШ

*Ушбу мақолада топографик чизмачилик фанида Power Point дастуридан фойдаланиб ҳаракатли анимациялар бажариш тартиби ва унинг аҳамияти тўғрисида сўз юритилган.*

***Таянч тушунчалар:*** *топография, топографик сиртлар, нуқта, тўғри чизиқ, текислик, график дастур, анимация, компьютер технологиялари.*

*Эта статья посвящена топогрофическому черчению с помощью Power Point структуры анимационных движений и о его значении.*

***Опорные понятия:*** *топография, топографические поверхности, точка, прямая линия, плоскост, графические программы, анимация, компьютерные технологии.*

*This article is about the importance and the order of doing motion animation using Power Point in the subject of topographic drawings.*

***Key words:*** *topography, topographical, surface, point, straight line, plane, graphical instruction, animation, computer technology.*

Республикамизда таълим тизимининг мазмунини тубдан ўзгартириш, унинг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш, илғор педагогик технологияларни жорий этиш, ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, ўқув режа ва дастурларни жаҳон андозаларига мослаб тузиш, шунга мос равишда мутахассислар тайёрлашни амалга ошириш орқалигина ёшларимизнинг буюк келажагини таъминлашимиз мумкин. Таълимда замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг янги усулларини жорий этиш муҳим ва долзарб масалалардан биридир.

Шу сабабли бугунги кунда компьютер технологиялари ва интернет тармоғини ривожлантиришга катта аҳамият бериляпти. Шунга кўра, таълим тизимидаги ўқув юртларида информатика ва янги ахборот технологиялари фанларининг ўқитилиши - давр талаби бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда бу йўналишда сезиларли қадамлар қўйилмоқда. Кадрлар тайёрлашнинг сифатини янада яхшилаш, "Таълим тўғрисида"ги Қонунни тўла амалга ошириш учун таълимнинг турли шаклларидан фойдаланиш долзарб масала саналади. Жумладан, муҳандислик лойиҳалашда ҳам компьютерлардан фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоси бўлиб қолди. Муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланиш орқали дарс жараёнини қизиқарли ва ўқувчиларга тушунарли тарзда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Муҳандислик графикаси фанларининг барчаси фазовий тасаввур билан боғлиқ бўлиб, бу ҳол одатда талабаларда фанни ўзлаштиришида, керакли билим ва кўникмаларни эгаллашда қийинчилик туғдиради. Масалан, топографик чизмачилик фанида топографик сиртлар билан тўғри чизиқ ва текисликнинг кесишиши ер сиртида текис юза ҳосил қилиш ва тасвирлаш асосларидан фазовий тасаввурнинг фаол ишлашини талаб қилади.

Талабаларга дарс давомида компьютер технологияларидан фойдаланиш ҳаракатли тасвирлар турли хилдаги анимациялар орқали тўғри чизиқ, текислик, кўпёқли, сиртларнинг ўзаро кесишишларини динамик тасвирлар ёрдамида намойиш этиш орқали фанни осон, тез ҳамда мукаммал ўзлаштиришга ёрдам беради. Айни вақтда шундай имкониятларга эга бўлган замонавий график дастурларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан "AutoCAD", "3DMAX", "DipTrase", "TopCAD", "InfrasoftCAD", "ArchiCAD" каби дастурларни мисол қилишимиз мумкин. Аммо бу каби график дастурлардан дарс жараёнида фойдаланиш учун ўқитувчидан компьютер технологиялари соҳасидаги билимга эга бўлишни талаб қилади. Ҳозирги кунда

оммабоп бўлган Microsoft Offess 2007 операцион тизимидан деярли барча профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар таълимда муваффақиятли фойдаланиб келмоқдалар. Ушбу операцион тизим ўз ичига Word, Excel, Outbook, Power Point, Access, Front Page, Photo Draw, Pekture Publisher ларни олади. Microsoft Power Point дастури ҳаракатли, овозли ҳамда эффектли тақдимотлар учун мўлжалланган бўлиб ўқитувчи дарснинг энг муҳим жиҳатларини яъни тўғри чизик ва текисликларнинг ҳаракатлари, кўпёқли ва сиртларнинг кесишиш чизиқлари, тўғри чизиқ ва текисликларнинг изларини топишда унумли фойдаланиш мумкин. Топографик чизмачилик фанида бир тўғри чизиқда ётмаган учта нуқтаси билан берилган текисликнинг горизонтал текисликдаги изини топишни Microsoft Power Point дастуридан фойдаланиб анимацион эффектли тақдимотини бажаришни кўриб чиқамиз. Бунинг учун Microsoft Power Point дастурини юклаб оламиз. Дастур иш ҳолатига келгач иш столидаги фигуралар тўпламидан тўғри тўртбурчакни танлаб оламиз. Эффект для фигуры орқали тўртбурчакни керакли ҳолатга ўзгартирамиз. Бу шакл горизонтал H текисликнинг яққол тасвири бўлади. Надпись ёзув лотинча H ҳарфини ёзиб горизонтал текисликни белгилаймиз (1-расм).




**1-расм.** Горизонтал текислик.

Текисликда ётган A, B, C нуқталарни фазодаги ва H текисликдаги ўрнини A, a(o) B, в(o) C, c(o) Надпись ёзув буйруғидан фойдаланиб ёзамиз. Нуқталарнинг горизонтал H текисликдаги ўрни ва фазодаги ўринлари бош менюда жойлашган линия чизиқ орқали туташтирилади. A, B, C нуқталарнинг фазодаги ва горизонтал текисликдаги проекциялари a(o), в(o), c(o) лар туташтирилади. AB томонининг A, B фазодаги, горизонтал a(o), в(o) туташтирилиб горизонтал изи топилади. C, A ва c(o), a(o) лар туташтирилиб C, A нинг горизонтал изи топилади. B, C томонининг горизонтал изи ҳам шу йўсинда топилади. Топилган учала нуқта туташтирилиб P текисликнинг горизонтал изи Ph ҳосил қилинади. Бажарилган ишни ҳаракатли анимация қилиш учун менюлар қаторидан анимация - настройка анимация босилганда экраннинг ўнг томонида настройка анимация ойнаси очилади. Ушбу ойнадан фойдаланиб ҳар бир қилинган ишни кетма - кетликда ҳаракатлантирамиз. Тўғри чизиқни ҳаракатлантириш учун добавить эффект, выход уголки буйруқлари бажарилади. Настройка анимация ойнасидан направление орқали тўғри чизиқ учун изменение эффекта имкониятларидан фойдаланиб тўғри чизиқни ўнгдан чапга, чапдан ўнгга, юқоридан пастга ёки пастдан юқорига ҳаракатлантириш мумкин. Скорость буйруғидан нуқта, тўғри чизиқ, ёзув ва текисликни тез ва секин ҳаракатланиши бошқарилади. Бош менюдаги заливка фигуры буйруғидан фойдаланиб объектнинг ранги танланади. Контур фигуры буйруғидан фойдаланиб тўғри чизиқнинг ранги, шу ойнадан толщина дан эса тўғри чизиқ қалинлиги танланади. Тўғри чизиқ ҳаракат йўналишини строка ойнасидаги стрелка орқали кўрсатиш мумкин. Настройка анимация ойнасидан просмотр буйруғи орқали натижаларни текшириб кўриш мумкин. Агарда анимациялар кетма - кетлиги бузилса ёки тушириб қолдирилса настройка анимация ойнасидан кетма - кетлиги тузатилади (2 - расм).




**2-расм.** A, B, C Текисликнинг горизонтал изи.

Асоси беш бурчакли пирамида билан текисликнинг кесишиш чизиғини топишни кўриб чиқамиз. Те-

кислик, пирамида қирраларига жойлашган А, С ҳамда горизонтал Н текисликда ётган В нуқталар билан бериган. 2 - расмдан фойдаланиб А, В, С нуқталари билан берилган Р текисликнинг изи Ph ни топамиз. Пирамида қирраларига жойлашган А, С нуқталарни туташтириб Р текисликда ётган тўғри чизиқ деб қабул қиламиз. АС тўғри чизиқ ва унинг горизонтал проекциялари а(о), с(о) давом эттирилиб горизонтал изи Kh топилади. Kh ва В ни туташтирсак Р текисликнинг изи Ph ҳосил бўлади. Р текисликнинг изи Ph пирамида-нинг асосини иккита нуқта орқали кесиб ўтади. АС тўғри чизиқнинг фазодаги ўрни ва унинг горизонтал проекциялари а(о), с(о) давом этиши натижасида ҳосил бўлган чизиқлар Р текисликнинг ҳаракат йўнали-ши бўлади. Пирамиданинг f қиррасидан а(о), с(о) га то Ph ни кесиб ўтгунча параллел тўғри чизиқ ўтказилади. Ph ни кесиб ўтган нуқтасидан АС га параллел тўғри чизиқ ўтказилади то f қиррасини кесиб ўтгунча f қиррасини кесиб ўтган нуқтаси J билан белгиланади t ва n қирраларидаги R ва K нуқталар ҳам шу йўсинда бажарилади. K, J, C, A, R, 1, 2 нуқталар туташтирилса пирамида билан текисликнинг кесишиш чизмаси ҳосил бўлади (3-расм).

Иккинчи расмда бажарилгани сингари Microsoft Power Point дастури бош менюсидан настройка анимация ойнаси орқали тасвирларни ҳаракатли анимация қилиб бажарамиз.



**3- расм.** Пирамида билан текисликнинг изини топиш.

**Хулоса** қилиб айтганда ушбу дастурдан фойдаланиб ҳаракатли анимациялар орқали дарс жараёни ташкил қилинса биз кутган ижобий натижага эришамиз ҳамда талабаларнинг фанга бўлган қизиқиши янада ортиб, ҳатто мустақил равишда етарли билим ва малакаларини эгаллашлари мумкин. Дастурнинг оммабоп эканлиги ундан кўпчилик фойдаланишига имконини беради.

## Адабиётлар

1. Ёдгоров Ж., Нарзуллаев А. Топографик чизмачилик. Ўқув қўлланма. Наманган, "Наманган" нашриёти. 2012. 96 б.
2. Юлдашев У., Мамаражабов М.Э., Мирвалиева К.А. Power Point 97. Ўқув қўлланма. -Т.: "Ўқитувчи" нашриёти. 2001. -32 б.
3. Холмурод Р.И., Лутфуллаев М. Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш. –Тошкент, "Фан". 2003. -63 б.



**Nazokat SAYIDOVA**
Buxoro davlat universiteti axborot texnologiyalari
kafedrasi dotsenti, fizika-matematika fanlari nomzodi

# INNOVATSION TA`LIM TEXNOLOGIYALARINI QO‘LLASHDA MYTEST X DASTURINING IMKONIYATLARIDAN FOYDALANISH

*Maqolada innovatsion texnologiyalarni ta`lim jarayonida qo‘llashda MyTest X dasturining imkoniyatlaridan foydalanish usullari va uning o‘quv - tarbiya jarayonidagi ahamiyati tahlil qilingan.*

***Tayanch tushunchalar:*** *ta`lim metodlari, didaktika, innovatsiya, texnologiya, elektron o‘quv kurslar, dasturiy vositalar, modul, tarmoq, sinov, variant, rejim, element, xotira, versiya, oyna, ekran, tanlov, buyruq, brauzer, internet.*

*В статье рассмотрены роль и значение в учебном процессе возможности программы MyTest X с применением в инновационных технологий образования.*

***Опорные понятия:*** *методы образования, инновация, технология, электронные учебные курсы, программные устройства, модуль, сеть, тест, вариант, режим, элемент, память, версия, окно, экран, выбор, команды, браузер, интернет.*

*The article discusses the role and importance in the educational process of the possibility of the program MyTest X with the use of innovative educational technologies.*

***Key words:*** education methods, innovation, technology, e-learning courses, software devices, module, network, test, option, mode, element, memory, version, window, screen, selection, commands, browser, Internet.

Hozirgi davrda ta`lim jarayonida o‘qitishning zamonaviy metodlarini qo‘llash - o‘qitish jarayonida yuqori samaradorlikka erishishga olib keladi. Ta`lim metodlarini tanlashda har bir darsning didaktik vazifasidan kelib chiqib tanlash maqsadga muvofiq sanaladi. Ta`lim berish jarayonida ta`lim innovatsiyalaridan foydalanish, bugungi internet rivojlangan hamda axborotlashgan jamiyatda ta`lim berishning eng qulay usullaridan biridir.

Ta`lim innovatsiyalari deganda nimani tushunishimiz kerak degan savolga quyidagicha javob berish lozim bo‘ladi. Bu – ta`lim sohasi yoki o‘quv jarayonida mavjud muammoni yangicha yondashuv asosida yechish maqsadida qo‘llanilib, avvalgidan ancha samarali natijani kafolatlay oladigan shakl, metod va texnologiyalardir. Innovatsiyalarning har qanday yangilikdan farqi shundaki, u boshqarish va nazorat qilishga imkon beradigan o‘zgaruvchan mexanizmga ega bo‘lishi zarur.

Elektron o‘quv kurslarni yaratish imkoniyatini beruvchi pedagogik dasturiy vositalardan biri MyTest X dasturidir. MyTest X kompyuter testlarini yaratish, o‘tkazish, natijalarni yig‘ish, tahlil qilish, testda belgilangan miqyosda baholash uchun dasturlarning (talabalar testi dasturi) tizimidir.

MyTest X to‘qqiz turdagi vazifalar bilan ishlaydi: bir tanlovli, ko‘p tanlovli, buyurtma berish, moslashtirish, so‘zlarning haqiqatini yoki noto‘g‘riligini aniqlash, raqamlarni qo‘lda kiritish, qo‘lda matn kiritish, rasmdagi joyni tanlash, harflarning joylashishi.

Ha/yo‘q test turida asosan ishni bajarish bitta tanlov turidan foydalanishni talab qiladi, ya`ni javobda faqat ha yoki yo‘q bo‘lishi mumkin.

Dastur uchta moduldan iborat bo‘lib, bular:

1) test moduli (MyTestStudent).
2) test muharriri (MyTestEditor).
3) test log (MyTestServer).

Bundan tashqari, exe formatida bir martalik testlarni yaratish uchun MyTestBuilder qo‘shimcha moduli ham mavjuddir.

Sinov moduli (MyTestStudent) test sinovlaridan hisoblanadi. Siz tarmoqdagi testni ochib, qabul qilishingiz va testdan o‘tishingiz mumkin. Sinov natijalari, xato signallari, test natijalarining ko‘rsatilishi muharririda ko‘rsatilgan sinov parametrlariga bog‘liq bo‘ladi. Sinovlarni yaratish uchun qulay interfeys bilan juda qulay sinov muharriri (MyTestEditor) mavjud. Tahrirlovchidan foydalanib, siz yangi testni yaratib yoki mavjud bo‘lgan testni o‘zgartirishingiz mumkin. Shuningdek, muharrirda sinov jarayoni konfiguratsiya qilingan: vazifalar va variantlar tartibi, vaqt chegarasi, reyting o‘lchovi va boshqalar. Sinov jurnali (MyTestServer) sinovni yanada qulay tarzda

tashkil qilish imkonini beradi. Shu bilan siz fayllarni tarmoq orqali testlar bilan tarqatishingiz, barcha kompyuterlardan test natijalarini olishingiz va ularni to‘g‘ri shaklda tahlil qilishingiz mumkin.

Dasturda savollarning matnini formatlash va javob variantlari uchun juda ko‘p imkoniyatlar mavjud. Masalan, shriftni, belgini, fonning rangini o‘zgartirish, pastki indekslardan foydalanish, matnni paragraflarga bo‘lish, kengaytirilgan formatlashni qo‘llash, ro‘yxatlardan foydalanish, raqamlar hamda formulalarni kiritishingiz mumkin va hokazo.

Dastur bir nechta mustaqil rejimni ham qo‘llab-quvvatlaydi. Bularga ta‘lim, jazo, bepul va eksklyuziv rejimlarni misol qilishimiz mumkin. O‘qitish rejimida test a‘zosi xatolari haqida xabarlar ko‘rsatadi, topshiriqni kirish va tushuntirishni ko‘rsatish mumkin. Jazo rejimida ballar testdan noto‘g‘ri javob olish uchun olinadi va topshiriqlarni o‘tkazib yuborishingiz mumkin (ballar qo‘shilmaydi yoki olinmaydi). Erkin rejimda savollarga har qanday ketma-ketlikda javob berishi mumkin, har qanday savolga mustaqil ravishda javob berib borish mumkin. Maxsus rejimda dastur oynasi butun ekranni egallaydi va uni minimallashtirish mumkin emas.

MyTest X yordamida siz mahalliy va tarmoq sinovlarini tashkil qilishingiz mumkin. Tarmoqlarni testdan o‘tkazishda test natijalari tarmoq orqali Jurnal moduliga uzatilishi mumkin yoki elektron pochta orqali yuborilishi mumkin.

Dastur bilan o‘rnatish faylining hajmi 3 MB dan kam va yordam bilan birgalikda 5 mbgacha (testlar soniga bog‘liq) hisoblanadi.

MyTest 9 turdagi vazifalar bilan ishlaydi. Bular:

1. Sinovga olingan shaxsga bir necha taklif qilinganlardan bitta javobni tanlash taklif etiladi.

2. Sinov qilingan shaxs bir necha taklif qilinganlardan bir yoki bir nechta javobni tanlashni taklif qiladi.

3. Sinov ostidagi shaxs ro‘yxatni tartiblashtirish uchun taklif etiladi. Buni amalga oshirish uchun, har bir element uchun (javob variant), ochiladigan ro‘yxatidan uning tartib raqamini tanlaydi. Ro‘yxatni ochish menyularga o‘xshaydi. Buzilgan holatda ochiladigan ro‘yxat faqat tanlangan parametrni ko‘rsatadi.

4. Taqqoslanadigan savol hamma taklif qilinadigan variantlardan mos keladigan variantni tanlashni nazarda tutadi. Ya‘ni Ikkita ustun - birinchi ustundagi har bir variant uchun ikkinchi variantdan mos keladigan variantni ko‘rsatish kerak. Elementlarga buyurtma berish yoki ayrim xususiyatlarga ko‘ra har qanday elementlarni guruhlash zarur bo‘lgan hollarda taqqoslash masalasini qo‘llash qulay.

5. Savolga barcha taklif etilgan variantlar uchun "ha", "yo‘q", "bo‘sh" (bilmayman) so‘zini tanlash kiradi. Ro‘yxatni ochish menyularga o‘xshaydi. Buzilgan holatda ochiladigan ro‘yxat faqat tanlangan parametrni ko‘rsatadi.

6. Raqamni qo‘l bilan kiritish savoliga javob sifatida raqam yoki bir nechta sonlarni kiritish kiradi. To‘g‘ri javob, testni yaratishda raqam sifatida yoki raqamli oraliq sifatida ko‘rsatilishi mumkin. Ikkinchidan, sinov muddati ko‘rsatilgan oraliqda bo‘lganda to‘g‘ri javob hisoblanadi. Matnni qo‘lda kiritish savoliga javob sifatida matnli matnni kiritish kiradi.

7. Sinovni yaratishda bir emas, balki bir nechta javobni tanlashingiz mumkin. Agar javob variantlardan kamida bittasi bilan mos keladigan bo‘lsa, javob to‘g‘ri deb hisoblanadi, ya‘ni mumkin harflarni yoki noaniqliklarni kiritish mumkin.

8. Rasmdagi joyning turiga javob berish uchun rasmda nuqta belgilang. Agar belgilangan maydonga tushsa, javob to‘g‘ri. Rasmda siz bir emas, balki bir nechta joyni belgilashingiz mumkin.

9. Ha/Yo‘q bir xil turdagi yagona tanlovdan olinishi mumkin, faqat ikkita variantni qo‘shib qo‘yish mumkin: 1) ha va 2) yo‘q.

Endi esa dasturni o‘rnatish uchun asosan kompyuter yoki flash xotiradan dasturning o‘rnatiladigan versiyasini ochamiz.




**1-rasm.** MyTest X dasturini o‘rnatish ketma-ketligi birinchi qadam.




**2-rasm.** MyTest X dasturini oʻrnatish ketma-ketligi ikkinchi qadam.

“Oldinga” tugmasini bosib dastur shartlariga rozilik bildiramiz. Dastur oʻrnatishni yakunlaymiz va ish stolimizda dastur yorligʻi hosil boʻladi.




**3-rasm.** MyTest X dasturining ishchi oynada koʻrinishi.

Endi asosiy ishga oʻtamiz. Ish stolidan dasturni ishga tushiramiz. Asosiy oyna ochilgandan keyin topshiriqlar boʻlimiga kiramiz. Ekranda quyidagi sahifa ochiladi. Topshiriqlar boʻlimidan Qoʻshish tugmasi ustiga sichqoncha koʻrsatgichini etsak, topshiriq turlari ochiladi.




**4-rasm.** MyTest X dasturining “Задание” menyu osti bandlari.

Topshiriqlar ichidan bir tanlovli buyruqni tanlaymiz. Quyidagi sahifa namoyon boʻladi.



**5-rasm.** MyTest X dasturining bir tanlovli test koʻrinishi.

Savol yozilib, javobi belgilangandan soʻng topshiriqni saqlash tugmasi tanlanadi. Masalan: Oʻzbekiston haqida savol tuzamiz. Toʻgʻri javobni belgilash shart. Toʻg`ri javobga sichqoncha chap tugmasi bilan belgi qoʻyiladi.



**6-rasm.** MyTest X dasturining bir tanlovli testga savollar kiritish.

Topshiriqlar bo‘limidan ko‘p tanlovli testni tanlaymiz.




**7- rasm.** MyTest X dasturining ko‘p tanlovli test ko‘rinishi.

Masalan: O‘zbekiston haqida savol tuzib, topshiriqni saqlash tugmasini ustiga sichqoncha chap tugmasini bosamiz.




**8-rasm.** MyTest X dasturining ko‘p tanlovli testga savollar kiritish.

Endi ketma-ketlikni aniqlash test turini ko‘rib chiqamiz. Buning uchun topshiriqlar bo‘limidan ketma ketlikni ko‘rsatish buyrug`ini tanlaymiz. Quyidagi oyna namoyon bo‘ladi.




**9-rasm.** MyTest X dasturining ketma-ketlikni aniqlash test ko‘rinishi.

Savol va uning javoblari yozilgandan keyin ketma-ketlikni belgilab, topshiriqni saqlash buyrug`ini tanlaymiz. Masalan: raqamlar haqida savol tuzamiz.

Endi esa moslashtirish test turini ko‘rib chiqamiz. Buning uchun topshiriqlar bo‘limidan moslashtirish buyrug`i tanlanadi.




**10-rasm.** MyTest X dasturining moslashtirish test ko‘rinishi.

Savol va uning javoblari yozilgandan so‘ng har bir moslik sonlar belgilash orqali o‘rnatiladi. Masalan: davlatlar haqida savol tuzamiz. To‘g`ri javoblarni belgilab, topshiriqni saqlash buyrug`ini tanlaymiz.

Keyingi test turi “ha” yoki “yo‘q” turi bo‘lib hisoblanadi. Buni bajarish uchun topshiriqlar bo‘limidan “ha” yoki “yo‘q” ya`ni MCQ buyrug`i tanlanadi.




**11- rasm.** MyTest X dasturining “ha” yoki “yo‘q” test turining ko‘rinishi.

Savol tuzamiz va javobini ДА /НЕТ orqali belgilaymiz. Topshiriqni saqlash buyrug`ini tanlaymiz.

Keyingi test turi bu raqamni qo‘lda kiritish. Buning uchun topshiriqlar bo‘limidan raqamni qo‘lda kiritish buyrug`ini tanlaymiz.




**12- rasm.** MyTest X dasturining raqamni qo‘lda kiritish test turining ko‘rinishi.

Keyingi test turi yozuvni qo‘lda kiritish. Bu test turida ishlash uchun topshiriqlar bo‘limidan yozuvni qo‘lda kiritish buyrug`i tanlanadi.

Endigi test turi rasmning qismi bilan ishlashdir. Buning uchun topshiriqlar bo‘limidan rasmning qisimi buyrug`i tanlanadi. Topshiriqqa rasm joylashtiramiz. Fayl ochilgandan keyin, rasmning xohlagan joyida sichqoncha o‘ng tugmasini bosib, rasm qismini belgilash buyrug`ini tanlaymiz. Rasm qismini belgilash buyrug`i tanlangandan keyin, savolda berilgan rasm qismi turli xil figuralar orqali belgilab o‘rnatiladi. Masalan: savol. Koalaning burnini ko‘rsating bo‘lsin.



**13- rasm.** MyTest X dasturining rasmning qismi bilan ishlash test turining ko‘rinishi.

Oxirgi test turi so‘zni to‘g`ri yozishdir. Buning uchun topshiriqlar bo‘limidan harflarni joylashtirish buyrug`i tanlanadi. Topshiriq sharti yoziladi va talab qilinadigan so‘z yoziladi. So‘zning harflari o‘rnini topshiriq saqlangandan so‘ng dasturning o‘zi aralashtiradi.




**14- rasm.** MyTest X dasturining harflarni joylashtirish test turining ko‘rinishi.

Bu dastur ixtiyoriy brauzer va internet bilan ta`minlangan kompyuterda ishlaydi. Bu test dasturida testlarni tuzishda tayyor o‘quv materiallarini yuklash va joylashtirish imkoniyatiga ega. Bundan tashqari, ixtiyoriy test ma-

terialini yaratish, muloqot trenajyorlaridan foydalanib, muloqot turlarini tashkillashtirish, testlar va nazorat qiluvchi topshiriqlarni yaratish mumkin.

**Xulosa** o'rnida shuni ta`kidlash o'rinliki, MyTest X dasturi elektron o'quv kurslarini yaratish uchun qulay bo'lgan test dasturi hisoblanadi. Ta`lim texnologiyalaridan ta`lim jarayonida foydalanishda pedagoglarning vazifasi zamonaviy texnik ta`minotga ega ta`lim muassasalarida talablar darajasida innovatsion ta`lim texnologiyalari asosida yoshlarimizga ta`lim-tarbiya berishdan iborat bo'lmog`i lozim. Demak, har bir pedagog-xodim o'z ustida mukammal ishlashi, o'qitishning yangi innovatsion texnologiyalarini puxta bilishi va o'z faoliyatida har doim joriy etish maqsadga muvofiq bo'ladi.

## Adabiyotlar

1. Абдуқодиров А.А. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография / А.А. Абдукадиров, А.Х. Пардаев; ред. М. Содикова. - Т.: "ФАН", 2009. - 145 б.
2. Раҳимов О.Д., Турғунов О.М., Мустафаев Қ.О. Олий таълимда масофавий ўқитишни ташкил этиш. - Қарши, 2012. - 60 б.
3. http://www.klyaksa.net
4. http://mytest.klyaksa.net



**Akram ABDULAXATOV**
Jizzax davlat pedagogika instituti oʻqituvchisi

# KURASHNI QADRIYAT SIFATIDA OʻRGANISH — ZAMON TALABI

*Kurash oʻzbek xalqining milliy sport turi hisoblanadi. Mazkur maqolada kurashning milliy va umuminsoniy qadriyatlar tizimida tutgan oʻrni tahlil qilingan. Kurashning qadriyat ekanligi, uning tarbiyaviy ahamiyati muhokama qilingan.*

***Kalit soʻzlar:*** *kurash, qadriyat, tarbiya, vosita.*

*Кураш - узбекский национальный вид спорта. В данной статье анализирована роль кураша в системе национальной и общечеловеческой ценности. Обсуждены кураш как вид спорта и его воспитательное значение.*

***Ключевые слова:****кураш, ценность, воспитания, средства.*

*The kurash – is uzbek national sport type.In this article role of the kurash in the system of national and pan-human values are analyzed. Kurash isa type of sports and its educational significance are discussed.*

***Key words:*** *kurash, value, education, implement.*

Milliy va umuminsoniy qadriyatlar - insoniyat tomonidan qadrlanadigan qadriyatlar tizimidir. Qadriyatlar asrlar davomida eʻzozlanib kelinadi. Yoshlarni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalashda turli vositalar va usullardan keng foydalaniladi. Bunday vositalar sirasiga milliy sportimiz boʻlgan kurashni kiritish mumkin.Yosh avlodni jismoniy tarbiyalash va kamol toptirishda kurashning oʻrni kattadir. Tarixiy rivojlanish shuni koʻrsatadiki, kurash qadimdan yosh avlodni har tomonlama tarbiyalash vositasi sifatida qoʻllanilib kelingan. Qadimiy solnomalarda koʻrsatilishicha, eramizdan oldingi davrlarda ham kurash ommaviy musobaqalar tarkibidan munosib oʻrin olgan.

Tarixi uzoq oʻtmishga borib taqaladigan kurash oʻzbek xalqining milliy qadriyatlaridan biridir. Kurash azaldan polvonlarning jismoniy va maʻnaviy yetukligi namunasi sifatida qadrlangan. Kurash asrlar davomida insonning jismoniy va maʻnaviy kamolotga erishish vositasi boʻlib kelgan. Oʻtmishda ajdodlarimiz kurashni “tarbiya maktabi” deb ataganlar. Insonning komilligi uning aqliy, maʻnaviy va jismoniy jihatdan tarbiyalanganligi bilan belgilangan.

Mamlakatimizda kurashni rivojlantirish yuzasidan saʼy-harakatlar jadal rivojlantirib borilmoqda. Bu oʻrinda Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 2-oktabrdagi “Kurash” milliy sport turini yanada rivolantirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Qarori katta ahamiyat kasb etadi. Ushbu qarorda koʻrsatilishicha kelgusida:

- kurashni uch bosqichli sport musobaqalari tarkibiga kiritish;
- kurash milliy sport turi markazlarini tashkil etish;
- kurash boʻyicha respublika va xalqaro musobaqalarni doimiy asosda tashkil etish va oʻtkazish;
- jahon standarti talablariga javob beradigan kurash kiyimlari va gilamlarini ishlab chiqishni tashkil etish kabi dolzarb vazifalar belgilangan.

Kurash allaqachon ommaviy sport turlari qatoridan munosib oʻrin egallagan. Kurash bilan dunyo mamlakatlari oʻgʻil-qizlari muntazam shugʻullanishmoqda. Taʻlim muassasalarida (Oʻzbekiston, Hindiston kabilar) kurash fan sifatida oʻqitilmoqda. Kurashning ilmiy-usuliy asoslari oʻrgatilmoqda. Kurash endilikda umuminsoniy qadriyatlarning rivojlanib borishi tamoyillariga koʻra milliylikdan mintaqaviylikka va undan umuminsoniylikka oʻtdi. Kurash nafaqat milliy qadriyat, balki butun dunyo xalqlariga xizmat qiluvchi umuminsoniy qadriyat darajasiga yetdi. Zero kurashning umuminsoniy qadriyat ekanligi uning tarixiy rivojlanish falsafasi va maʻnaviy asoslarida oʻz aksini topgan.

Talim-tarbiyada milliy va umuminsoniy qadriyatlarni uygʻunlashtirgan holda olib borish barkamol avlod tarbiyasida yaxshi samara beradi. Kurash qoidalari - oʻziga xos tarzda shakllangan boʻlib, bugungi kunda ularning tarixiy asoslari saqlanib qolinmoqda. Unga koʻra, dastlab polvonlarning ismi-sharifi va ularing vatani tanishtiriladi. Bellashuvdan oldin polvonlar gilamga va raqibga nisbatan hurmat bildirib taʻzim qiladi. Kurash qoidalaridagi mazkur element oʻzida katta maʻnoni anglatadi.

Mualliflar kuzatishlari va tahlillari shuni koʻrsatadiki, polvonlarning raqibga, gilamga va tomoshabinlarga nisbatan hurmat bajo keltirib, taʻzim qilishi yuqori darajadagi hurmat maʻnosini bildirib sportda shaxs

tushunchasining qadrlanishini anglatadi. Bu esa, umume'tirof etgan axloq normalari talablariga to'laqonli mos kelib, insonparvarlikni o'zida mujassamlashtiradi. Qoidalardagi yana bir muhim ko'rsatkichlardan biri raqibga nisbatan qo'pollik ishlatmaslik, qoidaga zid xatti-harakatlar qilmaslikdir. "To'xta" ishorasidan so'ng kurashchi harakatni to'xtatishi hamda usullarni davom ettirmasligi qat'iyan talab etiladi. Mazkur jihatlar qoidalarda o'z aksini topgan bo'lib, agar kurashchi qoidalarni buzsa hakam tomonidan ogohlantiriladi. Bundan ko'rinadiki, kurash eng avvalo, tarbiya vositasi sifatida inson va uning sha'nini qadrlaydi.

Kurashning qadriyat sifatidagi ahamiyati va o'rni faqatgina musobaqalarda emas, mashg'ulotlar jarayonida ham aks etadi. Murabbiylar mashg'ulotlar jarayonida kurashchilarning jismoniy tayyorgarligini oshiribgina qolmay, ularni ma'naviy, axloqiy va estetik tarbiyalab boradi. Tozalikka rioya qilish, kurash kiyimlarini, gilamni ozoda saqlash, mashg'ulotlar jarayonida tartib-intizomga rioya qilish, o'zaro hurmat ruhini shakllantirish va albatta, ustozlarga hurmatda bo'lish kerakligi kurashchilarga doimiy ravishda singdirib boriladi. Yoshlarni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalash masalasi xalq pedagogikasi oldida turuvchi doimiy dolzarb vazifa hisoblangan. Ayniqsa, bugungi globallashuv sharoiti yoshlar tarbiyasiga alohida yondashuv va talablar qo'ymoqda. Xususan, ularni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalash muhim masalalardan hisoblanadi. Kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, kurash nafaqat qadriyat sifatida e'zozlanadi, balki salbiy illatlarga qarshi kurashish va salomatlikni mustahkamlash vositasidir. Ushbu fikrlarni quyidagicha izohlash mumkin. Bugungi kunda salbiy illatlar – kashandalik, ichkilikbozlik, narkomaniya, diniy ekstremizm va terrorizm kabilar dunyo xalqlarini tashvishga solmoqda. Mutaxassislarning xulosalariga ko'ra, salbiy illatlarning bosh sababchisi bo'sh vaqtning ko'pligidir. Bizning fikrimizcha sport, xususan, kurash bilan muntazam shug'ullanish yoshlarning bo'sh vaqtini samarali o'tkazishga yordam beradi. Mashg'ulotlardan so'ng shug'ullanuvchilar tabiiy ravishda dam olish va vaqtdan unumli foydalanishga harakat qiladi. Natijada yuqorida ko'rsatilgan salbiy illatlar ta'siriga tushib qolish xavfi yo'qoladi. Shu bilan birga mashg'ulotlarda muntazam ishtirok etish kurashchining salomatligi mustahkamlanishi va irodasi baquvvat bo'lishiga olib keladi. Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov yoshlarga qarata "Biz hech kimdan kam emasmiz, kam ham bo'lmaymiz" – degan fikrlari ham buni tasdiqlaydi. Yani o'zbek xalqi o'z milliy qadriyatlarini saqlagan va rivojlantirgan holda umuminsoniy qadriyatlari rivojiga ham o'z hissasini qo'shmoqda.

Adabiyotlarni o'rganish va ilmiy-pedagogik kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, kurash o'ziga xos sport turi. U faqatgina jismoniy bellashuv manzarasi bo'libgina qolmay, ma'naviy va axloqiy tarbiya vositasi hamdir. Shu sababdan kurash bilan shug'ullanuvchilar o'ziga xos ruhiy, ma'naviy va axloqiy sifatlarga ega bo'ladi. Kurashning yana bir o'ziga xos jihati uning tomoshabopligidir. Kurash musobaqalari jarayonida sportchilar tomonidan murakkab va jozibali usullar qo'llaniladi. Usullarning bajarilishi qanchalik murakkab bo'lmasin, u sportchiga jismoniy va ma'naviy zarar yetkazmaydi. Mutaxassislarning fikricha, kurash sport turlari ichida eng xavfsiz sport turi. Kurash bellashuvlarining boshlanishidan to yakunigacha sportchilar o'zlarining ham jismoniy, ham ma'naviy tayyorgarlik darajasini namoyish qilishadi.

Kurash sportining ijtimoiy-tarbiyaviy ahamiyatini o'rganish, uning milliy va umuminsoniy qadriyat sifatidagi o'rnini o'rganish natijasida quyidagi xulosalarni beramiz:

- kurash inson uchun jismoniy, ma'naviy va axloqiy tarbiya vositasi;
- kurash o'zining tarixiy rivojlanish xususiyatiga ko'ra uzoq davrni bosib o'tgan va xalq irodasi va intilishlari namunasi;
- qadimdan xalqimiz yoshlar tarbiyasida va ijtimoiy turmush tarzida kurashdan keng foydalangan va uni asrab-avaylab kelgan;
- kurash o'zbek xalqi hayotida muhim o'rin tutib, milliy qadriyat darajasiga ko'tarilgan;
- kurash barcha xalqlar va mamlakatlar e'tiqodi, intilishlari va xususiyatlari mosligi sababli umuminsoniy qadriyat darajasida e'tirof etiladi;
- gumanizm, vatanparvarlik va halollik kurashning eng asosiy tayanch ustunlaridan hisoblanadi.

Xulosa o'rnida shuni aytish kerakki, kurash sport turi bo'lishi bilan birgalikda inson ma'naviy va axloqiy tarbiyasi vositasi sanaladi. Kurash mashg'ulotlari va musobaqalari tom ma'nodagi falsafiy asoslarga ega. Uning muhim jihati shundaki, bunda shaxs birinchi o'ringa qo'yiladi. Shu sababdan ham kurash nazariyasi va amaliyotida inson va uning barkamol avlod bo'lib voyaga yetishi uyg'unlashtirilgan.

## Adabiyotlar


1. O'zbekiston Respublikasining "Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida"gi Qonuni. Yangi tahrir, 2015-yil, 4-sentabr.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Kurash" milliy sport turini yanada rivojlantirish chora tadbirlari to'g'risida"gi Qarori. 2017-yil, 2-oktabr.
3. Yusupov K. Kurash xalqaro qoidalari, texnikasi va taktikasi. –Toshkent, 2005. 7-8-betlar.
4. Bobobekov X. va v.b. O'zbek kurashi dovrug'i. – Toshkent, 2002. 42-bet.
5. Tursunov S. va v.b. O'zbek milliy kurashi: tarixi va an'analari. –Termiz, 2015. 86-bet.
6. Muhammedov B., Ismoilov F. Barkamol avlodni voyaga yetkazish sirlari. –Toshkent, 2011. 49- 50 bet.





**Талъат УСМОНХОДЖАЕВ**
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети профессори, педагогика фанлари доктори

**Нуриддин ЧОРШАМБИЕВ**
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети миллий спорт турлари, ўйинлари назарияси ва услубияти кафедраси ўқитувчиси

**Муҳаммаджон РАДЖАПОВ**
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Халқаро кураш турлари назарияси ва услубияти кафедраси ўқитувчиси

# ЁШ КУРАШЧИЛАРДА ТИКЛАНИШ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ШАРҚОНА МАССАЖНИ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

*Тикланиш – машғулот жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, муваффақиятли спорт фаолиятининг мажбурий шартидир. Шундай экан, тикланиш воситалари гуруҳларидан бири шарқона массаж воситалар сифатида киритилган.*

*Тақдим этилаётган мақолада шарқона массажнинг мускул кучи, тонуси ва тикланиш жараёнларига таъсирининг тажриба изланишлари натижалари кўрсатилган.*

***Таянч тушунчалар:*** *тикланиш воситалари, массаж, шарқона усуллар, қўлланиш, натижалар.*

*Восстановление является неотъемлемой частью тренировочного процесса и является обязательным условием успешной спортивной деятельности. Таким образом, одна из групп восстановительных средств включена в качестве восточных массажных средств.*

*В представленной статье представлены результаты экспериментальных исследований влияния восточного массажа на мышечную силу, тонус и процессы восстановления.*

***Базовые понятия:*** *средства восстановления, массаж, восточные методы, применение, результаты.*

*Recovery is an integral part of the training process and is a prerequisite for successful sports activities. Thus, one of the groups of restorative means is included as Oriental massage means.*

*The article presents the results of experimental studies of the influence of Oriental massage on muscle strength, tone and recovery processes.*

***Key words:*** *means of recovery, massage, Oriental methods, application, results.*

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши, айниқса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистонда 2017-2021 йиллар учун жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш дастури болалар ва ёшлар спортига тамомила янгича ёндашиш, илмий асосланган технологиялар асосида истеъдодли спорт захираларини тайёрлаш мактабларини яратиш масалалари ўртага ташланмоқда. Ёш авлодни ҳар томонлама, ақлий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан ривожланишида жисмоний тарбия асосий омиллардан бирини эгаллайди.

Миллий курашдаги юқори малакали спортчиларнинг машғулот ва мусобақа фаолиятига талабларнинг ўсиб бориши, мускуллар иш фаолиятини, айниқса ёш курашчилар спорт машғулотларини илмий усулий асосда ташкил қилиш шарт қилиб қўйилади. Ушбу ҳолат иссиқ иқлимга эга мамлакатларда, айниқса муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолат жисмоний юкламаларни бажаришда организимдаги жараёнлар содир бўлаётгандаги ўзгаришларни мураккаблаштиради. Шунинг учун, ёш спортчиларнинг спорт машғулотлари муаммоларини ҳал этишда иш қобилияти динамикасини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Юқори малакали яккакураш спорт турлари спортчиларнинг машғулотли ва мусобақали фаолиятларининг доимий кўпайиб бориши мускул ишчанлигини ўрганиб боришни шарт қилиб қўймоқда. Спортчилар ишчанлигини ошириш ва рағбатлантириш муаммоларига бағишланган бир нечта қуйидаги муаллиф (Ю.В.Верхошонский 1985; В.П.Филин 1987; В.И.Лях 1988,2004; М.Я.Набатникова 1982; М.А.Годик 1988; А.А.Рихсиева 1988; Г.С.Туманян 1988; В.Н.Платонов 1989; А.А.Бириков 2013; Ф.А.Керимов 2001; Н.А.Тастанов 2017; Р.Д.Халмухамедов 2008; Т.С.Усмонходжаев 1968, 1995, 2009) ва бошқаларнинг ишини таҳлил қилишдан шу нарса аён бўлдики, мускул иши фаолиятини яхшилашда юқори даражада самарали восита.

Ушбу масала иссиқ иқлимли республикаларда ўта аҳамиятли бўлиб қолмоқда, модомики, спорт машғулотлар жараёнида юкламаларни бажарилиши спортчи организмига таъсир этиб, мураккаб ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Шундай экан, спортчиларнинг машғулотлар муаммоларида уларнинг ишчанлик ҳаракатларини тадқиқ этиш, кенг маънода ривожлантириш айни муддао деб тушунмоқ лозим.

Шарқона массаж минг йиллардан бери Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия давлатларида қўлланилиб келинган. Унинг келиб чиқиши тарихи маълумотларга жуда бой.

Ҳозирги вақтда массаждан спорт амалиётида организмни меъёрий фаолиятини тиклантириш мақсадида, мускуллар иш қобилиятини ошириш, шунингдек, бир нечта касалликни даволаш учун фойдаланиб келинмоқда. Унинг амалий аҳамияти бир неча марта хорижий мамлакатлар ҳамда Россияда спорт тиббиёт мутахассислари, спорт соҳасидаги педагог-тренерларга маълум.

Буюк мутафаккирлардан бири , тиббиёт оламини султони Абу Али Ибн Сино ўз даврининг ва ҳозирда ҳам машҳур, файласуф, мавжуд фанларнинг деярли барчаси билан шуғулланган ва уларга оид асарлар яратган қомусий олимдир. Жаҳон маданият бешигини тебратган Ибн Сино нафақат машҳур шифокор, шоир, балки бадан тарбиясининг аҳамияти, ҳаракатли ўйинлар ҳамда спорт турларидан бўлган миллий курашимиз ҳақида ҳам “Тиб қонунлари” асарида етарлича маълумот қолдирган.

“Курашнинг турлари ҳам бир нечадир, дейди у, улардан бири икки курашчининг ҳар бири ўз рақибини белбоғидан ушлаб ўзига тортади, шу билан бирга, курашувчи ўз рақибидан қутулишнинг чорасини кўради, иккинчиси эса уни қўйиб юбормасликка ҳаракат қилади”.(1)

Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” илмий асарида массаж тўғрисида алоҳида бўлим ажратилган, унда массажнинг 4 та тури алоҳида айтилган. У массажнинг амалий таъсирини чуқур англаб, чарчоқни йўқотишда энг муҳим восита ҳамда соғломлаштирувчи тадбирлардан бири деб ҳисоблаган.

Ибн Сино шарқона массаж турларини қуйидагича изоҳлаган: танани кучайтирувчи – мустаҳкамловчи; кучсиз – юмшатувчи, танани бўшаштирувчи; давомли – одамнинг озишига кўмаклашувчи; меъёрий – тананинг равон, чиройли бўлишини таъминловчи; жисмоний машқлар билан дастлабки тайёрловчи; тиклантирувчи ёки тинчлантирувчи (жисмоний машқлардан кейин). Ибн Синонинг аниқлашича тайёрловчи (дастлабки) ва “тиклантирувчи” ҳозирги замон терминалогияларига мувофиқ даволовчи спорт массажига киритилган. Айни шу хусусда Россияда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессори И.М. Саркизов - Серазини “Шарқона массаж шу давргача ўрганилмай тадқиқотсиз қолиб келмоқда, у спорт амалиётида катта аҳамиятга эга”, унинг мислсиз фойдалилиги Кавказда ва Ўрта Осиё халқларига яхши маълум.

Шарқона массажда уқалашнинг бажарилиши бир неча усуллардан иборат бўлиб массаж қилувчи мутахасисснинг тана қисмлари: қўллари, тирсаги, оёқлари билан босиб, оғирлик, куч ҳам ишлатилади.Шундай экан шарқона массаж қадимдан қўлланилиб келинган бўлиб унинг турлари ўзига хос оддий ва мураккаб усуллар ҳисобланиб келинмоқда.

Шарқона массажнинг биринчи усули – а) гавданинг бел ва орқа қисмини силаш усули, елка камарини силаш, б) қўлни кафт қисмигача силаш усул. Расм 1,2,3-расм.

1-расм.



а)

2-расм.



б)

3-расм.



в)

Бизнинг фикримизча, айрим массаж усулларини массаж қилувчи мутахассиснинг кафт бармоқлари билан бажарса бўлади. Талайгина шарқона массажлар гавданинг елка, орқа қисмларини, вена қон томирини оқимига қарши ишлатилади, тананинг пастки қисмлари эса умумий қабул қилинган ва маълум усуллар ёрдамида бажарилади (Т.С.Усмонходжаев – 1968).(8)

Ҳозирги иш ва тадқиқотда ўрганилаётган массаж усуллари баён этилмоқда. Шарқона массаж усуллари асосан қуйидагилардан иборат: силов усули, ишқалов, уқалаш, енгил-елпи қайириш, бўғимларни ишқалаб ишлов бериш, тананинг елка орқа қисмлари ва пастки қисмларидан тос, сонлар, тизза оёқ панжаларининг юқорида айтилган усулларни йўналиши расмларда кўрсатилган.

4-расм. г) 5-расм. д)





Массажнинг иккинчи усуллари:
4-расм. г) оёқ панжасини ишқалаш.
5-расм. 5 д) оёқ болдирини уқалаш.

Шарқона массаж ёш курашчилар билан машғулотлар жараёнида мусобақалар олди ва кейин тадқиқот ўтказиш бинобаринда дастлабки синовдан ўтказиб, массажнинг организимга таъсирини мускул ҳолатини таранг ва бўшашган тонус ҳолати ўлчанди. Бинобарин курашчиларнинг мускул иш фаолияти динамометрда ўлчанди.

Ёш спортчиларнинг барча 3 гуруҳида тинч ҳолатдаги мушаклар тонусининг статистик маълумотлари кўрсаткичлари таҳлилича, кичик ва ўрта гуруҳлардаги ёшга доир фарқлар асосан, пастки қисмга таалуқли бўлган мускулларда намоён бўлади, айниқса чўзилувчан (букилувчан) мускул гуруҳлари. Катта гуруҳдаги ёш курашчиларда мускуллар гуруҳи белгиланган тафовутлар билан сезиларли даражада фарқланади. Лекин катта гуруҳдаги ёшга доир фарқлар букилувчан мушак ва пастки қисмга тегишли бўлган чўзилувчан мускулларда янаям кўпроқ билинади.

Мушак кучи (тонуси)нинг асосий динамик кўрсаткичлари ёш курашчиларнинг ёшга доир хусусиятлари билан боғлиқлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

– Мушак кучининг ошиб бориши бўкса соҳасидаги эгилувчан мускулларга боғлиқлиги кузатилди (кичик ёш гуруҳидаги 75 кг дан ўрта гуруҳнинг 91 кг гача, катта ёш гуруҳидаги 120 кг ва ундан ортиқ);

– Болдир соҳасида эгилувчан мускуллар кучи (тонуси)нинг ошиб бориши кичик ва ўрта ёш гуруҳларида (57 ва 85 кг) заиф ҳолда намоён бўлиб, айниқса катта ёш гуруҳларида (88 кг) юқори қисмга тегишли бўлган мушак кучи (тонуси) барча тўрт букилувчан мускуллар гуруҳи ошиб бориши.

1-жадвал

**Ёш курашчиларда мускул тонусини тинч ҳолатдаги кўрсаткичлари**

| *Кўрсаткичлар* | | *Статик кўрсаткичлар* | *13-14 ёш* | | *15-17 ёш* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | *Бўшашиш ҳолати* | *Таранглашиш ҳолати* | *Бўшашиш ҳолати* | *Таранглашиш ҳолати* |
| Елканинг икки бошли мушаги | Ўнг томон | Кўрсаткичлар сони M±m±G Кўрсаткичи бўйича тебраниши | 105<br>10-61<br>21.2±0.6<br>0±6.32 | -105<br>34-82<br>52.8±0.6<br>2±6.92 | 48<br>10-28<br>19.5±0.4<br>2±3.34 | 48<br>40-67<br>54.7±0.5<br>0±3.56 |
| | Чап томон | Кўрсаткичлар сони M±m±G Кўрсаткичи | 105<br>10-60<br>23.2±0.8 | 105<br>32-90<br>50.8±0.7 | 48<br>10-25<br>17.0±0.1 | 48<br>39-71<br>54.0±0.7 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бўйича тебраниши | 6±9.20 | 0±7.60 | 4±1.0 | 3±5.36 |
| Елканинг уч бошли мушаги | Ўнг томон | Кўрсаткичлар сони M±m±G Кўрсаткичи бўйича тебраниши | 105<br>10-62<br>20.0±0.6<br>0±6.92 | 105<br>24-81<br>48.5±0.8<br>0±8.50 | 51<br>10-81<br>14.9±0.2<br>4±1.58 | 45<br>31-65<br>45.6±0.9<br>0±6.32 |
| | Чап томон | Кўрсаткичлар сони M±m±G Кўрсаткичи бўйича тебраниши | 105<br>10-58<br>20.4±0.6<br>9±6.96 | 105<br>22-80<br>45.2±0.9<br>6±10.40 | 45<br>10-22<br>15.8±0.3<br>0±2.20 | 45<br>30-66<br>44.9±0.7<br>0±5.20 |
| Соннинг тўрт бошли мускули | Ўнг томон | Кўрсаткичлар сони M±m±G Кўрсаткичи бўйича тебраниши | 105<br>13-65<br>29.5±0.7<br>6±8.0 | 105<br>30-86<br>64.2±0.7<br>2±8.0 | 45<br>20-42<br>29.8±0.8<br>0±5.60 | 45<br>42-70<br>32.8±0.6<br>0±4.0 |
| | Чап томон | Кўрсаткичлар сони M±m±G Кўрсаткичи бўйича тебраниши | 105<br>12-64<br>32.4±0.7<br>6±8.0 | 105<br>27-93<br>53.8±0.7<br>6±8.0 | 45<br>20-43<br>31.3±0.7<br>5±4.80 | 45<br>38-74<br>56.0±0.7<br>5±4.80 |

Жадвалдан кўриш мумкинки, мушакларнинг бўшашиши барча ёш гуруҳида 4 асосий бўкса мушаклари гуруҳига тўғри келади. Бу шундан далолат берадики, бу мушаклар бўшашишида бошқа ўрганилаётган мушаклар гуруҳи билан таққослаганда камроқ. Мушаклар бўшашиши ўнг томон мушаклар билан деярли бир хил, чап томонда ҳам шундай. Юқори мушакларнинг таранглашуви сезиларсиз даражада ошиб бориши кузатилади, пастки қисм эса ўрта ёш гуруҳида мушаклар кўрсаткичлари таранглашганда ва бўшашганда бошқа иккала ёш гуруҳларига қараганда паст натижа.

**Мушаклар тонуси ва кучига шарқона уқалашнинг таъсири**

Барча ёш гуруҳларида шарқона уқалашнинг таъсири бир томонлама кўринади: мушак кучи, жисмоний юкламанинг пасайиши, нафақат эришилган, балки, бошланғич кўрсаткичлар ҳам намоён бўлади. Шундай ҳолатда қисқа муддатда қўлланилган шарқона уқалашдан сўнг мушак кучининг ортишини кузата туриб, йўқдан кўра, биз мушакларнинг ишчанлигини тиклашга йўналтирилган шарқона уқалашнинг ижобий таъсирини, белгиларини асосладик.

2-жадвал

**Ёш курашчиларда машғулотлар ва массаждан олдин ҳамда кейин мускул тонусининг кўрсаткичлари**

| *Кўрсаткичлар* | | *Кузатиш даврлари* | *Бўшашиш ҳолати* | | *Таранглашиш ҳолати* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | M±m | ±б | M±m | ±б |
| Елканинг икки бошли мушаги (бицепс) | Ўнг томон | Машғулотдан олдин | 18,5±0,40 | 2,95 | 49,56±0,40 | 3,08 |
| | | Машғулотдан кейин | 18,8±0,34 | 2,52 | 47,6±0,46 | 3,56 |
| | | Массаждан сўнг | 15,6±0,37 | 2,0 | 49,2±0,56 | 4,0 |
| | Чап томон | Машғулотдан олдин | 17,2±0,45 | 3,34 | 48,4±0,50 | 3,60 |
| | | Машғулотдан кейин | 15,4±0,30 | 2,0 | 43,2±0,23 | 1,67 |
| | | Массаждан сўнг | 17,2±0,57 | 2,1 | 48,5±0,60 | 3,64 |
| Елканинг уч бошли мушаги (трицеис) | Ўнг томон | Машғулотдан олдин | 14,8±0,30 | 2,18 | | |
| | | Машғулотдан кейин | 15,4±0,20 | 1,40 | 38,8±0,20 | 1,40 |
| | | Массаждан сўнг | 14,3±0,40 | 2,1 | 40,0±0,80 | 4,20 |
| | Чап томон | Машғулотдан олдин | 14,7±0,30 | 1,54 | 39,1±0,36 | 2,0 |
| | | Машғулотдан кейин | 16,6±0,40 | 2,15 | 42,2±0,54 | 4,0 |
| | | Массаждан сўнг | 14,8±0,3 | 1,66 | 44,4±0,73 | 4,0 |
| | Ўнг томон | Машғулотдан олдин | 26,4±0,34 | 2,52 | 44,8±0,44 | 3,24 |
| | | Машғулотдан кейин | 27,2±0,27 | 2,0 | 48,2±0,44 | 3,20 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Соннинг тўрт бошли мускули | | Массаждан сўнг | 25,0±0,36 | 2,0 | 48,4±0,85 | 4,72 |
| | Чап томон | Машғулотдан олдин | 27,2±0,38 | 2,82 | 47,8±0,54 | 4,0 |
| | | Машғулотдан кейин | 29,0±0,27 | 2,0 | 48,0±0,62 | 4,36 |
| | | Массаждан сўнг | 27,0±0,67 | 3,46 | 51,2±0,67 | 4,0 |

2-жадвал кўрсаткичларидан кўринадики, ёш курашчиларнинг машғулотлардан, уқалашдан олдин ва кейин мускул тонусининг бўшашган ва таранглашиш ҳолатлари ҳар хил. Елканинг икки ва уч бошли мускулларининг ўнг ва чап томон тонуси кўрсаткичлари гўё бир хилдай, тебраниш меъёрлари 14,3±0,40–18,5±0,40. Лекин таранглашиш ҳолатлари деярли юқори, кўрсаткичларнинг тебраниши минимал 38,8±0,20 бўлса, максимали эса 49,56±0,40 га тенг. Шунингдек, тананинг пастки қисмларидан соннинг тўрт бошли мускулларининг ўнг ва чап томонлари ҳам машғулотлар ва массаждан кейин тонусининг бўшашган ва таранглашиш ҳолатларини елка қисмлари мускуллари билан таққослашда уларнинг кўрсаткич бўйича фарқи ўта юқори: муолажалардан олдин ва кейинги кўрсаткичларнинг бўшашиш ҳолатлари 25,0±0,36 – 27,0±0,27 тенг бўлса, таранглашиш тонуси 44,8±0,44 – 51,2±0,67, сигма 4,0 дан иборат.

Тадқиқотларга кўра тайёргарлик машғулотларидан сўнг шарқона массаж натижасида мушаклар тонуси ўзгарди. Бизнинг ва бошқа муаллифларнинг кузатувлари шуни тасдиқлайдики, ўта тайёргарлик машғулотларидан сўнг мушаклар бўшашиши намоён бўлиб, ундан сўнг мушаклар таранглашуви ва ишчанлик лаёқатига эмас, балки ихтиёрий бўшашишга олиб келди, мушаклар қисқариши машғулотлардан сўнг пасайишини жадвалдан кўриш мумкин. Шарқона уқалашни қўллагандан сўнг, мушаклар кучининг сезиларли даражада ошиши ва мушак тонусининг нормал ҳолати тикланади.

**Адабиётлар**


1. Абу Али ибн Сино. Тиббий рисолалар Т.”ФАН”, 1987.
2. Халмухамедов Р.Д. Технология подготовки еднобоецев на этапах годичного цикла Афтореферат дисс.док.пед.наук Т.: 2009.
3. Халмухамедов Р.Д. Абдурасулова Г.Б. К вопросу о восстановленим масса тела у единобоецев на соревновотельных этапах. Сборник научных статьей Т.:1993. с 23.
4. Бирюков А.А. Массаж. Учебник для институтов Физической культуры. М.”ФИС”. 1988.
5. Саркизов-Серазини И.М. Спортивной массаж -М.: “ФИС”. 1964
6. Рихсиева А., Бирюков А. Массаж: поддержание здоровья и восстановление. –Т.: “Медицина” 1988.
7. Файзиев О. Соғломлаштиришнинг шарқона усуллари ёхуд саломатлик фалсафаси. –Т.: ”Фан”. 2007.
8. Усмонходжаев Т.С. Мышечная работоспособностъ школьников в условиях жаркого климата. –М.: 1968.



**Abduhamid NURULLAYEV**
Buxoro davlat universiteti jismoniy madaniyat fakulteti fakultetlararo jismoniy madaniyat va sport kafedrasi o‘qituvchisi

# JISMONIY MADANIYAT VA SPORTNI BOSHQARISH TIZIMI ASOSLARI

*Maqolada jismoniy madaniyat va sport nazariyasi vazifalarni amalga oshirishda jismoniy madaniyat va sport mutaxassislari, talabalar va o`quvchi-yoshlar jismoniy madaniyatini, shuningdek, sportni boshqarish tizimining asoslari haqida fikr yuritilgan*

***Tayanch tushunchalar:*** *Jismoniy madaniyat, sport mutaxassislari, pedagog xodimlar, sog`lomlashtirish*

*В данной статье речь идёт о теоретических основах физической культуры, а также о системе управления преподавания физической культуры и спорта студентам и школьникам .*

***Ключевые понятия:*** *физическая культура , специалисты спорта , педагоги , оздоровление.*

*The article discusses physical culture and sports professionals, students and students in the field of physical culture and sports, as well as the fundamentals of sports management system.*

***Key words:*** *physical culture, sports professionals, pedagogues, health improvement.*

Hozirgi jamiyatda jismoniy madaniyat va sport ijtimoiy hayotning murakkab va ko`p qirrali sohalaridan biri hisoblanadi. Bizningcha, bugungi mustaqil davlatimizda u bir qator muhim va jamiyat taraqqiyoti bilan bog`liq bo`lgan ijtimoiy vazifalarni o`z ichiga oladi. Bularga quyidagilarni misol keltirish mumkin:

- har bir fuqaroning salomatligini saqlash va mustahkamlash va shu orqali millat genofondini yaxshilash;
- butun aholini, ayniqsa o`sib kelayotgan yosh avlodni har tamonlama uyg`un rivojlantirish va tarbiyalash;
- umumxalq jismoniy madaniyatini rivojlantirish;
- mehnat unumdorligini oshirish va jismoniy mehnat qadriyatini ulug`lash;
- zarur holatda Vatan manfaati va chaqirig`iga tayyor turish;
- dunyo hamjamiyati bilan tinchlik, do`stlik va hamkorlik aloqalarini mustahkamlash;
- har bir shaxsning moddiy va ma‘naviy dunyoni anglashi va mustaqil kamolga yetishi va b.

Bunday ijtimoiy-pedagogik vazifalarni amalga oshirishda jismoniy madaniyat va sport mutaxassislari, ya‘ni o`qituvchilar sport murabbiylari va boshqa jismoniy madaniyat harakatini tashkil etuvchi va boshqaruvchilar katta bilim, malaka va ko`nikmalar hamda amaliy tajribalarga ega bo`lishi kerak. Bugungi kunda Respublikamizda jismoniy madaniyat va sportni rivojlantirish uchun yaratilayotgan imkoniyatlar aholi jismoniy madaniyatini oshirish uchun kuchli turtki bo`lib xizmat qilmoqda. Mutaxassis sifatida aytishimiz mumkinki, jismoniy madaniyat va sportni aholi o`rtasida, ayniqsa, talabalar va o`quvchi-yoshlar o`rtasida rivojlantirish uchun davlatimiz sarflayotgan mablag‘, moliyaviy-iqtisodiy va moddiy tovar boyliklari hech bir mamlakatda yo‘q. Eng rivojlanib borayotgan Xitoy, Koreya singari davlatlarda jismoniy madaniyat va sport (JMS) uchun sarflanayotgan mablag`ning 40 % gina davlat byudjetidan sarf qilinadi [1].

Davlatimiz tomonidan yangi, mustaqillik g`oyalari bilan qurollangan, komil shaxsni tarbiyalash dasturi hamisha dolzarb bo‘lib, u bugungi kunning talabini aks ettiradi. Shunga qaramasdan, bozor iqtisodi sharoitida faqat barkamol shaxsni tarbiyalab qolmasdan, uning tashabbuskorlik va tadbirkorlik sifatlari ham rivojlantirish talab etiladi. Bu sifatlarsiz bozor iqtisodi sharoitida shaxsning barkamolligi to‘la yuzaga chiqmaydi.

Boshqaruv fani nazariyachilarining fikriga ko‘ra, boshqarilayotgan tizim qanchalik qiyin bo‘lsa, uning boshqaruvchisiga, ya‘ni menedjeriga shunchalik katta va qattiq talab qo‘yiladi. Chunki uning boshqaruvdagi birgina xatosi butun jamiyat, iqtisodiyot va axloq uchun juda qimmatga tushishi, butun jarayonni to‘xtatib qo‘yishi mumkin [2].

Talabalar va o‘quvchi-yoshlar jismoniy madaniyatini, shuningdek, sportni boshqarish tizimining qiyinligi va unga qo‘yiladigan talabning kuchliligi mustaqillik sharoitida yanada ortib boradi, chunki u talaba va o‘quvchi-yoshlarning salomatligini ta‘minlovchi ijtimoiy, iqtisodiy va profilaktik jarayon hisoblanadi. Ya‘ni yoshlar va umuman xalq salomatligi yurt boyligidir. Bu bugungi kunda hukumatimiz tomonidan olib borilayotgan siyosatning ustuvor yo‘nalishi hisoblanadi. Bu JMS sohasida o‘qituvchilar, menedjerlar imidjining shakllanishi va yanada barqarorlashuvini tezlashtiradi, uning obro‘yini oshiradi va mustaqil faoliyat ko‘rsatishga yo‘naltiradi.

Jismoniy madaniyat va sport o'qituvchilari, murabbiylari va menedjerlarining ilmiy asoslangan faoliyatini boshlang`ich shakllanishiga uning tuman, shahar, viloyat miqyosida olib borgan faoliyatidagi tajribalari asos bo'ladi. Demak, boshqaruv malakalari ham bosqichma-bosqich shakllanib boradi. Boshqaruv san'ati qisqa vaqtda odamlar axloqini, yurish-turishini, mehnatga bo'lgan munosabatini butunlay o'zgartirib yubora olishi mumkin. Buning uchun jismoniy madaniyat va sport mutaxassislari quyidagi insoniy va kasb sifatlariga ega bo'lishi kerak: tashkilotchilik qobilyati; muomala madaniyati, odamlarni tanlay bilish; analiz va tahlil qilish; ishda sog`lom muhit yaratish, har qanday fikrni hurmat qilish, o'z atrofiga ishchan va tashabbuskorlarni to'plab, kuchli jamoa tuzish; odamlarni tushunish, til topa bilish; adolatlilik, o'zaro yordam, huquqiy savodxonlik, ozoda kiyinib yurish, ochiq chehra, odamlarga yordam berishga doim tayyor bo'lib turish, xushqadlik, xushmuomalalik, muntazam mashq qilish, ishonch bilan qadam tashlash, tanqidni o'z foydasiga deb bilish, turli fan asoslari va turli mavzularda suhbatga kirisha olish, yangiliklardan doimo xabardor bo'lib yurish va b. Bu sifatlar talaba va o'quvchi-yoshlar jismoniy madaniyatini samarali boshqara olish bilan birgalikda jamiyatdagi boshqa hayotiy faoliyatlarda ham muhim ahamiyatga ega. Yuqorida bayon etilganlar jismoniy madaniyat va sport mutaxassislari faoliyati mazmunini to'la ochib bermasada, uning faoliyatini baholash mezonlariga ma'lum darajada ta'sir ko'rsatadi. Jismoniy madaniyat va sport mutaxassislari faoliyatining asosini uning kasb qobiliyati to'laroq aks ettiradi, shuningdek, boshqaruvchilik tayyorgarligi ham bunda muhim ahamiyat kasb etadi. Boshqaruvchining faoliyat samaradorligida uning shaxs-insoniy fazilatlari birinchi o'rinda tursa, ikkinchi o'rinda uning shaxs-boshqaruvchilik qobiliyatlari turadi [3].

Jismoniy madaniyat va sport tarmog`ining ijtimoiy sohaga yo'naltirilganligi konsepsiyasidan kelib chiqib, uning jismoniy madaniyat va tarbiyaviy vazifalarni bajarishga qaratilgan ahamiyatini ta'kidlab o'tish lozim. O'z navbatida boshqaruvchi tuman madaniyat va sport ishlari bo'limi boshlig`i quyidagilarni ta'minlashi kerak:

1. Jismoniy madaniyati harakati amaliyotiga ilmiy va amaliy tadqiqot natijalariga asoslangan tavsiyalarni joriy etish.

2. Jismoniy madaniyat darajasini ko'tarish ilk bolalik yoshdan boshlab aholi barcha qatlamlarining jismoniy madaniyat kasb ta'limini, jismoniy tarbiyasini amalga oshirish.

3. Jismoniy va ruhiy fiziologik tiklash, jismoniy madaniy hordiq va boshqa ommaviy tomoshabop va ko'rgazmali tadbirlar orqali jismoniy madaniyatni targ`ibot qilish.

4. Voyaga yetmaganlar va yoshlar o'rtasida sodir etilishi mumkin bo'lgan huquqbuzarliklarni jismoniy madaniyat vositalari orqali oldini olish [4].

Umumlashtirilgan holda JMS mutaxassislarining faoliyatini quyidagicha belgilash mumkin:

Jismoniy madaniyat va sport mutaxassislari alohida yo'nalishga ega bo'lgan tarbiyachi – pedagog bo'lib, u boshqaruv nazariyasi, sotsiologiya, iqtisodiyot, huquq, ijtimoiy psixologiya, estetika, etika va boshqa bilim asoslarini egallagan bo'lishi kerak. Bu kompleks bilimlar yordamida u boshqaruv qarorlarini ishlab chiqish va qabul qilish malaka va ko'nikmalarga ega bo'lib, oxir oqibatda "kim nima qilayapti", "qanday bajarayapti", "kim mas'ul" degan savollarga javob bera olishi kerak. Har bir kishi boshliq yoki ishchi-xizmatchi sifatida boshqaruv jarayonida ishtirok etib kelgan bo'lsa-da ilgari "boshqaruv" yoki "boshqaruvchi", "boshqariluvchi" so'zlarining mazmuniga unchalik e'tibor berilmagan. U jarayon boshliq, ya'ni rahbar va unga, uning ko'rsatmalariga tobe, rioya etuvchi xodimlargina tushunishar edi.

Hozirda esa, ya'ni bozor iqtisodiyoti sharoitida "boshqaruv" va "boshqaruvchi" tushunchalari soha kelajagini belgilovchi, uni yuksak natijalarga olib chiquvchi bilimdon, o'z kasbining ustasi, odamlar bilan ishlay oladigan, yangilikka intiluvchi professional mutaxassislar faoliyati va uning natijasi tushuniladi.

Xulosa qilib aytganda, boshqaruv – bu alohida ishchi, guruh yoki tashkilot faoliyatiga kam kuch sarflab, yuksak natijalarga erishish maqsadida rejali ta'sir qilish jarayonidir.

Aholi, shuningdek, talaba va o'quvchi-yoshlar jismoniy madaniyat harakatini boshqarishning o'ziga xos xususiyatlari bo'lib unga quyidagilarni kiritish mumkin:

-jismoniy madaniyat harakati ta'lim tarbiya va xalq salomatligini saqlash va mustahkamlash bilan bog`liq axloqiy tushuncha bo'lganligi uchun, biz hamisha maqsadga muvofiq ravishda axloqqa oid qarorlarni ishlab chiqishimiz va qabul qilishimiz lozim. Chunki biz tarmoq bo'yicha o'sib kelayotgan yosh avlodni shakllantirish orqali Vatanimiz kelajagi uchun harakat qilamiz.

-jismoniy madaniyat harakatini boshqarish - bu sifat va son ko'rsatkichlari orqali aniq ifodalanadigan fan va san'at natijasi bo'lib, unda odamlar o'rtasidagi o'zaro munosabatlar katta ahamiyatga ega.

-boshqaruv mazmunini aks ettiradigan shaxslararo, davlat va jamoatchilik munosabatlarining birligi, bir-biri bilan bog`liqligi;

- jismoniy madaniyat va sport boshqaruvida jamoatchilikning keng ishtirok etishi;

- jismoniy madaniyat va sport boshqaruv shakllarining muntazam takomillashib borishi, iqtisodiy, ijtimoiy-psixologik, tashkiliy pedagogik usullardan keng foydalanish va b. [5].

Jismoniy madaniyat va sportda yana bir sinalgan va ishonchli usul – bu jismoniy madaniyat va sportni tizimga solib yoki tizimlarga boʻlib boshqarishdir. Tizimli boshqarishning asosiy sharti aloqa va qayta aloqa boʻlib, u tumanlar, shaharlar, viloyatlar oliy va oʻrta maxsus oʻquv yurtlari oʻrtasida aloqa va qayta aloqani oʻrnatib, kuchli va ishonchli boshqaruv tizimini yaratadi. Buning uchun albatta, zamonaviy aloqa vositalari zarur boʻladi. Jismoniy madaniyat va sport boshqaruvida oy, yil va istiqbol davrga moslab maqsad va vazifalar boʻyicha aniq maqsad qoʻyish, maqsadga erishish yoʻlida barcha kuch va imkoniyatlarni safarbar etish muhim ahamiyatga ega.

Jismoniy madaniyat va sport boshqaruvida aholiga sifatli xizmat koʻrsatish yoki xizmat koʻrsatish sifati katta ahamiyatga ega. Mijozlarga imtiyoz berish, targʻibotni kuchaytirish, yaxshi muomala qilish, muntazam aloqa, xodimlarni ishlashga ragʻbatlantirish boshqaruv natijalarining samaradorligiga xizmat qiladi.

Jismoniy madaniyat va sport boshqaruvida mutaxassislarlar xususiyatlarini ikki guruhga boʻlish mumkin.

1-guruh:

- qoʻl ostidagilarga buyruq qiluvchi rahbar – boshqaruvchi;
- misol keltirib, maʻlumot berib, ishontirib boshqarish;

2-guruh:

- harakat rejasini tuzish uchun qoʻl ostidagilarni fikrini eshitadi, maslahat beradi, oladi;
- oʻz vakolatining bir qismini qoʻl ostidagilarga beradi va birgalikda harakat qilish rejasini tuzadi.

Har ikki guruhdagi boshqaruv usullarining ijobiy yoki salbiy tomonlari mavjud. Boshqaruvchining faoliyatida mustaqil harakat qilish yetakchi ahamiyat kasb etishini hisobga olsak, B guruhidagi usullar birmuncha samaraliroq boʻlishi mumkin.

## Adabiyotlar

1. Корнева М.А., Махов А.С., Степанова О.Н. Особенности мотивации спортсменов-инвалидов с поразщением опорно-двигательного аппарата к участию в тренировочном процессе по русскому языку. Теория и практика физ. Культуры, 2014, но. 6, pp. 37–43.

2. Абдумаликов Р. Жисмоний маданият ва спорт ихтисослигидаги талабаларни бошқарувчилик фаолиятларига тайёрлашнинг назарий ва амалий асослари. Монография. –Т.: ЎзДЖТИ нашриёти. 1994.

3. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. -Москва, 1991. -53б.

4. Абдумаликов Р., Абдуллаев А., Норқулов Ш. Жисмоний тарбия таълими илмини такомиллаштириш масалалари. -Т.: 1996.

5. ЎзРВМнинг “Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарори. 2003 йил, 4 ноябрь.

# МАҚОЛАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

- мақола Times New Roman шрифтида 11 катталикда, 1 интервалда қабул қилинади;
- мавзу номи бош ҳарфларда ва қорайтирилган ҳолда, мавзудан сўнг эса муаллиф(лар)нинг Ф.И.Ш. ва иш (ўқиш) жойи тўлиқ келтирилади. Барча маълумотлар **ўзбек, рус, инглиз** тилларида бўлиши шарт;
- мақолага аннотация (мақоланинг мухтасар мазмуни ва мақсади) ва калит сўзлари берилиши **ШАРТ** (ўзбек, рус, инглиз тилларида);
- мақолага ҳавола (сноска)лар [1,2,...] кўринишида ва мақола сўнгида адабиёт сифатида кўрсатилиши лозим;
- расмлар: барча график материаллар (чизма, жадвал, диаграмма, расм) «Расм» ("Расм.") деб араб рақамлари билан қайд этилади. Белги ёки ишоралар – расм остида, кейинги қаторда, ўртада жойлаштирилади ва қорайтирилган шрифт билан белгиланади.
- жадваллар: «Жадвал» сўзи билан ифодаланиб араб рақамлари билан қайд этилади. Жадвалнинг номланиши ва қайд рақами (нуқтасиз) берилади ва ўнг томонга тўғриланади, жадвалнинг номи кейинги қаторда ўртадан қорайтирилган шрифтда ёзилади.
- Мақола ҳажми 6 саҳифадан кам бўлмаслиги шарт;
- мақола илмий асосланган бўлиши ҳамда мақола муаллифидан илмий даражаси юқори бўлган етакчи мутахассис томонидан камида 1 та тақриз ҳамда акт экспертиза билан таҳрир қилинган ҳолда 1 нусха қоғозда ва электрон вариантда топширилади;
- мақоладаги маълумот ва далилларнинг аниқлиги, тўғрилиги ва кўчирмакашликка йўл қўйилмаганлигига муаллиф жавобгардир.
- мақолалар эксперт комиссияси томонидан таҳлил қилинади ва экспертлар томонидан **тавсия этилган мақолалар чоп этилади**;
- мақолалар **ўзбек, рус, инглиз** тилларида қабул қилинади;
- журналнинг 1 та сонида муаллифнинг фақатгина 1 та мақоласи нашр этилади.
- юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар билан таҳрир ҳайъатига мурожаат қилмаслик сўралади.




Buxoro davlat universiteti muassisligidagi
"PEDAGOGIK MAHORAT"
ilmiy-nazariy va metodik jurnali
barcha ta'lim muassasalarini
hamkorlikka chorlaydi.

Pedagoglarning sevimli nashriga aylanib ulgurgan "Pedagogik mahorat" jurnali maktab, kollej, institut va universitet pedagogik jamoasiga muhim qo'llanma sifatida xizmat qilishi shubhasiz.

Mualliflar uchun eslatib o'tamiz, maqola qo'lyozmalari universitet tahririy-nashriyot bo'limida qabul qilinadi.

Manzilimiz: Buxoro shahri, M.Iqbol ko'chasi 11-uy
Buxoro davlat universiteti, 1-bino 2-qavat, 208-xona

**Tahririyat rekvizitlari:**
Moliya vazirligi g`aznachiligi
23402000000100001010
MB BB XKKM Toshkent sh. MFO 00014 INN 201504275
**BuxDU 400110860064017950100079002**

*Pedagogik mahorat: rivojlanamiz va rivojlantiramiz!*

PEDAGOGIK
MAHORAT

**Ilmiy-nazariy va metodik jurnal**

**2019-yil 2-son (66)**

**2001-yil iyul oyidan chiqa boshlagan.**

**OBUNA INDEKSI: 3070**

**Buxoro davlat universiteti nashri**

Jurnal oliy o'quv yurtlarining professor-o'qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar, ilmiy xodimlar, magistrantlar, talabalar, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari hamda maktab o'qituvchilari, shuningdek, keng ommaga mo'ljallangan.

Jurnalda nazariy, ilmiy-metodik, muammoli maqolalar, fan va texnikaga oid yangiliklar, turli xabarlar chop etiladi.

Maqolada keltirilgan faktlarning to'g'riligi uchun mualliflar mas'uldir.

**Nashr uchun mas'ul: Alijon HAMROYEV**

**Muharrir: Фируз Сафаров**

Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi. Chop etish sifati uchun bosmaxona javobgar.

Bosishga ruxsat etildi 29.05.2019
Bosmaxonaga topshirish vaqti 30.05.2019
Qog`oz bichimi: 60x84. 1/8
Tezkor bosma usulda bosildi. Shartli bosma tabog`i – 20,6
Adadi – 100 nusxa
Buyurtma № 106
Bahosi kelishilgan narxda.

"Sadriddin Salim Buxoriy" MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Buxoro shahri M.Iqbol ko'chasi 11-uy.